# “ADABIY MANBASHUNOSLIK VA MATNSHUNOSLIKNING DOLZARB MUAMMOLARI” MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI

*Toshkent shahri,*
*27-oktabr, 2021-yil*



**Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat**
**o‘zbek tili va adabiyoti universiteti**
**Adabiy manbashunoslik va matnshunoslik kafedrasi**

# “ADABIY MANBASHUNOSLIK VA MATNSHUNOSLIKNING DOLZARB MUAMMOLARI” MAVZUSIDAGI RESPUBLIKA ILMIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI

*Toshkent shahri,*
*27-oktabr, 2021-yil*

**MAS’UL MUHARRIR:**
**Rashid Zohidov,**
filologiya fanlari doktori, dotsent

**NASHRGA TAYYORLOVCHILAR:**
**Zilola Shukurova,**
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori
**Azamat Atayev,**
Adabiy manbashunoslik va matnshunoslik kafedrasi o‘qituvchisi,
tayanch doktorant

**MUHARRIR:**
**Manzar Abdulxayrov**
Adabiy manbashunoslik va matnshunoslik kafedrasi dotsenti,
filologiya fanlari doktori

**MUSAHHIH:**
**Sobir Mansurov**
Adabiy manbashunoslik va matnshunoslik kafedrasi
katta o‘qituvchisi

**MATN TERUVCHI:**
**Dilorom Fayziyeva,**
Adabiy manbashunoslik va matnshunoslik kafedrasi o‘qituvchisi

# ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ТИЛ ВАЗИЯТИ

**Содиқов Қосимжон Позилжонович,**
Тошкент давлат шарқшунослик
университети профессори,
филология фанлари доктори

Шарқ тилларининг ўзаро таъсири, адабий алоқалар ва шарқ халқларининг маданий муносабатлари тарихида ҳам Буюк ипак йўлининг ўрни бор. Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоқонликлари, кейинчалик унинг ўрнида юзага келган уйғур хоқонлиги ва давлатларида суғд, хитой тилларига айрича эътибор берилган.

Илк ўрта асрларда Буюк ипак йўлининг Каспий ёқаларидан бошлаб Узоқ Шарққача бўлган чизиғида халқаро мулоқот тили сифатида икки тил етакчилик қилар эди: буларнинг бири суғдча, иккинчиси эса эски туркий тилдир. Бунинг ўзига яраша тарихий, ижтимоий-сиёсий сабаблари мавжуд. Бу, биринчи галда, ана шу минтақадаги тил вазияти, ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан боғлиқ.

Маълумки, буддизмнинг Марказий Осиё халқлари орасида ёйилуви ва турғун бир динга айланувида суғдларнинг хизмати катта бўлган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, илк ўрта асрларда суғд тили ва ёзувининг қўлланув доираси Суғд давлатидан чиқиб Марв, шимолий Бохтар ва улкан турк ўлкалари – Чоч воҳаси, Фарғона, Еттисув, ҳозирги Синжон ерлари ва Марказий Мўғулистонга қадар ёйилган эди. Бу, аввало, Ўрта ва Марказий Осиёдан ўтган савдо карвон йўллари, хусусан, ипак йўлида турклар билан суғдларнинг биргаликда олиб борган фаолияти, шунингдек, уч диний оқим – буддизм, монийлик ва настурийликни ерли халқлар, жумладан, турклар орасида ёйиш йўлида олиб борган уринишлари билан боғлиқ бўлган. Динни ташвиқ қилувчиларнинг катта бир гуруҳи суғд жамоаларидан чиққан. Йирик карвон йўлларида қатнайдиган савдогарларнинг кўпи суғдлардан эди. Савдо йўлларининг ҳар жой-ҳар жойида савдо-сотиқ ишлари ва бошқа юмушлар билан бориб ўша ерларда қолиб кетган кишилардан тузилган суғд жамоалари яшаган.

Буюк ипак йўли ёқаларидан, савдо карвонлари тўхтаб ўтадиган қишлоқлардан кўплаб суғдча ёзма ёдгорликлар ҳам топилган. Суғдча ёзма ёдгорликларнинг асл эгалари суғдларнинг ўзи – савдогарлар, зиёратчилар, сайёҳлар ёки бирон сабаб билан ўша юртларга бориб қолган кишилардир. Бироқ, ёдгорликлар орасида турк муҳитида, турк жамоалари тарафидан яратилганлари ҳам бор.

Бунинг сингари омиллар ҳам, кези келганда, суғд тили мавқеининг ошишига туртки бериб турарди. Шунинг сингари ҳодисалар сабаб бўлиб суғд тили Буюк ипак йўлининг Марказий Осиёни кесиб ўтган чизиғида ўзаро алоқа тилларидан бирига айланиб қолди.

Туркий тилнинг савдо йўлларида миллатлараро алоқа тилига айланишининг эса бошқа бир сабаби бор. Турклар бу кенг тупроқларда ёйилиб яшаган, бу ерларнинг катта бир қисми туркларнинг ҳукмронлиги остида бўлган. Турк хоқонликлари ва давлатларида расмий тил туркий тил эди. Хоқонларнинг ёрлиқлари, давлат тузуклари, йилнома ва тарихий битиглар, илмий ва бадиий адабиёт туркийда яратилган. Ҳатто диний-фалсафий асарларнинг ҳам туркийга ўгирилганлиги айни минтақадаги тил вазияти билан ўлчанадн. Бу ерлардан ўтган карвон йўлларию сайёҳлар дейсизми, турклар билан борди-келдиси бор қўшни юртлар дейсизми, турк ҳукмдорлари билан муроса қилишга, минтақадаги тил вазияти билан келишишга мажбур эдилар. Қолаверса, турк хоқонларининг қўшни давлатлар билан ёзишмалари туркий тилда кечган.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *māṣīn* ликлар ва *ṣīn* ликларнинг алоҳида тиллари бор бўлса ҳам, шаҳарликлар туркчани яхши билардилар. Олимнинг яна таъкидлашича, уларнинг турклар билан ёзишмалари туркчадир (ДЛТ, 25). Бу омиллар, ўз навбатида, карвон йўлларида эски туркий тилнинг мулоқот тили сифатида ишлатилишини таъминлаб берди.

Буюк ипак йўлида ўзаро муносабатларда, юрт ташқарисида олиб борилган савдо-сотиқ ишларида, борди-келди ва расмий-дипломатик муносабатларда хитой тили катта мавқега эришган дея олмаймиз. Шунга қарамай, хитой тили ижтимоий-сиёсий, маданий муносабатлар этикисида қадимги турк ва уйғур хоқонликлари даврида турк ўқимишли кишилари, зодагонлар орасида эътиборли бир тилга айланган эди. Турк ўқимишлилари, давлат арбоблари, ёзувчи ва тарихчилари орасида хитой тилини биладиганлар, хитойча йилномалар, илмий, тарихий-бадиий, диний-фалсафий асарларни мутолаа қиладиганлар ҳам кўп эди. Шунингдек, турк зодагонлари ва ўқимишлилари ичида Хитойда билим олиб қайтганлар ҳам бўлган. Уларнинг кўпи турк давлатларида юқори лавозимларни эгаллаб турган. Ана шундай кишилардан бири Иккинчи кўк турк хоқонлиғи даврида яшаб ўтган улуғ файласуф, тарихчи ва адиб, саркарда ва давлат арбоби Тўнюқуқдир. У Хитойда ҳам таниқли эди. Хитойлар уни Юанчжен деганлар.

Яна бир қирраси, қадимги турк давлатларида монументал матнларни битишда, туркий тил билан баробар, суғд, ора-чора, хитой тилидан ҳам фойдаланилган. Бунинг ёрқин мисолини 732 йили саркарда Кул тигин хотирасига тикланган ёдгорликда кўришимиз мумкин. Ёдгорликнииг тўртала юзида ёзуви бор: Шарққа қараган юзи, икки ёнига кўк турк ҳарфлари билан туркий матн битилган; Ғарбга қараган юзидаги матн эса хитойча (МТА, 26–29).

Ёдгорликдаги туркий матнни кўк турк адабиётининг йирик намояндаси, ёзувчи ва тарихнавис Йўллуғ тигин битган. Хитойча матннинг муаллифи эса хитой генерали Чангдир. Орадан кўп вақт ўтмай, 735 йили Билга хоқон хотирасига тикланган ёдгорликда ҳам хитой тили эътибордан четда қолгани йўқ. Ушбу қабртошнинг Шарққа қараган юзи ва икки ёнидаги матн туркий тилда. Ғарбга қараган юзида эса хитойча матннинг қолдиқлари

бор (МТА,73, 94–95). Бироқ, тош парчаланиб кетгани учун хитойча ёзуви анча зарар кўрган.

Марказий Осиё минтақасида, хусусан, қадимги турк давлатларида уч тилли ёдгорликлар ҳам яратилган. Шулардан бири 3- Қорабалғасун битигидир. Тўқуз ўғуз (уйғур) хоқони Алп Билга хотирасига атаб 820–821 йилларда ўрнатилган ушбу ёдгорликнинг матни уч тилда: туркий, суғдча ва хитойчада (МТА, 222–226).

Кўринадики, турк муҳитида монументал матнларни бирйўла нуфузли тилларнинг бир нечтасида битиш анъанаси илк ўрта асрларда узоқ давом этган.

Буюк ипак йўли туфайли Осиё халқлари орасида кенг ёйилган динлардан бири буддизмдир. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда юз берган маданий эврилишлар буддизмнинг тарихи билан боғланади. Буддизм қадимги Ҳиндистондан Ўрта Осиёга кириб келгач, Буюк ипак йўлига тушиб олди ва бу имконият унинг келгуси такомилини белгилаб берди. Унинг бошқа мамлакатларга кириб бориши ва қудратли бир динга айланувида Буюк ипак йўлининг аҳамияти каттадир.

Буддизм Буюк ипак йўли орқали Ўрта Осиёдан Хитойга ўтди, у ердан Осиёнинг бошқа элларига ёйилди. Буддизмнинг кейинги такомилида унинг илкин йўли, Ўрта Осиё орқали ўтганлигининг таъсири бор.

Марказий Осиё халқларининг ёзув маданияти тарихида ҳам Буюк ипак йўлининг таъсири катта. Буни милоддан бурунги чоғларда ва илк ўрта асрларда амал қилган ёзувлар, айниқса, оромий ёзув тармоғининг тарихий такомилида, бу тизимга кирувчи ёзувларнинг юзага келишида ёрқин кузатишимиз мумкин. Оромий тизимидаги ёзувларнинг тарихий такомили, бу тармоқнинг Марказий Осиё бўйлаб ёйилуви ҳам бевосита ипак йўли ва унинг эткисида юзага келган ижтимоий-сиёсий, маданий жараёнлар билан боғликдир. Марказий Осиё халқлари орасида кечган ижтимоий-сиёсий, маданий муносабатлар, савдо алоқалари туфайли оромий ёзуви кенг қулоч ёйди. Милоддан бурунги юзйилликлардаёқ ерли халқлар оромий алифбоси негизида ўз тилларининг фонетик қолипига тушадиган янги ёзувларни ярата бошладилар. Авесто, қадимги хоразмий, суғд, моний ёзувлари (*қаранг :* Исхаков 2008) оромий алифбоси негизида юзага келган ана шундай миллий ёзувлардан эди. Кейинчалик бу тизим янги бир ёзув билан бойиди: тахминан V–VI юзйилликларда (ундан бурунроқ ҳам бўлиши мумкин) кунимизда «уйғур ёзуви» деб аталаётган қадимги турк алифбоси шаклланди.

Фанда уйғур хати суғд алифбоси негизида юзага келган, деб қаралади. Шундайми ёки у тўғридан-тўғри оромий алифбосидан тармоқ отганми, келгусида янги кўзқарашлар ўртага ташланса, ажабмас. Нима бўлганда ҳам, турклар бу ёзувни яратишда суғдларнинг оромий ёзувини ўзлаштиришдаги амалий тажрибаларидан фойдалангани аниқ.

Уйғур ёзувининг юзага келиш тарихини муайян давр ёки бирон-бир ёзма ёдгорликка боғлаб бўлмайди. Унинг шаклланиши деганда, Буюк ипак йўлидаги халқларнинг маданий, ижтимоий-сиёсий муносабатлари таъсирида

ёзув амалиётида юз берган ўзгаришларни, оромий алифбосининг туркчалашувини тушунмоқ керак. Бу жараён бир алифбонинг бошқа бир тилнинг фонетик тизимига механик равишда мослашуви ҳам эмас. У узоқ тарихий ва график тараққиёт босқичини ўз ичига олади.

Уйғур хати мустақил алифбо сифатида ўз тараққиёт йўлини бошлагандан кейин ҳам узоқ давр мобайнида оромий тизимидаги бошқа ёзувлар, хусусан, суғд хати билан ёнма-ён қўлланилган. Иккала ёзув ҳам бу даврда бир-бири билан яқин боғланишда бўлиб, бунинг таъсирида ўзларининг график такомил чўққисига кўтарилдилар. Қизиғи шундаки, сўнгги босқич суғд хатида битилган матнлар палеографик жиҳатдан уйғур хатига яқин туради. Шунингдек, кейинги даврларнинг суғдча матнларида уйғур хатига хос бўлган ёзув хусусиятларини кузатишимиз мумкин. Бундай ҳодиса ёзувлар тарихида учрайвермайди. У суғд тили ҳамда ёзувининг туркий тиллар таъсирида янги босқичга кирганлиги билан белгиланади. Демак, қадимги турклар ўз ёзув амалиётида бошда суғдлардан фойдаланган бўлсалар, кейинчалик акс таъсир жараёни юз берган: суғдлар туркларнинг ёзув яратишдаги тажрибаларидан фойдаланган.

Шундай қилиб, Буюк ипак йўли Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг маданий ҳаёти, ёзув маданиятига, шарқ тилларининг ривожи, диний қарашлар тарихига катта таъсир кўрсатди. Фалсафий фикрлар бирлигини таъминлаб берди. Ўрта асрларда Марказий Осиёда юз берган улуғ юксалишларда унинг таъсири оз эмаслигини унутмаслик керак.

VI–VIII юзйилликларда бир чегараси Олтойдан тортиб марказий Мўғулистонга қадар, иккинчи ёғи Синжон ерларидан тортиб Каспийга қадар улкан ҳудудда амал қилган Биринчи ва Иккинчи кўк турк хоқонликларининг расмий тили туркий тил эди. Салтанатнинг давлат ва жамият бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлари, расмий ёзишмалар туркий тилда олиб борилган. Расман кўк турк ёзуви амалда бўлган. Бадиий адабиёт, илмий ва тарихий асарлар, хонларнинг тузуклари, ёрлиқлари ва чет эллар билан ёзишмалари туркий тилда ва кўк турк ёзувида битилган.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида туркий тилнинг илк ўрта асрлардаги обрў-эътибори, бошқа тиллар ўртасидаги мавқеи, Ўрта ва Марказий Осиёдаги тил вазияти тўғрисида тўла маълумот берган эди. У туркий тилнинг Шарқ дунёсидаги мавқеи хусусида тўхталиб, уни «араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб ўзиб бораётган турк тили» дея улуғлаган (ДЛТ, 15).

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида туркий қавмларнинг ерлашуви, бу ўлкалардаги халқларнинг тиллари тўғрисида ҳам кенг маълумот беради.

Асарда таъкидланишича, *Rūm* га яқин биринчи қабила *päčänäk,* сўнг *qïwčaq,* сўнг *oγuz,* сўнг *yämäk,* сўнг *bašγïrt,* сўнг *basmïl,* сўнг *qay,* сўнг *yabaqu,* сўнг *tatar,* сўнг *qïrqïz* келади. *Qïrqïz* лар *Ṣīn* яқинидадирлар. Бу қабилалар ҳаммаси *Rūm* дан кун чиқаргача чўзилгандир.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида Ер юзи харитасини ҳам келтирган. Ушбу харитада юқорида тилга олинган юртлар Ғарбдан Шарққа томон чўзилган.

Муаллиф яна давом этади: Сўнг *čigil,* сўнг *tuxsï,* сўнг *yaγma*, сўнг *ïγraq*, сўнг *čaruq,* сўнг *čumul,* сўнг *uγγur*, сўнг *taŋut,* сўнг *xïtay. Xïtay – Ṣīn* дир. Сўнгра *Tawγač;* бу *Māṣīn* дир (ДЛТ, 24).

«Девону луғати-т-турк» асарига киритилган харитада бу қабилаларнинг юртлари Жануб билан Шимол ўртасида берилган.

Турк элларининг чегаралари тўғрисида ҳам Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қарашлари бор. Чунончи, у *Qaz* атоқли отига изоҳ берар экан, ёзади:

«*Qaz – Afrāsiyāb* қизининг оти. *Qazvïn* шаҳрини у қурган. Бу сўзнинг асли *qaz oynï* – «ғоз ўйналадиган жой» демакдир. Чунки у шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар *Qazvïn* ни турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Шунингдек, *Qum* шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки *qum* туркча сўздир. *Afrāsiyāb* нинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк ўлкалари *Marvaš-šāhijān* дан бошланишини сўзлайдилар. Чунки *Qaz* нинг отаси *Toŋa Alp er – Afrāsiyāb* дир. У Таҳмурасдан уч юз йил кейин *Marv* ни бино қилган.

Баъзилар бутун *Māvarāu-n-nahr* ни турк ўлкаларидан деб ҳисоблаганлар. У *Yenkänd* дан бошланади. Унинг яна бир оти *Dïzrutïn* дир. Яъни сариқлигига ишора қилиб, «Мис шаҳри» дейишган. Бу *Buxārā* га яқиндир. Бу ерда *Afrāsiyāb* нинг қизи – *Qaz* нинг эри *Sïyavuš* ўлдирилган. Маъжусий-оташпарастлар ҳар йили бир кун бу ерга келиб, *Sïyavuš* бўлган жой теварагида йиғлайдилар. Моллар сўйиб, қурбонлик қиладилар. Сўйилган мол қонини унинг мозори тепасига тўкадилар. Уларнинг одати шундай. Бутун *Māvarāu-n-nahr, Yenkänd* дан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, *Samarqand* аслида *Semizkänd, Taškänd,* бу – *Šaš* дир, *Özkänd, Tunkänd* отларининг ҳаммаси туркчадир; *känd* туркча «шаҳар» демакдир. Улар бу шаҳарларни қуришган ва шундай отлар билан аташган. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгач, сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган. Ҳозир турк ўлкаларининг чегараси *Äbisgün* денгизи билан ўралган. *Rūm* ўлкасидан ва *Özjänd* дан *Ṣīn* гача чўзилади. Узунлиги беш минг фарсах, эни уч минг фарсах, ҳаммаси саккиз минг фарсахдир» (ДЛТ, 374).

Маҳмуд Кошғарийнинг «Бутун *Māvarāu-n-nahr, Yenkänd* дан Шарққача бўлган ўлкаларни турк шаҳарларидан деб ҳисоблашнинг асоси шуки, *Samarqand* аслида *Semizkänd, Taškänd,* бу – *Šaš* дир, *Özkänd, Tunkänd* отларининг ҳаммаси туркчадир; *känd* туркча «шаҳар» демакдир. Улар бу шаҳарларни қуришган ва шундай отлар билан аташган. Ҳозиргача ҳам шундай келмоқда. Бу ерларда форслар кўпайгач, сўнг улар Ажам шаҳарлари каби бўлган» деган маълумотлари Мовароуннаҳрнинг санаб ўтилган ўлкалари турклар томонидан бунёд этилгани, жой отлари бошлаб туркийда бўлиб, кейинчалик эса форсча атаб кетилганлигидан далолат беради

(Қадимги *Yinčü ögüz* ни кейинчалик *Сирдарё, Keš (~Käš)* ни *Шаҳрисабз* деб атаб кетилганлиги бунга ёрқин мисолдир).

VI–VIII юзйилликларда бир ёғи Олтойдан тортиб ҳозирги Мўғулистон тупроқларини қамраган, иккинчи ёғи Синжондан Каспийга қадар улкан ҳудудда ҳукмронлик қилган Биринчи ва Иккинчи турк хоқонликларининг давлат тили туркий тил, расмий ёзув эса кўк турк хати эди. Хоқонликларнинг давлат ва жамият бошқаруви, чет эллар билан кечган халқаро дипломатик муносабатлари, расмий ёзишмалари туркий тилда ва кўк турк ёзувида олиб борилган. Туркий тил ҳатто Буюк ипак йўли бўйлаб халқаро тил сифатида ҳам қўлланар эди. Кейинчалик хоқонликлар ўрнида юзага келган туркий давлатларда ҳам адабий тил анъанаси сақланди.

Кўк турк хоқонликларининг айрим ўлкаларида, хоқонликка қўшни юртларда, турклар билан аралаш яшайдиган бошқа қавмлар ичида ерли халқ эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда икки тиллилик ҳам амал қилган. Лекин бу ўлкаларда қўштиллилик (билингвизм) ҳодисаси ялпи ёйилган эмас, у айрим ҳудудлар билан чегараланган эди, холос. Масалан, Суғдда ва хоқонлик ҳудудидаги суғдлар кўчиб келиб ўрнашган айрим кентларда, суғд-турк қўштиллилиги, қадимги Тоҳаристон ва ҳозирги Синжон бўйлаб чўзилган ипак йўлидаги айрим кент ва қишлоқларда тоҳар-турк, Хоразм тупроқларида эса хоразм-турк қўштиллилиги амал қилган дея оламиз (*қаранг:* Содиқов 2006, 43–48). Қадимги тил вазиятида қўштиллилик тўғрисида сўз юритилиб, унинг доирасини ўрганганда режани ана шунга қараб тортиш керак бўлади.

Лекин шу ўринда, матн кўптиллилиги (бу ерда икки тилли, уч тилли эпиграфик ёдгорликлар назарда тутилаётир) билан жамоа орасидаги билингвизм ҳодисасини қориштирмаслик керак.

Қадимги хоразм-турк қўштиллилиги устида сўз юритилаётганининг сабаби, кўҳна Хоразм тупроқларида икки халқ аралаш яшаган: бири, хоразм тилида сўзлашувчилар, иккинчиси эса, туркий қавмлар. Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида Хоразм ўлкасида яшовчи туркларни *köčüt* деб атаган эди. Унинг ёзишича: «*köčüt – Xvārazm* да турувчи турклар»дир (ДЛТ, 144). Кейинчалик, бу ҳудудда хоразм тилининг мавқеи торайиб, секин-аста истеъмолдан чиқа бошлади.

Ҳозирги ўзбек-хоразм шеваларининг луғат қатламида, шунингдек, Хоразм ўлкасидаги, Қорақалпоғистондаги жой ва сув отларининг айримларида қадимги хоразм тилига тегишли сўзлар сақланиб қолган.

XI юзйилликда яшаб ўтган тилшунос Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *Balasaγun, Ṭīrāz, Madīnatu-l-bayḍa* шаҳарларининг халқлари суғдча ва туркча сўзлаганлар (ДЛТ, 25).

Ушбу факт икки масалага эътибор қаратишни тақазо этади: биринчидан, бу ўринда шу ўлкаларда икки тилда сўзлашувчи икки халқ яшаганлиги; иккинчидан эса, бу ўлка халқларининг (*suγdaq, käńčäk, arγu* ларнинг) икки тилда сўзлашганлиги кўзда тутилмоқда.

Маълумки, кўк турк, уйғур хоқонликлари ва қорахонийлар даврида бу ўлкаларда турклар билан бирга бошқа юртдан келиб ўрнашиб қолган суғдлар

ҳам яшар эди. Ёзма манбаларда ана шу келиб ўрнашган халқлардаги иккитиллилик тўғрисида сўз боради. Масалан, Маҳмуд Кошғарий *suγdaq* (яъни, суғд) халқини икки тилда сўзлашувчилар деб таъкидлаганда (ДЛТ, 25), туркларнинг эмас, суғдларнинг икки тилли эканлигини назарда тутган эди.

Маҳмуд Кошғарий юзйилликлар оша Марказий Осиё тупроғида яшаб келган этник гуруҳлар ва уларнинг тиллари тўғрисида ҳам аниқ-таниқ маълумотлар келтирган. Жумладан, у мазкур ўлкаларда яшовчи *suγdaq, käńčäk, arγu* ларни «икки тилда сўзлашувчилар» дея таъкидлайди. Унинг ёзишича, *xotan* ликлар, *tüpüt* лар ва *taŋut* ларнинг баъзилари каби икки тилда сўзлайдиганлар ва бошқа шаҳарларга бориб юрганлар тилида бузуқлик бор. Булар бу ерларга сўнгроқ келишган (ДЛТ, 25).

Кошғарий тибетлар ва хўтанликлар тўғрисида сўз юритади. Унинг урғулашича, *tüpüt* ларнинг тиллари алоҳида. Шунингдек, *xotan* ликларнинг ҳам айрим ёзувлари ва айрим тиллари бор. *Tüpüt* лар ҳам, *xotan* ликлар ҳам туркчани яхши билмайдилар (ДЛТ, 25).

Кўк турк, уйғур хоқонликлари ва қорахонийлар даврида Баласағун халқи икки тилли эди. Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *balasaγun* ликлар суғдча ва туркча сўзлаганлар (ДЛТ, 25).

Баласағун халқи икки тилли эканлигининг боиси, бу ерда турклар билан бирга суғдлар ҳам яшаган. Қорахонийлар даврига келиб, бу ердаги суғдларнинг турклашув жараёни юз бера бошлаган кўринади. Маҳмуд Кошғарий *suγdaq* (яъни, «суғд») этнонимига изоҳ бера туриб: «*Suγdaq* – *Balasaγun* да жойлашган бир қавм. Улар *Samarqand* ва *Buxārā* ўртасидаги *Suγd* дан бўлиб, кейин турклашиб кетган кишилар» деб ёзган эди (ДЛТ, 187).

Олим кошғарликлар тўғрисида маълумот берар экан, «*Kāšγar* да канчакча сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар «хоқония туркчаси»да сўзлайдилар» деб ёзади (ДЛТ, 25). Бундан англашиладики, Кошғар теварагида канчаклар яшайдиган қишлоқлар ҳам бўлган ва улар икки тилли эди. Шаҳар ичидагилар эса туркий адабий тилда («хоқоний туркчаси»да) сўзлаганлар.

Муҳими шундаки, Маҳмуд Кошғарий *käńčäk* ларни туркларнинг бир тоифаси деб таърифлайди (ДЛТ, 190). Шунга кўра, девонда ишлатилган «канчакча» атамасини туркий шеваларнинг бирига хос деб қараш мумкин.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


*ДЛТ – Маҳмуд Кошғарий.* Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қ. Содиқов. – Тошкент, 2017.

*Исхаков 2008 – Исхаков М.* Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. Древность и раннее средневековье. – Ташкент, 2008.

*MTA* – Moğolistandaki Türk Anıtları Projesi Albümü. Hazırlayanlar: O.F. Sertkaya, C. Alyılmaz, T. Battulga. – Ankara, 2001.

*Содиқов 2006 – Содиқов Қ.* Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент, 2006.

# “МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” АСАРИНИНГ ҚАДИМ ЛУҒАТШУНОСЛИК ТАРИХИДАГИ ЎРНИ

**Исломов Заҳид Маҳмудович,**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори,
профессор, филология фанлари доктори

Маҳмуд Замахшарий “Муқаддамату-л-адаб” асарининг луғат қисмлари киритилган дунё фондларидаги 100 яқин нодир қўлёзмаларини дастлабки ўрганиш улар орасида Хоразмда кўчирилган ёки хоразмлик котиблар китобат қилган қўлёзмалар кўплиги аниқланди. Мазкур қўлёзмаларнинг асосий қисми хорижий мамлакатларда сақланмоқда. Эътиборли жиҳати уларнинг китобат даврининг қадимийлиги ва сўзликка туркий муодилларнинг киритилганлиги ҳисобланади.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг тарихи кўрсатилган энг қадимий қўлёзмасининг Хоразм нусхаси Туркиянинг Ёзгат шаҳрида Маориф кутубхонаси фондида 396 ҳужжат рақами остида сақланган ҳозирда Истамбулдаги Сулаймония кутубхонаси хазинасига кўчирилган манба саналади. Ушбу манба шу кунга қадар тадқиқотларда ўзи сақланган жой номи билан “Ёзгат” қўлёзмаси сифатида зикр қилинган. Ундаги маълумотга кўра, бу қўлёзма 655 ҳижрий йил, учинчи жумаду-л-аввал шанба, яъни 1257 йил 27 май куни Хоразмда котиб Иброҳим бин Маҳмуд Суфи Муаззин томонидан кўчирилган. Шу сабабли туркий сўзлик киритилган мазкур қўлёзмани “Ёзгат” деб эмас, “Хоразм” нусхаси деб аташ илмий нуқтаи назардан тўғри бўлади.

Хоразм қўлёзмасининг дастлабки варақларига Қуръоннинг Нуҳ ва Жин сураларидан парчалар ёзилган. Асарнинг муқаддима қисми тушиб қолган. Асосий матн исмлар қисми ”тупроқ”бобининг “маъдан” фаслидаги وشاح – *виша:ҳун,* ميان بند – *мийа:н банд,* قرين باغى – *қарин бағи* сўзи билан бошланган. Исмлар қисмининг матни тўлиқ, лекин махсус колофон кўринишида шакллантирилмаган. Феъллар қисми тўртбурчак нақшли унвон билан бошланган, унга كتاب الأفعال – *кита:бу-л-афъа:л* мазмунидаги ёзув киритилган. Асарнинг ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлари тугал асардек бисмилло билан бошланиб, хотима билан тугаган. Арабий матн йирик сулс-насх хатида, қора сиёҳда ҳаракатлар билан ёзилган. Боб, фасл сўзлари сарлавҳа тарзида қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма матнидаги сўзларда учраган ظ ، ط ، ض ،ص ذ ، د ، ز ، ر каби ҳарфлар остига нуқта қўйилган. Туркий, форсий сўзлик матнида ҳам ҳаракатли ўринлар учрайди. Асар матни 347 варақдан иборат бўлиб, ҳар саҳифага етти қатордан матн битилган.

Хоразм қўлёзмасидаги туркий жумлаларнинг сўз тартиби асарнинг бошқа қўлёзмаларидаги туркий сўзлик тартибидан фарқланади. Масалан, арабий هنأه الطعام – *ҳана’аҳу-т-таъа:му* жумласи асарнинг “А”, “В”, “Г”

нусхаларида سینکدی انکا اش – *сингди анга аш*, Хоразм нусхасида эса طعام سنکدی نضحه بالماء انکا – *таъа:м сингди анга* шаклида берилган. Яна бир мисол, арабий – *надаҳаҳу би-л-ма:‘и* ибораси “А” нусхада اوردی انی سو بیرلا – *урди ани сув бирла*, “В”, “Г” нусхаларида سبتی انکا سف نی – *сэпти анга* сувни тарзида изоҳланган. Бу жумла тавсифланаётган Хоразм қўлёзмасида سف برلا اوردی – *сув бирла урди* кўринишида келтирилган. Мазкур қўлёзма ўзининг қадимийлиги, туркий сўзликнинг нодирлиги жиҳатидан ҳам алоҳида тадқиқот объекти бўлиши зарур. Асар матни катта ҳажмли хотима-колофон билан тугаган.

Китобат даврининг қадимийлиги жиҳатидан навбатдаги қўлёзма Доғистондаги Тарих, тил ва адабиёт институти фондида 117 сақланиш рақами остида сақланаётган “Муқаддамату-л-адаб”нинг арабча-форсча-туркийча сўзлик киритилган уч тилли қўлёзмаси ҳисобланади. Бу нодир нусханинг хотимасидаги маълумотга кўра у 731 ҳижрий, 1330 милодий йили Хоразмда котиб Маҳмуд бин Юсуф Саббоғий Саробий томонидан кўчирилган. Унга муқаддима (1б-3б), исмлар (4а-64б) ва феъллар қисмлари (65а-246б) киритилган[1]. Қўлёзманинг кириш қисмидаги маълумотга кўра мазкур нодир нусха 1940 йил Габшимин масжидидаги қўлёзмалар орасидан Р. Муҳамедов томонидан ажратиб олинган.

Асар матниниг арабча сўзлиги йирик насх хатида қора сиёҳда берилган. Форсий сўзлик унинг остига турли йўналишларда майда насх хатида киритилган. Котиб туркий сўзликнинг аҳамиятини таъкидлаш мақсадида уни қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатган ва қадимий услубдаги майда насх хатида кўчирган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг яна бир нодир Хоразм нусхаси Туркиядаги Дамад Иброҳим Пошша кутубхонасидаги 1149 рақамли қўлёзма ҳисобланади. Қўлёзманинг дастлабки саҳифаларига Дамад Иброҳимнинг шахсий муҳри, унинг вақфига тегишли муҳрлар урилган. У муқаддима билан бошланган. Муқаддиманинг арабий матни остида сатрма-сатр форсий таржимаси ҳам берилган. Исмлар, феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлар тўлиқ, ўзига хос колофон билан якунланган. Асосий арабий матн йирик насх хатида, форсий матн эса настаълиқда қора сиёҳ билан берилган. Барча сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган. Ҳарфлар қисмининг бошланишидаги айрим сўзларнинг остига арабий изоҳи берилган. Ҳар бир саҳифага 7 сатрдан матн жойлаштирилган.

Мазкур ноёб қўлёзма Хоразмда машҳур “Ал-Байда” мадрасасида Ибодуллоҳ Муҳаммад бин Юсуф Саройи қўли билан битилган. Китобат тарихи ҳижрий 738 йил шаъбон ойининг бошлари, яъни 1388 йил февраль ойининг охири деб кўрсатилган. Ҳозирда бу қўлёзма Сулаймония кутубхонаси фондида сақланади.

[1] Katalog arabskix rukopisey institute istorii, yazika i literature Dagestanskogo filial AN SSSR (Catalog of Arabic manuscripts at the Institute of History, Language and Literature of the Dagestan Branch of the USSR Academy of Sciences). –Moskva, 1977, pp. 26-27.

Истамбулдаги Археология музейи қўлёзма фондида 1619 сақланиш рақамида рўйхатга олинган қўлёзма “Муқаддамату-л-адаб”нинг муҳим нусхаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур қўлёзмани Закий Валидий Тўғон “Олтин Ўрда” нусхаси деб атайди[2]. Бу қўлёзма асарнинг тўлиқ нусхаси бўлиб, унга мавжуд қисмларнинг барчаси киритилган. Асарнинг бошланиши, исмлар билан феъллар қисмларининг ораси, қўлёзманинг охирида араб ва форс тилларида ёзилган рисолалар бор. Улардан бири “Хуросон устози” деб аталмиш Аҳмад бин Маҳмуд бин Муҳаммад Нисопурийнинг мусиқа илмига оид рисоласидир. Қўлёзманинг ҳар бир қисми бисмилло билан бошланиб, тамма билан тугаган. Сарлавҳа қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма ҳошиясига кўплаб тўлдиришлар киритилган, китоб соҳибларининг муҳрлари урилган. Ҳар бир саҳифага 15 қатордан матн жойлаштирилган. Форсий матн қора, туркий матн қизил сиёҳда настаълиқ хатида битилган. Қўлёзманинг ҳажми 201 варақдан иборат. Қўлёзма таркибидаги биринчи – исмлар қисми Дамад Иброҳим Пошша кутубхонасидаги 1149 рақамли юқоридаги қўлёзма котиби Ҳибатуллоҳ Саройи қўли билан Эски Сарой шаҳрида 10 муҳаррам 741 ҳижрий йил, милодий 1340 йил 6 июль куни ёзилган. Асарнинг иккинчи – феъллар қисми ҳам айнан шу котиб томонидан 740 ҳижрий йил шаввол ойининг бошларида, милодий 1340 йил апрель ойида тугатилган. Ҳарфлар қисмининг китобат тарихи ҳам қўлёзма сўнгида кўрсатилган. У 26 муҳаррам 741 ҳижрий, яъни 1340 йил 12 июлда ёзилган. Қўлёзма таркибидаги асар қисмларининг кўчирилиш тарихи феъллар қисмининг дастлаб кўчирилганлигини, сўнгра исмлар ҳамда ҳарфлар қисмлари ёзилганлигини кўрсатади. Асар таркибига арабий, форсий, туркий сўзлик матни киритилган.

Туркиянинг Миллат кутубхонаси фондидаги 2009 сақланиш рақамли қўлёзма 749 ҳижрий, 1348 милодий йили Хоразмга қарашли Сирдарё ҳавзасининг қуйи оқимидаги Хоразмшоҳларнинг ғарбий қалъаси Жанд шаҳрида Мавлоно Ҳисомуддин Жандий томонидан кўчирилган. Арабий, форсий, туркий сўзлик матнлари киритилган бу қўлёзмадаги туркий сўзлик ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради.

Истанбулдаги Тўпқопи саройи қўлёзмалар фонди таркибига кирган Аҳмад III кутубхонасидаги XIII–XIV асрларда кўчирилган 2243 рақамли қўлёзма, мазкур кутубхонадаги Шамс Хивақий томонидан кўчирилган 2470 сақланиш рақамли XIV аср нусхаси, шунингдек, 2741 рақамли арабча-форсча-туркий сўзлик киритилган қўлёзма, буларнинг барчаси “Муқаддамату-л-адаб” матнини илмий таҳлил қилиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу қўлёзмалар ёзув хусусияти, китобат услубига кўра Ўрта Осиё ҳудудидаги минтақаларда китобат қилинган, улар туркий тил трихини ўрганиш бўйича муҳим манбалар сифатида илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

[2]Togan Z.V. Zimahseri’nin Dog‘u Turkcesi ile “Mukaddimatu’l-Edeb” I [“Mukaddimatu’l-Edeb” – Zimahseri’s East turkic dictionary]. Turk Medeniyati – Turkish Civilization, 1965, no 14, p 84.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг Хоразм билан боғлиқ яна бир муҳим қўлёзмаси Сулаймония кутубхонасида сақланувчи 648 рақамли Ҳожи Башир Оға нусхаси саналади.

У муқаддима билан бошланган. Арабий матн остида муқаддиманинг форсий таржимаси ҳам берилган. Қўлёзманинг дастлабки саҳифаларига турли шаклдаги муҳрлар урилган. Улар орасида Ҳожи Башир Оғанинг шахсий ва вақфига тегишли муҳрлари ҳам бор. Асосий матндан олдинги варақларда бошқа асарлардан бўлаклар келтирилган ва мазкур қўлёзма Ҳожи Башир Оға қўлига ўтганлиги ҳақида ёзув ҳам битилган.

Исмлар қисми матни муқаддимага уланиб кетган. Унда Хадича Турхон қўлёзмаси матнидаги каби шартли қисқартмалар берилган. Исмлар қисми мукаммал колофон билан тугатилган. Қўлёзмадаги феъллар қисми тўлиқ берилган. Унинг колофонида асар Аҳмад бин Муҳаммад Шамсу-л-Хивақий Кубравий томонидан 8-сафар 797 ҳижрий йил (милодий 2 декабрь 1394 йили) Мисрда ёзилганлиги кўрсатилган. Колофон ёнида эса бу қўлёзма асарнинг Хоразм олимлари томонидан кўриб чиқилган нусхалар билан Мисрда 797 йил 9 рабиу-л-аввал (милодий 1395 йил 3 январь) куни қиёсланганлиги ҳақида ёзув бор. Қўлёзманинг ҳар бир саҳифасига 13 қатордан матн жойлаштирилган.

Феъллар қисми тугагандан сўнг асарнинг муқаддимаси қайтадан кўчирилган. Сўнгра исмлар қисмининг матни тўлиқ қайта келтирилган. Унинг таркибига туркий сўзлик ҳам киритилган. Исмлар қисмининг ҳошиясига кўплаб тўлдиришлар, грамматик қоидалар, ҳадислардан намуналар, шеърий парчалар ёзилган. Қўлёзманинг бу қисми ҳам анчагина қадимий бўлиб, матн сўнгида унинг ҳижрий 749 (милодий 1348) йил кўчирилганлиги кўрсатилган. Саҳифага 8 қатордан матн киритилган. Ёзув услуби, китобат хусусиятларига кўра, бу қисм олдинги қисмга нисбатан илгарироқ кўчирилган.

Демак, “Муқаддамату-л-адаб”нинг Ҳожи Башир Оға қўлёзмаси таркибига икки нодир нусхаси киритилган. Унинг таркибидаги қадимги туркий сўзлик Хоразмда китобат қилинган манбалар билан қиёсланганлиги билан муҳим илмий аҳамиятга эга.

Асарнинг диққатга лойиқ қўлёзмаларидан яна бири сифатида Туркиянинг Маниса кутубхонасидаги 2850 сақланиш рақамли нусхани келтириш мумкин. Бу қўлёзма Дамад Иброҳим Пошша кутубхонаси, Археология музейи фондидаги манбалар сингари Ҳибатуллоҳ бин Қосим бин Аҳмад бин Масъуд бин Ҳисомуддин Саройи томонидан Амир Мурод бин Амир Шоҳин бин Амир Иззуддин саройидаги кутубхона учун махсус кўчирилган сарой нусхаси ҳисобланади.

Қўлёзманинг бошланиш қисмидан бир неча варақ тушиб қолган. Асар муқаддиманинг خطبائهم ومترسليهم وشعرائهم – *хутаба:иҳим ва мутарсили:ҳим ва шуъара:иҳим* сўзлари билан бошланган. Исмлар қисми тўлиқ кўчирилган. Феъллар қисми бисмилло билан бошланган, матни тўлиқ. Қўлёзманинг бошланиши ҳамда охирги варағига Маниса кутубхонасининг юмалоқ муҳри

урилган. Муқаддимадаги ёзувга кўра, мазкур қўлёзма Аламий Али Афандининг вақфига кирган – وقف مرحوم علمی علی افندی. Қўлёзма ҳошияларига кўплаб тўлдиришлар, грамматик изоҳлар киритилган. Арабий сўзлик матни йирик насх хатида, форсий сўзлик матни эса сатрлар оралиғига настаълиқ хатида ёзилган. Ҳар бир саҳифага 9 қатордан матн жойлаштирилган. Қўлёзманинг жами ҳажми 270 варақдан иборат. Асарнинг мазкур нусхаси 800 ҳижрий йилнинг 25 рамазону-л-муборак, сешанба (милодий 1398 йил 12 июнь) куни ёзиб тугатилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг арабча-хоразмийча нусхаси Кўния нусхаси номи билан илмий истифодага кирган. Бу қўлёзма Юсуф Оға кутубхонасида дастлаб 1755, сўнгра 6919, ҳозирги кунда 5010 инвентар рақами остида сақланмоқда. Қўлёзманинг бошланиш қисми нуқсонли бўлиб, у исмлар қисмининг қариндош-уруғчиликка бағишланган бобидаги عم– *аммун* – “амаки” сўзи билан бошланган.

Асарнинг исмлар қисми анъанавий хотима билан тугаган. Исмлар қисмининг умумий ҳажми 31 варақни ташкил этади. Феъллар қисмининг матни тўлиқ сақланган. Исмлар ва феъллар қисмларида ҳар бир саҳифага 8 қатордан матн жойлаштирилган. Арабий сўз мақолаларининг араб ёзувидаги хоразмий муодили сатрлар орасига ёзилган. Мазкур қисмларнинг хотимасида уларнинг китобат тарихи кўрсатилган эмас. Қўлёзмани илмий ўрганиш, китобат хусусиятларини таҳлил этиш уни XII асрга оид деб ҳисоблашга асос бўла олади. Бундан ташқари, асарнинг арабий матни XII–XIII аср қўлёзмалари хатига ўхшаш йирик сулс-насх ёзув услубида ёзилган. Бу далил ҳам қўлёзманинг қадимийлигига ишора қилади.

Қўлёзма таркибига асарнинг учинчи – ҳарфлар, тўртинчи – исмларнинг турланиши, бешинчи – феълларнинг тусланиши қисмлари ҳам киритилган. Мазкур қисмлар дастлабки қисмлар ёзувига нисбатан кичикроқ, лекин қадимий ёзув услубида битилган. Сарлавҳалар йирик, сулс-насх хатида ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма матни билан танишиш унинг ўта моҳир хаттот томонидан кўчирилганлигини кўрсатади. Қўлёзманинг охири ҳам нуқсонли. Нусхадан асардаги феълларнинг тусланишига бағишланган бешинчи қисм таркибига кирган ўтган, ҳозирги-келаси замон, буйруқ майлига бағишланган боблар, шунингдек, масдар, аниқ ва мажҳул даража сифатдошлари, сифат даражалари, макон ва замонни англатувчи исмлар қисмлари тушиб қолган. Қўлёзма ҳамзали феъллар фасли билан тугаган.

Закий Валидий Тўғон илк бор 1927 йили мазкур қўлёзма матни билан танишган ва 1948 йили уни тадқиқ эта бошлаган. У 1951 йили Истамбулда “Хоразмча таржимали “Муқаддамату-л-адаб” китобини нашр этади. Китоб таркибига “Кўния” қўлёзмасининг факсимиль нашри ва у ҳақидаги қисқача мақола киритилган. Олим факсимиль нусханинг ҳошиясида Ветштейн нашр этган “Замахшарийнинг арабча-форсча луғати” асарининг саҳифаларини “Ғ”

ҳарфи, Исҳоқ Ҳожа Аҳмад Афандининг “Ақса ал-араб фи таржимати Муқаддимат ал-адаб” асари саҳифаларини “Т” ҳарфи билан кўрсатган[3].

Англиядаги Британия музейида “Муқаддамату-л-адаб”нинг учта нодир қўлёзмаси сақланмоқда. Муҳим илмий аҳамиятга эга нусхалардан бири 7429 сақланиш рақами остидаги қўлёзма бўлиб феъллар қисмидангина иборат бу нусха таркибига арабий, форсий, туркий сўзлик киритилган. Бундан ташқари, хоразмийча сўзлик киритилган ўринлари ҳам учрайди[4]. Қўлёзма 760/1359 йили кўчирилган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг Хоразмга оид қўлёзмалари Францияда ҳам мавжуд. Париж миллий кутубхонасида Anquetil 34 рақамли қўлёзма (Paris Supplement turk 287) “Муқаддамату-л-адаб”нинг қадимий, нодир қўлёзмаларидан бири сақланади. Арабий-туркий сўзлик киритилган икки тилли бу қўлёзмага асарнинг иккинчи – феъллар қисми киритилган. Арабий сўзлик матни ўртача катталикдаги насх хатида битилган. Қўлёзма таркибидаги туркий сўзликка келсак, у асарнинг Тошкент нусхаларидаги туркий сўзликка жуда яқин келади. Масалан, Тошкент нусхаларидаги арабий أنشأ يفعل كذا – *анша’а йафъалу каза:* ибораси يانقى قيلادور فلان ايشنى – *йанқи қиладур фалан ишни*, بشلادى فلان ايش قيلو – *башлади фалан иш қилу*, قيلو بشلادى اول ايشنى – *қилу башлади ул ишни*, Париж нусхасида قيلو بشلادى فلان نايرسانى – *қилу башлади фалан на эрсани*, Ёзгат нусхасида قيلو بشلادى فلان ايشنى– *қилу башлади фалан ишни* тарзида берилган. Нусханинг ҳар саҳифасига 9 қатордан матн киритилган. Қўлёзма хатининг қадимийлиги, ундаги туркий сўзликнинг китобат хусусиятларига кўра, бу нусха XII–XIII асрларда Хоразмда китобат этилган, деб ҳисоблаш мумкин. Мазкур қўлёзма “Муқаддамату-л-адаб”нинг муҳим манбаларидан бири бўлиб, йиғма туркий сўзлик матнини тузишда қимматли маълумотлар беради.

Умуман, “Муқаддамату-л-адаб”нинг Хоразм қўлёзмаларининг барчаси бир-биридан муҳим, нодир манбалар ҳисобланади. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур қўлёзмаларнинг туркий сўзлиги ўзининг қадимийлиги билан ажралиб туради. Уларнинг юртимизга олиб келиниши, тадқиқ этилиши маданиятимиз,тилимиз, фанимиз тарихи, маънавий меросимиз сарчашмаларини аниқлаш, уларни тадқиқ этиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Katalog arabskix rukopisey institute istorii, yazika i literature Dagestanskogo filial AN SSSR (Catalog of Arabic manuscripts at the Institute of History, Language and Literature of the Dagestan Branch of the USSR Academy of Sciences). – Moskva, 1977.

[3]Togan Z..V. Horezmce Tercumeli Muqaddimat al-adab (Khorezm translation “Muqaddamatu-l-adab”), Istanbul, 1951, 5 p.

[4] Togan Z..V. Horezmce Tercumeli Muqaddimat al-adab (Khorezm translation “Muqaddamatu-l-adab”), Istanbul, 1951, 6 p.

2. Poppe N.N. Mongolskiy slovar “Muqaddamatu-l-adab” I. II. – Moskva, 1938.

3. The Muqaddimat al-Adab:A Facsimile Reprodution of the Quadrilingual Manuscript (Arabic, Persian, Chagatay and Mongol). – Tokyo, 2008.

4. Togan Z.V. Zimahseri’nin Dog‘u Turkcesi ile “Mukaddimatu’l-Edeb” I [“Mukaddimatu’l-Edeb” – Zimahseri’s East turkic dictionary]. Turk Medeniyati – Turkish Civilization, 1965, no 14.

5. Togan Z..V. Horezmce Tercumeli Muqaddimat al-adab (Khorezm translation “Muqaddamatu-l-adab”). – Istanbul, 1951.

# “САБОТУЛ ОЖИЗИН” ШАРҲЛАРИ ТАДҚИҚИ

**Зоҳидов Рашид Фозилович,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Адабий манбашунослик ва матншунослик
кафедраси мудири, филология фанлари доктори

Ҳижрий 1221/1806 йилда қозонлик олим Тожуддин Ёлчиқул ўғли “Саботул ожизин” асарига “Рисолаи Азиза” номли шарҳ ёзган.

Салоҳиддин Салимийнинг “Иршодул оъизин” (тўлиқ номи: "ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين"“Саботул ожизин” шарҳида муҳтожларга кўрсатма”) китоби XX аср бошида Қозонда чоп қилинган.

Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон Фарғоний томонидан ҳижрий 1388/1968 йил Кобул шаҳрида ёзилган “Ҳидоятут толибин” номли шарҳ.

Адаб илмида мумтоз матнларга нисбатан “Ал-мужазул мўъжиз” ( الموجز المعجز) деган ибора ишлатилади. “*Ўзи қисқа ва ихчам-у лекин мўъжизакор*” деган маънони ифодаловчи бу ибора бизга нима учун сал кам уч юз йил ичида “Саботул ожизин” асарига ҳар бири мустақил асар мақомида бўлган учта шарҳ китобининг ёзилиш заруратини изоҳлашга ёрдам беради. Иборанинг биринчи бўлаги – “мужаз” шаклга, иккинчи бўлаги – “мўъжиз” мазмунга алоқадор.

Хўш, байтларнинг мазмуни билан боғлиқ жиҳатлар уч асрдан зиёдроқ вақт мобайнида кашф этилаётган экан, шундай салмоқли маъноларни тақдим этишда мужаз шаклнинг аҳамияти қанча? Фазилат сифатида саналаётган лўнда ва ихчам шаклнинг ҳар томонлама мувозин бўлишини таъминлайдиган қонун-қоидалар нималардан иборат? “Саботул ожизин”нинг шу қоидаларга мувофиқлиги қай даражада?

Шу жиҳатдан олиб қаралса, “Саботул ожизин”нинг ҳар учала шарҳида кўпроқ тарбиявий йўналиш мақсад қилинган. Масалан, “Оллоҳ таолони танимоқ баёни” бўлимидаги қуйидаги

*“Недур қуллуқ, ани муштоқи бўлмоқ,*
*Ўзидин фони Ҳақға боқи бўлмоқ”*

байтининг “Рисолаи Азиза”даги шарҳини кузатайлик: “Сендан сўралсаки, бандачалик нимадир? Сен айтгилки, бандачиликнинг асли банда бўлган киши ўзни фоний билиб, Тангри Таолони боқий билмоқдин иборатдир. Яъни ҳар ким ўзни фоний билса, Тангрини таниган бўлади. Чунки фоний бўлган кишилар, албатта, дунё зийнатларидан, нафс шаҳватларидан безганлардир. Ҳақиқатан ҳам бу фоний ашёларга алданмоқ боқий неъматлардан қолмоқликка сабабдир”.

Шарҳда байтнинг умумий мазмуни изоҳланган. Мазмунда ифодаланган маъно ўқувчига нималарни қилиб, нималарни қилмаслиги ҳақида хабар беряпти. Тарбиявий йўналишдаги бу хабарни ўқувчи сўз сувратида қабул қилади ва уни статик ҳолатида хотирига жойлайди. Агар байт мазмуни шакл

билан уйғунликда тадқиқ қилинганида эди, сўзлар ҳаракатга келиб, манзаралар динамикаси ҳосил бўлар, мазмун жонлироқ кўриниш оларди. Фикримизни мисоллар ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Тўрт гапдан таркиб топган байт тингловчи диққатини ўзига тортиш учун сўроқ жумла билан бошланяпти. Эга ва кесим муносабатига кўра, гапда иккинчи ўринда туриши керак бўлган “надур” сўзининг “қуллуқ”дан олдин келиши фақат назм ва вазн талаби учун эмас. Саволнинг бу тарзда берилиши олдинроқ бўлиб ўтган “савол-жавоб”нинг давоми эканига ишора. Сал илгари байт воқелигида устоз ва шогирд мулоқоти кечган. “Яратувчига қуллик” маъносини етарлича илғай олмаётган шогирдини устоз ҳушёрликка чорлаб: “Оллоҳга қуллик” нима ўзи, биласанми?! – деган савол билан эътиборини тортяпти. Саволнинг жиддийлиги шу даражадаки, устоз ҳеч қандай боғловчи, изоҳловчиларсиз, шу оннинг ўзида, кечиктирмасдан, ўзи берган саволга ўзи жавоб қиляпти ва бу байтдаги иккинчи жумла: “Ани муштоқи бўлмоқ”. Яъни “Яратувчига қуллик” дегани бу – Унга етишни қаттиқ хоҳлашдир. Арабча “муштоқ” сўзининг ўзаги “шавқ” (масдари – *иштиёқ*) бўлиб, ўзбек тилида *қаттиқ хоҳиш* маъносини англатади. Саволга берилган жавобни шогирд тўла тушуниб етмади. Албатта, шогирднинг бу ҳолати байтда акс этмаган. Бироқ дабдурустдан берилган жавобнинг шогирд учун кутилмаганлиги зукко устозга аён эди. Балки у навбатдаги маънони айтишга вазият туғдириш учун шогирдни шу кўйга солгандир. Ҳар ҳолда у жавобини изоҳлашга ўтди ва бу байтдаги учинчи жумла: “Ўзидан фоний”, яъни Яратувчини қаттиқ хоҳлаган банда ўзини унутади, гўё шахс сифатида йўқолади. Устознинг бу жавоблари шогирдга етарли эди, лекин устоз мантиқни тамомига етказишни хоҳлади ва бу байтдаги тўртинчи жумла: “Ҳақға боқий бўлмоқ”, яъни дунёнинг фонийлигини англаб, Ҳақнинг боқийлигини топади. *Кетиш* қаергадир *боришни* тақозо қилади. Кетиладиган маскан – ўзлик, бориладиган макон – Ҳақ таолонинг ёди. Ўзликда ўткинчи дунёга боғлиқлик яширин. Муваққат бўлса-да, ўзидаги шу боғлиқликни уза олган банда Ҳақ муҳаббатининг боқийлигини ҳис қилади.

Уч асрдан бери олимлар эътиборини тортиб келаётган “Саботул ожизин” асарининг ўрганилиш тарихида “Ҳидоятут толибин” шарҳи марказий ўринни эгаллайди. “Ҳидоятут толибин”ни бошқа шарҳлардан ажратиб турувчи бош хусусият шарҳ ва изоҳларнинг илмий асосга қурилганидир. “Саботул ожизин” мутоаласида ўқувчини ўйга толдирадиган, ҳатто “Сабот”хонлар орасида ўзаро баҳсга сабаб бўлган бир байт бор:

*“Қилиб ғабро мадорин зиммайи ҳут,*
*Бани Одамға андин қисм этар қут*”.[5]

Бу байт “Рисолаи Азиза”да шундай шарҳланган: “Яъни Оллоҳ таоло ернинг аслини балиқ устига қўйди. Шу балиқ устидаги ерларда Оллоҳ одам болаларига ризқ улашиб, бирининг ризқини кенг, баъзиникини тор қилди. Чунончи, Зухруф сурасининг 32-ояти бунга далилдир”.

[5] Илмий-танқидий матн. 1-3.

“Иршодул оъизин”даги изоҳ: “Ернинг касларун балиқ бўйинда қилуб, ул ердан бани Одамға ризқ тақсим эдар, зироатлар эдиб, вақтли вақтинда емишлар-ла ризқландирмоқ каби”[6].

Энди “Ҳидоятут толибин”даги шарҳга қулоқ тутайлик: “Ерни мадору турушини балиқ устида қилиб, бани Одамга андаги наботот ва самарот ва ҳайвонотдин ризқу рўзи насиб этар. “Руҳул маъоний” соҳиби сурайи “Нун” тафсирида дерки, баъзилардин ривоятдурки, “нун” ерни ани устига қўйулган бир балиққи, ани оти “Яҳмут”дур. Бу хусусда Зиёйи Мақдисий “Мухтор”да ва Ҳоким ва бошқалар бир ҳадис Ибн Аббос розийоллоҳу анҳумадин ривоят этибдурларки, Оллоҳ таоло “нун”ни яратди. Сўнгра ерни ани устиға ёйилди ва қўйулди. Бас, балиқ қимирлаб изтироб этди, бас ер ҳам қимирлади ва ҳаракатга келди. Бас, тоғлар бирлан маҳкам даствор этилди. Сўнгра Ибн аббос розийоллоҳу анҳумо: " ... ن * و القلم " (“Қалам” сураси 1-2-оятлар)ни ўқудилар. Ва бу тафсир Мужоҳид раҳимаҳуллоҳдин ҳам ривоятдур. Сўнгра соҳиби “Баҳр”дин нақл этиб дерки, шояд “нун” ҳарфини ҳуруфи ҳижодин бир ҳарф оти эканидан, бошқа тамом эҳтимолотлар сиҳатга етмагандур. Ва бу сўзни Алусий ҳам таъйид этибдур. Аҳли кашфлардин Саййидий Абдулазиз Даббоғ ҳазратларидин “Абриз”да ерни шамол устида муаллақ эканини нақл битибдур. Бу сўз бу кунги иктишофот асрида маълум бўлган ерни муаллақлигиға мувофиқдур. Ва Оллоҳни камоли қудратиға далолат қилур”[7]

Аввалги иккита шарҳда байт мазмуни насрий баён қилинган-у, аммо баён аниқлик даражасига етмаган. “Рисолаи Азиза” далил қилиб келтирган Зухруф сурасининг 32-ояти ҳам баҳсталаб мисрага эмас, бевосита байтнинг иккинчи мисраси мазмунига алоқадор.

“Ҳидоятут толибин” шарҳида эса тамоман бошқа манзарани кузатамиз. Тадқиқ қатъий илмий тизимга бўйсундирилган. Аввал, байт чиройли сувратда насрий баён қилинган. Кейин баҳсларга сабаб бўлган мисрадаги хабарнинг далили тафсир илмида мўътабар саналган манба – “Руҳул маъоний”[8] асосида тақдим этилган. Яна бир неча ишончли манбалардан – Зиёйи Мақдисийнинг “Мухтор” асаридаги ва Ҳокимнинг “Бухорий ва Муслимнинг “Саҳиҳ ҳадислар тўпламидаги ҳадисларга қўшимча” ( "المستدرك على الصحيحين للحاكم") асарида Ибн Аббос розийоллоҳу анҳумадин ривоят қилинган ҳадис байт мазмунини тасдиқловчи иқтибос сифатида келтирилган. Шарҳда бу ҳадис Мужоҳид раҳимаҳуллоҳдан ҳам ривоят қилингани айтилади. Шунингдек, мазкур ҳадиснинг Ибн Аббосга борувчи бошқа санад билан (Абу Закариё Яҳё ибн Муҳаммаддан – Муҳаммад ибн Абдуссаломдан – Исҳоқ ибн Иброҳимдан – Жарирдан – Аъмошдан – Абу Зобйандан – Ибн Аббосдан) ривоят қилинган вариантини “Тафсири Бағавий”, “Ал-Баҳрул мадид”, “Тафсирус сирожил мунир”, “Тафсирул Байзовий”, “Тафсирун Насафий” каби мўътабар манбаларда ҳам борлигини аниқладик.

---

[6] صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, 1911, ص.2

[7] سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:1

[8] “Руҳул маъоний” тафсирининг муфассири – Маҳмуд Алусий, кунияти – Абу Фазл.

Шориҳ битта мисра шарҳида атрофлича маълумот берди, лекин шу билан қаноатланмаяпти, Абу Ҳаййон Муҳаммад ибн Юсуфнинг “Тафсирул Баҳрул муҳит” тафсиридаги мавзуга алоқадор нақлни ўртага ташлаяпти, яъни байтдаги “зиммаи ҳут” ибораси шарҳида зикр этилган “Қалам” сурасининг биринчи оятидаги “нун”дан “балиқ” назарда тутилмаган, балки “нун” – ҳижо ҳарфларидан бирининг номидир, бундан бошқа барча эҳтимол қилинган маънолар тўғри эмас, деган фикрни келтиряпти. Диққат қилинса, гапнинг сиёқидан шориҳнинг ҳам бу қарашга майли борлиги сезилади. Шунинг учун бўлса керак, бу қарашни Маҳмуд Алусий ҳам қувватлаганини қистириб ўтади. Сўнгра хулосасининг қатъий эканини билдириш мақсадида географ олим Саййидий Абдулазиз Даббоғнинг “Абриз” номли асаридан ернинг шамол устида муаллақ тургани билан боғлиқ илмий қарашни ҳавола қилади. Шарҳ ниҳоясида замонавий кашфиётларни эътироф қиларак, шарҳдан кўзланган бош мақсадни яна бир бор эсга солиб қўяди: “Бу сўз бу кунги иктишофот асрида маълум бўлган ерни муаллақлигиға мувофиқдур ва Оллоҳни камоли қудратиға далолат қилур”.

“Ҳидоятут толибин”нинг яна бир фазилати муайян байт шарҳланар экан, ўрни-ўрнида муқаддам қилинган шарҳларга, хусусан, Тожуддин Ёлчиқул ўғли шарҳига муносабат билдириб кетилади ва бу муносабат аксар ҳолда “Шориҳ саҳв этгандир” ёки “Шориҳ бу байт тавжиҳида саҳв этибдур” жумлалари билан ифодаланади. Масалан, “Муножот” деб номланган 25-бўлимда қуйидаги байт шундай шарҳланган:

*“Илоҳи, эътиқоди пок бирлан,*
*Мани оғишта қилғил, хок бирлан.*

Илоҳи, эътиқоди (бешоиба) пок аҳли суннат ва жамоат бирлан мени жонимни олиб, қабрга киргизиб, туфроққа қўшуб (ўлар вақтимда иймондин айирмоғил). (Шориҳ бу байт тавжиҳида саҳв этибдур.)”[9]

Мазкур байтнинг “Рисолаи Азиза”да шарҳи: “Оллоҳим, кенг раҳматинг ила мени яратганинг тупроққа пок эътиқодимни қориштир, яъни мени тупроқ каби тавозуъли қилиб, мартабамни баландларга кўтаргил”.[10]

Ҳабибуллоҳ Саййид Яҳёхон шарҳида асосий эътибор *иймон*га қаратилди. Бу маъно қавс ичидаги “ўлар вақтимда иймондин айирмоғил” жумласи билан таъкидланди. Шарҳнинг бундай шарҳланишига шориҳнинг бир нечта қаринаси (далиллари) бор.

Аввало, бу бўлим ақида мавзуларининг марказида турувчи иймон масаласининг таркибий қисмларидан ҳисобланувчи ажал, қабр азоби, қиёмат, тарози, сирот, биҳишт, дўзах, кавсар тушунчаларини баён қилувчи бўлимларнинг давоми сифатида намоён бўлган. Зеро, ақида илмининг бош мақсади банданинг бу дунёдан иймон билан кетиш ғоясига қаратилган. Бу ҳар қандай мазмунда бирламчи эътибордаги масаладир. Қолаверса, юқоридаги байтнинг давомида “*Дилим содиқ тилимга бўлди қоил, Бу сўздин қилмағил бир зарра моил*” яъни, “тилим айтувчи бўлган иймон калимасини

[9] سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:65
[10]

дилим тасдиқловчидир, мени бу сўзу эътиқоддин ўзга тарафга бурувчи бўлма” мазмунидаги байт келганки, бу ҳолат иймон шартларидан саналган “калимаи тоййиба”ни тилда иқрор қилиб, дилда тасдиқлаш зарур” маъносига очиқ-ойдин ишорадир.

Тожуддин Ёлчиқул ўғли шарҳида эса байтнинг уст қатламида иш кўрилган. Ҳақиқатан ҳам мисраларнинг зоҳиридан “мени пок эътиқодим билан тупроққа қориштир” маъноси англашилади. Аммо бундай тушуниш бирламчи эътибордаги масалани кейинги ўринга тушириб қўяди. Тожуддин Ёлчиқул ўғли бу шарҳида иймонга эмас, тупроққа эътибор қаратяпти, тупроқ бир неча сифатлар билан васфланяпти: “яратганинг тупроқ” – Оллоҳ инсонни яратиш учун тупроқни танлагани; “тавозуъ” – камтарлик, бандаликнинг олий мақоми (“мартабамни баландларга кўтаргил” жумласи бунга ишора).

Албатта, байт маъносини шундай тушуниш ҳам мумкин. Шунинг учун Ҳабибуллоҳ Саййид Яҳёхон ўзидан олдин қилинган бу шарҳга муносабат билдирар экан, уни тавжиҳ, яъни “бир қараш” сифатида эътироф этяпти. Энди бу тавжиҳнинг саҳв (хато) деб топилишига келсак, у иккиламчи эътибордаги нарсанинг биринчи ўринга чиқариб қўйилиши билан изоҳланади.

Шарҳларни қиёслар эканмиз, айрим сўзлар изоҳида ихтилофли ўринлар ҳам кузатилади. Мисол учун ушбу байтни олиб кўрайлик:

“*Вужудинг уқбаси эрмас алоша,*
*Тал оша келган ўлтурмас талоша*.”[11]

Байтнинг “Ҳидоятут толибин”даги шарҳи: “Вужудингни тариқат йўлидаги уқбаси алоша (жағ)ни қимирлатиб, қилу қол ва мужодала ва мунозарага диққати азизни сарф этмоқ эмас. Балки, бу йўлда нафсу шайтону ҳавога эргашмоқдин вужудга келадиган кўп уқубат ва довонлар борки, солик бояд алардин ўтсун. Бу кўталлардин ошиб, нафсу ҳавони оёғ ости қилиб, эзиб келган киши ҳар кимса бирла мунозара ва мужодала қилиб, талашиб-тортишиб ўлтурмас. “Уқба” кўтал – довон маъносида. “Алоша” – жағ суяги. “Тал” лафзи арабий, “тепа ва кўп тўпланган туфроғ” маъносидадур. “Оша” *ошмоқ*дин маъхуз, (устидин ўтуб) маъносида. Иккинчи “талоша” *талашмоқ*дин маъхуз, мужодала маъносидадур”.[12]

Шориҳ байтдаги “алоша” сўзининг луғавий маъносини *жағ; жағ суяги* дея таърифлаган. Аммо бу сўзнинг қайси тилда қўлланиши ва қайси луғатда бу сўзга шундай маъно берилгани айтилмаган. Мазкур байт ифодаланган бўлимда беҳуда баҳс-мунозарани қоралаш мавзуси ҳақида сўз боради. Шундан келиб чиқиб шориҳ байт мазмунини мавзуга буради: муваққат берилган диққату эътиборни жағни беҳуда қимирлатишга сарфламасликка чақиради. Тўғри, бу йўл (яъни, матнни ўзидан олдинги ва кейинги матн маъноси билан боғлаб изоҳлаш) шарҳ илми мантиғига, қолаверса, айни мавзуга мувофиқ маъно. Лекин арабча “тал” лафзининг *тепа* маъноси; иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилганини билдирувчи “оша” равишининг

[11] Илмий-танқидий матн. 46-12.
[12] سيد حبيب الله بن سيد يحى خان. هداية الطالبين شرح ثبات العاجزين صوفى الله يار. ص:133

*ошмоқ* феълидан олингани, “талоша”нинг *талашмоқ* феълидан олиниб, беҳуда баҳс-мунозора маъносида қўлланган айтилгани ҳолда, негадир “алоша” сўзига изоҳ берилмагани бизни бу сўз атрофида изланишга ундади.

“Алоша” сўзининг туркий лаҳжаларда қуйидагича маънолари борлиги аниқланди[13]**:**

1) олочуқ, яъни чайла, капа;

2) пастлик;

3) паст бўйли; ориқ (жониворларга, хусусан, отга нисбатан);

4) заиф, кучсиз.

“Рисолаи Азиза”даги шарҳда бу сўзнинг иккинчи маъноси қўлланган: “Вужудинг тоғи баланд эмасдир, яъни нақадар олим бўлсанг-да, илмнинг охири бўлмагани учун, унга етишган киши бўлмассан. Шунинг учун сени биров баҳсда енгиб, йиқитиб хор қилиши мумкин. Шундай экан тоғ оша келган, яъни адамдан вужудга келган киши одамлар билан баҳслашиб, уришиб, талашиб ўтирмас. Руҳ оламидан вужудга келган олим эканингни ҳисобга ол-да, яна борлиқдан адамга кетишингни ҳам бил. Буни ҳисобга олиб, амал қилгин ва баҳсларни қўйгил”.[14]

Тожуддин Ёлчиқул ўғли байт мазмунидаги бирламчи маънони, таъбир жойиз бўлса, бирламчи маънони очувчи калит сўзни тўғри англаган. Байтдаги “вужудинг” сўзи *жасад*, *бадан* маъносида эмас, балки *мавжудлик*, *йўқликдан борлиққа келиш* деб англанар экан, маъно маиший чегарадан кўтарилади. Беҳуда баҳсу мунозарага киришиш маиший оламда кечадиган ҳодиса. “Яралиш, йўқликдан борлиққа келиш” мўъжизаси олдида “беҳуда баҳс-мунозара” мавзуси ҳақиқатан ҳам кичик, арзимас ҳодиса. Шундай улуғ довон, тепаликлардан ошиб келган инсон энди умрини талашиб-тортишишлар билан ўтказса?! “Рисолаи Азиза” муаллифи мана шу бирламчи маънони ирода қилган. Уни қандай савияда етказгани кейинги масала. “Алоша” сўзининг шарҳда қўлланган маъноси ҳам ирода этилган мақсадга хизмат қилган.

“Иршодул оъизин”да бу байт шундай шарҳланади: “Яъни вужудинг машаққати табаҳшак дигил, буюкдир. (اذا كان الامر كذلك) (иш шундай экан), тов оша келган киши кишилар ила талашуб ўлтурмас. Тов минган кимсанинг сўвлави торғаб-талашарға мумкин бўлмаздир. *Вужудинг уқбаси* демак “машаққат” маъносинадир. Фаразан ўйласанг, вар қабрдан қўбсанг, бор анда борғоч, номалар ўнгдан бериласи бор бўларни фикрлаган киши кишини илзом қасди ила толошуб ўлтурмас. “Олоша” демак *тубан ер* демакдир. Туркийда “эниш ер” дерлар. “Тал” дедики: (ارض مرتفع من الرمل) (тупроқдан кўтарилган ер) *буюк тоғ* демакдир”.[15]

Салоҳиддин Салимий байтдаги “алоша” сўзини “тубан ер”, яъни луғатда *пастлик* деб берилган маъно билан изоҳлади. Шарҳ сўнггида бу сўзга “эниш ер” яъни *нишаблик* маъносини қўшимча қилди.

---

[13] Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, 1974. – С.136-137.

[14]

[15] صلاح الدين سليمى. ارشاد العائذين شرح ثبات العاجزين.مطبعة كريمية قزان, 1911, ص. 128-127

Кейинги ҳар иккала шарҳда “алоша” сўзининг луғавий асосга эга маъноси қўлланган учун эътибор бирламчи маънодан узоқлашмаган. Гарчи Салоҳиддин Салимий *вужудинг уқбаси*дан мақсад “машаққат” деб бирикма маъносини торайтирган бўлса-да, қабрдан туриш, маҳшар томон юриш, номанинг ўнг қўлдан келиши каби улуғ ва даҳшатли манзаралар тафаккури билан мавжудлик тушунчасини замон ва маконда кенгайтирган.

Саййид Ҳабибуллоҳ Яҳёхон шарҳида нисбатан бўлса-да, мазмун билан шакл уйғунликда текширилган ўринлар учрайди, лекин айни ҳолда ҳам мазмун тадқиқи етакчилик қилаётгани сезилади. Мисол учун, юқоридаги байт шарҳини олиб кўрайлик: “Нозим раҳимаҳуллоҳ “қуллуқ надур?” (ва “қул” дегани қандоқ кишидур?”) деб савол этиб, ўзлари жавобида “Ани, яъни Оллоҳни муштоқи бўлмоқ. Ўз ҳасти ва вужудидан фоний бўлуб, Ҳақ таоло ёди ва зикри бирла боқий бўлмоқ дебдурлар. Банда Худони ёдласа, Оллоҳ ҳам ани ёдлар: "فاذکرونی اذکرکم" ояти[16] далилдур. Ва ёдламоқ сабаби муҳаббат бўлур. Ва баъзан Оллоҳ тарафидин бир жазбу тортиш вуқуъга келиб, ани асарида бандадин муҳаббату иштиёқ зуҳурга келур.

Оят[17]: "یحبهم ویحبونه" бу сўзга далилдур. Фано ва бақо хусусида тасаввуф китобларида шарҳу баст берилгандур. Нозим раҳимаҳуллоҳ “Муродул орифин”да хўб тавзиҳ бирла баён этгандурлар. Мурожаа этилсун”.[18]

Саййид Ҳабибуллоҳ Яҳёхон Тожуддин Ёлчиқул ўғлидан фарқли равишда муаллиф саволининг кимга қаратилганини зикр этмайди ва жавоб муаллифнинг ўзи томонидан бўлганини эслатади. Сўнг мазмунни изоҳлашга ўтади, ҳар бир изоҳга оятдан далил келтиради. Шу билан кифояланмасдан, мазмуннинг янада кенгроқ шарҳини баён этадиган манбаларни санаб кўрсатади. Тўғри, мазмуннинг соғлом ўзанда чуқур таҳлил этилиши асарни баҳолаш учун замин тайёрлайди. Аммо шу мазмунга шаклнинг қанчалик мувофиқлиги ҳам қўшиб ўрганилса, ҳақиқатан ҳам асар ўзининг муносиб баҳосини олган бўлади.

Бунинг учун мазмун тадқиқи билан параллел равишда шаклга ҳам жиддий эътибор қаратилиши лозим. Шунда мазмунлараро умумийлик ва хусусийлик фарқланади. Ҳосил бўлган тизимдаги ўзгаришлар жараёнини кузатиш мумкин бўлади. Уларнинг ўзаро муносабатидаги такрорланувчи ҳолатлардан қонуниятлар туғилади. Қонуниятларни ўрганиш натижаси методик қолипларни тақдим этиш билан ниҳояланади. Пировардида, бу тайёр методик қолипни бошқа манба мазмунини ўрганишга тадбиқ қилиш имконияти юзага келади.

Демак, муайян манбани ўрганишда мазмун тадқиқи доирасида чегараланиш тадқиқотни фақат ўша манба учун хослаб қўяди, жараёнда қўлга киритилган тажрибанинг оммалашувига имкон бермайди.

Хулоса шуки, “Саботул ожизин”нинг ҳар учала шарҳи матн мазмунини баён қилиш жиҳатидан бир-бирини тўлдирувчи бирламчи манбалардир.

---

[16] Бақара сураси, 152-оят.

[17] Моида сураси, 54-оят.

[18] سید حبیب الله بن سید یحی خان. هدایة الطالبین شرح ثبات العاجزین صوفی الله یار. ص:14

Шарҳ илми анъаналарига эргашиш жиҳатидан қаралса, “Ҳидоятут толибин” шарҳи қолган икки асардан юқорироқ мартабада туради. Бу афзалликнинг сабаблари асосан қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- шарҳ учун тақдим қилинган матн аввал нисбатан жиддий матншунослик текширувидан ўтказиб танланган;
- аксар шарҳда мазмуннинг бирламчи маъноси тўғри топилган ва эътибор изчил тарзда шу нуқтага қаратилган;
- қоидага кўра шарҳнинг илмий қимматини манбашунослик фаолияти белгилаган;
- далил келтиришда зарурий батафсилликка риоя қилинган;
- шарҳларнинг таркибий қисмлари муайян тизимда тузилган;
- билвосита матн шарҳидан чекинишлар қатъий чегара билан ажратилган (тавжиҳ, тазйил, танбеҳ, танбеҳот, нозим раҳимаҳуллоҳнинг сўзи каби).

# “ЎЗБЕК МУМТОЗ АДИБЛАРИ ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТИНИ ЯРАТИШ” – ДАВР ТАЛАБИ

**Абдулла Ўразбоев Дурдибаевич,**
Урганч давлат университети доценти,
Хоразм Маъмун академияси грант раҳбари,
филология фанлари доктори

Ҳаёт қонуниятлари тобора миллий тараққиёт миллий тил мавқеи ва нуфузи юксалиши билан бўлишига иқрор қилиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида, жумладан, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи – миллий юксалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда” – деб таъкидланади[19]. Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар ўзбек тилининг ҳам Давлат тили сифатидаги мақомини мустаҳкамлаш, унинг мавқеини кўтариш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар шарқшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларининг янги босқичга кўтарилишига ҳам сабаб бўлди. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир” – дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида[20].

Яратилажак “Ўзбек мумтоз адиблари асарлари электрон луғати” дастлабки вариантда ўзида камида 25 000 (йигирма минг)дан ортиқ бош сўзни қамраб олади. Ишлаб чиқилган мобиль илова орқали халқимизнинг Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхон каби даҳолари томонидан яратилган деярли минг (!) йиллик миллий меросини ўзлаштириш, маънавият дурдоналаридан баҳраманд бўлишга кенг имконият юзага келади. Муҳими, луғатни кейинчалик ҳам ортиқча харажатларсиз бойитиб бориш, мукаммаллаштириш имконияти бўлади. Электрон луғат берадиган ахбороти, илмий ва амалий аҳамияти анъанавий луғатлар билан бир хил бўлишига қарамай, фойдаланиш имконияти, ўқувчилар доираси жалб қилиш салоҳияти, таъсир кўлами катталиги билан устунликка эга. Шунинг учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2018-2021-йилларда илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида “Филология, психология ва педагогика

[19] https://lex.uz/docs/4664611
[20] https://lex.uz/docs/4561730

фанлари” йўналиши бўйича эълон қилинган тематик мавзулар рўйхатида 6 та луғат яратиш ғояси илгари сурилган бўлиб, уларнинг 3 таси электрон луғатлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу амалий лойиҳа муайян даражада хизмат қила олади.

– “Ўзбек мумтоз адиблари асарлари электрон луғати” ихтисослиги, ёши, миллати, жинси, маълумоти, фуқаролигидан қатъи назар ўзбек миллий мумтоз мероси ихлосмандлари учун мўлжалланган мобил илова шаклида тузилади;

– мазкур илова орқали ихтисослиги, ёши, миллати, жинси, маълумоти, фуқаролигидан қатъи назар ўзбек миллий мумтоз мероси ихлосманд бўлган инсонлар интилишларини фаоллаштиришга имкон берадиган интернет-ресурс яратилади;

– филология, таълим, тарих, маданиятшунослик, фалсафа, этнография, маънавият каби соҳалар учун амалий таклифлар ишлаб чиқилади, республика ижод мактаблари фаолиятида адабиётшунослик, матншунослик, қиёсий таҳлил, таржимашунослик, герменевтика (шарҳ) каби йўналишларда янги амалий имкониятлар пайдо бўлади;

– “Ўзбек мумтоз адиблари асарлари электрон луғати” электрон платформаси ва мобиль иловаси яратилади.

“Ўзбек мумтоз адиблари асарлари электрон луғати” мобил иловаси ишга тушиши орқали таълимнинг турли босқичларида таҳсил олаётган ёшлар учун на фақат ўзбек, балки жаҳон маданиятининг ўта ноёб дурдоналари билан танишиб бориш имкониятлари юзага келади. Ушбу иловага мактаб, ижод мактаблари, олий ўқув юртларида ижтимоий фанларнинг деярли барча ихтисосликларида талаб бор. Луғатда иллюстратив мисолларинннг умуминсоний ҳамда миллий эзгу ғояларни тарғиб қилиши, шунингдек, таълим-тарбиявий мақсадларга хизмат қилиши назарда тутилган. Ушбу мобил илова ахборот технологиялари ёрдамида ёшларнинг бой миллий адабий меросимиздан бехабарлиги, мумтоз адиблари ижодий меросига эътиборсизлиги, миллат шаъни ҳамда унинг асосий белгиси саналмиш

тилимиз қадрсизланишига лоқайдлиги каби таълим ва тарбия жараёни, шу билан бирга ижтимоий муҳитда юзага келган айрим муаммолар ечимига хизмат қилиши мумкинлиги бемалол кўрсата олади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “Ўзбек мумтоз адиблари асарлари электрон луғати” “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”, “Навоий асарлари луғати” ёки Э.Фозилов, Б.Ҳасанов, Б.Юсуф, М.Абдулхайровлар томонидан тузилган луғатларнинг айнан ўзи бўлади, деган тасаввур мутлақо тўғри эмас. Биринчидан, бундай тасаввурга асос, табиийки, маълум бир сўз Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа вакиллари асарларида бошқа-бошқа маъно касб этмайди, деган хулосадир. Бу мулоҳаза ҳам унчалик асоссиз эмас. Шундай сўзлар борки, улар бутун эски ўзбек тилида бир хил шакл ва маънога эга бўлиб, уларни мавжуд луғатларда изоҳлардан бошқача талқин қилиш мумкин эмас. Бу сўзларнинг изоҳлари турли луғатларда бир-бири билан бир хил бўлиб қолган ҳолатда ҳам табиий қабул қилиш керак. Масалан, *аб* сўзи “Навоий асарлари луғати”да:

АБ اب a. Ота, падар:

Отанг ойу онанг хуршид эди эркинки, сен туғдунг,
Вале ҳусну латофатда не аб ўхшар сенга, не умм. (НАЛ, 20)

“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида”:

**АБ** – ота:

Базмида адаб ҳам,
Ул навъки амму холу аб ҳам. (АНАТИЛ, I: 21)

“Ўзбек мумтоз адиблари асарлари электрон луғати”да (лойиҳа):

**АВ اب –** a. ota, padar.

Tahsin zamonki rahm etibon bermas ob *ab*,
Gar yolg‘uz o‘g‘lining tanidin olsa tob tab. (TO, 1944: 21[б])

Кўриниб турибдики, сўзлар изоҳи ҳар бир сўзнинг қайси ижодкор асарида қандай маънода ишлатилгани билан боғлиқ. Масалан,

“Навоий асарлари луғати”да:

ҚИБЛА قبله a. 1. Йўналиш томони, мурожаат ўрни. 2. Макка томони (НАЛ, 733)

“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да:

**ҚИБЛА** – 1. Мусулмонлар ибодат вақтида юзланиб турадиган йўналиш, Макка шаҳри томони. 2. Ибратланадиган томон, эргашадиган йўл, назаргоҳ. 3. Шайх Санъонга нисбатан қўлланилган ибора. 4. марказ. (иқтибосда мисоллар тушириб қолдирилди, АНАТИЛ, IV: 45)

“Ўзбек мумтоз адиблари асарлари электрон луғати”да (лойиҳа)

**QIBLA** قبل – a. Old tomon, oldingi qism: 1. Nazarda tutilgan joyga nisbat Makkai mukarrama tomon: Va aning zamonida qiyot dudmonidin Muhammad Rizobek Oqmasjidning muqobalasida eshikin *qiblag‘a* qaratib bir madrasa bino qildurdi. (FI, 145)

2. Biror tabaqa, ahl va shu kabilar peshvosi, piri, ustodi:

Der erdilar, ey *qiblayi* ahli din,

Farog‘i farahbaxshi ro‘yi zamin. RD, 251b.

3. Istalgan narsa, murod hosil bo‘lish o‘rni: borgohi sipehrishtiboh ostonasig‘akim, davlat ahlining *qiblayi* maqsudi va saodat xaylining ka’bayi behbudidur. (RD, 282[b])

4. Biror shaxs yoki narsalarning ulug‘i: jahon sulton[lar]ining *qiblasi* va zamon xavoqinining ka’basidur, (GD, 275[b]).

5. Janub, shimol (*orqa*)ning ziddi: “Ko‘hna Urganch qal’asining *qiblasidin* o‘tgan Ko‘hnadaryo rudxonasig‘akim, Shorqiroviqg‘a mavsumdur,..” (GD, 119[a – b])

Худди шу тарзда солиштириш учун **ORQA** آرقه луғат мақоласининг лойиҳасини ҳавола қиламиз:

1. Ajdod, bo‘g‘im: ... nasabi olti *orqada* hazrati a’lo xoqoniyning muborak nasabig‘a qo‘shulur”. (GD, 145[b])
2. Orqa, oldning ziddi: ... *orqa* jonibg‘a yuz urdilar”. (GD, 56[a])
3. Shimol, janubning ziddi: ... *orqa* jonibida Tamoch mavze’inkim, ahli fasodning yig‘noqig‘a yovuq erdi”. (GD, 220[a])
4. Badanning orqasi: ... xandaqining osti hazozati doir ostidag‘i baliq *orqasi*g‘a yetti. (GD, 220[b])

Албатта, “Ўзбек мумтоз адиблари асарлари электрон луғати”ни тузишда луғатчилигимизда таомилда бўлган энг мақбул тамойиллардан фойдаланилади. Жумладан, сўзлар лексема шаклида луғат мақола сифатида берилади, қатъий алифбо тартиби (лотин ёзуви асосидаги имломизда), дублектлар, турлича табдил қилинувчи ва қилинган сўзлар бир мақола остида (агар хато ўқилган ҳолат бўлса, тўғриси кўрсатилган тарзда), қисқача изоҳ бериш орқали, кенг изоҳ бериш орқали, синонимлар билан изоҳлаш орқали, маълумот бериш орқали изоҳлаш тамойилларидан фойдаланилади.

Албатта, катта меҳнат ва харажат эвазига юзага келадиган бу луғатнинг фойдалилик жиҳатини ошириш бош мақсадларимиздан биридир. Масалан, *Тасмим* (жаннатдаги булоқ номи) сўзи Алишер Навоий асарларида учрамагани учун “Навоий асарлари луғати”га ҳам, “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”га киритилмаган. Лекин бу сўз ўзбек мумтоз адиблари тилида, жумладан, Огаҳий асарларида мавжуд. Ўзбек зиёлилари учун мумтоз адиблар асарлари луғат бойлигини ўзлаштиришда ҳозирга қадар ҳам энг яқин ҳамроҳ мазкур луғатлардир.

Луғатга, албатта, антропоним ва поэтоантропонимлар, жой ва макон номлари (бу икки тушунча бир-биридан тубдан фарқ қилади), этнонимлар ва бошқа турли типдаги атоқли отлар илова қилинади. Хусусан, антропонимлар луғати мумтоз асарлар қаҳрамонлари фаолияти доирасини кенгроқ тушуниш, воқеа иштирокчилари кўламини аниқроқ тасаввур қилишда ниҳоятда муҳим. Шу билан бирга атоқли отлар халқимиз тафаккур қирраларини очиб берувчи бебаҳо бойлигимиз ҳамдир. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, “Фирдавсу-л-иқбол”нинг бир неча жойида *Ийгилик бий* номи келган. Масалан, “Ва *Ийгилик бий* қиёт қароқалпоқидин тўрт-беш юз уйлук эл била ул жамоаға ёвуқ кўчуб қўнар эрди”. Илмий танқидий матнда ایکی لیک шаклидаги бу

номни асарнинг ҳар иккала нашри ноширлари ҳам *Иккилик бий* тарзида ўқиганлар. Аслида халқимизда болани бу тарзда номлаш урф бўлмаган. Шу боис номнинг тўғри шакли *Ийгилик* (аппелятиви “яхшилик”)дир. Қўлёзмада “коф” ва “гоф” аксар ҳолда бир хил шаклда ёзилиши одат. Ҳозир ҳам ҳаққуш сайраганда кексаларимиз “Хушхабар, ийгилик (яхшилик)” – деб такрорлаб туришлари учрайди.

Атоқли отлар борасида етарли кўникма ва манбаларга эга бўлмаслик иш сифатига жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун айрим нашрларда киши номлари хато ўқилган. Масалан, машҳур саховатпеша, араб баҳодир ва фасиҳ (сўз устаси)ларидан бўлиб, 151 ҳижрий қамарийда вафот этган Абулфазл Маън ибн Зоида бин Абдуллоҳ аш-Шайбоний – Маън Зоида номи бир нашрда нотўғри англаниб, “кимшоди” савдоси деб талқин қилинган бўлса (ваҳоланки, кўрсаткичда Маън Зоида деб тўғри берилган), бошқа нашрда киши номи эканлиги англанмаган. Матн мазмуни, масалан, бундай ўқиш лозимлигини кўрсатади: “Ҳотам Тойи саховати ва Маън Зоида самоҳатининг афсонасиға насху бутлон хатин урди”.

Луғат матншунос ва манбашунослар учун катта ёрдам сифатида “Очқич”лар билан таъминланади.

Шунингдек, “ўзбек мумтоз асарларида ишлатилган иқтибослар”, “Арабий бирикмалар” каби иловалар ҳам берилади.

Албатта, бир мақола доирасида яратилажак луғатнинг барча жиҳатларини муфассал баён қилиш имкони йўқ. Яна бир эзгу мақсадимиз, мазкур мулоҳаза баёни баҳонасида муҳтарам устозларнинг ишга доир кўрсатма ва маслаҳатларини олишдир.

# МУҚИМИЙ ДАСТХАТИДА ЁЗИЛГАН МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИ

**Пардаев Қўлдош Узоқович,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
доценти, филология фанлари доктори
kuldashparda@mail.ru

Миллий адабиётимиз намояндалари ижодини чуқурроқ тадқиқ қилиш учун аввало улар қолдирган адабий меросни тўлиқ тўплаш, шунингдек, дастхатлар ва унга яқин вариантларни аниқлаш зарур. Ўтмишда айрим ижодкорлар асарлари тақдири тўғрисида ўзлари қайғурган, уларни тўплаган, девон тартиб берган. Таассуфки, мумтоз адабиётимиз тараққиёти ривожига катта ҳисса қўшган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий асарлари девон тартибида тузилган эмас. Шундай бўлса-да, XX аср бошларида тошбосма усулида (1907, 1910, 1912, 1913 йилларда) “Девон” деб аталган шеърлар мажмуаси нашр қилинган [1]. Аммо бу тўртала тўплам ҳам девон тузиш талабларига риоя этилмаган ҳолда тартибланган. Шунинг учун ҳам мазкур тўпламларни “Девон” деб эмас, балки шеърлар мажмуаси сифатида қабул қилиш мумкин.

Муқимий асарлари турли қўлёзма ва тошбосма баёзларда, санъаткорларнинг ён дафтарларида, адабиёт ҳаваскорлари коллекцияларида, айрим парча қоғозларда турли кишилар қўлида сақланиб келинди. Таъкидлаш жоизки, шоир асарларини йиғиш ва нашр этишда профессор Ғулом Каримовнинг хизматлари катта бўлди. У Муқимий “Асарлар тўплами”ни жами тўрт марта (1958, 1960, 1973, 1974 йилларда) чоп эттирди. Гарчи ўша даврда Муқимий асарларини тўлиқ ва мукаммал ҳолда нашр этиш имкони бўлмаса-да, олим шоир адабий меросини биринчилардан бўлиб ўрганди, ўрта ва олий таълим дастурларига, дарсликларига олиб кирди.

Муқимий ҳаёти ва ижоди манбалари юзасидан олиб борилган тадқиқотларда муайян илмий натижалар қўлга киритилган[2;159]. Бироқ шоир адабий меросининг қўлёзма манбалари билан боғлиқ қуйидаги масалалар етарлича ўрганилган эмас: 1) шоир дастхат баёзлари тўлиқ тадқиқ этилмаган; 2) ижодкор адабий мероси манбаларини тўлиқ ўрганиш асосида шоир шеърлари ҳажми ва жанр кўлами аниқланган эмас; 3) шоир асарларининг илм аҳлига маълум бўлмай келган қўлёзма ва тошбосма манбалари таснифи ва таҳлили амалга оширилмаган.

Бизнингча, Муқимий ижодий мероси учрайдиган манбаларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: а) Муқимий дастхат баёзлари, мажмуалар ва алоҳида варақлардаги шоир дастхатлари; б) шоир замондошлари томонидан тузилган қўлёзма баёзлар ва мажмуалар; в) тошбосма баёзлар; г) архив материаллари; д) вақтли матбуот материаллари ва тўпламлар; е) Пўлатжон Қаюмов асарлари (“Тазкираи Қайюмий”, “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти”).

Мазкур мақолада Муқимий дастхатлари учрайдиган манбалар хусусида фикр юритилади.

*Муқимий дастхат баёзлари, мажмуалар ва алоҳида варақлардаги шоир дастхатлари.* **7521 рақамли қўлёзма баёз** Муқимий дастхат баёзидир. Бу хусусда профессор Ғулом Каримов сўз юритиб, тўпламда 212 та шеърий асар бўлиб, шундан 199 таси Муқимийники эканини таъкидлайди. Лекин олим бу тўпламни шоирнинг дастхат баёзлари сирасига қўшмаган [2; 160]. Абдувоҳид Шокиров эса тўпламдаги шеърлар ҳажмини 212 та деб ҳисоблайди ва улардан 192 таси Муқимийга тегишли эканини қайд этади [3; 167].

Кейинги изланишлар натижасида баёзда 212 та эмас, 228 та шеърий асар бўлиб, шундан, 208 таси Муқимий қаламига мансублиги аниқланди.

Ушбу баёз XIX аср охирларида кўчирила бошлаган. Шоир ўзининг турли қўлёзмаларда тарқоқ ҳолда бўлган асарларини жамлаб, яхлит бир мажмуа ҳолига келтиришни мақсад қилган бўлса-да, бироқ бу иш тугалланмай қолган. Ижодкорнинг яна кўплаб шеърлари унга кирмай қолиши, қолаверса, баёзнинг охирида анчагини бўш варақлар қолиб кетгани бу фикрни тасдиқлайди.

Баёздаги баъзи шеърлар муаллиф томонидан қайта-қайта таҳрир қилинган. Шунингдек, бир шеърнинг икки уч хил вариантлари ҳам учрайди. Бундай таҳририй ўзгаришлар қўлёзма баёз саҳифасидаги матнда ҳам, унинг ҳошияларидаги матнда ҳам учраб туради. Мазкур баёзда шоир бирор шеърнинг янги вариантини, баъзи ғазалларнинг қайта ишланган мисраларини, муҳим бир воқеа ҳақидаги таърихларни ҳошияларга ёзган. Худди шундай ҳолни баёзнинг $4^{а}$, $12^{а}$, $11^{а}$, $13^{а}$, $20^{а}$, $44^{а}$, $45^{а}$, 50б, $52^{б}$, $56^{а}$, $57^{а}$, $58^{а}$, $62^{а}$, $64^{а}$, $76^{б}$-саҳифаларида учратиш мумкин.

Мазкур баёз хусусида Абдувоҳид Шокиров ҳам фикр билдириб: “Баёзнинг биринчи саҳифасидан $85^{а}$-саҳифасига қадар текстлар бир қўл билан ёзилгани назарга олинганда бу ўзгаришлар бошқа шахс томонидан эмас, шахсан Муқимий томонидан киритилганига шубҳа қолмайди” [3; 223]. – деб ёзади. Олим баёзнинг фақатгина $85^{а}$-саҳифасидаги матнни Муқимийнинг замондошларидан бири қўқонлик шоир Муҳсиний кўчириб ёзганини бир қанча манбалар таҳлили асосида исботлайди.

Баёзнинг характерли жиҳати шундаки, ушбу манбага таяниб, Муқимий асарлар тўплами нашридаги айрим шеърларнинг аслиятга мувофиқ матнларини тиклаш мумкин. Бундан ташқари, баёзда шоирнинг шу пайтгача илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган турли жанрларга оид шеърлари учрайди.

Мазкур баёздаги 228 та шеърий асардан 208 таси Муқимий қаламига мансуб бўлиб, шундан, 154 та ғазал (9 таси янги), 36 мухаммас (1 таси янги, 4 та ҳажвий), 8 мураббаъ, 4 таърих, 1 та маснаввий, 4 шеърий мактуб ва “Саёҳатнома” асарининг “Қўқондан Исфарага” қисми.

**1325 рақамли қўлёзма баёз** XIX аср охирларида Қўқонда тузилган. Унда XV – XIX асрда ижод қилган шоирлардан Навоий, Амирий, Муҳйи, Муҳаййир, Фурқат, Завқий асарларидан намуналар берилган. Профессор

Ғулом Каримов мазкур баёздаги Муқимий шеърлари ҳажмини 120 та деб кўрсатади. Шунингдек, бу тўпламни ҳам шоирнинг дастхат баёзлари қаторига қўшмайди. Ушбу баёз хусусида олим қуйидаги мулоҳазаларни билдирган эди: “Ҳозирги қўлёзмамизнинг (1325) 264-бетидан 358-бетигача жойлашган бир юз битта шеър “Девон”да (7521 рақамли қўлёзма баёз) қандай тартибда бўлса, худди шундай тартибда, ўзгаришсиз кўчирилган. Бунинг устига у шеърларнинг тексти ҳам бир турли келади, фарқ қилмайди”. [2; 164].

Баёз Муқимийнинг ўз асарлари устида олиб борган таҳрири борасида ҳам қимматли маълумотларни беради ки, шу пайтгача мутахассислар бу масалага эътибор қаратган эмас.

Кейинги илмий изланишлар натижасида мазкур баёздан шоирнинг Ғ.Каримов таъкидлаганидек, 120 та эмас, 127 та шеърий асари ўрин олгани аниқланди. Уларнинг жанр таркиби қуйидагича: 101 та ғазал (3 таси янги, 4 таси такрорий), 17 мухаммас (8 таси ҳажвий), 3 мураббаъ, 4 та маснавий, 1 шеърий мактуб ва “Саёҳатнома” (Қўқондан Исфарага қисми). 7521 рақамли дастхат баёздаги 110 та шеър бу тўпламда шоир таҳриридан сўнг қайта кўчирилган.

Мазкур баёзда “Чойфуруш”, “Московчи бой таърифида”, “Воқеаи Бектур”, “Дар мазаммати замона” каби шеърлар матни аслиятга мувофиқ берилган. “Дар мазаммати замона” сарлавҳали шеър Муқимий асарлар тўпламининг энг сўнгги нашрида 10 байт. Баёзнинг 120 $^{а-б}$ - саҳифасида эса 17 байт ҳолда келади. Тушириб қолдирилган 7 байт кучли танқидий руҳдалиги сабабли нашрга киритилмаган.

Адабиётшунос Отабек Жўрабоев Муқимий асарлар тўпламида учрамайдиган бир ғазал матни ҳақида: “Чўнтак баёзнинг 33$^{а-б}$, 34$^{а}$-варақларида яна бир нотўлиқ ғазал бўлиб, Муқимий асарлари нашрларида учратмадик. Ғазалнинг кейинги 5 байти сақланган бўлиб, бош қисми кўчирилган варақлар йўқолган,” [4; 59]. -дея фикр билдириб, ғазал матнини келтиради. Ушбу ғазалнинг тўлиқ вариантини 1325 рақамли баёзнинг 73$^{б}$-саҳифасида ўқиймиз. Ғазал 6 байт бўлиб, матлаъси қуйидагича:

*Бу муборак сайрдин, эй шўх, рухсоринг керак,*
*Халқ мақсуди тамошо, менга дийдоринг керак.*

**9309 рақамли қўлёзма баёз** ҳам Муқимий дастхатида кўчирилган. Баёзнинг биринчи саҳифасидаги маълумотга кўра, 1893 йил Қўқонда кўчирилган. Адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов баёз ҳақида мана бундай ёзади: “Муқимий томонидан тузилган баёзни (9309) Қўқон баёзчилигининг гўзал намунаси сифатида келтириш мумкин. Муқимий бу баёзни XIX асрнинг охирларида дўсти Обиджон Аълам учун тузган” [5; 96]. Тўпламда Жомий, Навоий, Бедил, Гулханий, Фазлий, Амирий, Машраб, Хижлат, Муқимий, Қорий, Фурқат, Завқий, Муҳаййир сингари кўплаб шоирлар шеърларидан намуналар берилган. Унда Муқимийнинг 10 та (9 ғазал, 1 мухаммас) лирик шеъри ҳамда 1 та сатирик характердаги асари мавжуд. Тўплам охирида бир ҳужжат илова қилинган бўлиб, унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов, шоир Асқарали Ҳамроалиев – Чархий, Муқимийнинг жияни Рўзимуҳаммад Дўстматовлар Обиджон Аълам илтимосига кўра Муқимий томонидан тузилганини тасдиқловчи имзо қўйганлар [2; 62]. Бу факт мазкур баёзнинг котиби Муқимий эканини кўрсатади.

Ғ.Каримов 9309-рақамли қўлёзма баёз хусусида бундай ёзади: “Китобда учрайдиган Муқимийнинг 10 та асари шоирнинг ўз қўли билан ёзилган автографдирлар, бинобарин улар энг ишончли ва мўътабар ҳужжат сифатида қабул қилиниши керак” [2; 63].

**7688 рақамли қўлёзма баёз**да Муқимий шеърлари ўз дастхатида кўчирилган. Унда Жомий, Навоий, Амирий, Муҳйи, Муқимий шеърларидан намуналар учрайди. Баёз қаттиқ, қизил нақшли муқовага олинган. Матнлар Қўқоннинг шалдироқ қоғозида жадвал ичида қизил, қора, кўк сиёҳларда кўчирилган. Шеър текстлари майда настаълиқ хатида битилган. Сақланиши яхши эмас, баъзи варақлари йиртилган. Баёз XIX аср охирларида Қўқонда тузилган бўлиб, тугалланмай қолган. Унинг бир неча варақлари бўш ҳолда учрайди (127-128-129, 130-131-132-133-бетлар). Тадқиқотчини чалғитадиган томони шундаки, баёз охирида ҳижрий 1327 йил (милодий 1909 йил) санаси билан Соҳиб мулла Обидхон деб имзо қўйилган. Бундан маълум бўладики, кейинчалик Соҳиб мулла Обидхон баёзни турли жанрдаги шеърлар билан тўлдиришни мақсад қилган.

Муқимийнинг фанга маълум дастхатларини мазкур баёздаги шеърлар билан қиёслаш натижасида шеърларнинг аксарияти шоир дастхатида ёзилгани маълум бўлди. Баёзда шоирнинг 39 та шеърий асари бўлиб, шундан: 32 таси ғазал (1 таси янги), 3 таси мухаммас (1 таси янги), 3 таси маснавий ва 1 таси мураббаъдир (ҳажвий мазмундаги: “Хон акам”, “Баччағар” радифли, “Уруғ”, “Танобчилар”, “Тўй”, “Шикояти безгак”, “Шамол”). Жумладан, “Танобчилар” сатираси матни 7688 рақамли баёзда тўлиқ ҳолда 37 байт бўлиб келади. 5736 рақамли қўлёзма ва 309, 317 рақамли тошбосма баёзларда эса 33 байт шаклида учрайди.

Бундан ташқари, баёзда Муқимийнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган шеърлари ҳам мавжуд. “Девонамен” (9 байт) радифли ғазали ва Амирий ғазалига тахмис қилинган “*Ногаҳ, эй масту тағофил нетар аз руйи карам*” – мисраси билан бошланувчи 7 бандли мухаммаси шулар жумласидандир.

**49.4100 рақамли қўлёзма баёз.** Муқимий “Чўнтак баёз”и бўлиб, унда шоирнинг ўз шеърларидан ташқари, Машраб, Амирий, Муқимий сингари салафлари ва замондошларининг ғазал, мураббаъ, мухаммас жанрларига мансуб шеърлари мавжуд. Манбада жами 20 та шеърий асар мавжуд бўлиб, улардан 19 таси Муқимий дастхатида кўчирилган. Булардан 16 шеър шоирнинг ўзиники бўлиб, 3 таси ғазал, 4 таси мураббаъ ва 9 таси мухаммас жанрида. Мухаммаслардан 5 таси Муқимийнинг Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Саққойи Бухорий, Амирий, Фурқат ғазалларига тахмисларидир. Шеърлар кўкиш, қизғиш фабрика қоғозига қора сиёҳ билан

чиройли ва ўртача настаълиқ хатида кўчирилган[6; 11,59]. Баёз 39 варақ (79 бет). Баёздаги 10 та Муқимий дастхатида кўчирилган шеър ҳақида илк бор адабиётшунос А.Шокиров маълумот берган эди [7; 267].

**230.4046 рақамли** “Манзумоти форсий” сарлавҳали қўлёзма мажмуа бўлиб, унда форсий ва туркий адабиёт намояндаларининг ғазал, мухаммас, маснавий, рубоий, муаммо, фард жанрларидаги шеърий асарлари мавжуд. Матн Қўқон қоғозига чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Қўлёзманинг 73-, 74-, 76-, 77-, 128-, 185,- 189-саҳифаларида Муқимий дастхатлари учрайди.

**14.4078 рақамли қўлёзма** Абдураҳмон Жомийнинг “Ҳафт авранг” қўлёзма китоби бўлиб, 1074 йилда ибн Муҳаммадмуқим Асрорий томонидан қора сиёҳ билан таълиқ хатида кўчирилган. Қўлёзманинг 1-, 88-, 90-, 91-,92-, 93-, 94-, 95-, 101-, 219-, 220- варақларида Муқимий дастхатлари аниқланди. Улар китоб ҳошияларида бўлиб, Амирий, Мажруҳ ва Муқимийнинг ўз шеърларидир. Мазкур қўлёзмадаги Муқимий дастхатидаги 2 та шеър ҳақида адабиётшунослар Ҳ.Зарифов О.Жўрабоевлар ҳам маълумот берган[8; 267].

**7050 рақамли қўлёзма** Юсуф Байзовий қаламига мансуб “Рисолату-ш-шамсия фи-л-қавоиди-л-мантиқия” асари нусхаларидан бири. Унинг $244^{а}$-варағида Муқимий дастхатида Турсунхўжа эшон вафотига бағишланган таърих жанрида ёзилган бир шеър учрайди. Қўлёзманинг $243^{б}$-варағида қора сиёҳ билан настаълиқ хатида қуйидагича маълумот берилган: “Мантиқ илмига оид қўлёзма китобдаги “Дар таърихи вафоти Турсунхўжа эшон” сарлавҳали шеър шоир Муқимийнинг ўз дастхати эканини тасдиқлайман. Ўзбекистон халқ шоири Асқарали Ҳамроали ўғли Чархий. Хўқанд. 14.02.1978”.

**Алоҳида варақларда Муқимий дастхати билан ёзилган шеърлар** Қўқон Адабиёт музейи жамғармасида 10 дона бўлиб, улар турли воқеа-ҳодисалар муносабати билан ёзилган таърихлар ва шоирнинг бошқа шеърий асарларидан иборат.

Бу ҳақда адабиётшунос Отабек Жўрабоев ҳам қуйидагича мулоҳаза билдирган эди: “Алоҳида варақларда Муқимийнинг 1902 йил декабрда юз берган Андижон зилзиласига таърихи (сақланиш рақами 87/1, нотўлиқ), бир масжид қурилишига таърих (сақланиш рақами 95, ҳуснихат), жияни Рўзимуҳаммад Дўстматовга аталган “Бор эди” радифли мухаммас (тўлиқ), “Учради ногоҳ” радифли (сақланиш рақами 96/2, 4062, нотўлиқ), “Соғиндим” радифли (сақланиш рақами 1139, нотўлиқ, “Қани” радифли (сақланиш рақами 203.4981, тўлиқ), “Айладинг” радифли (сақланиш рақами 109.4136, тўлиқ), “Ҳикоят” сарлавҳали (сақланиш рақами 203.5881, тўлиқ) ғазаллари шоирнинг дастнавислари сифатида сақланмоқда” [9; 13].

Умуман олганда, Республикамиз қўлёзма фондларида сақланаётган Муқимий дастхат баёзлари қиёсий таҳлили натижасида шоирнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган асарлари аниқланди. Мазкур дастхат баёзлардаги шоир асарлари Муқимий асарлари илмий-танқидий матнини тайёрлашда муҳим илмий қимматга моликдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. ЎзР ФА ШИ, №10119; №309; №318; №236.
2. Каримов Ғ. Муқимий ижодий меросининг манбалари. Муқимий (Асарлар тўплами). II том. – Т.: Бадиий адабиёт, 1960.
3. Шокиров А. Муқимий дастхат баёзида Фурқат ғазаллари //Адабий мерос.– Тошкент, 1988, 4-сон .
4. Жўрабоев О. Муқимийнинг “Чўнтак баёзи”//Гулистон. – Т.,1999, 2-сон.
5. Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи (Нашрга тайёрловчи О.Қосимхўжаев) Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. – Т.: Фан, 1976.
6. Жўрабоев О. Муқимий дастнавислари ҳақида//Адабиёт кузгуси, 2000, 5-сон.
7. Муқимийнинг “Чўнтак баёзи”// Гулистон. – Т.,1999, 2-сон.
8. Шокиров А. Муқимийнинг янги топилган автографлари//Адабий мерос, 1971, 2-сон.
9. Зарифов Ҳ. Муқимий. Ҳаёти ва ижоди ҳақида материаллар. – Т.: Фан, 1955. - Б.44.
10. Жўрабоев О. Муқимий дастнавислари ҳақида//Адабиёт кузгуси, 2000, 5-сон.

# БОБУР ЛИРИКАСИГА БИР НАЗАР

**Абдулхайров Манзар Хусанович,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Адабий манбашунослик ва матншунослик
кафедраси доценти, филология фанлари доктори

Заҳириддин Муҳаммад Бобур поэзияси мумтоз шеъриятимизда ўзига хос ўрин тутади. Мақсуд Шайхзода таъбири билан айтганда: «Бобур поэзияси лириканинг сўнмас инжуларидан тузилган. Бу поэзияга ажойиб самимият, бадиий соддалик, чинакам ҳиссиёт сингдирилган». Ана шу куч унинг шоир ва шахс сифатида шаклланишида замин ҳозирлади. Зеро, у кенг дунёқараши ва беназир ақл-заковати билан Ҳиндистонда бобурийлар сулоласига асос солди.

«Бобурнома» асари билан дунённинг энг машҳур тарихнавис олимлари қаторидан ҳам жой олди. Адабиётимиз, туркий тилнинг тараққиётида, қадр топишида бетакрор ғазал ва рубоийлари, айниқса, «Мубаййин» («Баён этилган»), «Хатти Бобурий» ва Аруз ҳақидаги рисолаларининг аҳамияти бебаҳодир. Албатта, ўлкамизда Бобур асарларини ўрганган бобуршуносларнинг рўйхати узундир. Чет элларда ҳам унинг шахси ва асарларининг тадқиқ этилиши бундан кам эмас. Масалан, Ҳарольд Ламб, Румер Годен, Ж. Лейден, В. Эрскин, Паве де Куртейл, А. Кейзер, Аннет, Ҳенри Бевериж, Эйжи Мано, Жон Луи Бакие Граммон, Ж.Лейден, А.Бевериж, У.Тэкстон, Монстюарт Элфинстон, Ф.Кўпрулу, Ю.Билол, Т.Сейҳан, А.Билкан, А.Алпарслон, А. Самойлович, М. Салье, Рашит Раҳмати Арат, Йугжит Навалпурий ва Шафиқа Ёрқин сингари бобуршунос олимлар шулар жумласидандир.

«Бобур дилбар шахс. Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди» (Жавоҳар Лаъл Неру). Дарҳақиқат, у яратган ғазаллар, рубоийлар – бунинг ёрқин ифодасидир. Шеърларида у ишқ, айролиқ аламларини ҳамда чуқур ахлоқий, ижтимоий-сиёсий, диний-тасаввуфий фикрларни чиройли алфозда тараннум этилган. Шу билан бирга, унинг тафаккур зайлида гоҳо изтиробдан тафаккур ўсиб чиқади ва бу армонли изтироб уни бир сония ҳам тарк этмайди ва шеъриятининг асосига айланди. Бобур ўзи яшаган даврнинг мураккаб ижтимоий муҳит руҳини, унинг атрофида рўй бераётган бўҳтону маломатларни чуқур ҳис этиб қаттиқ ториқади ва баъзан бунинг оқибатида ўз аҳларида пайдо бўлган умидсизликни кўриб шундай ёзади:

Толеъ йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйуб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди?!

Бобур наздида ҳар қадамда Парвадигори олам синовлари бор – буларнинг адоғига етишиш қийин. Шунинг учун инсон бу фоний дунёда ҳар бир босган қадамини тўғри идрок этиши жоиз. Шу биргина рубоийда ватанидан кўнглини, умидини узолмаган шоир қалбининг нидолари, бир жаҳон ҳасратлари бор.

Шоир шеърлари ошиқнинг забун аҳволи аминий муҳаббат кўринишларида бўй кўрсатади. Улардаги маъно ва мазмун мутаносиблиги, фикрий ифоданининг рангинлиги кишини ҳайратга солади:

Ҳавоға дуди оҳин тутратур ишқ аҳли ғайратдин,
Сабо таҳрикидин ҳар гаҳ паришон бўлса парчамлар.

Шоир наздида маломатни бошга олмаса, у чин ошиқ эмас. Шу маънода ушбу байт маъноси қуйидагича: ишқ дардига мубтало бўлган муҳаббат аҳлининг кўнглида Аллоҳнинг иноятн билан шундай ғайрат-шижоат пайдо бўлади, кўнглидаги оҳ-воҳларидан чиққан тутун ҳавони титратади. Натижада тонготар чоғда эсган майин шамол ҳаракатидан байроқлар ёйилиб кетади. Ушбу байтнинг замиридаги ботиний маънони яна шундай талқин қилиш мумкин: ишқ дардига мубтало бўлган муҳаббат аҳлининг кўнглида Аллоҳнинг иноятн билан шундай ғайрат-шижоат пайдо бўлади, ҳатто кўнглидаги оҳ-воҳларидан чиққан тутун ҳавони титратади. Натижада тонготар чоғда эсган майин шамол ҳаракатидан ёрнинг майдалаб ўрилган сочи; зулфи ёки кокили ёйилиб кетади.

Тарки номус айлабон бадном бўлғил ишқ аро,
Ким сени ошиқ дегай номусу номинг борида.

Юқоридаги байтда ифодаланишича, чинакам ошиқ ор-номус деб ошиқликдан етадиган азобларга бардош беролмай ундан воз кечолмайди, балки бу йўлда тўсиқ бўладиган ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга шай туради.

Ғурбату ҳижронға қолдим, оҳ ул жон илгидин,
Жонға еттим эмди ғурбат бирла ҳижрон илгидин.

Ижодкор шеъриятида бу ифода, яъни ишқ таври борган сари янада жонлана боради. Шу маънода мазкур байтни шундай шарҳлаш мумкин: маъшуқанинг дастидан фироқ ва мусофирлик аламлари ичида қолиб кетдим ва ахийри, айролиқ ва ғарибликдан ўз жонимга етдим. Зотан, биргина сўз, аниқроғи, «ғурбат» сўзи кишида ишқ атворини ифодалаш билан бирга шоҳ ва шоир шахсиятидаги руҳий кечинмаларнинг очқичи вазифасини бажараётгандай таассурот уйғотади. Зеро, шоир ғурбат шарҳини битишда ўзини нотовондек ҳис этади:

Ҳижрон қафасида жон қуши рам қиладур,
Ғурбат бу азиз умрни кам қиладур.
Не навъ битай фироқу ғурбат шарҳин –
Ким, кўз ёши номанинг юзин нам қиладур.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз асарлари билан ўзбек тили ва адабиётини равнақига, жонли сўзлашув тилига яқинлаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди:

Қуёшим ҳар сориға азм қилса, зарраи қолмон,
Не учунким, агар айрилсам ондин, кун кўра олмон.

Мумтоз адабиётда «қуёш» ёруғлик, гўзаллик тимсоли. Ғурбат – фироқ, айрилиқ тимсоли. Маъшуқа кўйидан изтироб чекаётган ошиқ ҳижронзада ғурбатдан ториқади, олам гўё қуёшсиз қолса қандай ҳолга тушса, маъшуқ ҳам ёрсиз шундай ҳолга тушади. Аслида эса ана шу қуёш – Ёр тимсоли. Унинг ҳажри – ёрдан айроликдир. Токи «қуёш» ҳаракатда экан, демак ҳаёт бардавомдир. Юқоридаги мисраларда ошиқнинг маъшуқага муҳаббати ҳижронидан туғилган изтироблари замирида намоён бўлади.

Ўлум уйқусиға бориб жаҳондин бўлдум осуда,
Мени истасангиз, эй дўстлар, кўргайсиз уйқуда.

Юқоридаги байт ҳасби ҳол руҳида ёзилган бўлиб, маъноси шундай: киши бу дунёни тарк этмагунча ҳеч вақт тинч бўлмайди. Айни маънода агар Бобуршоҳни бирор вақт хотиржам топмоқчи бўлсангиз, бу фақат унинг уйқусидагина рўй беради. Бундан хулоса шуки, инсон бу дунёда доимо бедорликни касби камол қилмоғи лозим. Чунки бусиз киши ҳеч вақт мақсад манзилига ета олмайди:

Ғафлат уйқусидин уйғон, гар тилар бўлсанг мурод,
Ким етар мақсадға ҳар ким, бўлса ул бедорроқ.

Байт мазмуни: эй ғофил банда, ўзингни ҳар куйга солиб бўлса-да, бу фоний дунёнинг макру ҳийлаларидан огоҳ бўлиб, фурсатинг борида уйғон, зеро, мақсад манзилига етганларнинг барчаси доимо бедор бўлишган. Кўринадики, унинг шеъриятини ичдан алоҳида нурлантириб турган жиҳат – бу самимиятдир. Ана шу хусусият шоирнинг одамийлик туйғуларига янада жон бағишлайди.

Бобур поэзиясининг асосий мавзуси ошиқона изтироблардир. Бу изтироблар замирада улкан қалб соҳибининг ички туғёнлари мужассам:

Хазон япроғи янглиғ гул юзунг ҳажрида сарғардим,
Кўруб раҳм айлагил, эй лоларух, бу чеҳраи зардим!

Хуллас, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур поэзияси – содда, аниқ ва равон услуб, нафис, ширали ва бой тил билан ёзилганли билан китобхонни мафтун этади. Киши кўнглида эса яшашга завқу шавқ, ишқ ва бедорлик туйғусини уйғотади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома» Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002.
2. «Ko`zidin boshqa havodur». – T.: «Zabarjad Media», 2021,160 бет.

# ТАБИБИЙ ДОСТОНЛАРИ ҲАҚИДА

**Амонов Шермуҳаммад Нормуротович,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
доценти, филология фанлари номзоди

Табибий “Вомиқ ва Азро”, “Нозир ва Манзур”, “Етти равза” асарлари билан ўзбек достончилиги ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкорлардан ҳисобланади. Шоирнинг “Вомиқ ва Азро”, “Нозир ва Манзур” достонларида асосан севги-муҳаббат, Ватанга, ёрга, дўстга садоқат, ўзаро ишонч, давлат ва жамиятда адолатлилик, илм-маърифат, одоб-ахлоқ, тарбия, сабр-қаноат, халқлар дўстлиги каби юксак инсоний фазилатлар тараннум этилган. Табибийнинг “Етти равза” достони эса фалсафий-дидактик характерда. Аҳмад Табибий озарбайжонлик ижодкор Муҳаммад Фузулий асарларини севиб мутолаа қилган, шоир ижодига ҳавасманд бўлган. Буни Табибийнинг Фузулий ғазалларига ўхшатмалар, мухаммаслар битганида, қолаверса, адибнинг “Ҳафт жом” (“Етти жом”) асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилганидан билиш мумкин. Таъкидланганидек, “Етти жом” ҳам фалсафий, ҳам дидактик характердаги достондир. У кириш қисми ва етти бобдан, яъни етти жом кайфиятидан иборат. Ҳар бир жом кайфияти алоҳида бир ғояни ифода этади[21]. Табибий ушбу достонни таржима қилишда ижодий ёндашади. Шу сабабдан ҳам “Етти жом” таржимаси муваффақиятли амалга оширилган. Негаки, бу асар Аҳмад Табибий замондошлари томонидан ҳам таржима қилинган. Лекин Табибий таржимасида дидактик асарларга хос кичик ҳикоялар қўшилгани, таржиманинг юқори савияда амалга оширилганини белгилаб беради. Ушбу ҳикоятлар сони 14 та. Аҳмад Табибий “Етти жом” асари таржимаси таъсирида ўзининг “Етти равза” номли достонини ёзади. Бу достон ҳам етти равза ва 14 та ҳикоядан иборат. Достонда юксак инсоний фазилатлар: инсонпарварлик, илм-маърифатга интилиш, одоб-ахлоқ, меҳр-мурувват, сабр-қаноат, севги-муҳаббат, инсоннинг қалби пок бўлиши, устоз-шогирдлик муносабатлари, таъмагирликнинг ёмон иллат экани ҳақидаги фикрлар ҳикоятлар мисолида кўрсатиб берилади.

Табибий достонлари матни билан танишиш беихтиёр Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарларини ёдга туширади. Айниқса, шоир достонлари Навоий “Хамса”си таркибидаги достонларнинг мантиқий давоми сифатида тасаввур уйғотади. Негаки, ушбу достонлар матнида Навоий “Хамса”сидан айнан мисоллар келтирилган ўринларни учратиш мумкин. Жумладан, шоир Навоийнинг илмга бўлган муносабатини ўзининг “Етти равза” достонида мантиқий давом эттиради. Асар (“Етти равза”)нинг иккинчи боби илм-маърифат масалаларига бағишланиб, бунда шоир инсон доимо илм-маърифат эгаллашга жидду жаҳд қилиши кераклиги, илмли киши иззат-икром топиши ҳақида қарашларини баён этади. Боб

[21] Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий (ҳаёти ва ижоди). – Тошкент: Фан. – Б. 48.

якунида Алишер Навоий “Хамса”сидаги илм-маърифат тараннум этилган “Имом Фахр Розий била Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ” ҳақидаги ҳикоят айнан келтирилади. Асарнинг учинчи равзасида шоир таъмагирликнинг инсонга келтирадиган зарари ва қаноатнинг фойдаси ҳақида фикр юритиб, боб якунида Алишер Навоий “Хамса”сидаги таъмагир ва қаноатли киши ҳақидаги ҳикоятни айнан келтирган[22].

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида Аҳмад Табибий достонлари қўлёзмалари 1243, 3460, 1078 инвентар рақамлари билан сақланади.

Аҳмад Табибийнинг “Вомиқ ва Азро” достони беихтиёр Навоий “Хамса”си таркибидаги “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” достонларини ёдга солади. Достонда Табибий келтирган Меҳинбону образи доно, оқила ва маслаҳатгўйлиги билан Навоийнинг Меҳинбонусига айнан ўхшаб кетади. Шунингдек, достоннинг ифода услуби ҳам “Фарҳод ва Ширин” достони услуби билан деярли бир хил.

Адабиётшунос олим, Ф.Ғанихўжаев Табибийнинг “Вомиқ ва Азро” достонини нашрга тайёрлаган[23]. Эътироф этиш керакки, бу асарнинг нашр эттирилиш жараёни осон кечмаган. Сабаби достон ҳажман катта бўлиб, қўлёзма матни майда настаълиқ хатида кўчирилган. Табиийки, бу жараёнда ҳарфларни ажратиш тадқиқотчига бир қанча мураккабликлар туғдиради. Адабиётшунос Ф.Ғанихўжаев томонидан амалга оширилган достоннинг нашр варианти “*бу сухандонларга маъзират била бир неча сўз демак ва алардин айбпўшлиғ истамак” сарлавҳаси ва:*

*Йўнуб жаҳд ила тинмай нуги хома,*
*Тилармен ёзгали ишқ ичра нома.*
*Яқин билгум ва лекин бешаку райб,*
*Эрур бошдин оёқим нуқс ила айб*[24] – мисралари билан бошланган.

Бироқ “Вомиқ ва Азро” достони қўлёзмаси анъанавий “басмала”, Аллоҳга ҳамд, Расулуллоҳ (с.а.в.)га наът, чаҳориёрлар ва ҳукмдор мадҳи билан бошланади. Албатта, бу ҳолни ўша пайтдаги сиёсат билан боғлаш мумкин. Негаки, мумтоз асарларнинг нашр вариантлари ҳам мафкура талабига мослаштирилиб, “ғоявий таҳрир” чиғириғидан ўтказилиб нашр қилинган. Бундан ташқари, достоннинг аслияти ва нашр варианти ўзаро қиёсланса, шеърий парчалар орасидан ҳам мисралар қисқартирилиб нашр этилгани аён бўлади. Бу ҳолни, эҳтимол, собиқ тузум даврида мумтоз асарларни тадқиқ этишда асосан бадиий-эстетик мезондан эмас, ижтимоий-мафкуравий тамойилдан келиб чиқиб ёндашилгани билан изоҳлаш мумкин. Лекин бундай ноқис нашрлар, ўз навбатида, ижодкор ёки муайян бир асар юзасидан нотўғри илмий тасаввурларни шаклланишига олиб келиши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, Аҳмад Табибийнинг “Нозир ва Манзур”, “Етти равза” каби достонлари адабиётшунослигимизда ўрганилмаган. Шоирнинг ўтган

[22] Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий (ҳаёти ва ижоди). – Тошкент: Фан, 1978. – Б.53.
[23] Аҳмад Табибий. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи – Фатхулла Ғанихўжаев). – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968.
[24] Шу манба. – Б. 65.

асрда нашр этилган “Вомиқ ва Азро” достони ҳам жиддий қисқартиришларга учраган.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда собиқ тузум даврида нашр этилган мумтоз асарларни уларнинг аслияти асосида танқидий асосда қайта кўриб чиқиш зарурати кун тартибидаги илмий муаммолардандир. Аҳмад Табибий достонларининг қиёсий-матний тадқиқини амалга ошириш, бу асарларнинг миллий адабиётимиздаги ўрнини баҳолаш ҳам ечимини кутаётган илмий ишлардан ҳисобланади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги 3460/IV, 3460, 3461, 1243, 1078 инвентар рақамли қўлёзмалар.
2. Ғанихўжаев Ф. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1968.
3. Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. – Тошкент: Фан, 1978.

# «ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ»НИНГ НОДИР ҚЎЛЁЗМАСИ ВА ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ ҚИЁСИ ВА ТАҲЛИЛИ

**Шукурова Зилола Юсуфовна,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Адабий манбашунослик ва матншунослик
кафедраси ўқитувчиси, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Носируддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» асарини ёзиш билан адабиётимиз тарихида бадиий насрнинг илк ва нодир намунасини яратди. Бу асар тузилиши, мазмуни, ғоявий йўналиши, образлар тизими, бадиий нафосати, турли адабий жанрлар, поэтик унсурларнинг қоришиб келиши нуқтаи назаридан ҳам ўзига хос манбадир. Мазкур ёдгорлик мавзу нуқтаи назаридан шу каби бошқа асарлардан фарқ қилади. Унда адиб диний мавзулар, воқеа-ҳодисаларни айнан келтирмай, уларни ўз ижодий нияти, ижтимоий-маърифий идеали билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасвирлайди. Инсон умри, жамият тақдири ва уларнинг бир-бири билан узвий боғлиқлиги ҳаётий воқеалар тасвири ёрдамида очиб берилади. Бинобарин, бу китоб туркум мавзули бадиий ижод намуналарига яқин туради.

XIV асрда Хоразмнинг Работўғузида яшаган Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг шахси, у яшаган жой ҳақида изланиш олиб бораётган олимлар Тўқбуға беклик қилган қалъа – Работўғуз ҳозирги давр ёдгорликлари рўйхатида Тўққалъа номи билан қайд этилиб, у ҳозирги Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманида жойлашганлигини[25] аниқлашди. Шунингдек, адиб ҳаёти ва унинг ягона меросини тадқиқ этиш, ундаги қисса, ҳикоят, ривоят, шеърий жанрлар, латифа, ҳикмат кабиларнинг асарда тутган ўрнини таҳлил қилишда илмий хулосалар ҳам бериляптики, у ҳам Рабғузий ижодини ўрганиш бугунги кунда ҳам долзарблигича қолаётганлигини исботлайди[26].

Ўз даврининг билимдони бўлган Носируддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий» асарини ёзишда диний манбаларни ўрганиш билан бирга оғзаки ижод таъсирида юзага келган ёзма адабиёт намуналаридан ҳам фойдаланган. Ўзига хос композицион тузилишга эга бўлган «XIV асрдаги ўзбек бадиий адабиётининг савияси, даражаси ва кучини кўрсатиб берувчи»[27] «Қисаси Рабғузий» «ҳижрий 710 йилнинг Ҳут (милодий 1310–1311 йил 21 февраль – 21 март) ойида»[28] ёзиб тугалланган.

Асар таркибидаги қиссалар ўртасидаги умумийлик пайғамбарларга хос сифатлар, уларнинг Аллоҳ томонидан юборилгани, жамиятда авж олган зарарли иллатлардан инсонларни қайтаргани ҳамда диннинг аҳамиятини

[25] Зоҳидов П. Кун туғардин кун ботарға сўзи етган зот // Ўзбек адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002. –2-февраль. – Б. 2; Абдушукуров Б. Эски туркий тили адабий тил лексикаси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2015. – Б. 9.
[26] Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – Б. 231–253.
[27] Расулев Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши // Адабий мерос. – Тошкент, 1986. – 2-сон (36). – Б. 30.
[28] Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 7.

тушунтиргани Қуръон оятлари, Ҳадисдан олинган ибратли ҳикоялар ҳамда халқ оғзаки ижоди намуналари асосида ўзига хос услубда ифодаланади. Шунингдек, муаллифнинг ифода шакли ҳам муайян бадиий-эстетик тамойилларга асосланади, яъни адиб пайғамбарларнинг ҳаёт йўлини тасвирлашдан аввал уларнинг сифатлари ва мўъжизаларини эртак ва достонларда етакчи бўлган сажъ усулидан фойдаланади. «Қўлланган сажъ эса ўз характери жиҳатидан жуда ҳам мукаммал бўлиб, сажъланган ҳар бир сўз у ёки бу шахс сифатларини очиб беришга хизмат қилади»[29]. Асар муқаддимасида пайғамбарлар фаолияти умумий обзор тариқасида шеърий шаклда берилади. Қиссанинг мазмуни, бадиийлигини кучайтириш, мунозарали воқеа-ҳодисаларга аниқлик киритиш мақсадида адиб тасвир жараёнида бир жанр ичида бошқасини келтириб, асарнинг таъсирчанлигини таъминлайди. Ёзувчининг ана шундай ўзига хос услуби асарнинг халқлар орасида маълум ва машҳур бўлишига сабаб бўлган.

Ҳозирги кунда асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинаси Асосий фондда № Р3042, №10252, №7397, №1834, №6227, №11537, №6346, №6685, №6122, №11202, №12701, №7022, №1624, №5687 инвентарь рақамлари билан рўйхатга олинган. Қиссанинг турли давлатларда кўплаб нусхалари сақланиб, Туркия давлат кутубхонасида юздан ортиқ, Остона давлат кутубхонасида қирқдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжудлиги аниқланган[30]. Сўнгги йилларда ҳам юртимизда асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари нашр этилди[31]. Э.Фозиловнинг қайд этишича, «XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида асар Тошкент, Қозон, Самарқанд шаҳарларида литографик усулда бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг нисбатан тўла матни илк марта рус туркшунос олими Н.И.Ильминский томонидан 1859 йили Қозон шаҳрида эълон қилинган. Бу нашр кейинроқ кўчирилган нусхага асосланган бўлиб, тил жиҳатдан асл нусхадан анча фарқ қилади»[32] деб берилади. Юртимизда сақланаётган нусхалар орасида эса энг қадимийси №1834 инвентар рақамли асар нусхаси ҳисобланади.

**№1834 нодир қўлёзма.** Китоб қаттиқ картон қоғоз билан муқоваланган. Устига сариқ духоба матодан қоплама ёпилган. Асар кўп талофат кўргани боис дастлабки саҳифалари йўқолган. Шунинг учун 1-бетдан 5-а бетгача сиёҳ рангда чиройли ҳуснихатда кейинги нашрлар орқали қайтадан кўчирилган. Матн четида сариқ ҳошия чизилган. Асл ёзув 5-б бетдан бошланади. Матн четида рамка йўқ. Настаълиқ хатида кўчирилган бу

[29] Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 94.

[30] Айсу Ата. Насируддин бин Бурҳануддин Рабгузий. Кисасул анбиё. – Анқара, 1997. – Б. 21–22; Халиуллина А.Р. Графо-фонетические и морфологические особенности тюркоязычного письменного памятника XIV в «Кысас ал-анбия» Насреддина Рабгузи. – Казан: Казанский государственный университет, 2002. – С.11.

[31] «Қисаси Рабғузий»нинг биринчи қисми 2013 йил «Шарқ» нашриётида қайтадан чоп этилди. У 191 бет ҳажмида бўлиб, Р.Зарипова, Н.Саъдуллаева томонидан таянч манбага асосланган Тошкент нашри матни ўзгартиришларсиз ҳозирги ўзбек адабий тилида табдил қилинган; Қиссанинг Самарқанд тошбосма нусхаси 2009 йил «Мумтоз сўз» нашриётида филология фанлари доктори Б. Абдушукуров томонидан ҳозирги ўзбек адабий тилида нашр этилган. У 207 бетдан иборат бўлиб, матндаги лавҳаларнинг баъзилари туширилган.

[32] Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990. – Б. 8.

китоб 20х27 ўлчовли, 450 варақдан иборат. Кўчирган котиб маълум эмас. Ҳар бир бет 22 сатрдан иборат. Асарда мундарижа берилмаган.

Китобнинг баъзи жойларига нам тегиши натижасида 105 а-б, 135- б, 293- б, 349- а бетларидаги ёзув бўялган. 104-б бетда муқова четида қизил ва сиёҳ рангда арабча сон ва сўзлар ёзилган. Матндаги баъзи бир сўзлар устидан чизилган. Шунингдек, 108-а (сиёҳрангда), 125-б, 126 а-б, 134-а, 150-а, 154-а, 155-а, 185-а, 189-а, 190-а 301-б бетларда турли сўзлар матн ҳошиясига ёзилган. Баъзи жумлалар тагига қалам билан чизилган. 115-б, 123-а, 209-а бетлар ўртаси йиртилган. Баъзи йиртилган варақларнинг чети қайта таъмирланган. 445-б бетнинг тепа чет қисми йиртилган, ёзуви хира тортган, бўялган, ўчирилган.

Китобда *назм, байт, шеър* номи остида 410 мисра лирик шеър берилган бўлиб, улар араб, форс-тожик, туркий тиллардадир. Бу атамалар қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилгани учун кўзга тез ва осон ташланади.

Асар беш хил ёзувда битилган: 1-бетдан – 5-а бетгача биринчи хил ёзув, 5-б бетдан – 191-бетгача иккинчи хил ёзув, 192-а бетдан – 203-б бетгача учинчи хил ёзувда битилган. 446-б – 447-б – бетгача варақлари зарар кўргани боис бошқа чиройли хуснихатда тўлдирилган. 448-450- бетгача тушунарсиз ва хунук хатда арабча сўзлар ёзилган.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозиргача биз таяниб келаётган адиб ижоди ҳақидаги айрим маълумотлар адиб ва унинг мероси ҳақида тўлиқ тасаввурни ҳосил қилмайди. Қисса ўқувчиларнинг севимли асари бўлгани сабаб, турли жойларда котиблар томонидан қайта-қайта кўчирилган ва китобат асносида асарга қўшимча воқеалар, ҳикоятлар ва шеърлар киритилган. Натижада қисса тили, сюжети, композицион тузилиши ва ҳаттоки, унинг ёзилиш санасига доир айрим чалкашликлар юзага келганки, бу соҳада ҳали кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоғи кераклигини кўрсатади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Абдушукуров Б. Эски туркий тили адабий тил лексикаси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2015. – Б. 9.
2. Айсу Ата. Насируддин бин Бурҳануддин Рабгузий. Кисасул анбиё. – Анқара, 1997.
3. Зоҳидов П. Кун туғардин кун ботарға сўзи етган зот // Ўзбек адабиёти ва санъати. – Тошкент, 2002. –2-февраль. – Б. 2.
4. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – Б. 231–253.
5. Расулев Х. Халқ фантазияси изларининг кўриниши // Адабий мерос. – Тошкент, 1986. – 2-сон (36). – Б. 30.
6. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Тошкент: Фан, 1978.
7. Халиуллина А.Р. Графо-фонетические и морфологические особенности тюркоязычного памятника XIV в «Кисас ал анбия»

Насриддина Рабгузи. – Казан: Казанский государственный университет, 2002.

8. Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. «Қисаси Рабғузий». 1-китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1990.

9. Қисаси Рабғузий. (Самарқанд тошбосма нусхаси асосида) Нашрга тайёрловчи филология фанлари доктори Б. Абдушукуров. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. –Б. 207.

10. Қисаси Рабғузий. Нашрга тайёрловчи Р.Зарипова, Н.Саъдуллаева. –Тошкент: Шарқ. 2013, –Б-191.

# АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ РИНДЛАР АДАБИЙ МАЖЛИСЛАРИ МАНБАСИ СИФАТИДА

**Қораев Шерхон Пўлатхонович,**
СамДУ тадқиқотчиси, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
sherxonqorayev@gmail.com

Темурийлар даврида дарвешлар каби риндлар номли ҳаракат ҳам фаолият кўрсатгани ва мажлислар ташкил этгани тарихдан маълум. Бу ҳаракатни ўрта асрларда Харобот риндлари(Хароботийлар)[33] деб аташган. Бу номнинг келиб чиқиши ўн иккинчи асрда Ганжадаги ҳаёт завқидан лаззат истаган хонанда, шоир ва бошқалар тўпланиб, мажлис қурадиган, май истеъмол қилиб мушоира қиладиган Харобот номли маҳалла билан боғлиқ. Кейинчалик бу ном харобат риндлари хурсандчилик қилувчи манзилларга нисбатан қўлланила бошлаган.

Алишер Навоийнинг қуйидаги асарлари темурийлар давридаги риндлари мажлисларини ёритишда манба сифатида хизмат қилади.

1. **“Мажолис ун-нафоис” тазкираси.** Бу рисоладаги бир қатор ўринларда риндлар ҳаракати намояндалари номлари қайд этилган. Асарнинг биринчи мажлисида Навоий Ҳофизи Саъд ҳақида сўз юритганда, уни ичкиликка берилган риндлар сафига қўшилгани учун устози тасаввуф пешвоси Қосим Анвор хонақоҳдан ҳайдаб чиқаргани, ҳужрасини бузиб ташлангани ҳақида ёзади. Ҳофизи Саъд ана шу пайтда қуйидаги шеърини ўқиган:

*Маро дар олами ринди ба расвои алам карди,*
*Дилам бурдию жонам надими сад надам карди.*[34]

*(Мени риндлик оламида расволикнинг нишонаси қилдинг, дилимни олиб, жонимни юз надоматга қўйдинг).*

Мазкур лавҳадан диндорлар ва Қосим Анвордек тариқат пирлари риндларга қаршилик билдирган, деган фикр ўйғониши табиий ҳол. Аммо сўфий шоир Қосим Анвор ўз шеърларида “Ринд” тимсолидан кенг кўламда фойдаланганлигини қуйидаги байтдан кўришимиз мумкин:

*Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,*
*Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок?*

*(Риндларимиз, ошиқларимиз, жаҳонни куйдирувчи ва ёқа вайронларимиз, Сенинг ғаминг давлати билан эканмиз, жаҳон фикрининг нима ҳожати бор?)*

Академик Иззат Султон темурийлар даври мутафаккир шоири Қосим Анвор мадҳ этган риндликни тасаввуфнинг бир кўриниши деб баҳолаб, шундай ёзган: *“...Тасаввуфнинг бир кўриниши бўлган риндликда шахс эркинлиги, ҳурфикрликка, ҳаётсеварликка интилиш борлиги ва риндларнинг шариат қоидаларини очиқ ва онгли равишда тан олмаслиги шубҳасиздир.*

[33] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983. – Б.42.
[34] Алишер Навоий. Асарлар. Ўн иккинчи том. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966. –Б.10.

*Риндликнинг бу хусусиятлари ўрта аср шароитида уни нисбий прогрессив фикр ва ахлоқ ифодачисига айлантирган.*

*Қосим Анвор ғазалида ишлатилган "риндем" (риндлармиз) иборасининг маъноси – ҳаёт завқига берилиб, дину ибодатни унутган қувноқ кишилармиз, демак. Жуда мўътабар луғатлардан ҳисобланган "Ғиёсул-луғат"да бу сўзга қуйидагича изоҳ берилган: "Ринд – шундай инкор этувчиларки, улар шариат буюрган ишларни жоҳиллик билан (тушунмай) эмас, балки яхши тушуниб туриб инкор (рад) этади".*[35] Адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, *"Сўфий жамоалари орасида "ринд"лар зоҳиран ўзларини бехуд, бепарво қилиб кўрсатувчи, ботинан эса мутафаккир ва закий бўлганлар.*[36] Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Қосим Анвор ҳам ўзи мансуб риндликни сўфийликнинг бир тариқати ҳисоблаган. Бироқ шогирди Ҳофизи Саъд сингари ичкиликка берилган риндларни эса зинҳор ёқламаган ва шунинг учун бу йўлни танлаганларга қарши курашган.

Муайян муддат риндлар сафига қўшилган шоир Мавлоно Муҳаммад Бадахший Самарқанддда ўқиб, Ҳиротга қайтгач, Ҳофизи Саъд сингари "Мажолис ун-нафоис"да ёзилишича, *"таҳсил ишин такмил қилур вақтда ғоят хуштабълиғидин ва мусоҳиблар хотири жиҳатидан лавандлиғларға тушти (ичкиликка берилди) ва риндлиқ тарийқин ул мартабаға еткурдиким, маст ё махмур бош ва оёқ яланг кўй ва кўча ва бозорда юрур эрди. Ҳодии тавфиқ тавба насиб қилиб, ани туз(тўғри) йўлга кетурди".* [37] Яъни маълум вақт риндлар тариқида ичкиликка берилган Муҳаммад Бадахший тавба-тазарру қилиб, тўғри йўлга қайтган.

**2."Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер" маноқиби.** Навоий "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер"да устозининг риндлиги ва барча риндларни азиз тутгани, ўз уйидан бундай тоифага жой бергани ҳақида шундай ёзган: *"Йигитлик айёмидаким, риндлиқ ва лавандвашлиқлар боисидур, бу тоифа (риндлар) кундуз ва кечалар алар(Ҳасан Ардашер) масканидин чиқмаслар ва барча асбоб алар учун муҳайё эрди...*

*...Бу сифатларда Ҳақ субҳонаҳу ва таоло аларни комил халқ қилиб эрди ва риндлиқ ва тажарруд айёмида сойир риндлардин кўпрак ичар эрдилар. Андоққи, баъзи икки қатла ва баъзи уч қатла маст бўлиб, мажлисдин чиқиб, уюб, яна мажлисға келурлар эрди ва алар ўз ҳолларида эрдилар...Ва сабуҳий вақтиғача бир-икки қатла барча усрук ётғон риндлардин ўзлари юруб хабар тутарлар эрди.*

*Риндлардин бир анингдек йўқ эрур огоҳ ринд,*
*Шоҳ эди ринд аҳлиға, балким эрди шоҳи ринд.*[38]

Адабиётшунос Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, Саййид Ҳасан ўзини "лавандлик ва ошиқпешаликка" уриб, ринди майхўрлар мажлисига қатнайдиган бўлиб қолади. Навоий таърифига кўра, унинг учун шоҳу гадо баробар эди, мирзозодалардан тортиб то дарвешу фақирларгача унинг

---

[35] Султон Иззат. Навоийнинг қалб дафтари. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1969. –Б.53-54.
[36] Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. –Т.: Ёзувчи, 1996. –Б.12.
[37] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. – Т : Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. – Б.293.
[38] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. – Б.9-11.

мажлисларида иштирок этган. Бу зот ҳеч бир такаллуф ва изтиробсиз улар билан мусоҳиб бўлган. Шуниси эътиборлики, майхўрликни қоралаган Навоий, гарчи орада “кўп вақтни таъйинсиз ўтказур эрди”, деган жумлаларни қистириб ўтсада, лекин Саййид Ҳасанни бу ишда айбдор қилиб, мазаммат этмайди, аксинча унинг риндлик қонун-қоидаларини бажо келтиргани, ҳарифларига ғоят меҳрибон ва ғамхўрлигини, футувватини таъкидлаб ўтади. Маълум бўладики, шоир худопараст риндларнинг сархушлик мажлисларини бутунлай маъқулламаган бўлсада (Паҳлавон Муҳаммад ҳам шундай ринди бебоклардан бўлган), аммо инкор этмаган: жоҳил одамларнинг бодапарастлиги, атрофдагиларга озор бериши ахлоқий таназзулга олиб келган бўлса, дарвеш-риндларнинг майхўрлиги, Илоҳ ёдида сархуш бўлиш билан бирга беозор ва “ахлоқу шариат” доирасида эди. Ҳар ҳолда бу ҳам расмий динга зид эди ва Ҳирот жамоасининг ахлоқи ва муҳитини акс эттирадиган белгилардан бири ҳисобланарди.[39]

Ҳасан Ардашернинг риндлиги даврида унинг уйи риндлар ва хароботийлар йиғини жойи бўлган. Бу хонадонда Ҳирот риндлари тўпланишган ва мажлислар ўтказишган. Бу ҳақда Фахрий Ҳиравий ўзининг “Тазкират ус-салотин” асарида шундай ёзади: *“Амир Саййид Ҳасан Ардашер Калоний...риндлик айёмида дўстлари-харобот риндлари орасида эди. Ва бу ишни ундан қони қайноқроқ киши қилган эмас эди”.*[40] Риндлар йиғинларидан бирида Саййид Ҳасан Ардашер бу қитъани ўқиган:

*Че хуш бошад сабўҳй бо дилором,*
*Лаболаб аз қадаҳ ҳар дам кашидан.*
*Чу ғунча ҳар ду дар як пираҳан танг,*
*Баҳам печидану дарҳам кашидан.*[41]

*(Дилором билан тонг пайтида тўла қадаҳларни шимиришдан, ғунча сингари ҳар иккимиз тор бир кўйлак ичида чирмашиб қучишмоғимиздан ёқимлироқ нима бор?)*

**3. “Маҳбуб ул-қулуб” асари.** Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида “ринди бодапараст”ларнинг ахлоқини баён этиб, уларни Худонинг ошиқлари, Ҳақнинг севган бандалари деб таърифлаган. Унда Навоий Харобат аҳли-риндлар ҳақида шундай ёзган: *“Ўз вужудини ўзи ерга қоради; мажлисларда энг қуйидан жой олади. Агар нафслари тупроқ билан тенг бўлса-да, лекин ҳимматлари олдида баланд осмон гўё пастдек. Замон қайғуларидан кўнгли ғамсиз; фалак ташвишларидан хотири аламсиз. На ҳаётдан, на ўлимдан қўрқади; ҳиммати олдида бор-йўқ бирдай. Май идишидек аччиқ-аччиқ йиғлашдан унга шодлик юзланади; қадаҳ-қадаҳ қўйилган майдек тубанга тушишдан хурсанд бўлади...Майпараст (риндлар) даврон зўравонлари зулмидан шундай кун кечиришга ҳақлидир; агар шундай бўлса, у Ҳақ авф ва марҳаматига лойиқ. Вужуди майхона тупроғида фоний;*

[39] Комилов Н. Хизр чашмаси. –Т.: Маънавият, 2005. –Б.41.
[40] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. –Т.: Мумтоз сўз, 2014. –Б.108.
[41] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Тўққизинчи жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012. –Б.293.

*умиди Ҳақнинг карамидан абадий ҳаёт. Риндлар ва гадолар етишган давлат ва саодатга шоҳлар ҳам орзу ва хасрат билан қарайдилар.*

*Риндеки, фано жомини тортар пайваст,*
*Дунё била охиратқа эрмас побаст.*
*Ҳақ раҳмати умиди билан тун-кун маст,*
*Кўп ортуғроқки, зоҳиди зарқпараст.”*[42]

“Маҳбуб ул-қулуб”да назарда тутилган худопараст риндлан ташқари навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов бодапараст риндни ҳам зикр этиб, бу ҳақда шундай ёзган: *“Ринд” – нозиктабиат, олифта, бепарво, салт – сувой, “лоуболи” эса бепарво, беғам, бепарҳез деган маъноларни ифодалаган бўлиб, Ҳофиз ва Навоий кабилар тасвирлаган бу образда ушбу сифатларнинг ҳаммаси мавжуддир...*

*Навоий давридаги ҳақиқий мастбозлар ўзларини ринд деб атаганлар. Демак Навоий ринд ҳақида ёзганда, фақат адабиётдаги анъанавий риндни эмас, ҳаётдаги риндни ҳам кўз олдида тутган. Бу ўринда Навоий тасвирлаган майхўрликка ҳеч қандай диний тус бериш мумкин эмас. Бу майхўрларнинг ҳақиқий айш-ишрат қилиш усулидир...*

*Риндлар ўзларини алоҳида одамлар ҳисоблаб, майхўрларни одам ҳисобламаган шайх ва зоҳидлар, фақиҳ ва муҳтасиблардан ўзларини юқори билганлар”.*[43] Муҳаммаджон Маҳмуд эса “Навоий ижодига янгича қараш” китобида Алишер Навоий асарларидаги риндларни сўфийлар деб, таърифлаган: “...Май – Аллоҳнинг ишқи, майхона – тариқат аҳли тўпланиб, муршиддан таълим-тарбия олувчи маскан, ринд – Тангри ишқи билан маст дил аҳли (ошиқ сўфийлар), қадаҳ – унинг қалби, йўл – Аллоҳга элтувчи хилма-хил тўсиқларга эга тариқат йўли маъносида келади.”[44]

**4.Лирика. “Девони Фоний” девони.** Навоий шеърларида ҳам риндлар базм (мажлис, суҳбат)лари зикр этилган. Нажмиддин Комилов риндлар базмлари ҳақида шундай ёзган: *“Риндлар жамоасида дунёнинг нобаробарлигидан, адолатсизликлардан зада кишилар алоҳида ажралиб турарди, улар бир-бирига рози дил айтиш, ҳасратлашиш учун йиғинлар уюштирардилар. Бундай йиғинларда илму адаб аҳли ҳам иштирок этарди, риндлар одатига мувофиқ меъёрида шароб ичиб, сархушлик қилиш, эркин-озод ҳолда туйғулар тизгини қўйиб юбориб, куй-қўшиқ, шеърхонлик “базм-жамшид”ини тузиш расм бўлган. Риндлар даврасининг ўз шоирлари, созандаю мутриблари бўлган”.*[45] “Девони Фоний”да риндлар мажлислари атамасига тез-тез дуч келамиз. Бинобарин улуғ шоир ҳам “Девони Фоний”да қуйидаги сатрларни ёзганда, майхўр риндларни эмас, балки Аллоҳ ишқи билан сармаст риндларни назарда тутган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас:

*Чу май ба мажлиси риндон тамом шуд Фонӣ,*
*Паи сабўкаший, ситода чобуку чуст.*[46]

---

[42] Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1983. –Б.42-43.
[43] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Т.: Ўзбекистон, 2015. –Б.228-233.
[44] Маҳмуд М. Навоий ижодига янги қараш. – Т.: Мериюс, 2015. –Б.53.
[45] Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996. –Б.12.
[46] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 18-том. –Т.: Фан, 2002. –Б. 108.

*(Риндлар мажлисида май тугаб қолди, Фоний энди сабукашлик ( май идишини кўтариб келтириш) учун чаққон ва тайёр бўлиб турибди).*

Навоий “Девони Фоний”даги айрим ғазалларида риндлар мажлисини юқорида зикр этганимиздек, май тимсоли билан боғлиқ ҳолда талқин этади.

*Нигорам неку бади мажлиси риндону бувед,*
*Адаби сўҳбату май хўрданашон талқинам.*[47]

*(Риндлар мажлисининг яхши ва ёмонлигига қараб тураман, суҳбат ва май ичиш одоби менинг талқинимдир).*

Демак Навоий наздида риндлар базмини тузишдан мақсад ҳам илоҳий ишқ майидир.

*Марав зи мажмаи риндон нагашта маст ҳануз,*
*Ки дар ду чашмат асар аз хумор ҳаст ҳануз.*[48]

(Маст бўлмай риндлар мажлисидан кетма, чунки икки кўзингда ҳануз хумор асари бор).

Ўрта асрларда риндлар тариқати тасаввуф билан боғланиб, “ринд сўфийлар”[49] тоифаси ва “риндона тасаввуф”[50] оқими пайдо бўлган.

“Соқийнома”да ҳам Навоий риндлар базмини тилга олган:

*Ул фано жомини чун сипқорайин,*
*Маст ўлуб, дайри фаноға борайин.*
*Риндлар базмиғача гом чекай,*
*Ул харобот элидин жом чекай.*[51]

“Риндлик–ошиқнинг бир хусусиятидир. Демак, Навоийнинг лирик қаҳрамони, фикримизча, асосан уч хусусиятга эга, у биринчи навбатда, оташин ошиқ, иккинчи навбатда, яъни севган азобларидан ҳаддан ортиқ эзилган ва муваффақиятсизликларга учраганда ринд, учинчи навбатда, шоир-мутафаккир, ҳаёт ва борлиқ ҳақида, илм ва санъат ҳақида ўйловчи, бош қотирувчи, бу ҳақда шеърлар ёзувчи ва шеърларини базмларда ўқувчи киши.”[52]

Юқорида қайд этганимиздек, темурийлар даврида риндлар томонидан адабий мажлисларнинг бир тури – риндлар базмлари ўтказилган. Бундай мажлисларда ҳам мушоиралар олиб борилган, қўшиқлар куйланган, суҳбатлар уюштирилган. Риндлар шеър ўқиб, ғазал ва мусиқа тинглаб, завқ олишган. Бу бир томондан мумтоз адабиётимиз, иккинчи томондан мусиқа санъатининг тараққиётига хизмат қилган.

---

[47] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 19-том. –Т.: Фан, 2002. –Б.122.
[48] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 19-том. – Т.: Фан, 2002. –Б.27.
[49] Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – Б.12.
[50] Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – Б.17.
[51] Алишер Навоий. Хазойинул-маоний/Фавоид ул-кибар. Тўртинчи том. – Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1966. – Б.428-438.
[52] Ҳайитметов Абдуқодир. Навоий лирикаси. – Т.: Ўзбекистон, 2015. –Б.194.

# “SAMARIYA” DA YASHAB QOLGAN ABDULMO‘MIN SATTORIY

**Xurramova Zebiniso Safarboyevna,**
Samarqand davlat chet tillar instituti
Yaqin sharq tillari kafedrasi mudiri
filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)

O‘tgan asrning 20-yillarida respublika poytaxti maqomiga ega bo‘lib turgan Samarqand o‘zining adabiy maydonida ko‘plab ilm-fan, ijod kishilarini birlashtirgan, yosh iste’dodlarni kashf etgan edi. Samarqand adabiy muhitida mashhur ijod ahli bilan birga endigina ilm-ijod maydoniga kirib kelayotgan iqtidorli yoshlar ham ko‘pchilikni tashkil etgan. Ularning aksariyati ulug‘lar soyasida qolgan yoki umumiy qatag‘on qurboniga aylangach, nomlari deyarli unutilgan. XX asrning 20-yillar adabiy muhiti vakillari orasida kuchli bilimi, iqtidori bilan ustoz va do‘stlarining hurmatini qozongan, tarixchi olim sifatida tanilib kelayotgan Abdulmo‘min Sattoriy shunday yoshlardan edi. Afsuski, bu iqtidorli olim 22 yoshida (1903–1925) vafot etadi.

Atoqli adib Xurshid Davron tomonidan berilgan ma’lumotga ko‘ra, “Abdulmo‘min Sattoriy yigirma ikki yoshidayoq tarixchi sifatida tanilib, o‘sha davr ma’rifat ahli diqqatini jalb etgan. Vaqtli matbuotda uning «Budda», «Ko‘ktosh», «G‘otfariy mahallasi», «Yusuf Hamadoniy», «Ruhobod» kabi ilmiy maqolalari bosilgan edi”[53]. Keyingi manbalarda esa u asosan “Samariya” asari tarjimoni sifatida tilga olinadi. Zero, fors-tojik tilidan o‘zbekchaga o‘girgan ushbu asar uning nomini tarix sahifasiga muhrlagan edi. Shu maqolasida X.Davron ba’zi ma’lumotlarga ko‘ra, olim Bo‘riboy Ahmedov Sattoriy Narshaxiyning «Tarixi Buxoro» asarini ham o‘zbek tiliga tarjima qilganligini aytib o‘tadi. Qimmatli asarlardan biri bo‘lmish “Samariya” ni 1921-yil Abdulmo‘min Sattoriy fors-tojik tilidan o‘zbekchaga tarjima qilgan, lekin asarning bir qismi “Inqilob” jurnalida bosilgach, qolgan qismi musavvada (qo‘lyozma) holida qolib ketadi. O‘zbekiston maorif komissarligining ilmiy markaz qo‘mitasi bu asarni kitob holida chop etish masalasini ustoz Sadriddin Ayniyga topshiradi. Ustoz Ayniy tarjimon foydalangan nusxa bilan qo‘lida bo‘lgan boshqa nusxani qiyoslab, tekshirib tarjima matnini qayta ishlaydi:”Sattoriy tomonidan qo‘shilg‘on ma’lumotlarni o‘z imzosi bilan hoshiyag‘a ko‘churdim. Sattoriy tarjumasida bo‘lub menim qo‘lumdag‘i «Samariya»da bo‘lmag‘on, lekin «Samariya»ning boshqa biron nusxasidan oling‘oni bilinub turg‘on ma’lumotlarni ikki yoy chizg‘isi (xatti qavsayn) arosida olib o‘z yerida qoldurdim. Kitobning asl mafhumini onglatishga zarar kelturmayturg‘on yerlarda Sattoriy uslubidan bir namuna bo‘lsun deb oning ta’birlarini buzmadim... Bu ishlarning natijasida kitobning asliga ko‘ra ellik foyizga yaqin bir narsa hoshiyada yozildi” – deb izoh beradi Sadriddin Ayniy asar so‘zboshisida[54].

[53] http://kh-davron.uz/ijod/maqolalar/xurshid-davron-qogozda-yozgulik-qolgay.html
[54] http://vesvladivostok.ru/publ/mify_i_realnost/istorija_rossii/abu_tohirxoja_samariya

Afsuski, adib so‘zboshisi va izohlari bilan to‘ldirilgan asar nashrga tayyorlanganicha qolib ketgan. Oradan qirq besh yil o‘tgandan keyin zahmatkash o‘zbek olimi Bo‘riboy Ahmedov «Samariya»ni nashrga tayyorlaydi. U tarjimon yo‘l qo‘ygan noaniqliklarni, Sadriddin Ayniy olib tashlagan o‘rinlarni bartaraf qilish maqsadida «Samariya»ning mavjud qo‘lyozmalari va N. I. Veselovskiy tomonidan amalga oshirilgan (1904) nashri asosida qayta ko‘rib chiqadi, so‘zboshi va zarur izohlar bilan boyitadi. Ammo «Samariya» bu safar ham nashr etilmaydi. Nihoyat Samarqandning yana bir fidoyi farzandi, taniqli shoir va publitsist Xurshid Davron tashabbusi bilan asar 1991-yilda kitob shaklida dunyo yuzini ko‘radi[55].

Shuningdek, ba’zi manbalarda Abdulmo‘min Sattoriyning devon tuzganligi haqida ham ma’lumot uchraydi. Afsuski, hozircha Sattoriy tarjimai holi, faoliyati va devonini topish maqsadida bugungi kungacha olib borgan surishtiruvlarimiz natijasiz qolmoqda. Shunday bo‘lsa-da, bu yosh iqtidor sohibining bir nechta she’rlari Vadud Mahmudning shaxsiy arxivida saqlanib qolgani quvonarli hol. Chiroyli husnixatda tartib bilan yozilgan yetti sahifadan iborat arab yozuvidagi qo‘lyozma matni muallif dastxati ekan. Bunga Vadud Mahmud tomonidan birinchi sahifadagi “Umidsizlik” nomli she’rning yuqori qismida “Dastxati Abdul-Mo‘min Sattori(y)” shaklidagi yozuv bilan aniqlik kiritilgan.[56].

Ma’lumki, Vadud Mahmud o‘z davrining ko‘zga ko‘ringan tanqidchilaridan va “Ma’orif va o‘qutg‘uchi” jurnali mas’ullaridan edi. Shu sababli Abdulmo‘min Sattoriy she’rlaridan bir nechtasini unga tahrir uchun yoki mazkur jurnalda chiqarish maqsadida bergan deb taxmin qilish mumkin. Negaki ba’zi she’r matnlarida bir so‘z ustidan o‘chirilib, boshqa rangdagi siyoh bilan tuzatishlar kiritilgani kuzatiladi. Og‘ir xastalik sabab navqiron yoshda olamdan o‘tgan Sattoriyning saqlanib qolgan she’rlari “Umidsizlik”, “Layl-at ul-qadr”, “Farg‘onada ochliq”, “O‘y”, “Tush”, “Tog‘dagi bulutlar” singari nomlar bilan alohida sahifalarda yozilgan. Nomidan anglashilganidek, mavjud she’rlarida kasalligi bois umidsizlik kayfiyati va o‘sha davr jadid – ijodkorlariga xos bo‘lgan yuksak orzular – Vatan erki, yurt taqdiridan bezovtalik hamda xalq boshidan kechayotgan og‘ir ijtimoiy-siyosiy voqealarga munosabati aks etgan. O‘sha davr ijodkorlari singari Abdulmo‘min Sattoriyning ham yangi hukumat va’da qilgan farovon hayot, nurli kelajak va katta o‘zgarishlarga katta umid qilgani “Layl- at ul-qadr” she’rida kuzatiladi:

Qaro qoshli oppoq yuzli bir malak,
Ko‘zlarining nuri, qarashlari bilan
Oppoq kiyimga o‘ralib
Oq bulutlar orasidan Oy sori
Yulduzlarni bir –bir bosib ketadur.

Millat va yurt ravnaqini “Oppoq kiyimga o‘ralgan, borlig‘i nurga yo‘g‘rilgan, Oyga tomon yulduzlarni bosib ketayotgan go‘zal bir malak” siymosida

[55] Meros. Abu Tohirxo‘ja «Samariya», Narshaxiy «Buxoro tarixi», Bayoniy «Shajarai Xorazmshohiy», Ibrat «Farg‘ona tarixi»/So‘zboshi muallifi Xurshid Davron. –Toshkent: Kamalak, 1991.
[55] Vadud Mahmud shaxsiy arxivi materiallaridan. Mazkur matnlar qo‘limizda mavjud – X.Z.

tasvirlagan ijodkor she’rning oxirgi misralarida yana umidsizlik kayfiyatiga tushadi:

Tun, qorong‘uluq meni yetishmakka qo‘ymaydur!
Uzayib ketgan etagini
Ushlay-ushlay deganda
Oraliqda hayron qoldim muallaq.

Ushbu misralarni Sattoriy o‘zining og‘ir xastaligi sabab o‘lkada boshlangan ulkan o‘zgarishlarni ko‘ra olmay dunyodan o‘tishini bilgani yoki mazkur hukumat olib borayotgan mafkuraning soxtakorlikka asoslanganini sezganligi natijasidagi umidsizlik deb tushunish va talqin qilish mumkin bo‘ladi. Yosh shoirning “Umidsizlik” nomli she’rida kasallik uni yengib qo‘ygani ochiq tasvirlangan misralar mavjud:

Ne deyayin – qo‘limda kuch qolmadi,
Ko‘zim nuri to‘kilibdur, ketmishdur.
So‘ngaklarim butunlay ishdan chiqqon,
Yuragim-da tebranishdan qolmishdur.
.....
Oh! Ko‘zlarim qaroqiya yosh aylandi,
Umidlarim uzuldi-da, qochmishdur.

“Farg‘onada ochliq” she’ri qirq satr bo‘lib, o‘lkadagi ochlik natijasida erkaklarning yurtini tashlab, o‘zga o‘lkalarga ketgani, ayollar va yosh bolalarning ko‘chalarda ochlikdan tilanchilik qilish darajasiga kelib qolgan ayanchli hollari tasvirlangan:

Avvallari ozodalik, tozalik,
Nozukkina muomala, ko‘rkumlik
O‘z o‘rnini do‘qqiliq, chirkinlikka
Tashlab ketgan yomonliqqa, xo‘rliqqa.

Abdulmo‘min Sattoriyning Vadud Mahmud shaxsiy arxivi manbalari orasida saqlanib qolgan mazkur she’rlari bu dunyoni erta tark etgan iqtidorli ijodkorning yangi bir qirrasini namoyish etishi bilan birga, shu davrdagi qo‘lyozma manbalarni o‘rganish yaqin tariximizning xiralashgan sahifalarini biroz bo‘lsa-da, yoritishda ahamiyatliligini anglatadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1.Meros. Abu Tohirxo‘ja «Samariya», Narshaxiy «Buxoro tarixi», Bayoniy «Shajarai Xorazmshohiy», Ibrat «Farg‘ona tarixi». –Toshkent: Kamalak, 1991.
2. Abdulmo‘min Sattoriy she’rlari qo‘lyozmasi. Vadud Mahmud shaxsiy arxivi materiallari
3.http://kh-davron.uz/ijod/maqolalar/xurshid-davron-qogozda-yozgulik-qolgay.html
4. http://vesvladivostok.ru/publ/mify_i_realnost/istorija_rossii/abu_tohirxoja samariya/

# VIII – XIII АСРЛАР ХОРАЗМ АДАБИЙ МУҲИТИ МАНБАШУНОСЛИГИ

(“Муқаддамату-л-адаб”нинг айрим қўлёзма нусхалари мисолида)

**Атаев Азамат Пўлатович,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Адабий манбашунослик ва матншунослик
кафедраси таянч докторанти

XXI аср жаҳон илм-фанида кўҳна Шарқ цивилизациясининг умуминсоний қадриятлари, бебаҳо маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш долзарб аҳамият касб этаётгани айни ҳақиқатдир. Шу сабабдан, жаҳон бўйлаб шарқшуносликнинг етакчи мактабларида қадимий шарқ қўлёзма манбаларини ҳар жиҳатдан кенг ўрганиш, нашр этиш ва илмий муомалага киритиш изчил давом этмоқда. Зеро, маънавиятимизнинг янада юксалишида мусулмон шарқида яратилган қадимги адабий-маданий обидаларнинг ўрни беқиёсдир. Дунё матншунослик ва адабий манбашунослик илмида араб тилида ёзилган қўлёзма манбаларни алоҳида ва комплекс тарзда тадқиқ этиш соҳанинг устивор йўналишларидан бўлиб, ҳамиша долзарб ҳисобланган. Чунончи, арабий қўлёзмаларнинг каталогларини тузиш, монографик тавсифи ва уларнинг таржима матнларини илмий истифодага олиб кириш, яъни тарихий-филологик нуқтаи назардан ўрганиш ва нашр этиш мумтоз адабий меросни асраб қолишнинг муҳим омилидир. Айниқса, адабий тазкираларни, махсус луғатларни тадқиқ этиш муайян адабиёт тарихи, ўтмиш ижодкорлари хусусида қимматли маълумотларни тақдим этиши билан аҳамиятли саналади.

Жумладан, дунё фани ва маданияти тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган буюк алломалардан бири Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар бин Аҳмад аз-Замахшарий ўзидан жуда улкан маънавий ва илмий мерос қолдирди. Бу мерос неча аср ва йиллардан бери кўпгина тадқиқотларнинг манбаи бўлиб келмоқда. Булар ичида, айниқса, “Муқаддамату-л-адаб” асари алоҳида ажралиб туради.

“Муқаддамату-л-адаб” кўп тиллик ва фаннинг кўпгина соҳалари бўйича маълумот бера оладиган муҳим луғатдир. Шунинг учун ҳам давр унинг кўплаб нусхада бўлишини тақозо қилган. Шу сабабли бўлса керак, луғат қайта-қайта кўчирилган ва унинг қўлёзма нусхалари турли мамлакатларга тарқалган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг пойтахтимизда ЎзРФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида арабча-форсча бешта (№ 429, 1301/ II 3628, 9477, 7352) ва арабча-форсча-туркий учта (№ 2699, 3807, 1497 / III) қўлёзма нусхалари сақланмоқда. Ҳамид Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтида эса ҳозирча ягона ҳисобланувчи тўрт тиллик арабча-форсча-туркий-мўғулча нодир қўлёзма нусха (№ 202) мавжуд. Луғатнинг туркий

сўзлик киритилган қўлёзма нусхалари китобат даврига кўра анчагина қадимий бўлиб, бу уларнинг илмий аҳамиятини янада оширади ва адабий манбашунослик, матншунослик, луғатшунослик, ўзбек тарихий лексикологияси, тил тарихини ўрганиш учун жуда қимматли манба эканлигини кўрсатади.

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ва хорижда сақланаётган айрим нусхаларининг қисқача тавсифи қуйидагича:

1. ЎзФАШИ № 429 а.ф.

Тошкент нусхаларининг ягона мукаммал ва эътиборли нусхаси. Ушбу асар муқаддима ва беш қисмдан иборат: исмлар, феъллар, ҳарфлар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланиши. Исмлар ва феъллар қисмларининг форсча таржимаси берилган, қолган уч қисмининг таржимаси асарда ўз аксини топмаган. Қўлёзма дастлаб Хўжа Порсо бин Маҳмуд ал-Бухорий (вафоти 822ҳ / 1419 қ.) нинг вақфига кирган, сўнгра асримиз бошида Зарафшон вилояти маориф шўъбасининг марказий кутубхонаси, Бухоро халқ маорифи назоратининг марказий кутубхонасида сақланган. Нусханинг 4[a] варағи ҳошиясида “Бу китоб Хўжа Абдулмаликнинг мулкидир” деб ёзилган. Қўлёзманинг арабча матни йирик сулс хатида, форсча таржимаси сулс белгилари киритилган насх хатида қора сиёҳ билан асоси мустаҳкам қалин шарқ қоғозига кўчирилган. Боб номлари, фасллар, феълларнинг ўзак ҳарфлари йирик сулс хати билан ажратиб кўрсатилган. Қўлёзма котиб Ҳамид бин Рашид бин Тожиддин ал-Кошғарий томонидан 705/ 1305 йили кўчирилган. У 376 варақдан иборат бўлиб, ўлчови 16х18,5 дир.

2. ЎзФАШИ № 2699а.ф.т.

Ушбу нусха “Муқаддамату-л-адаб”нинг нодир, аммо нуқсонли нусхаларидан биридир. Мазкур қўлёзманинг бошланиш қисмидан 398 та феъл тушиб қолган. Қўлёзма охиридаги феъл бобларининг тартиби бузилган. Сулосий мазиднинг 10-боб феъли рубоий мазид феъллари қаторига киритилган. Қўлёзманинг сўнгги бир неча варағи ҳам йўқ.

Мазкур луғат нусхаси чиройли, хушхат насх хатида қора сиёҳ билан сарғиш рангли қалин шарқ қоғозига битилган. Сарлавҳалар ҳамда боб номлари ажратиб кўрсатилган. Ўзак ҳарфлари эса қизил сиёҳ билан ёзилган. Қўлёзма тахминан XII –XIII асрларга оид бўлса керак деб фараз қилинади. 194 варақдан иборат бўлиб, унинг ўлчови 16х18дир.

3. ЎзФАШИ № 9477 а.ф.

Ушбу қўлёзма ҳам “Муқаддамату-л-адаб” асарининг қадимий нусхаларидан бири бўлиб, унинг муқаддима қисмидан тахминан икки варағи тушиб қолган ва у “Ва яксибу-с-савабал жазиилаа. Иннаҳу хойру муваффақин ва муъиин” жумласи билан бошланади. Қўлёзманинг кўпчилик саҳифаларига қуйидаги мазмундаги юмалоқ муҳр босилган: “Ал-мутаваккил ъалаллоҳ Ал-Ғаний Қози Муҳаммад Содиқхўжа ибн Муҳаммад Сиддиқ хўжа қози ул-қузот ҳожи ул-ҳарамайн 1241 / 1825 й”. Нусха кўчирилган қоғоз 2699 рақамли қўлёзма қоғози билан бир хил бўлиб, 183 варақдан иборат. Ўлчови 18,5 х 27,5.

Булардан ташқари хорижий мамлакатларда ҳам “Муқаддамату-л-адаб” нинг кўплаб нусхалари сақланмоқда, жумладан, Россия ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида “Муқаддамату-л-адаб” нинг учта қўлёзма нусхаси мавжуд. Улар С 1297, С 291 (432 а) ва А.1192 рақами остида сақланиб келинмоқда.

“Муқаддамату-л-адаб” нинг яна бир нодир нусхаси собиқ СССР ФА Доғистон бўлимига қарашли Тарих, тил ва адабиёт институти қўлёзмалар фондида 26 (117) ҳужжат рақами остида сақланмоқда.

“Муқаддамату-л-адаб” нинг қўлёзма нусхалари Лондон, Берлин, Болония, Теҳрон, Истанбул каби шаҳарларнинг қўлёзма хазиналарида ҳам сақланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд аз-Замахшарий яратган “Муқаддамату-л-адаб” асари VIII – XIII асрлар Хоразм адабий муҳити манбашунослигидаги улкан илмий мероснинг энг йирик дурдоналаридан бири ҳисобланади. Мазкур луғат жуда машҳур бўлганидан кўплаб нусхаларда кўчирилган ва унинг қўлёзма нусхалари турли мамлакатларга тарқалган. Қўлёзма таркибига киритилган туркий сўзлик эса эски ўзбек тили тарихи учун жуда бой ва қимматли материаллар беради. Бинобарин, “Муқаддамату-л-адаб” манбашунослик, матншунослик ҳамда ўзбек тилшунослиги ва луғатшунослиги тарихида муҳим ўрин тутишига шубҳа йўқдир.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Абдуллаев Ф. Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари ва унинг тили ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1978, 4-сон. – Б. 50-55.
2. Исломов З. “Муқаддамату-л-адаб” (манбашунослик таҳлили). – Тошкент, 2002.
3. Йўлдошев Р. Аз-Замахшарийнинг лингвистик мероси // “Аз-Замахшарий илмий мероси ва истиқлол мафкураси” илмий-амалий анжумани маърузаларининг тезислари. – Қўшкўпир, 2000.
4. Маҳмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2002.

# АМИРИЙ ВА ФАЗЛИЙ

**Кобилова Зебохон Бакировна,**
филология фанлари доктори
**Суғдиёна Эргашева,**
Қўқон давлат педагогика
институти талабаси

Амирий адабий мероси ўзи тартиб берган девон, Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкираси ва турли баёзлардаги шеърлардан иборат. У зуллисонайн шоир бўлиб, девон ва баёзлардан ўзбек тилида битилган шеърлари қаторида, форс-тожик тилидаги шаклан гўзал, мазмунан теран ғазал, мухаммас, мусаддас, таржеъбандлари ҳам ўрин олган.

Амирийнинг маънавий ҳомийлиги, шеърияти савиясининг баландлиги, халқчиллиги ва оммавийлиги, шунингдек, ўз даври адабий муҳити вакилларини миллий ва эстетик руҳга илҳомлантира олганлиги қалам аҳлини ўз ҳомийлари ва устозлари асарларини ҳар томонлама кенг ва чуқур мутолаа қилиб, ундан маҳорат сирларини ўрганиб, ғазалларига татаббулар қилишга, тахмислар боғлашга сабаб бўлган. Амирий таъсирида байту ғазаллар ижод этганлар. Хусусан, давр шоирлари орасида Амирий ғазалларига татаббулар қилиш ижодий мусобақа даражасига кўтарилган. Бу татаббуларда шоирлар Амирий ғазалидаги фикрларни давом эттириб, янги қирраларини очишга, тимсолу ташбеҳлар силсиласини янгидан-янги бадиий кашфиётлари билан бойитишга интилганлар. Фазлий Намангоний ўзи тузган “Мажмуаи шоирон” тазкирасини Қўқон адабий муҳити шоирларининг ана шундай татаббулари асосида тузгани маълум. Маълумки, “Мажмуаи шоирон” икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми замон шоирларининг Умархонга бағишланган қасидаларини ўз ичига олади. Иккинчи қисмида эса Амирий ғазалларига замондошларининг татаббу ва мухаммаслари келтирилади.

Шоҳ-шоир ғазаллари қўлдан-қўлга ўтиб ўқилган ва замон ижодкорларига илҳом бағишлаган. Буни “мавзун” радифли ғазали мақтаъсида Амирийнинг ўзи ҳам фахру ифтихор билан эътироф этади:

*Бу ғазал бўлди Хўжанд аҳлиға машҳур, Амир,*
*Қилди таслим анго Равнақу Мирзо мавзун* [1,278].

“Одатда, адабий таъсир тўғрисида гапирилганда, икки нарсага жиддий қаралади. Булардан бири − дунёқараш, яъни ғоявий муносабатлар. Иккинчиси ва энг муҳими − бадиий маҳорат” [2, 17. Фазлий ҳам ўз ижодида ана шу икки меъзонга амал қилади.

Амирий ва Фазлийни боғлаб турган ришталар кўп. Қўқон хони саройининг малик уш-шуароси бўлган бу шоир, аввало, Амирий ғазалларига энг кўп татаббу қилган. Иккинчидан, татаббуларида, хусусан, уларнинг мақталарида ўз ҳомийсини “кўп ва хўб” таъриф-тавсиф этган. Учинчидан, Қўқон адабий муҳитида қалам аҳли ҳақида маълумот берувчи “Мажмуаи

шоирон” деган тазкира тузиб, унда замон шоирларининг асосан Амирий ғазалларига татаббуларини келтирган. Тўртинчидан, тазкиранинг муқаддима қисмларида Амирийнинг татаббу ёзилган ҳар бир ғазалини келтирар экан, уларда шоҳ-шоирни таъриф-тавсиф этади. Бешинчидан, Умархон ҳаёти ва фаолияти, ҳарбий юришлари ва мамлакатни ривожлантириш борасидаги ишлари тўғрисида “Умарнома” достонини яратган.

Фазлий Амирийнинг “Эй ниҳоли сарви қад, в-эй гулбуни боғи вафо”, “Дод этарман кўрсам ани итлари ғавғосидин”, “Кўрди нозанинлардин тугмаи гирибонлар”, “Чекарман оҳи оташнок бедодинг ғумуминда” мисралари билан бошланадиган, “санга”, “бош узра тож”, “талх”, “гапур”, “устиндадур”, “ҳануз”, “этмаз”, “этмиш”, “эваз”, “на ҳаз”, “тароғ”, “доғ”, “ўйнамоқ”, “кўрунг”, “қил”, “ўлсун”, “бу”, “устина”, “ичра”, “бири”, “дўндурди” радифли ғазалларига татаббулар қилган.

Фазлий татаббулари кўпинча Амирий таърифидан холи эмаслиги, хусусан, мақталари шоҳ-шоир мадҳи билан якунланиши билан ажралиб туради. Жумладан, “Эй, мунаввар оразинг ойинаға бермиш сафо” мисраси билан бошланадиган ғазалига қилган татаббуси бунинг ёрқин мисолидир. Ғазал каби 7 байтдан иборат ва рамали мусаммани мақсур вазнида битилган татаббу деярли Умархон таърифи билан давом этиб, мана бундай кўтаринки васфлар орқали ниҳоясига етади:

*Тоабад бўлғай жаҳон мулкида, Фазлий, жовидон,*
*Хусрави соҳибқирон султон Умар кишваркушо [3, 71].*

Лекин Фазлий татаббулари фақат тақлид ва таърифдан иборат бўлмай, уларда бетакрор ташбеҳлар, теран ва серқирра фикрлар ифодасини ҳам кўрамиз. Чунончи, келтирилган ғазалнинг мақтадан олдинги байтида мана бундай ҳикмат даражасидаги ҳаётий хулосаларга дуч келамиз:

*Синса кўнгил шишаси тадбир ила бўлмас бутун,*
*Устухон эрмаски, они рост қилмас мўмиё [3,71].*

“Кўнгил нозик бир шишага ўхшайди. Агар у сингудай бўлса, бирор чора билан уни асл ҳолига келтириб бўлмайди. Чунки у суяк эмаски, синганда мумиё билан бут бўлса”.

Одатда, ғазалларнинг мақтадан олдинги байтларида шоирлар ўзларининг чуқур ва серқирра ҳаётий мушоҳадалари, турмуш тажрибалари асосида чиқарган хулосалари, фалсафий ўй ва фикрларини ҳикматли сўз тариқасида ифода этадилар.

“Бош узра тож” радифли ғазалига қилган татаббусида ҳам талмеҳ санъатидан фойдаланиб, гўзал ташбеҳга асосланган бадиий баркамол байт яратади:

*Хаста кўнглим маҳмили шавқингдин ўлди сарфароз,*
*Йўқ ажаб Юсуфни далвин қилса чаҳ бош узра тож [3,87].*

Бу ерда шоир ошиқнинг хаста кўнгли оти кажавасининг ёр шавқи туфайли юксалганини эски қудуқ Юсуф алайҳиссалом челагини бошига тож қилишга арзиши билан қиёслайди. Байтда ўгай акаларининг Юсуфни эски қудуққа ташлаб кетганлари, Миср савдогарларининг сув олиш учун унга

челак солганларида Юсуфнинг челакка осилиб чиқиш воқеасига ишора мавжуд.

Амирий девонида “устиндадур” радифли икки ғазал мавжуд. Фазлийнинг бу ғазалларга ёзган татаббусида ҳам бетакрор ташбеҳларга дуч келамиз. Чунончи, қуйидаги байтида маъшуқанинг терлаган юзидаги ниқобини гулоб юзасидаги гул баргига ташбеҳ этади:

*Терлаган рухсоринг узра лолагун бурқаъмудур,*
*Ё тароват бирла гул барги гулоб устиндадур [4, 491].*

Бу байт Амирий ғазали мақтасидаги мана бу фикрга ҳамоҳанглик касб этади:

*Лаълида май соғарин гулгун кўруб, сўрдим, Амир:*
*“Ваҳ, на зебо лола барги лаъли ноб устиндадур?” [1,100].*

“Маҳбуба лабида қизил май тўла қадаҳни кўриб, тиниқ май устидаги бу гўзал лола барги нақадар нафис”.

Фазлийнинг айни ғазалга татаббусида эса ташхис санъатининг гўзал намунаси кўзга ташланади:

*Икки золим қошларинг бош индируб қатлим учун,*
*Рўбару ўлтурдилар бир-бирга кенгош устина [3,258].*

Қошларнинг ёнма-ён жойлашганидан шоир ўз бадиий мақсади йўлида маҳорат билан фойдаланиб, улар юзма-юз ўтириб, ошиқни қандай қатл этиш устида ўзаро маслаҳатлашмоқда деб лутф қилади.

Амирийнинг “Лаб уюр такаллумға, зулфни паришон қил” мисраси билан бошланадиган ғазали ниҳоятда машҳур бўлган. Фазлий ҳам шулар жумласидандир. 7 байтли ғазалга шу ҳажмда татаббу қилган. Вазнни ҳам, қофия тартибини ҳам, радифни ҳам сақлаб қолган. Лекин бадиий жиҳатдан Амирий ғазали даражасига кўтарила олмаган. Шунга қарамай, нисбатан содда услуб ва оддий тилда ёзилгани, тушунарли ва халқчиллиги туфайли шашмақом қўшиқлари таркибидан ўрин олиб, халқ орасида машҳур бўлган. Шунинг учун Ҳамза Амирий эмас, айнан Фазлий ғазалига татаббу қилган.

Маълумки, “ижодкор таржимаи ҳоли ва унга биографик ёндашув масаласи ўзбек мумтоз адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутади” [6, 6]. Шоирлар қаламига мансуб ғазал ва мухаммаслардаги айрим ишораларни улар ҳаётига оид энг тўғри маълумотлар сифатида қабул қилиш ўринли бўлади. Қуйидаги ғазал мақтасидаги мана бу фикрларни шоирнинг таржимаи ҳоли билан боғлашади: унинг шоҳ билан бир ора муносабати бузилиб, ўзи туғилиб ўсган Наманганга кетиб қолган ва яна саройга қайтиш умидида яшаган:

*Фазлиё, Умар султон даргаҳига йўл топсанг,*
*Кўзларингга тупроғин сурмаи Сулаймон қил [4, 487].*

Шеърият кечаларида ўзининг шоирлик салоҳиятидан лоф уриб юрган Фазлий шоҳнинг бир ғазалини кўрди-ю, уятдан ерга кириб кетай деди, деб лутф этади:

*Гарчи шеър базмида лоф урар эрди Фазлий,*
*Кўрди бир ғазал шоҳдин қолди инфиол ичра [3,271].*

У ўз тазкирасида ҳам валинеъматининг истеъдоди ва шеърларининг бадиий савиясига юксак баҳо бериб, гоҳи ҳақиқат, гоҳи мажоз йўлида шеър ёзгани, сўзни нозик ҳис қилувчи шоҳ-шоир гўзал шеърлари билан жаҳонни ҳайратга солгани, ҳар байти шоҳбайт даражасида эканини таъриф-тавсиф этган эди:

*Ба услуб шеъре карда соз,*
*Гаҳи аз ҳақиқат, гаҳи аз мажоз.*
*Ба гуфтори ширин шаҳи хушкалом,*
*Жаҳонро кашида ба силки низом.*
*Ки хоҳи ғазал гуфта, хоҳ байт,*
*Бувад ҳар як абёти ў шоҳбайт [3, 60].*

Амирийнинг “тароқ” радифли тажнис санъати асосида қурилган ва ташбеҳу муболағаю истиора билан зийнат топган ғазалига ҳам замон шоирлари ижодий мусобақа асосида бир-биридан гўзал татаббулар қилганлар. Фазлий татаббуси тимсолу ташбеҳларга бойлиги, айни пайтда, ғазалдаги фикру ташбеҳларни давом эттириб, уларнинг янги қиррасини очганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, қуйидаги байтида Амирий сарв сунбулини тарашни ҳавас қилди дея истиора йўли билан маҳбуба сочини тараш ҳавасига тушди деб лутф этади ва ташхис асосида бунинг учун санавбар шамшоддан тароғ тилаганини айтади:

*Чу сарв сунбулин шона қилмоқ этти ҳавас,*
*Санавбар айлади шамшоддин сўроғ тароғ* [1,151].

Фазлий байти эса гўё бу байтнинг асоси бўлиб келади: боғ гўзалнинг сочларини тарашга тароғ ясаши учун гўёки бир чеккада шамшод дарахтини парвариш қиляпти. Маълумки, шамшод келишган дарахт бўлганлигидан маъшуқанинг мавзуд қаддига нисбат берилади. Шунинг баробарида унинг ёғочи қаттиқ бўлгани учун ундан тароққа ўхшаган нарсалар ясалади:

*Чаманни гўшасида тарбият қилур шамшод,*
*Сочининг сунбулиға айламакка боғ тароғ [5,198].*

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Фазлийнинг Амирийга татаббу ва тавр шеърларида муаллифнинг таъби назми баланд шоир бўлганлиги намоён бўлади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Амирий. Девон. I. Ўзбекча шеърлар (Нашрга тайёрловчилар А.Мадаминов, Э.Очилов, З.Қобилова, О.Давлатов). – Т.: Tamaddun, 2017.
2. Ҳаққул.И. Ибрат ва маҳорат мактаби // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983. № 4-сон. – Б. 17.
3. Мажмуаи шоирон/Нашрга тайёрловчи М.Ҳасаний. – Т.: Фан, 2018.
4. Ўзбек адабиёт. Тўрт жилдлик. 3-жилд. – Т.: ЎзССР Давлат Бадиий адабиёт нашриёти, 1959.
5. Шарафиддинов О. Умархон давридаги Фарғона шоирлари / Ўзбек адабиёти тарихи хрестоматияси. II жилд. XV–XIX асрлар. Олий педагогик ўқув юртлари учун (Тузувчи О.Шарафиддинов). – Т.: Ўздавнашр, 1945.

# MUHSINIY SHE’RIYATIDA MATN TAHRIRI

**To'xtamurodov Furqat Safarmurodovich,**
Alisher Navoiy nomidagi ToshDO`TAU
O`zbek adabiyoti tarixi va folklar
kafedrasi o‘qituvchisi
toxtamuratov@navoiy-uni.uz

Qo‘qon adabiy muhitida XIX asr oxiri XX asr boshlarida bir qancha iste’dodli shoirlar yashab, ijod qilganlar. Muhiy, Muhayyir, Muqimiy, Furqat, Zavqiy kabi iste’dodli shoirlar davr adabiyoti rivojiga salmoqli hissa qo‘shgan. Ular qatorida Husaynquli Sulaymonquli Muhsiniy ham salaflariga ergashib, barakali ijod qilgan. Muhsiniyning lirik merosi bizgacha 4ta qo‘lyozma devon va bir qo‘lyozma bayoz holida yetib kelgan. Ushbu qo‘lyozma manbalar G‘afur G‘ulom nomidagi Qo‘qon adabiyot muzeyi va O‘zR FA ShI qo‘lyozmalar fondida hamda hozirda Qo‘qon shahrida yashovchi Madaminjon Nuriddinovning shaxsiy kutubxonasida saqlanadi.

Muhsiniy asarlari matni hozirga qadar to‘liq o‘rganilgan emas. So‘nggi izlanishlar shuni ko‘rsatadiki, shoir qo‘lyozma devoniga kiritilgan lirik asarlarini ma’lum bir tartibda tahrir qilib borgan.

Matn tahriri matnshunoslikning nazariy asosi bo‘lib, bu masalani ilmiy asosda o‘rganish matnshunoslikning dolzarb muammolaridan hisoblanadi. Bu o‘z navbatida, adabiy asarlarning dastxat va unga yaqin variantlarini nashr nusxalari bilan qiyosiy o‘rganish, aniqlangan har bir tafovutning sabablarini aniqlash va ilmiy baholash zaruratini keltirib chiqaradi.

Professor N.Jabborov mumtoz adabiyot materiallarini o‘rganishda matn tahririning alohida o‘rin tutishini ta’kidlaydi. Olim bu masalani tadqiq qilish o‘zbek matnshunosligining dolzarb vazifalaridan ekanligiga e’tibor qaratib, shunday yozadi: “D.S.Lixachevning “Tekstologiya” kitobida tahrirning quyidagi turlari ajratib ko‘rsatiladi: 1) g‘oyaviy tahrir; 2) uslubiy tahrir; 3) asarda faktlarni boyitish, kengaytirishga qaratilgan tahrir; 4) bir necha turni o‘zida mujassam etgan qorishiq tahrir. Muallif matn tahririni bu kabi turlarga ajratar ekan, tabiiyki, rus adabiyoti materiallariga asoslanadi. Bizningcha, bu tasnifni o‘zbek adabiyoti materiallariga ham tatbiq etish mumkin” [1.28b]. Matn tahririning mazkur turlari Husaynquli Sulaymonquli o‘g‘li Muhsiniy she’rlarida ham keng qo‘llangan.

Muhsiniy ijodida muallif tahriri masalasini o‘rganish alohida ahamiyatga ega. Shoirning o‘z qo‘li bilan ko‘chirilgan manbalar 7392 raqamli qo‘lyozma devon, 4131 raqamli qo‘lyozma bayoz, hamda shoirning hozirgi kunda Qo‘qonda yashayotgan avlodlari Madaminjon Nuriddinovning shaxsiy kutubxonasida ikkita qo‘lyozma devoni mavjud. Mazkur qo‘lyozmalar shoir ijodiy merosini o‘rganishda birlamchi manbalar hisoblanadi. Bu qo‘lyozmalarda muallif tomonidan bir qancha tahrirlar amalga oshirilgan, ba’zi she’rlar qayta-qayta tahrir qilingan. E’tiborli jihati, ayrim she’rlarning ikki-uch xil variantlari ham uchraydi. Shoir she’rlarini

to‘plab, turli yillarda devon tartib berganda, ularni yana qayta ishlagan. Bu esa, shoirning o‘z asarlariga jiddiy e’tibor qaratganini ko‘rsatadi.

Muhsiniyning birinchi devoni “Gulshani jovid” nomi bilan 1897-98-yillarda tartib berilgan. Devon hozirda Qo‘qonda Muhsiniy avlodlaridan bo‘lmish Madaminjon Nuriddinov kutubxonasida saqlanadi. Devonning sahifasida quyidagi matla’ bilan boshlanuvchi g‘azal keltirilgan:

*Ochilur ko‘nglim bahori la’li xandon o‘ynasa,*
*Xiramin guldek yuzi saxin guliston o‘ynasa [5.33ª].*

Mazkur ishqiy mavzudagi 9 baytli g‘azal 7392-raqamli qo‘lyozma devon Toshkent nusxasida ikki xil ko‘rinishda bitilgan. Dastlab, Toshkent nusxasida quyidagicha keladi:

*Ochilur ko‘nglim bahori* ***zulfi rayhon*** *o‘ynasa,*
***Orazi gul, sochi sunbul, la’li xandon*** *o‘ynasa [2.15ª].*

Shoir ilk devoniga kiritilgan g‘azal so‘zlarining joylashishi va qo‘llanish o‘rnini ham ma’lum tartibda o‘zgartiradi. Bu bilan adib she’rda ifodalangan his-tuyg‘uni mazmunan mukammal ifodalashga erishadi. Birinchi satrdagi *“la’li xandon”* birikmasi *“zulfi rayhon”* tarzida o‘zgartirilgan bo‘lsa, ikkinchi “*Xiramin guldek yuzi saxin guliston o‘ynasa”* satri, *“Orazi gul, sochi sunbul, la’li xandon o‘ynasa”* shaklida o‘zgartirilgan. Shoir birinchi satrdagi *“la’li xandon”* sifatlashini ikkinchi misraga tushirish orqali she’rning ohangdorligini oshirgan, baytning mazmunan boy, shaklan yoqimli bo‘lishini ta’minlagan. Tahrir tufayli shoir avlodlari qo‘lida saqlanayotgan qo‘lyozma nusxadagi g‘azalga nisbatan 7392-raqamli Toshkent nusxasidagi g‘azal yetuk bir ko‘rinish olgan.

Ilk devonning 33ᵇ-sahifasida 7 baytli “*o‘ynasa”* radifli g‘azal matla’si quyidagicha bitilgan:

*Mast bo‘lir oshiqlari ul boda humso o‘ynasa,*
*Ko‘zlari xumor nargis la’li humro o‘ynasa [5. 33ᵇ].*

Ushbu g‘azalning tahrir qilingan variantining ikkinchi ko‘rinishi 7392-raqamli Toshkent nusxasida ham 7 bayt shaklida bitilgan.

*Ochilur ko‘nglim* ***guli ruxsori humro*** *o‘ynasa,*
*Jomi may ilkida olib boda paymo o‘ynasa [15ª bet].*

Muhsiniy ilk devonidagi bir xil radifli ikki g‘azalni tahrirlab Toshkent nusxasiga kiritgan. Ammo har ikki g‘azal ham nashr qilingan devonda mavjud emas.

Muhsiniy qo‘lyozma devonlarida g‘azallar baytlar miqdoriga ko‘ra ham o‘zgarishlarga uchragan**.** Masalan ilk “Gulshani jovid” devoni sahifasida 9 baytli g‘azal mavjud. G‘azalning matla’si quyidagicha:

*Hayrat oldi aqlimi mir’oti diydoring ko‘rub,*
***Zarra yanglig‘ ko‘nguli mayi*** *xurshidi ruxsoring ko‘rub [535ª].*

Ushbu g‘azal nashr qilingan va 7392-raqamli qo‘lyozma devonda 10 bayt shaklida bitilgan. Shuningdek, g‘azaldagi qo‘llangan so‘z va jumlalar ham muallif tomonidan tahrir qilingan. Shoir she’rlari nashri va 7392-raqamli qo‘lyozmada devonda mazkur g‘azal matla’si quydagicha berilgan:

*Hayrat oldi aqlimi mir’oti diydoiring ko‘rub,*

***Iztirob etti ko‘ngil*** *xurshidi ruxsoring ko‘rub. [2.37$^{a}$].*

Ushbu g‘azalda ***“Zarra yanglig‘ ko‘nguli mayi”*** birikmasi “***iztirob etti ko‘ngil”*** shaklida tahrir qilingan hamda g‘azalga bir bayt qo‘shilgan. Har ikki qo‘lyozmada mavjud g‘azallarning birinchi bayti qiyoslanganda 7392 inventar raqamli qo‘lyozma devon o‘zining mukammalligi bilan ajralib turadi. Ilk devondagi g‘azalning misrasi mazmunidagi saktalik 7392-raqamli devonda bartaraf etilgan. Tahrir natijasida g‘azalning baytlari soni ko‘paygan bo‘lsa, ikkinchidan so‘z va jumlalar ma’lum bir tartibda o‘zgartirilgan.

Muhsiniy she’riy asarlari jamlangan, joriy nashrdagi “Barhayot gulshan” devonida Navoiyning mashhur “kelmadi” radifli g‘azaliga tatabbu bog‘langan. Shoir tatabbuda imkon qadar Navoiy g‘azali mazmuniga, ohangiga yaqinlashadi va ijodiy yangilik sifatida muvashshah shaklida she’rni yakunlaydi. Mazkur 7 baytli g‘azal 4ta mavjud qo‘lyozma devonda 3 xil variantda yozilgan. Barcha devon nusxalari va nashrda ham g‘azal 7 bayt bo‘lib, qofiya hamda radif bir xil shaklda. G‘azalning misralari va baytlarda so‘zlarning qo‘llanilishi, joylashishi jihatidan ma’lum farqlar ko‘zga tashlanadi.

“Gulshani jovid” nomli Muhsiniyning ilk devoni bo‘lib, 1897-1898 yillarda tartib berilgan. Ushbu dastxat devonning 35a-36b sahifalarida “kelmadi” radifli g‘azal matla’si quyidagicha keladi:

*Kecha yalg‘on va’da aylab ul pariro‘ kelmadi,*
***Fikri*** *vasli* ***birla to*** *ko‘zlarg‘a uyqu kelmadi [5.35$^{a}$-36$^{a}$].*

Hozirda Muhsiniy avlodlari qo‘lida saqlanayotgan qora muqovali rus fabrika qog‘oziga 1914-1915-yillarda ko‘chirilgan dastxat devonning 130$^{b}$-sahifasida *“kelmadi”* radifli g‘azalning birinchi bayti quyidagicha:

*Kecha yalg‘on va’da aylab ul pariro‘ kelmadi,*
***To xayoli*** *vasli* ***ila*** *ko‘zlarg‘a uyqu kelmadi [6.130$^{b}$].*

Qiyoslardan ma’lum bo‘ladiki, shoir birinchi misrani o‘zgarishsiz qoldirib, ikkinchi misraning birinchi *fikri* so‘zini *to xayoli* birikmasi tarzida bitsa, *birla to* birikmasini esa *ila (bilan)* ko‘makchisiga o‘zgartiradi. Har ikkala baytda ham saktaliklar mavjud.

Ushbu g‘azalning uchinchi varianti 7392-raqamli dastxat qo‘lyozma va joriy alifbodagi nashrda quyidagicha bitilgan:

*Kecha yalg‘on va’da aylab ul pariro‘ kelmadi,*
*Fikri vasli birla tokim ko‘zg‘a uyqu kelmadi [2.80$^{b}$].*

Demak, bizningcha shoir ilk devon nusxasi satrini biroz tahrirlab so‘nggi devonda “kelmadi” radifli g‘azalning 2 bayti quyidagi ko‘rinishda keladi:

*Ul parivash furqatidin yig‘laymen zor-zor,*
*Ye**tma necha vaslina** og‘zimg‘a uyqu kelmadi [5.64$^{b}$].*

Ikkinchi qo‘lyozma devonda o‘zgacha ko‘rinishda bitilgan:
devoniga kiritgan.

Ilk *Ul parivash furqatidin yig‘laymen zor-zor,*
***Shoyat anduh ila*** *og‘zimg‘a kulgu kelmadi [6.130$^{b}$].*

Birinchi va ikkinchi devon baytining 1-misrasi bir xil shaklda bo‘lib, muallif tahriri yo‘q. Ammo ilk nusxaning ikkinchi satrida ye*tma necha vaslina* birikmasi, ikkinchi devonda *shoyat anduh ila* tarzida o‘zgarishga uchragan.

7392-raqamli qo‘lyozma va nashr qilingan devon nusxasida bir xil shaklda yangicha shaklda quyidagicha keladi:

***Oh, ul zolim jafosi-la, dili anduh ila,***
***Shomi g‘am kunjida bir*** *og‘zimg‘a kulgu kelmadi [2.80$^{b}$].*

Bu baytda shoir yuqorida keltirilgan ikkala variantni ham tahrirlab, baytni yangi shaklda bitadi. Birinchi satrni *Oh, ul zolim jafosi-la, dili anduh ila,* shaklda ifodalaydi. 2-satrni *shomi g‘am kunjida bir* so‘zlarini keltirish bilan mazmunni o‘zgartiradi.

Muhsiniyning Hofizga bag‘ishlab yozgan “Hofiz” radifli g‘azali ham shoirning 1-devon, 2-devon va 7392-raqamli qo‘lyozmada muallif tomonidan tahrir qilingani ma’lum bo‘ldi. Jumladan 1-devonning 53$^{ab}$ sahifasida 9 baytdan iboratdir. G‘azal matla’si quyidagicha:

***Orif Allohi avliyo*** *Hofiz,*
***Sohibi al-kashshof valayzo*** *Hofiz [5.53$^{ab}$ ].*

2-qora muqovali devonning 81$^{a}$ sahifasida va 4303 inventar devonning 53ab sahifasida Hofiz radifli g‘azal bir xil shaklda 9-bayt tarzida yozilgan. Ushbu g‘azalning ilk bayti:

***Hoja Shamsi din ato*** *Hofiz,*
***Orif boshad avliyo*** *Hofiz[6.81$^{a}$ ].*

7392-raqamli qo‘lyozma devon va joriy alifbosidagi nashrda 8 bayt shaklida bitilgan:

***Hoja Shamsiddin ziyo*** *Hofiz,*
***Ahli irfonu*** *avliyo Hofiz [2.43$^{b}$].*

Navoiy g‘azallariga bog‘lagan tatabbularning birinchi, ikkinchi va 7392-raqamli qo‘lyozma devonlardagi matniy farqlari mavjud bo‘lib, so‘zlar tahrir qilingan. Jumldan, shoirning “o‘ldirgusi” radifli g‘azali Navoiyga tatabbu tarzida yozilgan bo‘lib, mavjud har uchala devon nusxalarida muallif tahririga uchragan.

Yuqorida keltirilgan ma’lumotlar va tahlillardan anglashiladiki, Muhsiniy she’riyatida matnning muallif tahriri keng miqyosda amalga oshirilgan. Shoir devon tartib berayotganda ko‘plab she’riy asarlarini matniy saktaliklarini to‘g‘rilaydi. Mazkur, tahrirlarni adib mustaqil va tatabbu g‘azallari doirasida amalga oshirgan. 7392-raqamli qo‘lyozma devon shoir umrining oxirida, 1917-yil tartib berilgani va so‘nggi tahrirdan o‘tkazilgan she’riy asarlari jamlangani bilan qimmatlidir.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:


1. Жабборов Н. Бадиий матн таҳрирининг хос хусусиятлари. – “Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлил муаммолари” мавзуидаги илмий-назарий анжуман материаллари. – Т.: Мумтоз сўз, 2014. - Б.28.
2. Қўлёзма девон. ЎзР ФАШИ фонди. Инв. №7392.

3. Муҳсиний баёзи. Ғафур Ғулом номидаги Фарғона вилоят Адабиёт музейи фонди. 178 инвентар рақам.
4.Қўлёзма девон. №4303 рақамли қўлёзма баёз.
5. Қўлёзма биринчи девон жигарранг муқовали. Қўқон шаҳрида яшаётган, Муҳсиний авлодларидан бўлмиш Мадаминжон Нуриддиновнинг шахсий кутубхонасида сақланади.
6. Қўлёзма икинчи девон қора муқовали. Қўқон шаҳрида яшаётган, Муҳсиний авлодларидан бўлмиш Мадаминжон Нуриддиновнинг шахсий кутубхонасида сақланади.

# “АТВОҚ УЗ-ЗАҲАБ...” ДАН ИЛҲОМ ОЛГАН “АТВОҚ” ВА “ЗАҲАБ”ЛАР
## (асар таржималари мисолида)

**Бабаназаров Ихтиёр Мадиримович,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Адабий манбашунослик ва матншунослик
кафедраси мустақил изланувчиси
ixtiyori78@mail.ru

Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий мероси асрлар давомида Шарқ ва Ғарб тадқиқотчиларининг диққат марказида бўлган. Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақидаги кўплаб тарихчи олимлар ўз асарларида ёзганлар.

Маҳмуд Замахшарий тафсир, ҳадис, фиқҳ, наҳв, балоғат ва фасоҳат, бадиъ ва баён, руҳий тарбия ва ахлоқ, адабиёт ва шеъриятга оид асарларни ўзидан кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирди.

Руҳий-тарбиявий ва ахлоқга оид асарларидан бири бу “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб” (“Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”) асаридир. Мазкур асар зуҳд ва чиройли ахлоққа, ёмонликларни тарк этиш ва яхшиликка буюрувчи олтин насиҳат ва иршоддан иборат юзта мақолалар тўпламини ташкил этади.

“Атвоқ уз-заҳаб...” дан илҳом олган “атвоқ” ва “заҳаб”лар деганда Ғарб ва Шарқда мазкур асар номи билан машҳур бўлган таржималар ва мазкур асардан таъсирланган муаллифларнинг асарлари бизнинг кўз олдимизда намоён бўлади. Бу асарларнинг номларида “атвоқ” ва “заҳаб” сўзларининг айнан ўзлари ёки ***“атвоқ”*** ва ***“заҳаб”*** сўзларининг бошқа тиллардаги эквивалентлари иштирок этади. Масалан, “Атвоқ уз-заҳаб...” ни немис тилидаги учта муаллифнинг таржималарнинг номланишида ***“goldene halsbänder”*** ёки француз тилига қилинган таржималари эса “***Les Colliers D'or***” яъни “олтин мунчоқлар” сўзлари ила аслиятни сақлайди. Ундан ташқари Маҳмуд Замахшарийнинг мазкур асарига тақлид этилиб, мақоланавислик анъанасида ёзган муаллифлар ҳам асарларини номларида аслият эътиборидан “атвоқ” ва “заҳаб” сўзлари намоён бўлган.

Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб” асари бир неча марта дунёнинг турли ўлкаларида таржима қилиниб, нашр этилган. 1835 йили олмон олими ***Йозеф фон Ҳаммер-Пургсталл*** буюк аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб” (“Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”) асарини немис тилига таржима этиб, алломани ва унинг мазкур асарини бутун ғарб оламига танитди. Мазкур таржима “Samachschari's Goldene Halsbänder” номи остида 1835 йилда немис ва араб тилидаги алоҳида матнлари билан Вена шаҳрида нашр этилган. Бу Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб” мақолалар тўпламининг немис тилига қилинган биринчи таржимаси ва биринчи литографик нашри эди. Йозеф Фон Ҳаммер мазкур китобнинг

муқова қисмида мазкур асарни унинг ҳаётида қандай чуқур из қолдиргани ва унинг ички дунёсига таъсирини эътироф этиб, шундай ёзади:

*“Менинг нафсим олтинмас, кўзим қувонадиган бисот ҳам эмас*
*Балки ҳамиша янгиланиб турадиган шон ва шарафдур.”*

1835 йилда А. Штраусс томонидан нашр етилган Вена нашри ғарбда жуда кенг тарқалган, жумладан мазкур нашрнинг микрофильми Германиянинг 20 га яқин кутубхоналаридан жой олган. Ундан ташқари Америка Қўшма Штатлари, Франция, Словениянинг кўп университетларининг кутубхоналарида, жами 50дан ортиқ кутубхоналарда жойлашган.

1835 йили ***Гейнрих Леберехт Флайчер***нинг яна бир таржимаси пайдо бўлди. У Йозеф Фон Ҳаммернинг таржимаси устида ишлаб, қайта таржима қилади ҳамда танқидий ва изоҳли шарҳлари билан бирга нашр эттиради.

Гейнрих Леберехт Флайчер ҳам Йозеф фон Ҳаммер-Пургсталл каби буюк аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб” (“Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”) асарини таржима этиб ва нашр қилдириб, алломани ва унинг мазкур асарини бутун ғарб оламига янада машҳур қилди.

Мазкур таржима ***“Samachschari's Goldene Halsbänder”*** номи остида 1835 йилда немис тилида Лейпциг шаҳрида Карл Гейнрих Реклам томонидан нашр этилди. Гейнрих Леберехт Флайчер таъкидлашича, бу асар Йозеф фон Ҳаммер таржимасининг тузатилган матни бўлиб, танқидий ва экзетик шарҳдан иборат. Йозеф фон Ҳаммер таржимасидан фарқли равишда бу асарда арабча матн тўлиқ берилмасдан немис тилига таржима этилган ва фақат изоҳталаб сўзлар шарҳланган. Мазкур нашрнинг микроформаси қуйидаги дунёнинг 45 дан ортиқ кутубхоналарида жойлашган.

1836 йили Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб” (“Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”) асарининг таржимаси яна бир бор немис тилига таржима қилинди. Мазкур таржима Густав Вайл томонидан амалга оширилди. У Йозеф Фон Ҳаммернинг таржимасида кечган камчликларни тўлдириб, танқидий мулоҳазалар қилган. Шунингдек, Йозеф Фон Ҳаммернинг таржимасидаги нотўғри қисмларни Коҳирада қўлга киритилган қўлёзма орқали матнни ислоҳ қилган. Мазкур таржима ***“Samachschari's Goldene Halsbänder”*** номи остида 1836 йилда немис тилида Штутгарт шаҳрида нашр этилган. Мазкур нашрнинг микроформаси дунёнинг 32 дан ортиқ кутубхоналарида жойлашган.

Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб” (“Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”) асари таржимаси бир неча бор немис тилига таржима қилингандан сўнг 1876 йилда Барбье Мейнард томонидан француз тилига таржима қилинади ҳамда шарҳланади. Мазкур таржима ва шарҳ ***“Les Colliers D'or, Allocutoin Morales”*** номи остида 1876 йилда “Миллий империя” нашриётида Эрнест Лерюх томонидан Париж шаҳрида нашр этилди. Бу “Атвоқ уз-заҳаб”нинг француз тилидаги биринчи таржимаси ва биринчи литографик нашри эди. Мазкур тошбосма Канаданинг машҳур

Торонто университетининг кутубхонаси Z-3414 рақами остида сақланмоқда. Асарнинг таржимасида арабча матндан сўнг француз тилидаги таржимаси ва ундан кейин эса шарҳ ва изоҳлар берилган. Мазкур нашрнинг микроформаси дунёдаги 60дан ортиқ кутубхоналарда жойлашган.

Яна бир бор асарнинг ғарбий тиллардаги таржималарига бир назар ташласак, 2006 йилда Charles F. Horne инглиз тилига ўгириб, *Golden Necklaces or Maxims of Zamakhshari"* деб номлайди. Асар 2006 йилда АҚШда нашр этилади ва 2010 йилда АҚШнинг Kessinger Publishing нашриётида чоп этилади.

Замахшарийнинг "Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб" ("Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари") асари ғарб тилларидан ташқари туркий тилларга яъни турк, уйғур ва ўзбек тилларига ҳам таржима қилинган. ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 18952-53, 18970 инвентар рақалари остида сақланаётган тошбосма нусхалар Саъид хўжа ва Меҳмед Зеҳний томонидан турк тилига таржима этилиб, 1873 йилда (1290 ҳижрий) санада Истанбул "Дорут тиббатул омира"да нашр этилган. Мазкур нашрдан 1543-М рақами остида бир нусха Туркиянинг Atifefendi кутубхонасида сақланади. Бу нашрнинг микроформаси дунёдаги 60дан ортиқ кутубхоналардан жой олган.

Замахшарийнинг "Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб" ("Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари") асари Тохти ҳожи Тилла томонидан "Олтун ҳалқилар" номи билан уйғур тилига таржима қилинган. Мазкур таржима 2004 йил Урумчи шаҳрида "Шинжон халқ нашриётида" нашр қилинган. Асарнинг ҳажми 128 бетдан иборат. Мазкур нашрнинг микроформаси Гарвард ва Вашингтон университетларида жойлашган.

"Атвоқ уз-заҳаб..." асарининг ўзбек тилига таржима қилинишида ҳиммат ва жонбозлик кўрсатган устозимиз Рашид Зоҳид ҳамда марҳум оталари фахрли устозимиз Фозил Зоҳид ҳазратларининг ҳиссалари беқиёсдир. Айнан шу асарни устозимиз Рашид Зоҳид ўзбек тилига таржима қилганлар ва марҳум фахрий устозимиз Фозил Зоҳид домла шеърий назмга солиб шарҳлаганлар. 144-бетдан иборат мазкур китоб "Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума" номи билан 2011 йил Тошкентда "Муҳаррир" нашриётида чоп этилган.

Бундан ташқари, Маҳкам Маҳмуд ва Назарбек Ҳакимларнинг асарни турк тилидан ўзбек тилига "Олтин шодалари" номидаги таржимаси ҳам мавжуд, 2010 йил Тошкентда "Extremum Press" нашриётида чоп этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Замахшарийнинг "Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб" асари Ғарб олимлари томонидан жаҳон адабиётининг юксак намунаси ва нодир санъат асари сифатида эътироф этилган. Зеро, Американинг Kessinger Publishing нашриёти вакиллари асарнинг қийматини қуйидагича эътироф этадилар: "Ушбу ноёб антик асар улкан маданий мерос бўлгани жиҳатидан уни асл нусхадан факсимил равишда қайта нашр этиш муҳим деб ҳисобладик. Замонавий нашрларда ҳам жаҳон адабиётини ҳимоя қилиш ва асраш ҳамда кенг тарғиб қилиш каби бурч ва мажбуриятларимизни

адо этиш мақсадида, бу камёб асарни аслиятига содиқ қолишини назарда тутиб, юқори сифатда лекин барчага ҳамёнбоб ва арзон ҳолда тақдим этдик”.

Ғарб оламида ўрганилган ва ўрганилаётган бизнинг алломаларимиз ва уларнинг ноёб асарлари бизда ифтихор туйғусини уйғотиши бу табиий ҳол, лекин аслида ўз диёримиздан чиққан алломалармизни ва уларнинг асарларини ўрганиш ва диёримизга, қолаверса, бутун дунёга танитиш бизнинг бурч ва мажбуриятларимиздан биридир. Олтин насиҳат ва иршодлардан иборат Замахшарийнинг бу ва шу каби асарларини ўрганиб оммага тақдим этиш юртдошларимизни, айниқса ёшларимизни чиройли тарбиясида муҳим аҳамият касб этади.

Қуйида Замахшарийнинг “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб” (“Ўгит ва насиҳатларнинг олтин шодалари”) асари таржималари ва уларнинг микроформаларининг дунё кутубхоналари ва фондлари географик харитасига эътибор берсак қуйидаги натижаларни кўришимиз мумкин:

| № | Асар номи | *“Samachschari's Goldene Halsbänder”* | *“Samachschari's Goldene Halsbänder”* | *“Samachschari's Goldne Halsbänder”* | *Tercüme-i Atwaqi’z-Zeheb fi’l-Mewâ‘iz we’l-Hutab* | *“Les Colliers D'or, Allocutoin Morales”* | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Таржима муаллифи** | Йозеф фон Ҳаммер | Гейнрих Леберехт Флайчер | Густав Вайл | Саъид хўжа Зеҳний, Меҳмед Зеҳний | Барби ер де Мейн ард | |
| | **Таржима тили** | немис тили | немис тили | немис тили | турк тили | француз тили | |
| | **Нашр йили** | 1835 йил | 1835 йил | 1836 йил | 1873 йил | 1876 йил | |
| | **Нашр жойи** | Вена | Лейпциг | Штутгарт | Истанбул | Париж | |
| 1. | **Ўзбекистон** | | | | 2 | | **2** |
| 2. | Қуддус | | 1 | | | 1 | **2** |
| 3. | Миср | 1 | | | | | **1** |
| 4. | Туркия | | | | 1 | | **1** |
| 5. | АҚШ | 15 | 10 | 11 | 8 | 20 | **64** |
| 6. | Канада | 3 | | 3 | 3 | 4 | **13** |
| 7. | Буюк Британия | | 9 | 2 | 1 | 4 | **16** |
| 8. | Испания | | | | 2 | 6 | **8** |
| 9. | Франция | | | 1 | | 11 | **12** |
| 10. | Голландия | | 2 | 1 | | 4 | **7** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 11. | Германия | 32 | 10 | 12 | | 2 | **56** |
| 12. | Швейцария | | 4 | 2 | | 3 | **9** |
| 13. | Дания | | 2 | | | 2 | **4** |
| 14. | Швеция | | 1 | | | 1 | **2** |
| 15. | Венгрия | | | | | 1 | **1** |
| 16. | Япония | | | | | 1 | **1** |
| 17. | Филиппин | | | | 1 | 1 | **2** |
| 18. | Австралия | | 1 | | | | **1** |
| 19. | Австрия | | | | | | |
| 20. | Италия | | 1 | | | | **1** |
| | “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб” асари жойлашган дунёдаги жами кутубхоналар сони | | | | | | **203** |

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Д.Фозил Солиҳ Самроий. “Замахшарийнинг наҳвий ва луғавий қарашлари”. – Бағдод: “Матбаатул Иршод”, 1971. – 420 б.

2. Жураев О. Маҳмуд Замахшарий. –Т.: Тафаккур, 2010. – 56б., 3-б.

3. Замахшарий. “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб”, Аҳмад Абдут-Таввоб Аваз таҳқиқи, Қоҳира: “Дорул фазилат”, 1994. –202 б.

4. Исламов З.М. «Сочинение «Золотые ожерелья» и его влияние на развитие литературы народов востока» “Социосфера”, 2014, 2-сон,

5. Марказий Осиё мутафаккирлари. –Т.: Yangi nashr, 2011.

6. Мирза Юсуфхон ибн Иътисомул-малик. “Қалоидул адаб фи шарҳи атвоқ уз-заҳаб”, 1314ҳ., Қоҳира: “Мактабутул Азҳария лит-Турос”. – 154 б.

7. Сулаймонова Н.А. Маҳмуд аз-Замахшарийнинг «Атвоқ-уз-заҳаб» асари // Шар. филологиясининг тугун ва ечимлари. Илмий мақолалар тўплами (ТДШИ). – Тошкент, 2005. – Б. 224-230.

8. ЎзР ФА Шарқшунослик институти “Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоиъз вал-хутаб” асарининг 16016, 18970 инвентар рақамли тошбосма нусхалари.

9. Фозил Зоҳид. Замахшар тасбеҳи ёхуд 101 манзума (“Атвоқу-з-заҳаб” асари асосида)/ Таржима муаллифи Р.Зоҳид. – Т.: Муҳаррир нашриёти, 2011. – 60 б.

10. Abdurrahman el-Bedevî, Mevsûʿatü’l-müsteşriḳīn, Beyrut 1984, s. 38-39.

11. E. Amelineau, “Barbier de Meynard”, Gr.E, V, 378.

12. A. Merx, “Weil, Gustav”, Allgemeine Deutsche Biographie, Leipzig 1896, XLI, 486-488.

13. Abdülhamîd Sâlih Hamdân, Ṭabaḳātü’l-müsteşriḳīn, [baskı yeri ve tarihi yok] (Mektebetü Medbûlî). – S. 55-57.

# “ГУЛШАНИ ДИЛАФГОР”АСАРИДАГИ ШЕЪРЛАР ТАЛҚИНИ

**Мансуров Собир Ҳамроевич,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ Адабий манба-шунослик ва матншунослик кафедраси катта ўқитувчиси

“Гулшани Дилафгор”ни тузар экан, шоир Дилафгор ҳам анъанага мувофиқ ўз салафлари сингари тўпламни Оллоҳга ҳамд ва пайғамбарга наът билан бошлайди. Муҳаммад (с.а.в.)га бағишланган наътнинг биринчи мисраси: *“Зиҳи шоҳи араб, моҳи ажам, ул саййиди барно...,”*- каби бадиий бақувват сатрлар билан бошланади.

Эътибор берилса, саркори коинот Муҳаммад (с.а.в.) ўз диёрида ислом динини ёйишда аввалига жуда қийинчиликларга учраган бўлсаларда, кейинчалик араб дунёсини ислом нури билан мунаввар қилган эди. Ундан сўнг эса ўша пок нур ажам мамлакатларини ёритди. Юқоридаги мисрада ҳам пайғамбаримизнинг араб дунёсида шоҳ каби ислом ҳукмини юритганлиги, бошқа юртларга ўзлари эмас, ул зотнинг мунаввар зиёси етиб борганлиги ҳамда бундай шоҳгаю бундай моҳга офаринлар бўлсин, деб тақсинлар ўқилмоқда. Шугина бир сатр ҳам шоирнинг қанчалик салоҳиятга эга эканини кўрсатиб турибди.

Шарқда лирик асарлар ҳикматларга бой бўлиши билан муҳим аҳамият касб этади. “Гулшани Дилафгор” каби шеърият гулдасталарида ҳам “ўгит, ҳикмат ва замону бирадарлардан шикоят каби бир нима била зеб берилган бўл”иши (“Бадойиъ ус-санойиъ”) табиий жараён ҳисобланади. Бу сингари ўгит, ҳикмат ва замону бирадарлардан шикоят мотиви устунлик қилувчи шеърлар “*каломи жомиъ”* бадиий санъатини юзага келтиради.

Дилафгорнинг:

*Аҳбоблар, миллат учун биз жаҳд этолмаймиз ҳануз,*
*Ғафлат тўшагида ётиб, кўзни очолмаймиз ҳануз.*

Ёки:

*Умрунг ўтти, эй дило, ётма саҳар, бедор бўл,*

*Шоҳ бўлсанг, хоҳи гадо, ётма саҳар, бедор бўл.*

Ёки:

*Бандасан, эй дил, ризойи Раббанони излагил,*

*Уммат ўлсанг, сарвари ҳақ Мустафони излагил.*

матлаълари билан бошланувчи ғазаллари бошдан оёқ “каломи жомиъ” санъати билан музайян этилган.

*“Мазҳаби каломий”* маънавий санъатлардан бўлиб, наср ва назмда ўз матлубининг исботи учун латофат билан далил келтиришдан иборат. Далил аниқ бўлмоғи, шунингдек, фаразий бўлиши ҳам мумкин. Навоий шеъриятидан, хусусан, унинг ғазалиётида фикрни далиллаш махсус санъат сифатида хилма-хил кўринишларда ишлатилган.

Ғазалда мазҳаби каломий кўпинча бир байт доирасида қўлланади. Далил келтириш турли кўмакчи сўз ва боғловчилар (нединки, не учунким, чунким, не тонг, ғариб эмас, не ажаб, ажаб эрмас, кимки ва ҳ.к.) воситасида амалга оширилади[57].

Дилафгор ғазалларида ҳам “мазҳаби каломий” санъати учрайди:

*Жону дил исоринг ўлса, хаста қулға* ***не ажаб****,*

*Орзу қўйсанг бошимға сенга мен бўлсам туроб.*

Ёки:

*Варна кесмас, деб Дилафгор риштаи уммедини,*

*Келса бир кун* ***не ажаб****, ул ошнодин айрилиб.*

Ёки:

*Бошимға меҳнати ҳижрон, алам ҳамсуҳбатим ҳоло,*

***Ажабким*** *толеъимни бадлиги, бахтим сиёҳ, ё Раб.*

Ёки:

*Хаёли фикрим ҳамиша сизе паривашда,*

***Ажабки*** *марҳамат этмай дағи ситам қиласиз.*

[57] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Zarqalam, 2006. – Б. 32.

Ёки:

*Ваҳ, **нечун** ўлмай тириклай, шомдин то субҳидам,*

*Бўлсалар доим рақиб эли чаманзор олдида.*

Ёки:

*Гўзал маҳвашлар ичра сен каби ҳурлиқо бўлмаз,*

*Қиёмингла **нечун** ташбиҳ қилам тубо расо бўлмаз.*

Ёки:

*Эй худойим, қисматингга **кимки** собир бўлмаса,*

*Мен они мўмин демайман, лойиқан имон эмас.*

Бадиъшунослик илмида “шоир ўз фикр ва кечинмаларини баён этиш мақсадида турли образ ёки иборалардан фойдаланар экан, тасвир жараёнида ўзининг олдинги фикрлари (иборалар, образлар)дан воз кечиб, уларни рад этади ва уларнинг ўрнига янги образ ва ибораларни келтиради. Гўё ўз мақсадини тўлиқ ифодалаш учун ожизлик қилган ибора ва образлар ўрнига янги, мукаммалроқларини қўйиб, фикр ва кечинмаларни янада кучлироқ шаклда баён қил”[58]иниши “ружў” санъатини келтириб чиқаради. Эътиборлиси шундаки, шоир Дилафгорнинг фақат ғазалларида эмас, балки мухаммасларида ҳам “ружў” санъатини учратиш мумкин. Шоир ижодида ***Ё*** ёхуд ***ёки*** сўзларининг қўлланиши имкониятни кенгайтириб, бадиий маҳобатни янада кучайтиришга хизмат қилган:

*Мисли Мажнундек фиғон этсанг юрагинг қон этиб,*

*Йиғласанг шому саболар кўз ёшинг тўфон этиб,*

***Ёки** булбулдек саҳарлар нолаи афғон этиб,*

*Илтижо этсанг париларга фидойи жон этиб,*

*Бемурувват бўлса, таъсири дуо кам-кам бўлур.*

Ёки:

*Йиғлатиб бизларни ношод айламак мақсуд эса,*

***Ёки** лутф ила мурувват айламак мақсуд эса,*

***Ё** рақиб сўзи билан қайд айламак мақсуд эса…,*

[58] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: Zarqalam, 2006. – Б. 49.

“Гулшани Дилафгор” тўпламида шоирнинг 51 та шеъри жамланган бўлиб, шундан 23 таси ғазалдир. Кўриниб турибдики, адиб ижодида ғазал жанрининг ўрни катта.

Мазкур ғазалларда юқорида кўриб ўтган бадиий санъатлардан ташқари, талмеҳ санъатидан ҳам унумли фойдаланилган. Ғазалларда қўлланилган бадиий санъатлар ўз навбатида ижодкорнинг ички руҳий оламини очиб беради. Айниқса, диний–фалсафий мавзудаги лирик асарларида бу ҳол яққол сезилади.

Дилафгор ижодида Навоий достонлари қаҳрамонлари бўлмиш, Фарҳод ва Мажнун образлари ҳам кўп қўлланади. Дилафгор ҳам Навоий ижодига ҳавас билан қараган, унинг ижодидан баҳраманд бўлиб, унга ўхшаш ғазаллар битган.

Хулоса қилиб айтганда, шоир бадиий маҳоратини нечоғлик юқори бўлганини юқоридаги кузатувлардан ҳам аён бўлади. Дилафгор анъанавий шеъриятимизда қўлланган бадиий санъатларнинг лафзий, маънавий, муштарак тураларини ишлатган ҳолда ўзига хос лирик намуналар ярата олган. Шоир лирикасида мумтоз адабиётимизга хос кўплаб бадиий санъатлардан кенг ва ўринли фойдаланган.

Дилафгор ижодида бадиий санъатнинг бир қатор турлари учрайди. Жумладан, бадиъшуносликдаги “иқтибос” санъатининг “дарж” тури шоир асарларига зийнат берган.Шоир ижодида қофия билан боғлиқ поэтик усулларнинг энг қадимийларидан бири бўлган “радд ул-матлаъ” ёки “ийто” турларидан, чунончи, ийтонинг икки навидан бири *ийтойи хафий* (ёпиқ, яширин такрор) қўлланилган.

# AN’ANAVIY POETIK OBRAZLAR JILOSI

**Saidjanova Zebo Komilovna,**
Urganch davlat universiteti
Filologiya fakulteti o‘qituvchisi
saidjanovazebo3@gmail.com

**Annotatsiya.** Mumtoz adabiyotdagi an’anaviy mavzu va obrazlar chinakam ijodkorlar xizmati tufayli doimiy ravishda yuksalishda, takomillashishda davom etadi va har bir san’atkor ijodida o`ziga xoslik, yangilik kasb etadi. An’anaviy obrazlar – badiiy adabiyotda bir ijodkordan ikkinchi ijodkorga o‘tib yuruvchi, ko‘pchilikka tanish bo‘lgan qahramonlar obrazlaridir. Bunday qahramonlar qachonlardir adabiyotga kirib kelgan va qattiq o‘rnashib qolgan obrazlar bo‘lib, har bir shoir uni qalamga olar ekan, yangi xususiyatlar bilan boyitadi. mumtoz lirikada ishqiy mavzudagi she’rlarda bosh obrazlar sifatida ma’shuqa, oshiq va ag`yor doimo o`zgarmas xarakter xususiyatlari bilan namoyon bo`ladi. Bu obrazlardagi an’anaviylik qanchalik barqaror bo‘lsa ham, ular shoir dunyoqarashi, iqtidori va davr xususiyati talabiga ko‘ra ma’lum darajada takomillashib, o‘zgarib boradi, butunlay yangilanmaydi. Darhaqiqat, hamma vaqt yangi obraz yaratish shart emas, boshqa mavjud obrazning yangi qirralarini ochish ham obraz yaratishning bir vositasi hisoblanadi. Yuqoridagi fikrlar shoir So‘fi she’riyatining go‘yaviy-badiiy mundarijasida o‘z ifodasini topgan.

**Kalit so‘zlar:** obraz, mumtoz she’riyat, an’ana, tamoyil, tasvir qolipi, folklor, variant, rivoyat, emotsionallik, motiv, uslub.

Badiiy adabiyotda poetik obrazlar ma’lum ijodkorlar tomonidan ishlanib, qiyomiga yetkazilsa ham, muayyan adabiy muhit doirasida shakllanib, mukammallik kasb etadi va ma’lum vaqt oralig‘ida an’anaga aylana boradi. Jamiyatdagi insonlar tafakkurining o‘zgarishi bilan poetik obrazlarda ham yangilanish sodir bo‘ladi. XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida yashab ijod etgan shoirlar ijodida poetik obrazlar diniy va dunyoviy, milliy,

ijtimoiy asosga qurila boshlandi. Shu bilan bir qatorda mumtoz an’anaviy she’riyat ta’sirida o‘zlashgan obrazlar tarkibida, ularni qo‘llanilish doirasida ham yangilanishlar yuz berdi. Shuni ta’kidlash kerakki, hech bir ijodkor, hatto eng buyuk iste’dod sohiblari ham o‘zini voyaga yetkazgan xalq madaniyati ta’siridan butkul uzilib ketolmaydi. Xorazm adabiy muhiti namoyandasi Ilyos Mulla Muhammad o‘g‘li So‘fi(1860-1916) ijodi uchun mumtoz adabiyotimizning eng yaxshi an’analari asos bo‘lib xizmat qildi. So‘fi she’riyatida adabiyotdagi an’anaviy obrazlar mumtoz timsollarning aynan takrori bo‘lib qolmadi, balki zamon talablari asosida yangilandi. Zero, mumtoz adabiyotdagi an’anaviy mavzu va obrazlar chinakam ijodkorlar xizmati tufayli doimiy ravishda yuksalishda, takomillashishda davom etadi va har bir san’atkor ijodida o`ziga xoslik, yangilik kasb etadi. Shu o‘rinda an’anaviy obraz tushunchasi haqida to‘xtalmoq joiz.

An’anaviy obrazlar – badiiy adabiyotda bir ijodkordan ikkinchi ijodkorga o‘tib yuruvchi, ko‘pchilikka tanish bo‘lgan qahramonlar obrazlaridir. Bunday qahramonlar qachonlardir adabiyotga kirib kelgan va qattiq o‘rnashib qolgan obrazlar bo‘lib, har bir shoir uni qalamga olar ekan, yangi xususiyatlar bilan boyitadi. An’anaviy obrazlar deganda o‘zbek mumtoz she’riyatidagi ko‘pchilikka ma’lum va mashhur bo‘lgan, ko‘p marotaba takrorlanib turuvchi, o‘tmishda aksariyat shoirlarning mulki hisoblangan an’anaviy badiiy tashbehlarni ham tushunamiz. “An’anaviy obraz” atamasini asoslovchi, ularning ta’rifiga mos keladigan belgilar mavjud:

1. “An’anaviy obraz” deganda, adabiyoti, madaniyati bir-biriga yaqin, til va hududiy o‘zaro bog‘liqlikka ega turli xalqlar adabiyotida ko‘zga tashlanadigan obrazlarni nazarda tutish.
2. “An’anaviy obrazlar” sirasiga kiruvchi timsollardan deyarli barcha soha kishisi yoki adabiyotga daxli bo‘lmagan kishilar birdek xabardor bo‘lishi.
3. Har bir obraz xalq orasida, xalq og‘zaki ijodi asarlari yoki yozma adabiyotda doimo o‘ziga taalluqli yetakchi belgilari bilan namoyon bo‘lishi.
4. Sharq mumtoz adabiyoti – fors-tojik, arab, turkiy adabiyot vakillarining deyarli barchasi asarlarida uchrashi.

5. An’anaviy obrazlar shaklan turlicha bo‘lishidan qat’iy nazar poetik funksiyasi jihatdan umumiy yaxlitlik kasb etishi – asosiy maqsad va mohiyatini yoritishda uzviylikka ega bo‘lishi.

Bu tamoyillardan ko‘rinadiki, an’anaviy obrazlar yuksak iste’dod sohiblari tomonidan qanchalik keng va chuqur yoritilsa, ularga shunchalik ko‘p hayotiylik bag‘ishlanadi. Ma’lumki, mumtoz lirikada ishqiy mavzudagi she’rlarda bosh obrazlar sifatida ma’shuqa, oshiq va ag`yor doimo o`zgarmas xarakter xususiyatlari bilan namoyon bo`ladi. Bu obrazlardagi an’anaviylik qanchalik barqaror bo‘lsa ham, ular shoir dunyoqarashi, iqtidori va davr xususiyati talabiga ko‘ra ma’lum darajada takomillashib, o‘zgarib boradi, butunlay yangilanmaydi. Darhaqiqat, “hamma vaqt yangi obraz yaratish shart emas, boshqa mavjud obrazning yangi qirralarini ochish ham obraz yaratishning bir vositasi hisoblanadi”[59]. Yuqoridagi fikrlar shoir So‘fi she’riyatining go‘yaviy-badiiy mundarijasida o‘z ifodasini topgan.

Ma’lumki, an’anaviy obrazning yangi qirrasini ochish uchun uning batafsil tahlili amalga oshiriladi. Bunda obraz nomi, uning mohiyatini ifodalovchi so‘zlarni qo‘llash muayyan ahamiyatga ega. Bu jihatdan eng an’anaviy ma’shuqa obraziga daxldor misollar xarakterlidir. So‘fi devonida ma’shuqa obrazini qirqdan ziyod so‘z bilan nomlash mavjud. Ularning har biri ma’shuqaga nisbatan sifat belgisi bo‘lib, g‘azal tahlilida obraz sajiyasidagi muayyan qirrani ifoda etadi. Biz ularni tarkibiga ko‘ra ikki guruhga ajratdik:

1. Bir so‘zdan iborat: nigoro, gulrux, dilbar, yor, habib, dilrabo, oy, jonon, gul, laylivashim, mahvashim, dildor, sarvinoz, sanam, dilsiton, mohtob, sumanbar, pari, gulchehra, dilnavoz, sho‘x, gul’uzor, parirux

2. Ikki so‘zdan iborat: sho‘xi sitamgar, sarv qad, sarvi ravon, siymi soq, dilbari ra’no, nigori olijanob, yori mehribonim, durri xushob, la’li nob, lola uzor, xurshid siymo, shohi xo‘bon, qoshi qalam, pari paykar, pari ruxsor, mohi Kan’on, durri g‘alton, hoziqi tabibim, Iso davronim, ahdi yalg‘onim, sarvi xiromon,

[59] Лорке Г.Ф. Избр.произведения в 2 х томах. Т.1.-М: 1986. С.398

parizodi Eram, xurshid tal’at, chashmi mastonim, g‘uncha dahan, Layliyi soniy, qomati ra’no, ko‘zi jallod va hokazo.

Ko‘rinadiki, bular ijobiy va salbiy ma’no anglatuvchi so‘zlar bo‘lib, ulardan qay birini tanlash she’r mazmuniga bog‘liq. Tabiiyki, ma’shuqa ko‘proq ijobiy sifatlar bilan ataladi. Devondagi quyidagi bir g‘azalning o‘zida ma’shuqa besh sifat bilan tilga olingan:

Ishqing aro man xastakim, **ey sarv qadu guliruxo**,
Tortarman andog‘ qumriyu bulbul kabi ohu navo.

Men benavo **ey siymi soq**, etsam necha sharhi firoq,
Arzimg‘a solmassen quloq jurmim nedur bilmam sango.

**Ey dilbari qoshi qalam,** izhor etub lutfu karam,
Kulbamg‘a bir qo‘yg‘il qadam, bo‘lsun sanga jonim fido.

…Ko‘nglumdin, **ey yoru habib**, badrud etub sabru shakib,
O‘lmakka yetmishman chekib dardu g‘aming hijron aro[60].

To‘rt baytda ham ma’shuqa ta’rifi keltirilib, dastlabki baytlarda u istiora (‘sarv qad”, “gulrux”, “siymi soq”), keyingi baytlarda esa tarkibli (“dilbari qoshi qalam”) sifatlash orqali ochib beriladi. Darhaqiqat, ma’shuqaga uning turli sifatlari orqali murojaat etish uslubiy-shakliy funksiyadan tashqari, muayyan darajada shoirning mazmun yo‘nalishiga munosabatini belgilashi bilan ham bog‘liq.

Ma’shuqa oshiqqa beparvo, doimo unga sitam yetkazadi, hech bir she’rda uning oshiqqa iltifot etgani kuzatilmaydi. Shunday bo`lishiga qaramasdan, oshiq qancha jafo ko`rsa ham undan yuz o`girmaydi. Oshiq obrazi sabrda, sadoqatda mumtoz, ishqda barqaror bo`lib, bu butun Sharq she’riyati uchun xos xususiyatdir. Sharq mumtoz she’riyatida ma’shuqani betakror husn sohibi sifatida tavsiflash tasvir qolipiga aylangan. Uning go`zalligi xilma-xil tashbihlar orqali ta’riflanadi.

[60] So'fi. Devon. Xiva O’lkashunoslik muzeyi fondi. 3-bet.

Shoir So‘fi ma’shuqa, uning muhabbatiyu husni jamoli va lirik qahramon-oshiq ahvolidan so‘z yuritib, ular orqali dunyoviy va ilohiy g‘oyalarni ilgari suradi. Bu g‘oyalar shoir ko‘zlagan mehr-vafo, insoniylik, yaxshi axloqni ifodalasa, ikkinchi tomondan, ilohiy muhabbat, irfoniy taxayyul kabi tushunchalar bilan bog‘liq tasavvurlarni qamrab oladi.

Shoir So‘fi yashagan davr –XIX asr ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida Xorazm adabiy muhitida Alisher Navoiyning ta’sir doirasi shu qadar kengaydiki, o‘zini she’riyatga daxldor deb bilgan har qanday qalamkash ham o‘zini Navoiyning shogirdi deb hisoblar va bundan faxrlanar edi. Tabiiyki, So‘fi ham Navoiy lirikasining izdoshidir. So‘fi o‘z she’riyatida oshiqning nozik kechinmalarini ma’shuqa husnu malohatini navoiyona san’atkorlik bilan ifoda etadi. U ma’shuqani Layli va Shiringa qiyos qilsa, o‘zini ishq dashtida sargardon Majnunga va oshiqlik yo‘lida tog‘ qazigan Farhodga qiyos qiladi:

Netti bir so‘rsang kelib, holimni ey Laylivashim,
Ishqing ichra bo‘lmisham Majnuni sargardon sango.

Yana bir o‘rinda lirik qahramon shunday faxrlanadi:

Bergamen Farhodu Majnunga saboq
Tog‘i ishqing ichra qazib toshingiz.

Navoiydan keyin yashab ijod qilgan ko‘plab forsigo‘y va turkigo‘y shoirlar Layli va Majnun, Farhod va Shirin obrazlarini o‘z asarlarida sevgi-muhabbatning ilohiy ramzi sifatida, haqiqiy ishq siymolari sifatida tilga olishadi, ulug‘lashadi.

O‘zbek mumtoz she’riyatida Vomiq va Uzro muhabbati mavzusiga murojaat etmagan shoirni uchratish amrimaholdir. Lekin umumiy tarzda olib qaralganda, So‘fi she’riyatida bu obrazlar talqini boshqalarga qaraganda unumliroq bo‘lib ko‘rinadi. “Vomiq va Uzro” – Yaqin va O‘rta Sharq xalqlarining og‘zaki va yozma adabiyotida keng tarqalgan an’anaviy epik asar. Mavzu Sharq xalqlari folklori va adabiyotiga yunon adabiyotidan o‘tgan degan fikr mavjud. Davlatshoh Samarqandiy hamda o‘rta asr ijodkorlari asarlaridagi ma’lumotlarga ko‘ra, ushbu mavzu Islomgacha ham mashhur bo‘lgan. Asarning variant va versiyalari ko‘p. Ularni an’anaviy mavzu va obrazlar silsilasi bir-biriga yaqinlashtiradi. Folklor

nusxalariga ko‘ra, arablarning sa’d qabilasi boshliqlaridan biri Sokinning yolg‘iz o‘g‘li Vomiq gul sayliga ketayotib, chavandoz Zaydning qizi Uzroni uchratadi. Yozma adabiyotdagi variantlarda Vomiq Uzroning suratini ko‘rib unga oshiq bo‘ladi. Sevishganlar sarguzashti tenglik, adolat uchun kurash, xalqlar do‘stligi mavzulari bilan uzviy bog‘lanib, ijobiy qahramonlar zulmga qarshi kurashchi va ezgu xislatli kishilar sifatida gavdalanadi. So‘fi bilan zamondosh ijodkorlardan Ahmad Tabibiy 8100 baytdan iborat "Vomiq va Uzro" qissasining o‘zbekcha she’riy (masnaviy) variantlarini yaratgan. Xalq og‘zaki ijodi manbalari hamda o‘zidan oldingi ustoz ijodkorlar, shuningdek, o‘z davrining iste’dodli namoyandalari asarlaridan boxabar bo‘lgan, ularning boy ijodiy an’analari davomchisi, yangi qirralari kashfiyotchisi sifatida shoir So‘fi o‘z she’riyatida oshiqning hijron g‘ami, ma’shuqaning go‘zal husnini ta’riflar ekan, Vomiq va Uzro obrazlariga murojaat qiladi:

Bo‘lmish bu So‘fi sodiqing, ming jonu dildin oshiqing
Uzrosen uldur Vomiqing to bir nazar solg‘och ko‘z.

Shoir So‘fi lirikasida an’anaviy keng tarqalgan Farhod, Shirin, Layli, Majnun, Vomiq, Uzro kabi oshiq-ma’shuqlar obrazi bilan birgalikda Iso, Ya’qub, Yusuf, Nuh, Sulaymon, Ayyub singari payg‘ambarlar obrazi, Qorun, Iskandar, No‘shiravon, Mahmud G‘aznaviy kabi hukmdorlar obrazi tasvir ko‘lamdorligi va o‘ziga xosligi bilan ijodkor mahoratini yana bir bor namoyon qiluvchi unsurlar hisoblanadi.

So‘fi ijodida Iso Masih va Xizr alayhisalom, Ya’qub, Yusuf, Nuh, Sulaymon, Ayyub payg‘ambar obrazlarining qo‘llanishidan shoirning ko‘zlagan adabiy niyatini ilmiy o‘rganish asosida ulug‘ shoirning muhim ijtimoiy-siyosiy, ilohiy-irfoniy, axloqiy-ta’limiy qarashlarini oydinlashtirish mumkin. Ayni choqda bu obrazlar vositasida shoir ijodida badiiyatning yuksak namunalari ijod etilgan.

Jonfizo la’ling mayidin choshni totg‘on kishi
Topqusi Xizru Sikandardek hayoti jovidon.

Yoki yana bir o‘rinda shunday keltiriladi:

La’li jonbaxshingda ey dilbar muanbar xolu xat

Obi hayvon uzra chun Xizr Sikandar xolu xat.

Iskandar shunday shoh bo‘lganki, undan oldingi va undan keyingi sultonlar u qilgan ishlarni qilmaganlar. Jahon hukmronligini olgan Iskandar “obi hayvon” ya’ni “tiriklik suvi”ga ega bo‘lish uchun zulmat tubiga Xizr alayhissalom hamrohligida tushadi. Lekin obi hayvon Xizr alayhissalomga nasib qiladi. Bu o‘rinda yorning lablari jonga quvvat beruvchi, abadiy jon baxsh etuvchi “obi hayvon”ga qiyos qilinyapti. Shoir Xizr obrazini Iskandar obrazi bilan yuqoridagi rivoyatga ishora qilingan holda barcha o‘rinda yonma-yon qo‘llashga muvaffaq bo‘lgan. Quyidagi g‘azalda esa Iso Masih obrazi ham fikrni kuchaytirish, emotsionallikni oshirish uchun keltiriladi:

Mayi la’lingg‘a bo‘lsun banda yuz ming Xizru Iskandar
Masiho jonfizou jonbaxsh guftoringdin aylansun.

Masih laqabi bilan mashhur bo‘lgan Iso payg‘ambar rivoyatlarga ko`ra, o`liklarga jon ato qila olgan, tiriltira olgan ekan. Bu o‘rinda Masih obraziningqo‘llanilishi Allohning qodirlik sifatiga ishora. Xizr obrazi esa uning abadiyli- gini nazarda tutadi. Shoir So‘fi ana shu boqiy yashash maqomiga ega bo‘lgan ikki timsolga murojaat etish bilan ruhning ham abadiyligini badiiy tasvirlashga muvaffaq bo‘ladi. Yuqoridagilardan ayon bo‘ladiki, g‘azallarda Xizr va Iso Masih obrazlari qo‘llanishi talmeh san’atining bir ko‘rinishi bo‘libgina qolmay, ular orqali Qur’oni karim g‘oyalari ham keng targ‘ib qilingan. Shuningdek, So‘fi g‘azallarida Xizr va Iso Masih obrazlarini qalamga olish orqali ular bilan bog‘liq turli voqealar-u, ularning turli xususiyatlarga ishora qiladi. Xususan, Xizr alayhissalom qalamga olinganda, Allohning abadligini, obi hayvonni topib unga ega bo‘lishi bilan bog‘liq voqealarni, ezguliklar ulashuvchilik, mushkullarni oson qiluvchilik xususiyatlarini g‘azallarda ifodalab keladi. Iso alayhissalom esa g‘azallarda, avvalo, Allohning ilohiy mo‘jizalarini, o‘zi Masih nafasi bilano‘lganlarni tiriltirishini, o‘lgan qalblarni uyg‘otishini ifodalaydi. Umumiy qaraganda, har ikkala obraz ham g‘azallarda insonlarga

Allohni anglatuvchi, ularni to‘g‘ri yo‘lga boshlovchi va hayotlari bilan Alloh mo‘jizalarini dalillab keluvchi qahramonlardir.

Iso payg‘ambar va Xizr alayhissalom obrazlari qo‘llangan baytlar tahlili misolida olib borgan kichik izlanishimizda So‘fi g‘azallarida ham insonlarni tasavvufiy, diniy g‘oyalar asosida iymon- e’tiqodga chaqirganligini va eng muhimi, talmeh san’atidan ustalik bilan foydalanib tugal tarixlarni baytlarda aks ettirganini aniqladik.

*Hasratingdin qul bo‘lub Misr ichra o‘zni sotdurub*
*Topmadi husn ichra sendek Yusuf Kan’on evaz.*

Baytda keltirilgan “Kan’on” aslida Yusuf alayhissalomning yana bir nomidir. Ma’lumki, Kan’on qadimgi Finikiyada, Shom viloyatidagi shahar. Afsonalarga ko‘ra Yusuf kan’onlik bo‘lgan, shuning uchun Yusuf Kan’oniy deb yuritilgan. Yusuf obrazi folklor asarlarida ham, yozma adabiyot namunalarida ham faol qo‘llaniladigan an’anaviy obrazdir. Zero, Yusufga Olloh tomonidan husn-jamol, fahm-farosat, tush ta’birini aytish kabi karomatlar berilgan edi. Shoir So‘fi asarlarida Yusuf obrazi orqali ma’shuqa sifatlari bilan bog‘liq tafsilotlarni ochishda, uning husn-latofatini qiyoslash, ulug‘lash, yuksakka ko‘tarish maqsadlarida qo‘llanilganligi kuzatiladi.

So‘fi g‘azallarida qo‘llangan payg‘ambarlar obrazi diniy va dunyoviy ilmlarnio‘zida mujassamlashtirgani holda, insoniy tuyg‘ularni ham g‘azalxonda shakllantirishda katta ahamiyat kasb etadi. Shoir g‘azallarida Alloh hamdi, payg‘ambar maqtovi, ishq va oshiqlik talqinida Xizr alayhissalom va Iso Masih, shuningdek, Odam, Nuh, Ya’qub, Sulaymon, Yusuf payg‘ambarlar timsollariga murojaat etish orqali o‘zining muhim ijtimoiy-siyosiy, ilohiy-irfoniy, axloqiy-ta’limiy qarashlarini ifoda etadi. Ayni choqda ushbu badiiy timsollar shoir g‘azaliyotidagi oshiqona, orifona g‘azallarning barkamolligini ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Garchi “Sharq she’riyati – an’anaviy she’riyat bo‘lib, uning daxlsiz an’anaviy shart, qoida, talab va xususiyatlari ayon bo‘lsa ham, an’ana iste’dodni tarbiyalaydi, did, saviya, imkoniyatlarning ochilishi va kengayishiga behad ta’sir ko‘rsatadi”[61]. An’ananing bunday ta’siri shoir So‘fi ijodida yorqin aks etdi. Bu hol uning shohni madh etuvchi g‘azallar bitishida ko‘rinadi. Chunki mumtoz adabiyotimizda madh g‘azallar an’ana tusini olgan edi. Unda Navoiy va Fuzuliy, Ogahiy ijodida mavjud an’analarni uchratamiz. So‘fi o‘z davrining iste’dodli shoiri sifatida bu an’analarni o‘z davrining muammolari bilan uyg‘unlashtira oldi va u o‘z dardlarini, armon va o‘kinchlarini omuxta holda satrlarga ko‘chirishga intildi. Shoir ustozlariga ergashar ekan, ko‘r-ko‘rona taqlid qilmaydi, ularga ijodiy yondashadi, mavzuni rivojlantiradi, g‘oyaviy motiv va obrazlarni boyitib, ularning badiiy qimmatini oshiradi.

Podshohkim adolat oyini bo‘lmish zot ango
Adl qilmoqtur hamisha varzishu odat ango.

Adl bobida chekubon ondin Iskandar uyat,
Ham yana bo‘lg‘ay Anushirvoni odil mot ango.

Ushbu g‘azalda Xiva xoni Isfandiyorxonning nomi tilga olinadi. Shoh obrazi adolat hamda insof timsoli sifatida ulug‘lanadi, Xorazm davlatining “rutbai adl ichra oftobi” sifatida qayta-qayta shoir g‘azallarida ta’rif-tavsif etiladi. Adolat bobida mashhur Iskandar undan uyalib qolishi va hattoki Anushervoni odil ham shoh oldida mot bo’ladi, deya mubolag‘ali obrazli ifodalar shoir ijodiy faoliyatining o‘ziga xosligini ta’minlovchi omillar bo‘lib xizmat qiladi. Shoir Isfandiyorxonni Iskandar Zulqarnayn kabi iqtidorli va shijoatli shoh, No‘shiravon kabi adolatda shuhrat qozongan hukmdor sifatida ko‘rishni orzu qildi. So‘fining bu mubolag‘ali so‘zlari, albatta faqat shohga maddohlikdan iborat emas. O‘sha davrda shunday dabdabali uslub an’ana edi. Ushbu g‘azalda shoir xondagi mavjud fazilatlarni bo‘rttirish orqali uni adolatli, ezgu ishlarga rag‘batlantira olgan. Bu

[61] Ҳаққулов И. Авазнинг шеърий маҳорати ҳақида//Аваз ва унинг адабий муҳити.-Т.:Фан,1987.

talmehlar orqali XIX asrda Xorazmda hukmronlik qilgan Isfandiyorxon buzruk shohlarga qiyoslanadi va ulardan o‘rnak olishga da’vat etiladi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, boshdan-oyoq turli-tuman obrazlar, mubolag‘alar, talmehu tavsiflar, tashbehu istioralar bilan yo‘g‘rilgan So‘fi she’riyati shoirning beqiyos ijodkorlik mahorati isbotidir. So‘fi an’anaviy ruhda ijod qilgan bo‘lsa-da, o‘zbek adabiyotini o‘zining lirik g‘azallari, muxammas va musaddaslari bilan boyitdi. Shoir devonidan o‘rin olgan oshiqona, orifona, axloqiy-ma’rifiy ruhdagi she’rlarda go‘zal poetik timsollar va vositalar yordamida insonni ulug‘lash g‘oyasi ilgari surilgan. So‘fi adabiyotda an’anaviy ruhni davom ettirish bilan birga, uni davrga xos yangicha ohanglar, ifoda vositalari, obrazlar bilan boyitdi, mumtoz she’riyatga bir qadar yangi nafas olib kirishga muvaffaq bo‘ldi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Лорке Г.Ф. (1986). Избр.произведения в 2 х томах. Т.1.-М: С.398
2. So'fi. Devon. Инвентарь № 5884/6. Xiva O’lkashunoslik davlat muzeyi fondi. 3-bet.
3. Ҳаққулов И. (1987). Авазнинг шеърий маҳорати ҳақида//Аваз ва унинг адабий муҳити.-Т.:Фан.
4. Ф. Зоҳид (2002). Сўфи. Ғазаллар, мухаммас ва мусаддаслар. Тошкент. 2002.
5. С. Ҳасанов.( 1996). Хоразм маърифати – олам кўзгуси. Тошкент.
6. Ҳ. Абдуллаев. (1998). Хоразм шоирлари. Урганч.
7. Бертельс Е. Э. (1965). Суфизм и суфийская литература. М.:Наука.
8. Солаева М. (1993). Навоий ва Хоразм шоирлари.Урганч:Мураббий.

# АЛИШЕР НАВОИЙ “АРБАЪИН”ИДАГИ БИР ҲАДИС ШАРҲИ

**Махамедова Гулрух Абдуқаҳҳор қизи,**
Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети 2-курс магистранти
тел: 97 761 89 92
Email: alwayshappy199118@gmail.com

**“Бўлмаса эъжоз мақомида назм,**

**Бўлмас эди Тенгри каломида назм”**

**Аннотация:** Ушбу мақолада арбаин асарлари тарихи, хусусан, нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун Хуросонда ўзининг илми, нутқ маданияти ва нотиқлик санъати билан бир қаторда ҳадисларга ҳам эътибор қаратган буюк ўзбек мутафаккири, давлат арбоби, ғазал мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратлари ижодига оид диний асари “Арбаъин” (“Қирқ рубоий”)да келган ҳадиси шарифлар шарҳи хақида фикр-мулоҳазалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Арбаъин, шафоат, қирқ ҳадис, ҳамд, наът, одоб-ахлоқ, тўртлик, назм, жанр, гувоҳ, сайланма ҳадис, анъана, одоб-аҳлоқ, «Чил ҳадис», Абдураҳмон Жомий, набавий, форсий, туркий,

Абдураҳмон Жомийдек пири муршид[62] нафасларила “низомул миллати вад-дин” муборак унвонига молик бўлган Навоийнинг шеърий куллиётини кудсий оятлар, ҳадислар билан мунаввар шоҳбайтларсиз аниқ ва тўлиқ тасаввур этиш, унинг фикрий теранликларини, фасоҳат сирларини таҳқиқ қилиш имконсиз, албатта. Афсуслар бўлсинки, неча ўн йилликлар мобайнида илоҳий муқаддимот[63] матни каби уларнинг талқини, таҳлили ҳукмфармо даҳрий мафкура таъқиби ва тазйиқига учраган, таҳқирланган эди. Шунинг учун ҳам муқаддас оят, ҳадис калималари бевосита –ё билвосита – ҳарфи ўзгарган, руҳи сақланган ҳолда “сўз лавҳи” – шеърий сатрлар қатига

[62] Изоҳ: Муҳиблар ҳазратни “нури хирад”, “Махдуми Нуран” деб атаганлар.
[63] Изоҳ: Ҳамду наът, саною муножотдан иборат матн.

жойланган, бири биридан зарифу дақиқ байтлар ҳақида лом-мим дейилмай (гўёки руҳоний нуктадонликлар, илоҳий оҳанглар Навоий дунёсига хос, аҳамиятли эмасдай), бепарво муносабатда бўлинди… Бугун турли табақот-тариқотга мансуб шоирларнинг исломий фалсафа, ахлоқ, фасоҳат тажаллиси бўлган боқий сатрлари сингари, Навоий шеъриятининг ҳам бугунги истиқлолият ва амният ҳавосидан эрк ва сафо топди. Бас, уларни баҳоли имкон шарҳлаб бериш, қай даражада бўлмасин, таҳқиқ ва таҳлил қилиш вақти келди.

Алишер Навоий ижоди ўзининг бетакрорлиги билан ажралиб туришини мавлоно Лутфий юқори баҳолаган ва:

Оразин ёпқоч, кўзумдан сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш

матлаъли ғазали ҳақида «Агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимни шу ғазалга алмаштирардим…» деган эди.

Улуғ шоирнинг «Арбаъин» асари нашри аннотациясида айтилишича, «Навоийнинг «Арбаъин» асари Абдураҳмон Жомийнинг шу номдаги таълифининг туркий таржимасидир. Жомий солиҳона ҳаёт учун зарур, аммо шарҳталаб бўлган қирқта ҳадиси набавийни[64] тушуниш ва ёдлаш осон бўлсин учун форсчага назм йўли билан таржима қилган ва асли билан биргаликда бир китобча ҳолига келтирган. Навоийга бу китобча маъқул бўлиб, Жомийнинг рухсати билан уни туркийлаштирган.

Бу айтилганлардан маълум бўладики, Алишер Навоий бутун ижодида диний илмлардан озиқлангани, уларнинг кўпчилигини Қуръони Карим ва Ҳадислар ҳикматига таяниб, илҳомланиб битган ва бунинг ёрқин далили мутафаккирнинг «Арбаъийн» асаридир. Алишер Навоий «Арбаъин[65]» асарини 1841 — 82 йилларда ёзади. Бунда пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)нинг қирқ ҳадиси тўртлик билан шеърий ифодалаб берилган. Зеро, бунга Набий

[64] Изоҳ: Қуръони Каримда барча масалалар умумий тарзда баён этилгани учун оддий халққа тушунтириш, аниқлик киритиш ва изоҳлаш мақсадида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ўз ҳадисларини айтганлар.

[6565] Изоҳ: «Қирқ ҳадис» ёки «Чихл ҳадис» деб хам аталади.

соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадислари асос бўлади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Ким умматимга дин ишлари борасида қирқта ҳадисни муҳофаза қилиб берса, Аллоҳ уни Қиёмат куни фақиҳ қилиб тирилтиради ва Қиёмат куни мен унга шафоатчи ва гувоҳ бўламан». Ушбу мақоладан асарда келтирилган бир неча ҳадислар ва уларнинг шеърий ифодаси ҳақида сўз юритмоқчимиз. Масалан:

Ҳадис: لا يؤمن أحدكم حتى يحب لأخيه ما يحب لنفسه

"Ла юъмину аҳадукум ҳатта юҳиббу ли аҳиҳи ма юҳиббу ли нафсиҳи".

Мўмин эрмастур, улки иймондин
Рўзгорида юз сафо кўргай,
Токи қардошиға раво кўрмас –
Ҳар неким ўзига раво кўргай.

Маъноси: “Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассаллом айтадилар: “Сизларнинг бирингиз ҳақиқий иймонга эриша олмайди, токи ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун яхши кўрмагунча”. *(Муттафақун алайҳ*[66]*)*.

Ушбу ҳадис Анас ибн Молик[67] розияллоҳу анҳу ривоят қилинган бўлиб, Абу Довуд Ас-Сижжистоний (роҳимаҳуллоҳ) бу ҳадис ҳақида шундай дейди: “У исломга қувват бўлгувчи ҳадислардан биридир[68]”. Ал-Фашни (роҳимаҳуллоҳ роҳимаҳуллоҳ) эса “Бу ҳадис Аллоҳ таолонинг каломида келтирилган )

---

[66] Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти.

[67] Абу Сумома Анас ибн Молик ибн Назр ан-Нажжорий ал-Хазражий ал-Ансорий (розияллоҳу анҳу) машҳур саҳобийлардан. Ҳижратдан ўн йил аввал Мадинада туғилганлар. Ёшликдаёқ Исломга кирганлар ва бир неча йил Пайғамбар алайҳиссаломга сидқидилдан хизмат қилганлар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) узоқ умр кўриши ва серфарзанд бўлишини тилаб дуо қилганлар. Бадрдан ташқари барча ғазотларда Пайғамбаримиз билан қатнашганлар. Исломнинг улуғ фақиҳ ва муҳаддисларидан. Расули акрамдан 2286 та ҳадис ривоят қилганлар. Шундан 168 тасини ҳам Бухорий, ҳам Муслим келтиришган. 83 тасини ёлғиз Бухорий, 71 тасини фақат Муслим келтирган, 1964 таси бошқа ҳадис китобларида мавжуд. Расулуллоҳ вафотларидан сўнг аввал Дамашқда, кейин Басрада яшадилар. Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу): «Анас ибн Моликдан бошқа Набий алайҳиссаломнинг намозларига ўхшаш намоз ўқийдиган бирор кишини кўрмадим», деганлар. Ҳижрий 93 (милодий 712) йили бир юз уч ёшда Басрада вафот этдилар. Басрада вафот қилган охирги саҳобий бўлдилар.

[68] Шарҳул муслим: Набавий. Байрут: Дорул иҳя, 1392. Б: 11/ 23

﴿ وَاعْتَصِمُوا بِحَبْلِ اللَّهِ جَمِيعًا وَلَا تَفَرَّقُوا ﴾ оятига кўра ислом динида тавсия қилинган қоидалардан биридир”, деди. Оятнинг маънолар таржимаси: **«Барчангиз Аллоҳнинг ипини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг[69]».**

Бу ҳадис нафақат мусулмон жамиятини, балки бутун инсоний жамият одобини, ахлоқини, ўзаро муносабатини энг гўзал шаклда шакллантириб берадиган, тартибга солиб берадиган ахлоқларни ўз ичига жамлаган ҳадислардан биридир.

Ушбу ҳадисдан олинадиган бир қанча хулосалар бор. Инсон одатда табиатан яратилишда ўзининг манфаати учун уринишга, ҳаракат қилишга мойил қилиб яратилган. Шу эътибордан ишга боради, ҳаракат қилади, сафар қилади, қийинчиликларга учрайди. Энди мана шу манфаат учун, ўзининг фойдаси учун ҳаракат қилишда динимиз маълум бир мезонларни белгилаб берган. Манфаат деб жиноятга қўл уриш, ҳаром нарсаларни касб қилиш, бировнинг ҳақини ейиш мумкин эмас.

Инсон ўзига савол бериши керак: “Мен ўзим учун нималарни фойдали деб билдим?” Аввало, моддий нарсадан келиб чиқмаслигимиз керак. Маънавий нуқтадан келиб чиқайлик. Масалан, барча ўзини илмли, ахлоқи юқори, ўзгалардан маънавий устун бўлишини истайди. Ана шу ўзи учун истаган нарсани атрофдаги мусулмон биродарларига ҳам истаса, ўзи учун яхши кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрган бўлади. Иккинчи маънода моддий манфаатлар ҳам туради.

Демак, мусулмон киши ўзига севимли бўлган нарсани бошқа биродарларига ҳам бўлишини яхши кўриши, яъни уларга фойда келтириш ва улардан ҳар қандай зарарни даф қилиши лозимдир. Бугун мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, хонадонимиздаги осойишталик, дастурхонимиздаги тўкинлик Яратганнинг биз бандаларига кўрсатаётган чексиз раҳмати, фидоий инсонларнинг элим-юртим деб қилаётган эзгу меҳнатининг самарасидир,

---

[69] Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент.: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004. *Оли Имрон, 103-оят*.

десак асло янглишмаймиз. Зотан, ҳар куни, ҳар сониясини ўзгалар корини осон қилишга, ўксикларнинг кўнглини кўтаришга бахшида этадиган инсонлар — чинакам фидоийлардир. Инсонлар хизматида бўлиш, уларга имкон қадар ёрдам қўлини чўзиш ва ҳожатларини раво қилишда доимо саъй-ҳаракатда бўлиш қандай саодат. Юқорида келтирилган фикрларга кўра Навоий ўз асарини ушбу ҳадис билан бошлагани ҳам бежизга эмас эди. Алишер Навоий ушбу ҳадисга ёзган тўртлигида 17 та мисра келтирилган бўлиб, мўмин билан имон сўзлари биргаликда таносуб, Икки маротаба такрорланган “раво” сўзлари такрир “раво кўрмас” ва “раво кўргай” эса тазо санъати бўлиб келган.

“Арбаъин” асари қўлёзмасидан олинган. Ўнг тамонда Жомийнинг, чап тамонда Навоийнинг шеърий мисралари келтирилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоийнинг «Арбаъин» асарида келтирилган барча ҳадисларнинг рубоий шаклидаги кўриниши бугунги кун учун долзарб эканлигига амин бўламиз. Қайси бир соҳа бўлишидан қатъий назар, хоҳ у таълим-тарбия бўлсин, маънавий-маърифий

соҳа бўлсин, барчасини қамраб ололганлиги айни ҳақиқат. Шу боисдан, буюк шоирнинг кўплаб бадиий ва илмий-маърифий асарлари қаторида бу асари ҳам инсониятнинг маънавий камолотига асрлар давомида хизмат қилишига шубҳа йўқ. Навоий ижодига назар машласак у фақатгина ўзбек тили имкониятлари билан чегараланиб қолмаган, балки бошқа тиллардан ҳам унумли фойдаланган. Ўткир Ҳошимов бу борада қуйидагиларни қайд этади: "Олимлар ҳисоблаб чиқишган. Пушкин ўз асарларида 21197 та бетакрор сўз ишлатган, Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес мингтага яқин. Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660 та бетакрор сўз ишлатган. Боиси, буюк бобомиз фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан фойдаланган".

Далиллардан кўриниб турибдики, Навоийнинг сўз захираси ниҳоятда улкан. Ҳазрат ишлатган сўз ўйинлари кўлами ҳам беқиёсдир. Негаки, Навоий шеърни шунчаки бирор нарсани баён қилиш эмас, балки мўъжиза кўрсатиш дея ҳисоблайди. Ул зот ёзади-ки:

**“Бўлмаса эъжоз мақомида назм,**
**Бўлмас эди Тенгри каломида назм”.**

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент.: Тошкент Ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004.
2. Шамсиев П. (тўпловчи), Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий, Тошкент, 1966.
3. Танланган асарлар (3 жилдли). Тошкент, 1948.
4. Асарлар (15 жилдли), 1—15-жилдлар, Тошкент, 1963—1968.
5. Собр. соч. в десяти томах, Ташкент, 1968-1970.
6. Шарҳул муслим: Набавий. Байрут: Дорул иҳя, 1392. Б: 11/ 23

**Интернет маълумотлари**

7. www.ziyouz.com

# QO’LYOZMALAR FONDIDA SAQLANAYOTGAN “DEVONI HIKMAT” ASARLARIDA YASSAVIYA MAKTABI SHOIRLARI

**Zafar Mahmudov,**

Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU 2-kurs magistranti

So`nggi yillarda buyuk ajdodlarimiz merosiga qiziqish, ularni o`qib-o`rganish va xalqqa taqdim etish tobora rivojlanmoqda. Bu borada turkiy xalqlar ma`naviyati, madaniyati va adabiyotida yuksak mavqe egallagan Xoja Ahmad Yassaviy va uning maktabi shoirlarining hayoti, ijodi va fikr-qarashlari keng miqyosda taqdim etilayapdi.

**“Yassaviy maktabi adabiyotining boshida milodiy 1166 (hijriy 562) da vafot etgan mashhur Ahmad Yassaviy turadi.** Ahmad Yassaviy haqidagi ma`lumotlar avvalo o`zi yozib qoldirgan, o`zining og`zidan yozib olingan didaktik hikmatlarda ko`zga tashlanadi. Hikmat aytish istedodi buyuk lutf o`laroq Allohning ulug’ mukofoti-ikromi ekan, demak Yassaviy hazratlari xalq ommasiga qarata hikmatomuz, aqlu mantiqqa uyg`un va ilmu irfoniy haqiqatlarni xitob etgan ulug’ mutafakkir siymodir. Yassaviy hazratlari tomonidan aytilgan hikmatlarni uning muridlari yozib olganlar, keyinchalik bu sh`erlar jamlanib kitob holiga keltirilgan.

Yassaviyning shaxsiy hayoti bugun kishilarimiz uchun katta ibrat namunasidir. U zot bir kunlik hayotini uchga taqsimlagan:

- Birinchi qismida shogirdlari bilan shug`ullanib, ularga ilmu irfondan saboq berarish;

- Ikkinchi qismida esa ibodatlari bilan mashg`ul bo`lish;

-Uchinchi qismida esa qoshiqtaroshlik qilib halol mehnat qilish;

Aslida tasavvuf ta`limotida halol mehnat qilib pok luqma iste`mol qilish, birovlarga yuk bo`lmaslik, balki boshqalarga yordam berish tashviq qilinadi. Hatto podshohlar ularga hadya sifatida jo`natgan oltinlarni o`zlariga olmay faqirlarga, tolibi ilmlarga tarqatar ekanlar. Shu jihatdan nafaqat Yassaviy, balki Naqshband,

Kubro, Navoiy kabi umuminsoniy qadriyatlarni kuylagan ko`plab mutafakkirlarimizning asarlari hamda o`zlarining shaxsiy hayotlari bugungi naslimiz uchun ibrat olsa arziydigan namunadir. Ularning insonparvar ekanliklari, insonni ulug`lovchi xalqchil fikrlari asarlarida aks etib turadi. Shu jihatdan bunday siymolarning kitoblari oddiy xalq qalbining to`ridan joy olib kelgan va hech qachon o`lmaydi.

**Ubaydullahxon zamonida yashab, milodiy 1542 yilda o`lgan Mahdumi Ag`zami Dahbidiyning naqshband bo`lgani holda "yassaviya' ni qabul qilishi O`rta Osiyoda yassaviylik g`alabasining xorijiy bir shohidi bo`ldi. Mana shundan so`ng yassaviylikning O`rta Osiyoda g`olib sifati bilan davom qilganini ko`ramiz"**[70]**.**

Yassaviy dunyoning turli tomonlariga yoyilib ketgan to'qson to'qqiz ming murid, o'n ikki ming yon-atrofida yuruvchi suhbatdosh do'stlar va ko'plab xalifalarga ega bo'lgani naql qilinadi. Birinchi xalifasi Arslonbobning o'g'li Mansur ota bo'lib, u vafot etgach (1197), o'g'li Abdulmalik, so'ng uning o'g'li Tojxo'ja, Tojxo'janing o'g'li Zangi ota vaqti bilan irshodlik qilishgan. Xorazmlik Said ota (1218-19- yilda vafot etgan) uning ikkinchi xalifasi, Hakim ota (Sulaymon Boqirg'oniy) esa uchinchi xalifasi edi.

"Ahmad Yassaviyning izdoshlari Onado`li, janubiy Ovro`pa, Osiyo diyorlarida unumli faoliyat ko`rsatib, Yassaviylik fikr qarashlarini targ`ib qilganlar. Mazkur mamlakatlar ma`daniyati rivojiga ulkan hissa qo`shgan Yunis Emro, Hoji Bektoshi Valiy, Sulaymon Boqirg`oniy, So`fi Olloyor va boshqa shoiru adiblar Yassaviy maktabi ijodkorlaridir. Shu jihatdan Yassaviy va yassaviylik ta`limoti, falsafasini chuqur o`rganishimiz kerak bo`ldi"[71].

O'rta Osiyo shayxlari, eshonlari Yassaviyni o'zlariga ustoz deb bilishadi. Yassaviyning izidan borib uslub, vazn, mafkura va shuningdek hikmatnavislik an'anasini davom ettirgan yassaviy maktabi shoirlari Mansur ota, Abdumalik ota, Toj xoja, Said ota, Sulaymon ota, Zangi ota, Uzun Hasan ota, Ismoyil ota, Ishoq

[70] Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar "Yassaviy kim edi?"-Toshkent .:2000.
[71] Ibrohim Haqqul. Hoja Ahmad Yassaviy hayoti, ijodi va an`analari.- T.:2001.

ota, Sadr ota, Badr ota, Ali shayx, Mahdud shayx, Komil shayx, Xodim shayx, Halil ota kabi shayxlar shu yo'lda hikmatlar yozdilar lekin bularning ko'pchligini asarlari bugungi kunga qadar yetib kelmagan.

"Yassaviy haqida gap ketganda uning tariqatdagi faoliyati, muridlar yetishtirishi, tom ma`nodagi komil insonlar tarbiyalab voyaga yetkizganini alohida ta`kidlash kerak. Mansur ota, So`fiy Muhammad Donishmand, Sulaymon Boqirg`oniy Hakim ota, Bobo Mochin, Sari Saltuq, Said ota, Hoji Bektoshi Valiy kabilar o`z davrida xalqqa xizmat qilgan, ilm-ma`rifat yo`lida kurashgan, jamiyatning ma`naviy va moddiy ravnaqiga munosib hissa qo`shgan barkamol shaxslar bo`lgan."[72]

"Yassaviyshunoslik-ilmining o`ziga xos bir tarmog`i, uning tarixi ancha uzoqqa borib taqaladi. Sulaymon Boqirg`oniyning she`riy ta`rif-tavsiflari, So`fiy Muxammad Donishmand, Mavlono Safiyuddin Qo`yloqiy asarlarini shartli ravishda "Yassaviyshunoslikning ilk sahifalari deyish mumkin. Ahmad Yassaviy hayoti, tariqati, ijodiyoti va izdoshlari haqida boshqa olimu ijodkorlar ham fikr mulohazalar bildirishgan. Bu o`rinda Faxriddin Ali Safiy, Muhammad Shayboniy, Ubaydiy, Xasanho`ja Nisoriy, So`fi Olloyor nomlarini eslatib o`tish mumkin."[73]

"Ulug` mutafakkir Alisher Navoiyning ham ma`lum ma'noda Yassaviyshunoslikka aloqadorligi alohida e`tiborga molik. Navoiy ijodida buni anglab olishimiz mumkun;

*Har kishi komil erur, bas, anga Haq bandalig`i,*
*Mundin o`ziga tama`i kasbi kamol aylamangiz.*
*Turk piri kibi olamdin etakni silking,*
*Do`sdin g`ayri tamannoi visol aylamangiz.*[74]

Bu Navoiyning irfoniy chorlovi shuning o'ziyoq "Turk piri"ning dunyoqarashi, ta`limoti va xalq orasida nufuzi nechog`lik yuksakligidan Navoiy yaxshi habardor bo`lganini bildirib turibdi.

[72] Ibrohim Haqqul. Hoja Ahmad Yassaviy hayoti, ijodi va an`analari.- T.:2001.
[73] Nodirxon Hasan."Yassaviylikka doir manbalar va "Devoni hikmat".-Toshkent.:2014.
[74]Nodirxon Hasan."Yassaviylikka doir manbalar va "Devoni hikmat".-Toshkent.:2014. B-3.

Tasavvufning kelib chiqishini o`rganishda sho`rolar davrida o`rta asr mutafakkirlarining asarlaridan yetarli foydalana olmaganimiz oqibatida yassaviya tariqatining keyingi taqdiri, bu ta`limot buyuk vorislarning hayot faoliyatlaridan ham to`liqroq xabardor bo`lmay keldik. Holbuki, milliy tafakkurimiz tojdori Alisher Navoiyning "Nasoyim ul-muhabbat" nomli muxtasar tadqiqotining o`zida yassaviylik ta`limoti vorislaridan o`nlab pir va murshidlar, mashoyixlar xususida ma`lumotlar berilgan.

Alisher Navoiy bu asarida Xo`ja Ahmad Yassaviyning muridlaridan birinchi bo`lib Qutbiddin Haydarning nomini tilga oladi. "Kichik yoshida anga jozba yetubdirki, - deydi buyuk mutafakkir, - Hazrati Ahmad Yassaviy suhbatidan shikrboligi yo`q erkodir. Har necha otasi iltimos va taklif bilan u uyiga yetkurar erkondir, yana beixtiyor Xo`ja mulozamatiga borur erkondir. …Xo`ja Yassaviy … ancha ko`p nazarlar qilib, Xuroson viloyatiga havola qilubdir… Anda azim riyozatlar bila suluk qilubdir va ul maqomga yetubdirkim, ul mulk eli qoshida qutbi olamga mashhurdir"[75]. Navoiyning bunday jumlalaridan shuni bilish lozimki u Ahmad Yassaviyning nafaqat ijodiga balki u yetishtirib chiqazayotgan murshidu komillarga e'tibori alohida bo'lgan.

"Ma`lumki, Ahmad Yassaviyning tarixiy xizmatlaridan biri turkiy adabiyotda o`ziga xos maktab yaratganligidir. Bu maktab shoirlarining yozma merosi bizga ko`proq Ahmad Yassaviy hikmatlari o`rin olgan qo`lyozmalar tarkibida yetib kelgan. Bu qo`lyozmalar O`zRFA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutining asosiy fondi, shu institutning dublet fondi va mazkur institutning H.Sulaymonov fondi hamda O`zRFA A.Navoiy nomidagi Adabiyot va folklor muzeyi fondida saqlanadi va ularning soni 180 dan ortiq.

"Devoni hikmat"ning ayrim qo`lyozmalarida Ahmad Yassaviy hikmatlari uning maktabi shoirlarining she`rlari bilan aralash holda ko`chirilgan bo`lsa, ayrimlaridan Yassaviy hikmatlari so`ngida joy olgan.

[75] Navoiy A. Nasoyim ul muhabbat. 15-jild.-T.: 1968.B-153-154.

Yassaviy maktabi shoirlari xususida tadqiqot olib borgan olimlar Abdurauf Fitrat ham, A.K. Borovkov ham bu maktab shoirlaridan 20 ga yaqinini sanab o`tganlar.”[76]

Abdurauf Fitratning tadqiqotiga ko’ra Ahmad Yassaviy maktabi namoyondalaridan biri Sulaymon Boqirg’oniyning “Boqirg’on kitobi”nomi bilan 1906 yilda Qozonda bosilgan 75 sahifalik tazkira mualliflari tarkibini tahlil qiladi.

Abdurauf Fitratning fikricha, Shams O’zgandiy xususida “Samarat ul-mashoyix”ga suyanib ma’lumot beradi. “Samarat ul-mashoyix”ning ifodasiga ko’ra, - deydi u- Kamol Shayx Iqoniyning Sayd Ahmad degan bir muridi bo’lgan Shams O’zgandiydir. U haqida to’liq ma’lumotlar yetib kelmagan, ayrim manbalarda keltirilishicha O’zgandda tavallud topgan. Asli O’zgandiy rasmiy taxsilni Hirotda bitirgan,u yerdan qaytib Samarqandda Said Ahmad shayxga murid bo’lgan. So’ngra yana O’zgandga borib, dehqonchilik bilan mashg’ul bo’lgan. Piri Said Ahmad shayx vafotidan so’ng Samarqandga qaytib, uning o’rnini olgan bo’lsa kerak. Vafoti Samarqandda bo’lib, piri Said Ahmad shayxning yoniga ko’milgan”[77]degan ma’lumotlar asosida fikr yuritadi.

“Shunisi qiziqki, “Devoni hikmat” qo`lyozmalarida Yassaviy hikmatlari soni har xil: bir qo`lyozmada uchragan hikmatlar ikkinchi qo`lyozmada uchramasligini kuzatamiz. Shu holatni uning maktabi shoirlari misolida ham ko`rish mumkin: birinchi qo`lyozmadan hikmatnavis shoirlardan 7kishining she`ri o`rin olgan bo`lsa, ikkinchi qo`lyozmadan 12 kishining, uchinchi qo`lyozmadan 17 kishining she`ri o`rin olgan va hokazo. Masalan, 178-saqlanish raqamli qo`lyozma (bugungi kunda bu qo`lyozma O`zRFA A.Navoiy nomidagi Adabiyot muzeyida saqlanadi) Yassaviy hikmatlari bilan birga uning maktabi shoirlari: G`arib Adham, Shams, Qul Sharif, Qul Sulaymon, Xolis, Miskin Qosim, Qul Temuriy, Bahouddin, Ne`matulloh, Qul Ubaydiy, Qul Zohid, Sohib Nazar, Zangi Qul, Tolib, G`azoliy, Jabbor, Sayyidiy, Shayx Jamoliy, Hayoliy, Nisbat Rizoyi, Eshon

[76] Eshmuhamedova M. Sharq mash’ali. B-80.
[77] Abdurauf Fitrat. Tanlangan asarlar “Yassaviy kim edi?”.-Toshkent.:2000. B-36.

Jazbiy, Xudaydod, Faqiriy, Muhammad Darvish, Shayx Naziriy va mumtoz adabiyotimiz vakillarining turkiy va forsiy she`rlari o`rin olgan.

Ikkinchi qo`lyozmaga murojat etamiz, 471-saqlanish raqamli bu qo`lyozma O`zRFASHI Hamid Sulaymonov fondida saqlanadi. Yassaviy hikmatlari bilan birga Shms O`zgandiy, Iqoniy, Qul Sulaymon, Qul Sharif, Qul Umuriy, Xolis, Sayqaliy, Xo`ja Turkistoniy, G`arib Gulshan, Kamtar, Uzlat, Dilkash kabi shoirlarning she`rlari o`rin olgan.

Xuddi shu fondda 974-raqam bilan saqlanadigan uchinchi bir qo`lyozmaga e`tibor qaratamiz. Bu qo`lyozma Ahmad Yassaviy hikmatlari bilan birga Qul Umuriy, Xolis, Qul Sulaymon, Qul Ubaydiy, Shams, Qul Sharif, Miskin Azim, Qul G`aribiy, Qul Zohid, Muhammad Olim, Ne`matulloh, Xudaydod, Iqoniy, Majzub, Jazbiy, Zaliliy, Shaydo kabi Yassaviy maktabi shoirlari, shuningdek, mumtoz adabiyotimiz vakillaridan ayrimlarining she`rlari bilan birga ko`chirilgan.

To`rtinchi va beshinchi qo`lyozmaga murojat etadigan bo`lsak, bu shoirlarning soni ortib borayotganini kuzatamiz. Ular: Qul Sayfiddin, Qul Ya`qub, Qul Kamoliy va boshqalar. Bu ma`lumotlar faqatgina beshta qo`lyozma asosida berildi. Yuqorida ta`kidlab o`tilganidek, “Devoni hikmat” qo`lyozmalarining 180 dan ortiq ekanligini hisobga olsak, yana yangi-yangi shoirlarning hikmatlariga duch kelishimiz mumkin.”[78]

Ko`rinadiki, Ahmad Yassaviy hikmatlari qanchalik mashhur bo`lib, keng tarqalgan bo`lsa, uning maktabi shoirlarning she`rlari ham shuncha keng tarqalgan ekan.

“ Alisher Navoiy nomidagi Davlat Adabiyot va folklor muzeyi qo’lyozmalari fondida 431- ashyoviy raqami bilan XIX asrga mansub qo’lyozma saqlanadi. U Ahmad Yassaviy, uning maktabi shoirlari sherlari hamda boshqa asar bilan birga ko’chirilgan.

Bu qo’lyozmaning 251$^{a}$-252$^{b}$ varaqlaridan ismi, she`ri hali biror manbada uchramagan Majruh ismli shoirning she’rlari ham o’rin olgan.

[78] Eshmuhamedova M.Yassaviy makatabi shoirlari ijodi. B-84

Bu she’rlarning biri 22 misra, ikkinchisi 24 misradan iborat. Janri shaklan g’azalga o’xshasa ham, mazmunan qasidadir. Boshqacha qilib aytganda, bir xil ritmdagi monoritmik asardir.

# ТУРКИЙ “МЕЪРОЖНОМА”ДАГИ ЛЕКСИК БИРЛИКЛАР ТАСНИФИ

**Жаҳонгир Турдиев,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Адабий манбашунослик ва матншунослик
кафедраси таянч докторанти
jahongirshoh15@mail.ru

Бирор бир матн устида тадқиқот олиб бориш биринчи галда унинг лексикаси устида текшириш олиб боришдир. Маълумки сўз матнни англашнинг асосидир.

Сўзнинг стилистикада фақат номинатив (аташ, номлаш) қирраси эмас, балки эстетик вазифаси ҳам ҳисобга олинади. Муайян матндаги сўз танлашнинг таҳлили ўша матн битилган давр жамиятининг нутқ маданияти ва адабий нормасини белгилашда асосий ўлчов бўлиб хизмат қилади.[79]

Бу фикрларни тасдиқи ўлароқ, лексик бирликларнинг танланиш масаласини тадқиқотимиз мавзуси бўлмиш асарининг туркий тилдаги “Меърожнома” асари мисолида кўриб чиқсак.

“Мерожнома” асарининг тили ва матн хусусиятларининг лексикологик жиҳатдан тадқиқи шуни кўрсатадики, асар ўзининг тил хусусиятлари, лексикаси, гап қурилиши билан “Наҳжул фародис”, Рабғузийнинг “Қисасур-Рабғузий” сингари насрий асарларини ёдга солади. Таржимон асарни оммага фойдаси тегиши учун сўзлашув тилига бир мунча яқин, содда ва осон услубда ўгиришга асосий эътиборини қаратган.

“Меърожнома” асарининг туркий тилдаги таржимасида қўлланилган лексик бирликлар бир неча гуруҳларга ажратилади. Улардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

1. Шахс ва шахс фаолияти билан боғлиқ лексик бирликлар;
2. Ҳаракат-ҳолат билдирувчи лексик бирликлар;
3. Белги-хусусият билдирувчи лексик бирликлар;
4. Замон тушунчасини билдирувчи лексик бирликлар;
5. Макон тушунчасини билдирувчи лексик бирликлар;
6. Ҳайвон номларини билдирувчи лексик бирликлар;
7 Меъёр-ўлчов тушунчасини билдирувчи лексик бирликлар.

Лексик бирликлар мундарижасидаги бирлаштирувчи ҳамда фарқловчи сўзлар уларни муайян гуруҳларга ажратишга асос бўлади. Негаки, “...нутқ сегментининг ифода томондан бўлакларга бўлиниши қанчалик табиий бўлса, унинг мазмуний бўлак (компонент)ларга ажралиши ҳам шунчалик табиийдир”.[80] Ҳар бир лексик бирликлар гуруҳи ўз ичида кичикроқ

[79] Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Тошкент, 2010 – 140 б.
[80] Мартине А. Основы общей лингвистики. В сб. “Новое в лингвистике”. III. –М.,1963. –С.453; Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. –Тошкент: Фан, 1977. – Б.38.

гуруҳларга ажратилди, кичикроқ гуруҳлар эса ўз навбатида янада кичик мавзуий гуруҳларга бўлинди.

***Шахс ва шахс фаолияти билан боғлиқ лексик бирликлар.*** Шахс ва шахс фаолияти билан боғлиқ бўлган гуруҳдаги сўзларни қуйидаги лексик гуруҳчаларга ажратиб кўриб чиқсак:

1.1. Шахс исмини билдирувчи лексик гуруҳ: *Abu Bakr, Umar, Usmān, Ali, Musā, Dāvud, Sulaymān.*

1.2. Тана аъзосини билдирувчи лексик гуруҳ: *ayaq, büt, elig, āğïz, böyun, bāš.*

1.3. Шахснинг ташқи кўринишини ифодаловчи лексик гуруҳ:

а) кийим-кечак тушунчасини ифодаловчи сўзлар *tön, na'lin;*

б) шахс қиёфасини ифодаловчи сўзлар: *aq saqallïq, böyi tüklük.*

1.4. Шахс феъл-атворини акс эттирувчи лексик гуруҳ:

а) шахснинг ижобий фазилатларини билдирувчи атамалар: mömin, *yaqšï qïlïq, yumšaq söz;*

b) шахснинг салбий хислатларини акс эттирувчи атамалар: *takabbur, xasadluq, munāfïq, zālim;*

1.5. Шахс руҳияти билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи лексик гуруҳ: sevünčlük böl- *qayğuluq böl-ranjida böl-*;

1.6. Шахс эътиқоди билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи лексик гуруҳ: *namaz qïlmaq* (намоз ўқимоқ), *du'a qïlmaq* (дуо қилмоқ), *tā'at qïlmaq* (ибодат қилмоқ), *sajda* "Худога юкуниш", *hamd-u sanā äytmäk* "Аллоҳга ҳамду сано айтмоқ) кабилар.

1.7.Шахсга қариндошлик, яқинлик тушунчасини ифодаловчи лексик гуруҳ: *ātä-ānä, öğul, qïz.*

***Ҳаракат-ҳолат билдирувчи лексик бирликлар.*** Асарда шахс, нарса-буюм ҳаракати ва ҳолатини акс эттирувчи лексик бирликлардан иборат. Ҳаракат-ҳолат билдирувчи лексик бирликлар қуйидагича гуруҳланди:

1) ҳаракат феъллари: *tüt-, quy-, qiyna-,ber-;*

2) ҳолат феъллари: *böyun sun-, ranjida qïl-;*

3) нутқ феъллари: *de-, ayit-, nasihat qïl-, ğiybat sözla-.*

***Белги хусусиятни билдирувчи лексик бирликлар.*** Белги-хусусият билдирувчи лексик бирликлар ранг билдирувчи, шахс феъл-атворини билдирувчи каби бир қатор лексик гуруҳлардан иборат.

"Меърожнома"даги белги билдирувчи лексик бирликларнинг асосий қисми ранг ва хусусият билдирувчи сўзлардан иборат.

Асарда ранг билдирувчи *qārä, aq, qïzïl* сўзлари қўлланган.

Шахс феъл-атворини билдирувчи гуруҳ: *munāfïq, hasadluq, uluğ köngüllük, yaqšï qïlïlïq 'Yumšaq sözlük, yaqšï qïlïlïq bölğïl'.*[81]

Шунингдек, асар матнида таъмни билдирувчи сўзлар учрайди: äjuq (аччиқ), *süjük* (ширин) *"Ul ikki süw süttin aqraq, bāldïn sujukraq".*[82] ( У икки сув сутдан оқроқ, асалдан ширинроқ).

[81] A.Pavet de Courteille. " Miradj-nameh" Paris-1882 p 41.
[82] Ўша манба. – Б. 18.

***Замон тушунчасини билдирувчи лексик бирликлар.*** Асарда “замон” тушунчаси бир қатор мезонлар асосида белгиланган:

1. “Вақт” тушунчаси учун хосланган *yil, kün, sāat “Bü xuruz bir färištä türürkim tün-künniŋ sāatlarin saqlab....”*[83], атамалари орқали акс эттирилган.

2. “Йил” тушунчасини 360 кун тарзида келади: *“Antāqkim, üč yüz altmiš künning savābi tämām bölğay”*.[84]

***Макон тушунчасини билдирувчи лексик бирликлар.*** “Меърожнома” матнида қуйидаги географик терминлар мавжуд: *Mağrib, Mašriq, tengiz, daryā, sahrā, tāğ. “Jabrāyil meni qanātï üzä mindürüb Qāf tāğïqa keltürdi.”*[85]

“Меърожнома” матнида ҳудудни ифодаловчи топонимлар келган: Misr, Kufa, Nil, Frāt, Makka, Madina, Qāf, Minā. “Biri Nil daryāsi türürkim Misr šähridä āqär. Birisi Frāt türür, Kufa šähridä āqär”.[86]

***Ҳайвон номларини билдирувчи лексик бирликлар.*** “Меърожнома” матнида бир неча ҳайвон номлари учрайди: *tevä, ät, ärslän, tönğuz, qačïr, ešäk.* “Buraq atlïq bir jänvär keltürdilär. Eyärlik, yügänlik erdi. Qačïrdïn kičikräk,ešäkdin uluqraq”[87].

***Меъёр-ўлчов тушунчасини билдирувчи лексик бирликлар.*** Муайян ҳудудни босиб ўтиш оралиғидаги масофа ўлчови ифодаланган: *“Qalïnlïğï beš yüz yïllïq yol erdi”*[88].

Ҳажмни ифодаловчи ўлчов: *“Yöğanlïğï beš yüz yïllïq erdi.”*[89]

Хулоса қилиб айтганда, “Меърожнома” эски туркий адабий тилининг фонетик, лексик, грамматик хусусиятлари ўзида акс эттирган нодир манба ҳисобланади. Зеро, асар лекикаси нафақат туркий, балки араб ва форс тилидаги сўзлар билан бойитилгинини кўриш мумкин. Лексик гуруҳларни ўз навбатида яна лексик гуруҳчаларга ажратиш асар моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Асарда шева сўзларининг мавжудлиги эса унинг матни тарихий шевашунослик учун ҳам муҳим материал бўлиб хизмат қила олишини кўрсатади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. Courteille, Pavet de. Mirâdj-nâmeh, Récit de l'Ascensionde Mahomet au CielComposé A.H. 840/1436-1437. Amsterdam, 1882.
2. Содиқов Қ. Туркий тил тарихи. – Тошкент, 2009.
3. Содиқов Қ. Эски туркий ёзувлар – Тошкент, 2008.
4. Содиқов Қ., Омонов Қ. Ўзбек тилининг ёзма услублари тарихидан. – Тошкент, 2010.


[83] Ўша манб. – Б.8.
[84] Ўша манба. – Б 23.
[85] Ўша манба. – Б 41.
[86] Ўша манба – Б 17-18.
[87] Ўша манба. – Б 3.
[88] Ўша манба. – Б 8.
[89] Ўша манба. 34.

5. Мартине Андре. Основи обший лингвистики. В сб. “Новое в лингвистики” III. – Москва, 1963.
6. Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент, 1977.
7. Рабғузий Носируддин. Қисаси Рабғузий. – Тошкент, 1990.
8. Ўзбек халқ шевалари луғати. –Ташкент, 1971.
9. «Ан-Наъйм ул-Кабир». Арабча-ўзбекча луғат. – Ташкент, 2003.
10. Древнетюркский словарь. – Ленинград,1969.
11. Рубинчик Ю.А. Персидско-русский словарь. – Москва,1970.

# “БАДОЙЕЪ АС-САНОЙЕЪ ФИ ТАРТИБ АШ-ШАРОИЪ” АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА ВА НАШРЛАРИ

**Аъзам Қамбаров,**
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
стажёр-тадқиқотчиси

XII аср Мовароуннаҳрда илм-фан жадаллик билан ривожланган бир давр бўлди. Юртимиздан етишиб чиқган ислом ҳуқуқшунослари – фақиҳлар ўзларининг бебаҳо асарлари билан фиқҳ илми тарраққиётини янги босқичга олиб чиқдилар. Ана шундай асарлардан бири Абу Бакр Косоний (в. 1191 й.)нинг “Бадойеъ ас-санойеъ фи тартиб аш-шароиъ” (Шариат қонунларини тартиблашда гўзал санъатлар) асаридир. Асар нафақат ислом олами балки, ғарбда ҳам эътироф этилган ва кенг тарқалган фиқҳий манбадир. Бунга сабаб унда биринчилардан бўлиб фиқҳий масалалар, мавзулар қулай шаклда тартиблаб чиқилган ҳамда масалаларни таҳлил қилишнинг янгича мукаммал усуллари қўлланган. Ушбу хусусиятларидан келиб чиқиб фиқҳ илмига оид ёзилган кейинги аср манбаларига методик намуна ва асосий таянч манбага айланган. Жумладан, “Радду-л-Мухтор ала дурри-л-мухтор”, “Баҳру-р-роиқ шарҳу Канзу-д-дақоиқ”, “Фатовойи Ҳиндийя” каби йирик, мўътабар фиқҳий манбаларда “Бадойеъ”дан жуда кўп иқтибос келтирилганини кўриш мумкин.

Шунингдек, Абу Бакр Косонийнинг асосий фаолияти баъзи сабабларга кўра Ҳалаб ўлкасида ўтгани ҳам асарни мусулмон оламида кенг тарқалишига туртки бўлган. Сабаби ушбу даврда Ҳалаб шаҳри ҳозирги Сурия, Фаластин, Иордания, Ироқ ҳудудларини ўз ичига олган йирик Зангийлар давлатининг пойтахти бўлиб – сиёсий, иқтисодий, илмий марказ эди. Мамлакатнинг “Раису аҳлус-сунна”си (Олимлар раҳбар)и ва “Ҳалавийя” мадрасаси “Хўжа мударрис”и сифатида жўшқин ва кенг доирада фаолият олиб борган Абу Бакр Косонийнинг қўл остида Мовроуннаҳр, Хуросон, Шом, Онадўли, Миср, Ҳижоз ва бошқа мусулмон ўлкалардан келган сон-саноқсиз талабалар таҳсил олишган. Албатта, улар биринчи навбатда “Бадойеъ ас-санойеъ”ни шахсан муаллифдан ўқиб, ўрганишган[90].

Мазкур талабалар орасида муаллифнинг нусхасидан ўзи учун алоҳида кўчма олганлари ҳам бўлган. Косонийнинг ана шундай шогирдларидан Шом мударриси Шамсуддин Нажо ибн Саъддир. Ҳофиз Абдулқодир Қураший унинг таржимайи ҳолида келтиришича, “Шамсуддин Нажо устозининг “Бадойеъ”идан ўзига бир нусха кўчириб олган. Ушбу нусха етти жилдда бўлиб, вафотидан сўнг Шиблийя мадрасасига вақф сифатида берилган”[91]. Ҳалаб тарихчиси Ибн Адим ҳам Шамсуддин Нажо томонидан кўчирилган бошқа бир нусха ҳақида: “Бир куни Карк вилояти подшоҳи Носир Довуд ҳузурида Шамсуддин Хасрушоҳийни кўрдим. Унга ҳанафий фақиҳлардан

[90] Қамбаров А., Ғайбуллаев С. Малику-л-уламо (Уламолар султони) – Алоуддин Абу Бакр Косоний. – Т.: Мовароуннаҳр нашриёти , 2019. – Б. 24.
[91] Қураший Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абул Вафо Муҳаммад. Жавоҳир ал-музийя фи табақотил-ҳанафийя (Абдулфаттоҳ Муҳаммад ал-Ҳулв таҳрири остида). – Қоҳира: Ҳижр, 1993. – Ж. III. – Б. 531.

бири “Бадойеъ” китобини ҳадя қилди. Бу адашмасам, Дамашқнинг мударрисларидан Шамсуддин Нажо эди. Хасрушоҳий Шофеъий мазҳабининг машҳур фақиҳларидан, у кейинчалик Қоҳирада Ибн Адим билан қайта учрашиб қолганида “Фақиҳларингиздан бўлмиш Косонийнинг “Бадойеъ” китобини ўқиб чиқиб, лол қолдим – ҳозиргача ҳеч қайси ҳанафий ёки шофеъий фақиҳи бу каби асар ёзган эмас” дея, ўз эътирофларини баён қилган[92]. Минг афсуски, асарнинг Шамсуддин Нажо томонидан кўчирилган қўлёзма нусхалари бизгача сақланиб қолган эмас.

“Бадойеъ ас-санойеъ”нинг муаллиф Косоний томонидан ёзилган нусхаси Ҳожи Халифанинг айтишича, уч жилддан иборат бўлган[93]. Асар бўйича кўплаб тадқиқотлар қилган Қамбаров Азамхон домла Туркиядаги “Ҳамидийя” кутубхонасида “Бадойеъ”нинг шахсан муаллиф томонидан ёзилган – дунё бўйича ягона – нусхаси сақланаётгани ва уни бевосита бориб кўрганлигини айтиб ўтган[94].

Ҳозирда “Бадойеъ ас-санойеъ”нинг энг қадимий ва тўлиқ қўлёзма нусхалари Миср кутубхоналарида сақланмоқда. Биргина “Дору-л-кутуб Мисрийя” кутубхонаси фондида унинг учта тўлиқ ва олтита тўлиқсиз нусхалари бор. Уларнинг ичида № 56 инвентар рақам остида сақланаётган нусхаси энг қадимийси бўлиб, 965/1558 йилда котиб Муҳаммад Абул Фатҳ Шофеъий Рифоий томонидан кўчирилган. У уч жилддан иборат бўлиб, биринчиси 229, иккинчиси 304, учинчиси 357 варақдан иборат[95].

Яна бир нодир қўлёзмаси асарнинг 1328/1910 йилги илк тошбосма нашрига асос бўлган “Хизонату-л-кутуб Ҳожи Абдулқодир Афанди Жобири” кутубҳонасида сақланаётган нусхасидир, у қотиб Абдуллоҳ ибн Абдурраҳим томонидан 1170/1757 йил кўчирилган.

Абу Райҳон Беруний номидаги ЎзФА ШИ фондида ҳам “Бадойеъ”нинг бир дона 1144/1731 йилда котиб Аҳмад ибн Шайх Юсуф томонидан кўчирилган қадимий қўлёзма нухаси бор бўлиб, унда “Ҳад”лар мавзусидан то асарнинг охиригача бўлган қисми мавжуд. Инвентар рақами – № 11026.

Ушбу мўътабар фиқҳий манба ҳажми катталигига қарамасдан ҳар доим уламолар эътиборида бўлган, уни нашр этиш ҳам олдин бошланган. Ҳозиргача бир неча нашрлари мавжуд. Қуйида улар ҳақида тўхталиб ўтамиз:

– Биринчи бор 1327–1328 (1909–1910) йиллари Қоҳиранинг “Жамолийя” матбаъасида шайх Муҳаммад Саъидбоши Жобирий ва Мурод Аҳмад Афандиларнинг сармояси билан етти жилдда чоп этилган, матнни ва Абдулжаввод Халаф тўғрилаб чиқган. Ушбу тошбосма нусхаси кенг тарқалган, биргина ЎзМИ кутубхонасида элликдан ошиқ нусхаси бор. Ушбу

---

[92] Камолиддин ибн Аъдим. Буғяту-т-талаб фи тарихи Ҳалаб. – Ж. Х. – Б. 42.

[93] Ҳожи Халифа (Мустафо ибн Абдуллоҳ Қустантиний Румий Ҳанафий). Кашфуз-зунун ан асамил-кутуб вал-фунун. – Байрут. Дор кутуб ал-илмия, 1992. – Ж: V. – Б. 193.

[94] Қамбаров Азамхон, Ғайбуллаев Саидаҳмадхон. Малику-л-уламо (Уламолар султони) – Алоуддин Абу Бакр Косоний. –Т.: Мовароуннаҳр нашриёти, 2019. – Б. 57.

[95] Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд Косоний. Бадойеъ ас-санойеъ фи тартиб аш-шаройеъ (Шайх Али Мухаммад ва Шайх Одил Ахмад Абдулмавжуд томонларидан таҳқиқ ва таълиқ қилинган). – Ливан: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 2003 (ўн жилдлик). – Б. 81.

нашр ҳозиргача Миср ва Ливандаги босмахоналар офсет услубида чоп этилмоқда.

– Иккинчи нашр 1974 йил Қоҳиранинг “Маибаъату-л-имом” нашриётида Закарийё Юсуф томонидан ўн жилдда чоп этилган. Унда қайси қўлёзма асос қилиб олингани келтирилмаган. Ушбу нашрда биринчи жилд ҳадисларигина Аҳмад Мухтор Усмон томонидан таҳрир қилинган ва аввалидан охиригача ҳадислар рақамлаб чиқилган, жами ҳадислар сони 3055 та.

–Учинчи нашр Байрутнинг “Дору-л-фикр” нашриётида 1417/1996 йил чоп этилган. Ушбу нашр устига “Дору-л-фикр илмий тадқиқот маркази томонидан танқидий матн асосидаги янги нашр” деб ёзиб қўйилган. Унга устоз Сидқи Жамил Аттор томонидан сўзбоши ёзилган ва қўпол хатога йўл қўйган. Яъни, муаллиф Косоний асарни “ал-Фиқҳу ала мазаҳиби-л-арбаъа” (Тўрт мазҳабга кўра фиқҳий масалалар) дейилган. Ундан ҳам ҳайратланарлиси, ношир асардаги Косонийнинг муқаддимасини шунга мослаб ўзгартирган. Бу иш харидорлар эътиборини тортиш учун, тижорат мақсадида қилинган бўлса керак. Лекин ўтмиш уламолар мероси – бу омонат, унга бундай муносабатда бўлиш инсофли тадқиқотчиларнинг иши эмас.

– Тўртинчи нашр Байрутнинг “Дор иҳяу-т-турос” нашриёти ва “Тариху-л-арабий” муассасаси ҳамкорлигида 1997 йил шайх Абдурраззоқ Ҳалаби ва Мухаммад Аднон ибн Ёсин Дарвишлар томонидан олти жилдда нашр қилинган. Ушбу нашрда учта: “Хизонату-л-кутуби Ҳожи Абдулқодир Афанди Жобири”, “Мактабату-з-зоҳирийя” ва “Дору-л-кутуб Мисрийя” кутубхоналарида сақланаётган қўлёзма нусхаларга таянилган. Ушбу нашр олдингиларидан анча мукаммал бўлганини айтиш мумкин. Сабаби юқоридаги учта қўлёзма асосида танқидий матн тузилган, ҳадиснинг манбаси кўрсатилган ва шахсиятларга қисқача маълумот берилган.

– Бешинчи нашр Байрутнинг “Дору-л-кутуб илмийя” нашриётида 1418/1997 йилда Шайх Али Мухаммад Муаввиз ва Шайх Одил Ахмад Абдулмавжудлар томонидан аввалига етти жилдда нашр қилинган. Ушбу нашр олдингиларидан анча мукаммалроқ ва чиройлироқ бўлгани билан аҳамиятли. Биринчидан унда “Дору-л-кутуб Мисрийя” кутубхонасидаги 9 та қўлёзмадан танқидий матн тузилган ҳамда асарнинг 1910 йилдаги илк тошбосма нашрига солиштириб чиқилган. Иккинчидан, катта ҳажм (80 бет)ли муқаддима ёзилган, ҳадислар, оятлар алоҳида шаклда берилиб, манбалари кўрсатилган, машҳур шахсиятларнинг қисқача таржимайи ҳоли келтирилган. Кейинчалик 2003 йили ўн жилд ҳолатида иккинчи марта нашр этилди ва ҳозиргача мана шу нашр ҳар йили қайта чоп этилади.

Аммо муаллифларнинг кўпйиллик самарали меҳнати, машаққати эвазига юзага келган ушбу нашрларда ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина. Жумладан: мазкур нашрларда “Бадойеъ”нинг барча қўлёзма нусхалари татқиқотга жалб этилмаган, хусусан Ҳиндистон ва Покистон кутубхоналарида мавжуд кўплаб тўлиқ ҳолатдаги қўлёзмалар эътибордан четда қолган. Шунингдек, “Бадойеъ”да номи келган китоблар, шахслар,

мазҳаблар ўртасидаги фарқлар ҳамда ҳадис ва оятлар бўйича феҳрист (мундарижа) тузиш керак.

Шунингдек, асарни она тилимизга ўгириш ҳам қилиниши лозим бўлган ишлардан ҳисобланади. Юқорида келтириб ўтилган вазифаларни амалга ошириш бизларга яъни, Аллома Косонийнинг юртдошларига ҳам масъулиятли ҳам шарафли ишлардан ҳисобланади. Зеро, “Бадойеъ ас-санойеъ” асарида ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларга оид масалалар ёритилгани боис бугунги кунда ҳам долзарб аҳамиятга эга. Уни чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш орқали ҳозирги куннинг долзарб муаммоларга самарали ечим топилишида шубҳа йўқ!

# XOJA ORIF REVGARIYNING “ORIFNOMA” ASARINING O‘RGANILISH TARIXI

**Dilorom Fayziyeva,**
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ
Адабий манбашунослик ва матншунослик
кафедраси ўқитувчиси
diloromfayziyeva1707@gmail.com

Xojagon tariqatining yana bir yetuk davomchilaridan biri, Xojai Jahon-Abdulxoliq G’ijduvoniyning shogirdi, buyuklardan buyuk Muhammad (s.a.v.) nurlari fayzlarini davom ettirgan, silsilai sharifning 1-halqa piri, tabarruk va ulug’ zot Orif Revgariydir. Xoja Muhammad Orif ar-Revgariy – Hazrat Xoja Orif Mohitobon nomi bilan ham mashhur. Xoja Orif Buxoro viloyati, Shofirkon tumanidagi Revgar qishlog‘ida tug‘ilganlar, yuz yildan ziyod umr ko‘rib, 1259-yil vafot qilganlar. Qabrlari Shofirkon markazida obod ziyoratgohga aylantirilgan. 1996-yil Xoja Orif jome’si qurildi. Naql etilishicha, Xoja Orif o‘rta bo‘yli, oy yuzli, katta ko‘zli, qoshlari kamon, butun vujudlaridan mushku-anbar hidi anqib turadigan zot bo‘lgan ekanlar. Xoja Orif Hazrat Abdulxoliq G‘ijduvoniyning to’rtinchi xalifalari hisoblanadilar. Hazrat Maxdumi A’zam Dahbediyning (1461-1542) «Maqomoti Xoja Abdulxoliq G‘ijduvoniy» asarlarida naql qilinishicha, Hazrat Xizr (a.s.) Hazrat Abdulxoliq huzurlariga kelardilar. Shu payt Hazratning hamma shogirdlarini uyqu bosardi. Suhbat tugab, Xizr (a.s.) ketganlaridan so‘ng shogirdlar beixtiyor uyqudan uyg‘onardi. Shogirdlar orasida eng yoshi hisoblangan Xoja Muhammad ar-Revgariy Xizr (a.s.) suhbatlaridan bahramand bo‘lay deb, ko‘zlariga tuz sepdilar va og‘riqning qattiqligidan u kishiga uyqu g‘alaba qilolmadi. Suhbatdan bahramand bo‘ldilar. Bu holni ko‘rib Xizr (a.s.) dedilar: «Siz Orif bo‘lgaysiz, «Insha Alloh!» Xoja Xizr (a.s.) nafaslarining barakotidan butun dunyoga Xoja Orif nomi bilan mashhur bo‘ldilar: Xoja Orif ar-Revgariy «Orifnoma» nomli kitobning muallifi hisoblanadi. «Orifnoma» Toshkentdagi «Navro‘z» nashriyotida 1994-yil nashr etildi. «Orifnoma»da yozilganki: Odob nek odamlar ziynatidur!-Avliyolik alomati uchtadur: birinchisi – baland darajani egallaganda ham kamtar bo‘lmoq, ikkinchisi – sabr-u toqati yetguncha parhezkorlik qilmoq, uchinchisi – to kuchi yetguncha insof qilmoq. Ochlik – zohidlar, zikr – oriflar taomi (Xoja Orif ar-Revgariy, «Orifnoma», 7-bet). «Orifnoma»da quyidagi baytlar xattot tomonidan yozilgan:

*Afsus shud pishon Mohitobon ba zeri xok,*
*Kilkam sipush, jigar resh, siyna chok.*
*Tarix buŗi reklamы u justam az salam,*
*Kutbi zamon va Orifi billoχ, zeri salam.*

Mazmuni: Afsuski, Mohitobon yer ostiga pinhon bo‘ldi. Qalamim qora kiyindi, jigarim tilindi, siynam chok bo‘ldi. Uning marhum bo‘lgan yili «Qutbi zamon va Orifi billoh zeri raqam»dan chiqadi.Ushbu she’rning so‘nggi bayti «Qutbi zamon va Orifi billoh zeri raqam»dan hijriy 634-yil, milodiy 1234-yil

chiqadi. Ayrim manbalarda Xoja Orif ar-Revgariyning marhum bo‘lgan yillari 1259-yil deb yozilgan. Ayni shu kunlarda Xoja Orif ar-Revgariy majmualarida obodonchilik ishlari olib borilmoqda.

Bu zot xijriy 560 sana, milodiy 1165 sanada Revgarda tavallud topganlar va xijriy 660 sana, milodiy 1212 sanada o‘sha yerda vafot etganlar. Xoja Orif Revgariy quddisa sirruhu o‘rta bo‘yli, oy yuzli, katta ko‘zli, ingichka qoshlari hilol kabi kishi edilar. U kishining ranglari gul kabi bo‘lib, vujudlaridan xushbo‘y hid taralib turgan. Xoja Orif Revgariy quddisa sirruhu yillar davomida Xoja Abdulxoliq G’ijduvoniy quddisa sirruhuning xizmatlarida bo‘lganlar va bosh xalifa (o‘rinbosar) darajasiga yetganlar. Xoja Orif Revgariy quddisa sirruhu Rasulullоh (s.a.v.)ning sunnatlariga diqqat bilan amal qiladigan zot edilar. U kishi Xoja Abdulxoliq G’ijduvoniy quddisa sirruhuning vafotlaridan so‘ng bu yo‘lning davomchisi bo‘ldilar. Orif Revgariy ham o‘z ta’limotlarini jamlab, “Orifnoma” asarini yozganlar.

## “ORIFNOMA” ASARI

Orif Revgariydan “Orifnoma” risolasi saqlangan. Bu risola nusxasini bizga ustozimiz Jonmuhammad Gulov bergan. Bu asarni fors-tojik tilidan Sadriddin Salim Buxoriy va Isroil Subxoniylar tarjima etib, Toshkentdagi “Navro‘z” nashriyotidan 1994-yil nashr etganlar. Risola 16 betdan iborat, Orif Revgariy bu asarida oriflarga murojaat etib, ularga durdona fikrlarni aytgan. Risolada o‘zlari aytgan hikmatli so‘zlar 30 tasi yozilgan. Shuningdek, Orif Revgariy mashoyixlar kalomlarini tinglagin ular qalblarga tavfiq sababchisidir, deb mashoyixlar hikmatidan 38 hikmatni bayon etgan. “Orifnoma” asari, bir tomondan xojagon ta’limotining mazmun-mohiyati, odobi, kamolot yo‘li va vositalarni o‘rgatuvchi bir asar bo‘lsa, ikkinchidan, bu tasavvuf tarixdagi buyuk namoyondalar ta’limotini o‘rgatuvchi manbadir.

“Orifnoma” asarida Boyazid Bastomiy va u kishining shogirdi Abu Turob Naxshabiy, Robiya Adaviya, Hasan Basriy, Shaksh Balxiy, Molik Dinor, Fuzayl Ayoz, Sufiyoni Savriy, Yahyo Roziylar haqida ma’lumot bor. Shuningdek, bu asarda Orif Revgariy o‘z ustozi Abdulxoliq G’ijduvoniyning o‘gitlari, hayot yo’llari va oxirgi damlari haqida ma’lumotlar keltirilgan.

“Orifnoma” asaridagi hikmatli so‘zlar tahlilidan ma’lum bo‘ladiki, Orif Revgariy inson va Alloh o‘rtasida xijob, parda, tusidlar mavjudligini aytib, inson kamolotga yetishi va haqiqatni anglashi uchun bu nur va zulmatdan iborat hijoblardan qutulib pok bo‘lishi lozimligini o’stirgan. Orif Revgariyning fikricha, bu xijoblar avvalo dunyoga ko‘ngilni bog’lash, nafsga berilish, boylik, mansab, hoy-u havaslarga bog’lanib, zohirparast bo‘lishdir. Shuningdek, qalbdagi kibr, mansab, boylikka muhabbat katta to‘siq ekanligi ta’kidlangan.

Xoja Orif Revgariy haq yo‘lining boshi tavba ekanligi va istig’for aytish foydasi, ma’rifatli bo‘lib, jaholatni yengish, o‘zlikni anglash, Qur’on va hadislarni o‘rganishning ahamiyatini ko‘rsatgan. Asarda odobli bo‘lish, valiy, orif tushunchasi, shukronalik va sabr, bandalik, qalb pokligi, vaqtning qadriga yetishning ahamiyati yoritilgan. Orif Revgariy fikricha, inson erkin qush kabi yuksaklikka parvoz etishi uchun faqat Allohga bog’lanishi va boshqa aloqalardan

forig’ bo‘lishi lozim. “Odamni saodatga yaqinlashtiruvchi xislat shuki, o‘zini nand etsin, ya’ni nafsini o‘ziga buysundirsin va afif-pokiza bo‘lsin, mudom zokir, baidalikka jiddu-jahd va sa’y harakat qilsin,” – deb uqtiradi Orif Revgariy.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:


1. Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс. Маҳмуд Обидий нашри. – Теҳрон, 1375.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент, 2001.
3. Абдулхолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний, ЎзР ФАШИ, 2533 инвентар рақамли қўлёзма. – Б. 20-37.
4. Али ибн Ҳусайн Сафий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. Орифжонов литографияси. – Тошкент, 1329.
5.Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Асъад Бухорий. Маслак ул-орифин. ЎзР ФАШИ, 4810 инвентар рақамли қўлёзма. – Б.11.
6. Абул Муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али. Баҳоуддин Бало-гардон. М. Ҳасаний таржимаси. – Тошкент, 1993.
7. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Васиятнома. – Тошкент, 1993.
8. Хожаи Жаҳон – Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. – Тошкент, 1994.
9. Ҳаёт недир? (Рутбат ул-ҳаёт) Аҳмад Яссавийнинг устози Хожа Юсуф Ҳамадоний. Таржимон Наждат Тўсун. – Истанбул, 1998.
10. Табақат ул-Кубро (Авлиё манқабалари). 4 жилдлик. – Истанбул, 1985.

# JALOLIDDIN RUMIYNING “MA’NAVIY MASNAVIY” ASARINING YARATILISHI, LISONIY TUZILISHI

**Mustafo Yunusxo‘jayev,**
UrDU mustaqil tadqiqotchi
mustafoyunus92@gmail.com.

Mavlono Jaloliddin Rumiyning boy ilmiy merosiga bo‘lgan qiziqish va uni o‘rganishga bo‘lgan intilish kundan-kunga ortib bormoqda. Uning shoh asari hisoblanmish “Masnaviyi ma’naviy” 6 daftardan iborat bo‘lib, bu asarni E.E.Bertels didaktik doston, T.Purnomdoriyon hamosiy (epik) she’rlar majmuasi, R.Nikolson irfoniy kitob, A.Shimmel esa tasavvuf qomusi deb ta’riflashgan. Mavlaviylar bu kitobni “Mag‘zi Qur’on”deb, hatto, bu asarni fors tilidagi Qur’on deya sharaflasalar, ba’zi tadqiqotchilar Jaloliddin Rumiyning “Masnaviyi ma’naviy”sini so‘fiylar ensiklopediyasi deb yuksak baholaydilar. Sulaymon Rahmonning qayd etishicha, olmon sharqshunos olimasi A.Shimmel “Masnaviyi ma’naviy”ni devorlari va shiftlari faqat mutaxassislar tushunadigan murakkab ko‘fiy naqshu nigorlar bilan bezatilgan madrasaga, xususan, Qunyodagi vazir Qoratoy tomonidan Jaloliddin Rumiy uchun maxsus qurilgan va hozirgacha saqlanib qolgan Qoratoy madrasasi me’morchiligiga qiyoslagan. Akademik A.Krimskiy bu asar haqida: “Hech shubhasiz, “Masnaviyi ma’naviy” to‘plamini tasavvufning she’riy qomusi deya atash mumkindirki, usiz tasavvufni anglash dushvordir[96]”, deb ta’riflasa, turkiyalik rumiyshunos olim Usmon Nuriy Tupbosh shunday ta’riflaydi: “Masnaviyi ma’naviy” hazrati Mavlononing Shams bilan kezgan ilohiy sayohatnomasining insonlar idrok qiladigan darajada yozgan bir lutfnomasidir. Shuningdek, “Masnaviyi ma’naviy” hazrati Mavlononing ko‘ngil iztiroblaridan toshgan bir faryodnomadir[97]”.

Jaloliddin Rumiy o‘zining “Masnaviyi ma’naviy” asarida nafaqat Markaziy Osiyo xalqlarining, balki, butun musulmon sharqining milliy mental qiyofasini va boy ilmiy tafakkurini namoyon etganligi bilan ham qadrlidir. Bu asar bilan yaqindan tanishgan va sinchiklab varaqlagan har qanday kishi asar muallifi uchun asosiy manba hamda uni ilhomlantirgan ilohiy ma’rifat chashmasi bo‘lmish muqaddas Qur’oni Karim, hadisi shariflar ekanligini anglab yetadi. “Masnaviyi ma’naviy”dagi falsafiy g‘oyalar inson ruhiyati dialektikasini kashf etadi. A.Shimmel ta’biri bilan aytganda: “Masnaviyi ma’naviy” bu sirlar birlashuvi do‘koni XIII asrda ma’lum bo‘lgan deyarli barcha tasavvurlarga ega nazariyalarni o‘z ichiga oldi. “Masnaviyi ma’naviy”ning 6-daftari uning vafotidan keyin sevikli o‘g‘li Sulton Valad tomonidan nihoyasiga yetkazildi. Jaloliddin Rumiy o‘zi boshlagan so‘zlarni o‘zi tugatolmadi[98]”.

Jaloliddin Rumiyning “Kotib-ul asror”i hisoblanmish Husomiddin Chalabiy bu asar yozilishi tarixi haqida shunday ma’lumotlarni qayd etgan: “...Masnaviyni

[96] Krimskiy A. Istoriya Persii, yego literaturы i darvisheskoy teosofii. Tom III. – M., 1914. – S. 276.
[97] Usmon Nuriy Tupbosh. Masnaviy bog‘chasidan bir ko‘za suv. – M.: SAD, 2010. – B.193.
[98] Shimmel A. Mir islamskogo mistitsizma. – M.: Sadra, 2012. – S. 293.

yozarkan, qo‘llariga qalam olmas edilar. Madrasada, Ilgin oromgohlarida, Qunyo hammomida, Miram bog‘larida va boshqa yerlarda, qayerda xotiralariga kelsa so‘ylar, faqir esa darhol yozardim. Hatto, yozishga ulgurmasdim. Ba’zan kecha-yu kunduz bir necha kun so‘ylardilar. Ba’zan bir necha oylab shug‘ullanmasdilar. Bir gal ikki yil ora berdilar. Bu davr ichida hech nima so‘ylamadilar. Har jildning nihoyasida zarurat yuzasidan o‘zlariga o‘qib berardim. Ba’zan tahrir qilar, ba’zan shundoq qoldirar edilar[99]”.

“Masnaviyi ma’naviy” o‘z nomi bilan ma’naviy-ma’rifiy bilimlar, axloqiy-umuminsoniy qadriyatlar haqida ma’lumot beruvchi jamlanma, ma’nolar xazinasidir. Shaxs ma’naviyati, inson mohiyati, falsafiy antropologiya sohasining predmeti va obyekti aynan shu asarda o‘z ifodasini topgan. “Masnaviyi ma’naviy” 25700 baytga yaqin ulkan asar bo‘lib, an’anaviy sharq dostonchiligi yo‘lida yozilgan. Bu asarda muqaddas Qur’oni Karimga tez-tez murojaat qilib turiladi. Mutaxassislarning ta’kidlashicha, unda 760 o‘rinda Qur’oni Karim oyatlardan aynan forsiyga tarjima qilinib keltirilgan. 745 holatda Payg‘ambarimizning 703 hadislaridan foydalanilgan[100].

Ma’lumki, tili va tushunilishi murakkab sanalgan asarlarni soddalashtirilgan variantini yaratish, ya’ni sharhlash an’anasi Sharqda azaldan mavjud edi. Jaloliddin Rumiy o‘zining “Masnaviyi ma’naviy” asarini Abdulmajid Majduddin Odam Sanoiyning “Hadiqat ul-haqiqat” nomli masnaviysiga kichik bir sharh deb ataydi. Xalilulloh Xaliliy ta’biri bilan aytganda, Sanoiy shu irfon balandliklaridan turib Jaloliddin Balxiy (Rumiy)ning qo‘liga chiroq tutqazdi[101]. “Masnaviyi ma’naviy” asariga turli davrlarda turli ijodkorlar tomonidan qator sharhlar yozilgan va ular orasida musharrih Obiddin Poshoning sharhi boshqa sharhlarga nisbatan o‘zining mukammalligi hamda aniq manbalarga tayangan holda ilmiy-falsafiy sharhlanganligi bilan ajralib turadi. Bu asarga Abdurahmon Jomiy ham “Sharhi du bayti Masnaviy” nomli sharh yozgan. Azhar Tabriziy (1422-1503) Jaloliddin Rumiyning “Masnaviyi ma’naviy”sini kitobat qilgan. Alisher Navoiyning “Majolis un-nafois” asarida ma’lumot berilishicha, Mavlono Husayn Xorazmiy-Xoja Abulvafo ham Mavlono Jaloliddin Rumiyning masnaviysiga sharh bitgan. Bu esa “Masnaviyi ma’naviy”ning XIV-XV asrlarda ham tasavvuf olamida mashhur va yuksak ta’limiy asar bo‘lganligidan dalolat beradi. Shayx Kamoliddin Xorazmiyning “Javohir ul-asror va zavohir ul-anvor” asari, Mavlono Ya’qub Charxiyning “Nay risolasi” nomli “Masnaviyi ma’naviy” sharhiga, tahliliga bag‘ishlangan asarlari mavjud. Sayyid Ne’matulloh Ibrohim ham “Masnaviyi ma’naviy” asariga nazmiy rumiyona sharhlar bitgan. Shuningdek, xassos o‘zbek shoiri Fitrat Mashrabning Rumiy ta’siri ostida ijod qilgani, u “ko‘brak Rumiydag‘i so‘fiyona hayajonni o‘z she’rlarida aks ettirishga” tirishganini ta’kidlab, Mashrabning “Mabdai nur” masnaviysi Jaloliddin Rumiyning “Masnaviy”siga o‘zbek tilida sharh kabi yozilgandir[102], deydi.

[99]Under M. Mavlono // Jahon adabiyoti, 2014, 1-сон. – B.112.
[100] Sattoriy H. Rumiy o‘tgan yo‘l//Jahon adabiyoti , 2007, 10-сон. – B.143.
[101]Zikrillo Ishonch. Hakim Sanoiy G‘aznaviy// Muloqot, 1999, 3-сон. –B.56.
[102] Falsafa va huquq // Maxsus son. –2009. – B.84.

“Masnaviyi ma’naviy” asari bilan yaqindan tanishgan o‘quvchilarga ma’lumki, bu asar syujeti oldindan o‘ylangan reja asosida yozilmagan. Asarda keltirilgan ba’zi hikoyatlaru masallar davomiyligi ayrim o‘rinlarda nihoyatda cho‘zilib ketadi, ya’ni hikoyatlar ichida bir nechta kichik-kichik masallar ham keltirib o‘tiladi. Bu holat esa o‘quvchiga deduktiv xulosa chiqarish imkonini, ya’ni, umumiylikdan juz’iylikka qarab xulosa chiqarishga yordam beradi. Masalan, asarning birinchi daftaridagi “Ov hayvonlarining Tangriga tavakkul etib, sa’y-harakatni to‘xtatdik degani” nomli hikoyat keltiriladi. Ayni shu hikoyat ichida esa quyidagi masallar keltiriladi: “Bir kishining Azroilning nazariga duch kelib, undan qochgani”, “Bir haqir pashshaning tushunchasi bayonida”, “Hudhud va Sulaymon (a.s.) qissasi” va “Odam (a.s.) qissasi”. Asarning 2-daftaridagi “Bir odamning ayiq xushomadiga uchib, undan sadoqat kutgani” hikoyasi tarkibida esa quyidagi to‘ldiruvchi kichik hikoyalar keltiriladi: “Ko‘r tilanchining menda ikki ko‘rlik bor degani”, “Muso (a.s.)ning buzoqqa sig‘ingan kishidan, ey, sening es-hushing qayerda edi, deb so‘ragani”, “Bir kishining Jolinusga xushomadlar qilgani va bundan Jolinus qo‘rquvga tushgani” va “Bir qushning boshqa turga mansub qush ila uchgani sababi” hikoyalari keltirilgan. Asarning 3-daftaridagi “Bir qishloqi shaharlikni mehmonga chaqirib aldagani” hikoyati tarkibida “Sabo ahli qissasi”, “Lochinning o‘rdakni sahroga chaqirgani”, “Zarvon ahli qissasi” va “Majnunning Layli uyida yurgan itni o‘pib erkalagani” nomli kichik hikoyalar keltiriladi. Asarning 4-daftaridagi “Qulning maoshim oz, deb podshoga shikoyat yozgani” hikoyati tarkibida “Boshiga salla o‘ragan faqih qissasi”, “Dunyoning dunyo ahliga hol tili ila nasihat etgani” va “Zo‘raki hamdu sanolar aytgan, ichida g‘am-anduh tutuni burqsigan, uvadasi xirqasidan so‘zining yolg‘onligi ko‘rinib turgan maddoh hikoyasi” nomli qisqa hikoyalar keltirilgan. Bu kabi hikoyatlar ichidagi hikoyalarga asar tarkibida juda ko‘p duch kelamiz. Asar bilan tanishish asnosida biz Jaloliddin Rumiyni qomusiy alloma sifatida ham taniy boshlaymiz. Negaki, ushbu asarda Mavlono o‘zining ilohiyot, tibbiyot, astronomiya, mantiq, falsafa, musiqa, adabiyot, geografiya, etnografiya, folklor, tarix va fiqh ilmiga oid bilimlarini ham mujassamlashtirgan.

Bu asarning yana bir e’tiborga molik jihati shundaki, u yozib tugallanishi bilan bu asarni yod oluvchi va biluvchi “masnaviyxon”lar paydo bo‘la boshladi. Bu asar nihoyasiga yetishi bilan arab, fors, tojik va turk tillarida o‘nlab sharhlar bitila boshladi, asar tahlili hamda talqini yuzasidan yuzlab jild kitoblar paydo bo‘ldi. “Masnaviyi ma’naviy” asaridan qattiq ta’sirlangan, undan ilhomlangan bir qancha olim-u fuzalolar o‘zlarining nodir asarlarini yaratdilar.

E.E.Bertels fikricha, Farididdin Attor va Jaloliddin Rumiy uchrashuvida Farididdin Attor unga o‘zining “Asrornoma” asarini taqdim etish orqali uni o‘ziga buyuk voris deb ham tayinladi. Zero, alloma ijodi bilan yaqindan tanishish va uni o‘rganish orqali biz Farididdin Attorning so‘fiyona g‘oyalari Rumiy tomonidan yanada rivojlantirilib, mantiqiy davom ettirilganini va “Asrornoma”da keltirilgan fikrlar zanjiri “Masnaviyi ma’naviy”da davom ettirilib, nihoyalanganiga guvoh bo‘lamiz. Rus sharqshunos olimi L.YAkovlev bu xususda shunday yozadi: “Jaloliddin Rumiyning “Masnaviyi ma’naviy”si Farididdin Attor dostonlari kabi

tuzilishga ega: ma’lum belgilangan syujetsiz, topshiriqlarsiz hikoyatlarning keltirilishi, xuddi tasodifiy holda bir-birini izlovchi ma’lum vaqtda yaratilgan fikrlar yig‘indisining bog‘liqligi kabi[103]”. Jaloliddin Rumiyning mashhur “Masnaviyi ma’naviy”si Farididdin Attorning “Mantiq ut-tayr”, “Ilohiynoma”, “Asrornoma” asarlari syujetidagi kabi tugallanmagan, xulosa chiqarish vazifasi bevosita o‘quvchiga yuklatilgan voqealar hamda kichik-kichik epik masallar tarzida tuzilgan. Rumiy “Masnaviyi ma’naviy” asaridagi voqealar rivojida tez-tez oddiy hayotiy voqealarni o‘quvchi e’tiborini jalb qilish uchun keltiradi[104]. A.Shimmelning ta’kidlashicha, arab olimlari va faylasuflari yunonlarning ta’limotlarini ehtiyotkorlik bilan saqlab qolishgan. Aflotun, Ezop masallaridan ba’zilari “Masnaviyi ma’naviy” aari tarkibidagi hikoyalar orasidan o‘rin olgan. “Masnaviyi ma’naviy”da keltirilgan ko‘plab hikoyalar-u masallar Sharq va G‘arb diniy qarashlari o‘rtasidagi turli tafovutlar to‘sig‘ini yengib, bu ikkala hududda keyinchalik turli mashhur siymolarning ijodiy kamolotida asosiy o‘zak vazifasini ham o‘tagan.

Rumiy vafotidan keyin ko‘p o‘tmay uning asarlari, ayniqsa, “Masnaviyi ma’naviy” asari juda mashhur bo‘lib ketdi va uning shon-sharafi musulmon mamlakatlarining sharqiy chegaralarigacha yetib bordi. Bu xususida olmon sharqshunos olimasi A.Shimmel shunday yozgan: “Xususan, XV asrlarda Mavlono asarlarini o‘qish va o‘rganish juda ommalashib ketadi. Rumiy asarlaridan juda ilhomlangan va uning ta’siriga tushgan Bengallik bir yozuvchi hatto: “Haqiqiy brahman “Masnaviyi ma’naviy”ni ovoz chiqarib o‘qish va yod olishi kerak”,- dedi[105]”. Yuriy Averyanov esa: “Rumiy yaratgan buyuk asar -“Masnaviyi ma’naviy” so‘fiyona hikmatlar xazinasidir. U hindi musulmonlar o‘rtasida ham benihoya katta hurmatga sazovor bo‘lgan. Turli millatlar yashaydigan, bir qancha dinlar mavjud bo‘lgan Hindistonda “Masnaviy” satrlari o‘zaro nizolar va yovlashuvlarga qarshi qaratilgan haqiqiy madhiyaga aylangan[106]”.

Jaloliddin Rumiy 1257-yildan to umrining oxirigacha o‘z intellektual kuchini “Masnaviyi ma’naviy”ni yaratishga sarfladi. “Masnaviyi ma’naviy” go‘yoki chiroyli do‘konlar bilan jamlangan bozorga o‘xshaydi. Bozordan barcha narsani topish mumkin bo‘lgani kabi, “Masnaviyi ma’naviy” asari mutolaasi orqali biz o‘z shuurimizdagi har qanday savolga javob topamiz. Asarda ixtiyor erkinligi va axloqiy tanlov masalalari asosiy o‘rinni egallaydi. Asarning bu qadar shuhrat topishiga yana bir sabab esa, unda alloma o‘zigacha yaratilgan Sharq va G‘arb faylasuflarining Olam va Odam haqidagi falsafiy mushohadalarini sodda, ravon va xalqchil tilda barchaga birdek manzur bo‘ladigan qilib tushuntira olganligidadir. “Masnaviyi ma’naviy” asari Jaloliddin Rumiy ilmiy merosining yuksak cho‘qqisi hisoblanadi. Chunki unda mutasavvifning ilmiy-irfoniy qarashlari mohirona mujassamlashtirilgan.

[103]Leo Yakovlev. Sufii. Vosxojdeniye k istine. – Nyu York.: Xanaka Nimatullaxi, 1983. – S.14.
[104]Shimmel A. Mir islamskogo mistitsizma. – M.: Sadra, 2012. – S. 296.
[105]O‘sha asar. – B. 300.
[106]Averyanov Yu. Tinglagil, nay ne hikoyat aylagay//Tafakkur , 2003, 3-сон. – B.36.

# ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАР НОМИНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ҚОИДАЛАРИ

**Ҳасан Қодиров,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti

Маълумки, Ўрта Осиёда кўплаб қадимий қўлёзма ва тошбосмалар сақланиб, уларни асраш, авайлаш ва келажак авлодга етказиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Мазкур маънавий дурдоналаримизнинг айримлари қайта кўчирилиш жараёнида ёхуд турли сабабларга кўра бугунги кунда бошқа ном билан берилиб келинади. Ана шундай ҳолатларга барҳам бериш учун китобни тўғри ва чуқур таҳқиқ қилиш лозим. Китобнинг номи унинг муаллифи берган охирги расмга асосланади. Бу ҳам китоб номини таҳқиқ қилиш ва ҳужжатлаштириш сирасига киради. Таҳқиқ қилувчи кўпинча бир хил китобнинг турли номдаги бир нечта қўлёзмаларини топади. Бунинг сабаблари нима? Тадқиқотчи бу фарқларни қандай изоҳлайди?

1. Худди шу муаллиф ўз китобини бир неча бор ёзган бўлиши мумкин ёинки уни ҳар сафар ҳар хил номлар билан атаб, ушбу ҳолат унинг ҳаётлик пайтида ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳолатда муаллиф ҳаётининг охирида вафот этишидан олдин ёзган энг охирги ёзган китобидан хабардор бўлиш учун ҳамда у китобнинг энг охирги таянч номини билиш учун муаллиф китобни ёзган санани ўрганиш лозим бўлади.

2. Китобнинг номи гоҳида намлик, тупроқлик ёки унинг ва муаллифининг номи билан ёзилган биринчи саҳифасининг йўқ бўлиб кетиши туфайли бутун бошли асар ҳам йўқ бўлиб кетиши мумкин. Шунинг учун нусха кўчирувчилар (транскрипциячилар), таъмирловчилар, қайта тикловчилар ёки кутубхона каталогларини тузувчилар ўзлари томондан китобнинг машҳурлигига қараб ёки унинг муқаддимасини мутолаа қилиш натижасида келиб чиққан мазмун-моҳияти доирасидан уни номлайдилар. Абу Амр Усмон ибн Саид ал-Дани ал-Андалусийнинг *"Ал-Мустафи фил Вақфи ва ал-Ибтида фил китабиллаҳи Азза ва Жалла"* китоби баъзи нусхаларда *“Ал-Вуқуф”* номи билан бошқа нусхада эса *“Ал-вақф вал-ибтидо”* ва яна бошқа нусхасида эса *“Ал-Вақф Ат-Тамм вал-Кафи вал-Ҳасан”* номлари билан номланган. Ушбу номлар унинг муқаддимасидан олинган.

3. Нусха кўчирувчилар ёки баъзи олимлар айрим китобларнинг номларини яхши ниятда ёки билмаганликлари учун ўзгартирганлар. Мисол учун Имом Абул Қосим ар-Рофийнинг *“Фуруъ уш-Шофиия”* китобига ёзилган *“Ал-Азиз фи Шарҳ ал-Важиз”* деб номланган китобининг бошидаги Ал-Азиз сўзи билан китоб номланмайди, чунки у Аллоҳнинг исмларидан бири деб, Ал-Азиз сўзининг бошига Фатҳ сўзи қўшиб қўйилган. Натижада

бир нусхада китобнинг номи *“Фатҳ ул-Азиз фил Шарҳил ал-Важиз”* бўлиб қолган. Бу ишни қилган одам ал-Азиз сўзини луғатда ноёб қимматбаҳо деган маънолари борлигини билмаган. Яна баъзи нусха кўчирувчилар бу шарҳни машҳурлиги ва муқаддимасидан келиб чиқиб *“Аш-Шарҳ ул-Кабийр Алал-Важиз” (“Важизга ёзилган катта шарҳ”)* деб номлаганлар.

Таҳқиқ борасида ҳақиқатга эришиш учун таҳқиқчи китоб номининг тўғрилигини диққат билан ўрганиши лозим бўлади. Бунинг учун икки нарсага эътибор қаратиши жоиз бўлади:

1. Китобни ўқиб чиқиш лозим бўлади, чунки кўпинча китобнинг сатрлари ичида унинг исми зимдан битилган бўлади.
2. Китобнинг мундарижасига мурожаат қилиш жоиз бўлади.

Китобни номлаш ва уни муаллифидан бошқага нисбат беришдаги хатолардан намуналар келтирамиз: Ибн Ҳишом ал-Ансорий ал-Наҳвига тегишли *"Ал-Равзаҳ ал-Назия фи Шавоҳиди Улумил ал-Арабия"* қўлёзма асари Германиянинг Берлин кутубхонасида 6752 инвентар рақам остида сақланади. Берлин қўлёзмалар индексини тузувчилар бу китобнинг биринчи саҳифаси ва сарлавҳасида ёзилганларга асосланиб, синчковлик билан ўрганиш натижасида, бу китоб иккинчи саҳифадан бошлаб охирига қадар аслида Ал-Суютийнинг *"Ал-Иқтирах фи усули наҳвий*" китоби эканлигини аниқлаганлар. Лекин бу китоб бир китобни қайта тикловчи мутахассиснинг қўлига бошидаги сарлавҳа ва биринчи саҳифаси йўқ ҳолатда келиб тушган. У китобни моҳиятини билмасдан туриб, китобнинг ўртасида грамматик далиллар ҳақида гап кетаётганини топиб сарлавҳа саҳифасида унга аллома ибн Ҳишомнинг ёзган *“Китабул-равзатил адабийя фи шаваҳиди улумил-арабия”* китоби деб ном қўйган. Ва ўзича китобга муқаддима ёзган. У муқаддима эса ибн Ҳишомнинг услубидан фарқли бўлган. Ёзув ҳам асл нусханикидан фарқ қилган. Устига устак Ибн Ҳишомдек олимда кузатилмаган хатолар содир бўлган.

Хулоса шуки, Суютий иқтирох китобининг муқаддимасида ибн Анбарийнинг *“Луматул-адилла фи усули Наҳвий” ва “ал-Иъроб фи жадалил- иъроб”* деб номланган икки китобига ишора қилган. Чунки қўлёзма (асл нусха)нинг иккинчи варағини ушбу икки китобнинг ибораси билан бошлаган.

# ALISHER NAVOIY ASARLARIDA IQTIBOS SAN`ATI

**Fayzullajon Abdulxamidov,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti

Istiqlolimizning dastlabki kunlaridan to hozirga qadar ajdodlarimiz merosini har tomonlama o‘rganish, shu asosda millatning kelajagi bo‘lgan yoshlarni milliy qadriyatlar ruhida tarbiyalash masalasiga katta e’tibor berilmoqda. Hozirgi kunda bu masala davlat siyosatining ustuvor sohalaridan biriga aylanganligi hech kimga sir emas Bu boradagi vazifalarni bajarishda o‘zbek she’riyatining yirik vakili Alisher Navoiy asarlarining ham o‘rni beqiyos.O‘zbek adabiyoti tarixida o‘zining go‘zallik tajassumidan iborat g’azallari bilan katta shuhrat qozongan shoir ijodiyoti ulkan ma’naviy xazinadir. Shoir, xususan, mazmunan yuksak va shaklan go‘zal g’azallar yaratib, bu janrning rivojiga ulkan hissa qo‘shdi. Uning rangbarang mavzularda yozilgan g’azallari mohiyatini hayot zavq-shavqlari,tabiat go’zalliklaridan bahramand bo‘lish, sevgi-sadoqatni ulug’lash,ezgulikni targ’ib etish g’oyalari tashkil etadi. Xalq og’zaki ijodi boyliklaridan bahramand bo‘lgan shoir she’rlari go‘zal badiiy san’atlar bilan ziynatlangan. Shu ma’noda, shoirning badiiy barkamol she’riyati badiiyatini o‘rganish, mavzuga doir manbalardagi ma’lumotlarni umumlashtirish, shoirning poetik mahoratini yoritib berish dolzarblik kasb etadi. Bugungi kunda mumtoz adabiyotimizning turli qirralarini yoritishga e’tibor qaratilmoqda. Ayni ma`noda Alisher Navoiy asarlarida she’riy san’atlarning qo`llanishini tadqiq etish ham muhim ishlardan hisoblanadi. Zero, asrlar davomida shakllangan badiiy san’atlarning ham o`z taqdiri bor. Badiiy so`zning, xususan, lirikaning g`oyaviy hissiy mohiyati, vazifasi bevosita badiiy san’atlar bilan chambarchas bog`liqdir. She’riyatdagi bir badiiy san’atni, uning xususiyatlarini, istilohi, ta’rifi, rivojlanishi kabi masalalarni alohida mavzu sifatida o`rganish bugunning ishlaridan.

Biz Navoiyning iqtibos san'atiga misol qilib Nazm ul-javohir” asaridan ayrim parchalarni keltiramiz. Muqaddimada keltirilgan har bir fikr oyat va hadislar asosida aniq dalillanadi va ularning ta’sirchanligini oshirish maqsadida to‘rt misrasi ham qofiyadosh bo‘lgan taronayi ruboiylar keltiriladi. Bu esa asarda bayon etilgan fikrlarning aniq va ishonarli bo‘lishini ta’minlashda alohida ahamiyat kasb etadi. Fikrimizning dalili sifatida Husayn Boyqaro tavsifiga e’tibor qaratamiz. Bunda Navoiy Boyqaroning buyukligini, adolatini, xalqparvarligini, muzaffariyat va g‘alabalarini va fasih ijodini bir qator oyatva hadislar bilan izohlaydi: “Shahedurkim, olam shohlari angafarmonpazirdurlar va shahedurkim, davron shahanshohlari ribqai hukmidaasir, xilofatpanohekim, *“Inna joila filarzi xalifata”(*27) tirozidurur, aning qomati iqbolig‘a loyiq adolat dastgohekim, “Adl soatin xayrun min ibodati sitiyna sunnatin”(28) davojidurkim, aning taxti falak misoli kitobasig‘a muvofiq raiyatnavozekim, *“Innal-lohu ya’muru bil-adli val ehsoni”(*29) lam’adur aning mir’oti lomi’ muxolifguzore “Va yanhi an alfuhasho val-munkar vabug‘o”(30) ashi’adurur aning tig’i qahrida sote’, safshikanekim:

*“Inna fathno laka mubinan”(*31) debochadurur qazo kilkidin aning shuqqasi livosig‘a yoqilg‘on a’do afganikim: *“Va yansuraka Allohu nasran azizan”(*32) oyati *durur qadar Men yerga xalifa, qilib tayinlayman. Bir soatlik adolat oltmish yillik ibodatdan yaxshidir. Haqiqatda Alloh adolat va yaxshilik qilishni buyuradi. Va fahsh, ifloslik vanadolatsizlikni rad etadi. Va Allohning senga kuchli yordam berishi uchun. Va Allohning azizlarga yordami surasi xomasidin aning tig‘i yuziga qazilg‘on fasohat shiorekim: ”Aynan tasammo Salsabilan”(*33) zuloli aning daryoyi hayot tab‘idin rashhai bo‘la olg‘ay,balog‘atdisorekim: “Va qiyl yorzi ablag‘i ma’hudi”(34) aning xuqqai purgavharig‘a takallum vaqti diqqati kalom bila tatabbu’ qila olg‘ay”(35).

Shuningdek, “Xamsa”sidagi bir doston- “Farhod va Shirin” da ushbu san’atlarning qo`llanishiga e’tiborni qaratdik. Dostonni o`qish asosida amin bo`ldikki, she’riy san’atlarning har uch guruhi- ma’naviy, lafziy va ma’naviy lafziy san’atlar ham ko`p uchrar ekan. Lafziy san’atlarga mansub deyarli barcha turlar asarda ko`zga tashlanadi. Ular dostonlarning hayotiyroq, ta’sirchanroq, undagi g`oyalarning yorqin, timsollarning jonli chiqishiga xizmat qilgan. Shuningdek, baytlarning ohangdorligi, shakliy nazokati, musiqiy va jozibadorligini ta’minlashda asosiy omil bo`lgan.Asarda ko`p uchraydigan san’atlardan biri mukarrardir. A.Husayniy, T.Boboyevlar takrir, mukarrarlarni ma’naviy san’atlar sifatida berishadi. She’riy san’atlar bilimdoni, bu sohada ko`pgina tadqiqotlar yaratgan adabiyotshunos olim A.Hojiahmedov ularni lafziy san’atlar doirasiga kiritadi. Biz ham shu asosda ularni lafziy san’atlar sifatida ko`rib chiqishni ma’qul topdik. A.Husayniy shunday yozadi: “Rashid-i Vatvot depturkim, shuaro mukarrar deb andoq she’rni ayturlarkim, bir baytta bir lafzni keltirurlar va o`zga baytta aning ta’sirida o`shul lafzni yana keltirurlar...”.1 Bunga ko`ra, bir so`z dastlabki baytda keltirilsa, keyingi baytda ham o`sha so`z qaytariladi. O`zbek tilida takror so`zlar bor. Baytda ana shunday so`zni qo`llash-mukarrardir. A.Hojiahmedov esa shunday yozadi: “Mukarrar” so`zi “qayta-qayta, ust-ustiga” ma’nolarini ifodalaydi. Shu nom bilan ataluvchi lafziy san’at esa baytning har ikki misrasida juft so`z qo`llashni nazarda tutadi.

Bu fikrlarda izohtalab joy bor. Misralarda “juft so`zlar” emas, takroriy so`zlar deb nomlash to`g`ri bo`lardi. Chunki “Alloh-Alloh”, “tez-tez”, “qatra-qatra” kabilar juft so`zlar emas, takror so`zlardir. A.Husayniy bunday so`zlar ikki baytda-to`rt misrada kelishini aytadi. O`zbek she’riyatida esa, bir baytning ikki qatorida takror so`zlarning kelishi ko`p kuzatiladi. Bunday takror so`zlar misraning turli o`rinlarida keladi.

“Farhod va Shirin” dagi mana bu baytga e’tibor beraylik:

*Kim etsa darddin oz-oz rivoyat,*
*Qilib ul dard anga ko`p-ko`p siroyat.*

Ushbu baytdagi mukarrar “oz-oz” va “ko`p-ko`p”. Ikki misrada ham o`rtada kelyapti. Misrada ta’kidlanishicha, kimki o`z dardini, iztiroblarini gapirib bersa, bu narsa unga ko`p-ko`p ta’sir etadi. Farhod Xusravga asir tushib, Salosil qo`rg`oniga qamalgandan keyingi holati shunday tasvirlanadi:

Farhodning o`z holatiga achinib, lahza-lahza boshini toshga urishi, tosh boshini “pargola-pargola” qilishi, ya’ni bo`laklar parcha-parchalarga ajralishi mubolag`ali tarzda ifodalangan. Bunda ham misralar o`rtasida kelgan “lahza-lahza” va “pargola-pargola” mukarrari qo`l kelgan.

Umuman, Navoiy dostonida lafziy san’atlar turli g`oyaviy-badiiy niyatni, shoir tuyg`ularini ta’sirli, asar qahramonlari kechinmalarini jonli va hayotiy tasvirlashda qo`l kelgan.

She’riyatda badiiy san’atlarni qo`llashda o`ziga xos qonun-qoidalar, me’yor bo`lishi muhim. She’riy san’atlarni bo`lar-bo`lmasdan, ko`p qo`llash ham ma’noga ziyon yetkazishi, shaklbozlikka olib kelishi mumkin. Lirikada ularni ishlatishdagi muhim jihatdan biri-me’yor. Timsollar yangiligi, o`ziga xosligi, betakrorligi, hayot mantiqiga mos kelishi, kitobxonga tushunarli bo`lishi, nafosat qoidasiga muvofiqligi kabilar ham asosiy o`rin tutadi.

Xulosa qilib shuni aytishim mumkinki, buyuk mutafakkir shoirimiz Alisher Navoiy ijodidagi badiiy san`atlar har tomonlama mukammal, o`zining badiiy nafosati bilan , hilma-hil ifoda usullari bilan berilgani-o`zbek tilimizning g`oyatda boyligi va go`zalligini, shuningdek nozik va teranligini yorqin hamda jonli lavhalarda ifodalashini ko`rsatib turibdi. Bularni chuqur o`rganish yangi O`zbekistonimizning yosh mutaxassislari uchun nihoyatda zarur deb bilaman.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Т.: Академнашр, 2013. – Б. 60.
2. Юсупова Д. Алишер Навоий "Хамса"сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Т.: Mumtoz so`z, 2011. – Б. 79.
3. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. –Т.: Шарқ, 1998. – Б.4.
4. Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. – Т.: Mumtoz so`z, 2009. –Б.147.
5. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 1-2-жилдлар. – Т.: Фан, 1987. –Б.144.

# “MAHBUB UL-QULUB” DA MATN TALQINI MUAMMOLARINING O‘RGANILISHI

**Tura Tosh Muhammad Zarif,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti

“Mahbub ul-qulub” asari o‘zbek nasrining g‘oyat go‘zal namunasi, Navoiy badiiy tafakkurining xulosasi, hayotiy mushohadalarining yakunidir. Asarda muallif o‘zigacha bo‘lgan forsiy nasrning eng ilg‘or an’analarini rivojlantirgan, qator masalalarni o‘z davri ijtimoiy-siyosiy voqelikni, hokim mafkura bilan bog‘lab, yangicha talqin qilgan. Asardagi insonni ulug‘lash, barkamol ko‘rish, bayondagi fikr teranligi, tilning go‘zalligi, puxtalik, muxtasarlik, uslubiy jilolar, she’riy parchalarning keltirilishi yuksak badiiyatini belgilaydi. Asar uzoq yillardan beri matnshunos va manbashunos tadqiqotchilar diqqatini jalb etib kelgan, o‘zida nasr va nazm gavharlarini mujassam etgan noyob xazinadir. Binobarin, ushbu asar matnini tabdil va tahlil qilish, uning tarkibidagi she’riy matnlar badiiyatini, poetik xususiyatlarini o‘rganish matnshunoslikning muhim va dolzarb vazifalaridan biridir. Bu birinchi navbatda “Mahbub ul-qulub” asarining mazmun va g‘oyaviy mundarijasini teranroq anglash imkonini bersa, ikkinchi tomondan, Alisher Navoiyning nasriy asarlariga xos bo‘lgan badiiyatning o‘zgacha jilolariga yana bir bora ilmiy nazar tashlash imkonini yaratadi. Bu borada matnshunos tadqiqotchilar xizmati e’tirofga loyiq. Biroq adabiy merosimiz namunalarini bugungi talab darajasida mukammal tadqiq etish va nashrga tayyorlash, tabdili amalga oshirilgan asarlardagi xatoliklarni bartaraf etish matnshunoslik sohasi oldidagi jiddiy vazifalardandir.

Asarning muqaddima qismida, Navoiyning e’tirof qilishicha, bu asar zamondoshlari va avlodlarga o‘rnak bo‘lishi, yaxshilik va yomonlikni anglashda, go‘zallikni ardoqlash va ezguliklarga intilish, chirkin xislatlar va yovuzliklardan asranishda dastur ul-amal bo‘lishligini nazarda tutadi. Odob tasnif an’anasiga ko‘ra asar Alloh hamdi bilan boshlangan. Uning yolg‘izligi, azamati, niyozmandligi, qodirligi va h.k. madh etiladi.

Muhammad Payg‘ambar (s.a.v.)ning madhi na’t qismida beriladi. Shundan so‘ng Navoiy o‘zi haqida, hayoti, faoliyati qanday kechganligini nimalardan xursand, nimalardan ranjib yashagani qalamga olinadi. Asarning yozishdan ko‘zlagan maqsadi va uning mundarijasi bayon etiladi. Navoiy “umid ulki, o‘qig‘uvchilar diqqat va e’tibor ko‘zi bilan nazar solg‘aylar va har qaysi o‘z fahm-u idroklariga ko‘ra bahra olg‘aylar, bituvchiga ham bir duo bila bahra yetkurgaylar va ruhini ul duo bila suyundurg‘anlar, - deb muqaddimani yakunlaydi.

“Mahbub ul-qulub”ning avvalgi noshirlari davr siyosati va undagi hukmron mafkura tazyiqi bilan matnni qisqartirib tayyorlagan edi. So‘nggi yillarda e’tiborli qo‘lyozmalar asosida asar to‘liq holda nashr etildi. Natijada Navoiyning

tasavvufga munosabati, diniy masalalarni talqin etishdagi pozitsiyasi haqida aniq tasavvur paydo bo‘ladi. [107].

“Mahbub ul-qulub” asarining qo‘yozmalariga nazar solganda, ularning o‘ziga xos umumiy xususiyatlarini aniqladik: “Matndagi sarlavhalar, she’riy parchalarning nomlari, misralar va jumlalar orasiga qo‘yilgan tinish belgilar, asosan, qizil siyohda yozilgan, hamda qo‘lyozmalarning ko‘pchiligi oddiy nasta’liq xatida ko‘chirilgan. “Mahbub ul-qulub” qo‘lyozmalariga xos yana bir umumiy xususiyat: ko‘chirilgan sahifalarning barchasida poygirlar-o‘zidan keyingi sahifaning aynan shu so‘z bilan boshlanishini bildirib keluvchi so‘z - mavjudligidir. Matnlarni ko‘chirish uchun ko‘pincha oqish, qalin va yupqa qog‘ozlardan foydalanilgan.Tekstlar barcha nusxalarda, asosan, qora siyohda yozilgan, ba’zi qo‘lyozmalarsa esa, qizil, qirmizi siyohlarda yozish holatlari ham uchraydi.

ToshDO‘TAU qo‘lyozmalar fondidagi “Mahbub ul-qulub” asari nusxalari esa ost-ust harakat belgilari qo‘yilmay ko‘chirilganligiga guvoh bo‘ldik. Shu jihatdan Navoiy devonlari O‘rta Osiyo xattotligi tarixida turli xat usullarini qo‘llab ko‘chirilganligini aniqlash va tekshirishda yagona, noyob manbalardir. Qo‘lyozmalarni solishtirish jarayonida ularning farqli jihatlatlari ham ko‘zga tashlandi: Mavjud qo‘lyozma nusxalar turli davlarlarda turli xattotlar tomonidan ko‘chirilgan, bugungi kunga qadar yetib kelgan qo‘lyozmalar har xil saqlangan, shu sababli, ular orasida yaxshi saqlanganlari bilan birga o‘rtacha va yomon saqlangan nusxalar ham mavjud. Shuningdek, manbalar bir-biridan varaqlarining soni, tekst o‘lchovlarining har xilligi bilan farqlanadi. Navoiyshunos olim Muhammadjon Hakimovning beqiyos xizmatlari tufayli “Mahbub ul-qulub” asarining mavjud qo‘lyozmalari batafsil tasnif qilindi va matnlarga ham qisqacha izoh berib ketildi.

“Mahbub ul-qulub” asari tadqiqiga bag‘ishlangan barcha ilmiy ishlarga nazar soladigan bo‘lsak, asar tarkibidagi she’riy matnlar yoki parchalarga u yoki bu darajada murojaat etiladi. Biroq bu murojaatlar asosan misol keltirish shaklida namoyon bo‘lib qolgan xolos. “Mahbub ul-qulub”ning belgilovchi badiiy xususiyatlaridan biri, jumladan, nasr bilan nazmning birgalikda ishlatilganligidandir. “Navoiyning bu asarida nazm asosan ikki maqsadda istifoda etiladi[108]:

1.Prozaik bayonda bildirilgan fikrni xulosalash, yakunlash uchun keltiriladi. Masalan: asarning uchinchi qismida “eran”lar xizmatida bo‘lishlik, ular bilan birga fidoiylik ko‘rsatishning naqadar saodatli ekanligi haqida bir “tanbeh” bor bo‘lib, fikr-da’vat shunday she’r bilan yakunlanadi:

Eranlar xizmatidin chekmagil bosh,
Agar boshingga gardundin yog‘ar tosh.
Ki gar ul tosh bila boshing usholg‘ay,
Saodat xattidur, gar zaxmi qolg‘ay[109].

[107] Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан . – Т.: Фан, 1971.
[108] Ziyo uz.com sayti. Alisher Navoiy asarlari tahlili sahifasi.
[109] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. Ж.14. – Т.: Фан, 1998. – Б.66.

“Mahbub ul-qulub” tarkibidagi nazmiy parchalar, undagi hikoyatlar kabi asarning badiiyligini ta’minlash, muallifning g‘oyaviy niyatini, ruhiy holatini yanada kuchaytirib, bo‘rtttirib ifidalash uchun keltiriladi”. “Mahbub ul-qulub”dagi she’riy matnlarni o‘rganganimizda ularning umumiy tavsifi quyidagicha ekanligini aniqladik: Asar muqaddimasida jami oltita she’riy matn mavjud (qit’a, masnaviy, masnaviy, ruboiy, bayt, qit’a) bo‘lib, 14 bayt (28 misra)dan iborat. Ma’lum bo‘ladiki, “Mahbub ul-qulub”da jami besh xil janrdagi (qit’a, masnaviy, ruboiy, fard va tarix) she’r va she’riy parchalar mavjud bo‘lib, ular orasida eng ko‘p uchraydigan janr fardlar bo‘lib ularning soni 88 ta. Shuningdek, masnaviy 27 ta, ruboiy 20 ta, qit’a 12 ta hamda tarix bitta. Asarda quyidagi qit’a uchraydi:

Har ne aytur bo‘lsa Xudovu Rasuldin,
Andin so‘ng o‘lsa mujtahidu avliyo so‘zi.
Andin kishi ne kim eshitur va o‘rganur bo‘lsa,
Xudo so‘zi yo‘q esa, Mustafo so‘zi[110].

Qit’aning ikkinchi bayti nafaqat vaznga tushmaydi (birinchi misra uzun - 15 ta hijo, ikkinchisi, aksincha, qisqa – 11 ta hijo), balki mazmun ham jiddiy tarzda buziladi. Buning sababi birinchi misra oxiridagi “bo‘lsa” so‘zi, aslida, ikkinchi misra boshida bo‘lishi lozim: Andin kishi ne kim eshitur va yo o‘rganur, Bo‘lsa Xudo so‘zi, yo‘q esa Mustafo so‘zi. Demak, asarni to‘g‘ri tushunish va tahlil qilishimiz uchun matnshunos olimlarimiz hali yana ancha izlanishlar olib borishlari lozim bo‘ladi. “Mahbub ul-qulub”dagi she’riy matnlarda ham Navoiy aruzning rang-barang bahrlaridan (rajaz, xafif, sare’, mujtass va hokazo) foydalanganligini qayd etish lozim.“Mahbub ul-qulub”ning asosiy nasriy matnida bo‘lgani kabi she’riy parchalarda ham badiiy san’atlarning turli xillaridan nihoyatda ustalik bilan foydalanadi. “Mahbub ul-qulub” asari Alisher Navoiy she’riyatini, she’riy mahoratini o‘rganish, uning yangi-yangi qirralarini kashf etish uchun ham qimmatli manba sanaladi.

Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarinining manbalarini o‘rgangan olimlar asarning asosiy sarchashmasi sifatida Qur’oni karim va Hadislarni keltiradilar. Darhaqiqat, “Mahbub ul-qulub” asaridagi tanbeh va hikmatlarni ushbu manbalar bilan qiyosan o‘rganish ushbu fikrlarning asosli ekanligini ko‘rsatadi. Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asari matniga singdirilgan Qur‘oni karim oyatlari, qissa va timsollarning fasl, bob, tanbehlar asosida tutgan axloqiy masalalarini yoritishdagi o‘rni va ahamiyati beqiyosdir.

Y.E.Bertels o‘zining “Navoiy” monografiyasida buyuk shoir va mutafakkir hayoti va adabiy merosini tavsif va tahlil etish asnosida uning nasriy asarlari, xususan, “Mahbub ul-qulub” asariga ham alohida to‘xtaladi. Olim asar mazmuni va ayrim fasllarini Navoiy hayotining so‘nggi oylaridagi voqeliklar bilan birga talqin etishi muhim ahamiyat kasb etadi. Unda, jumladan, quyidagilarni o‘qiymiz: “…Navoiy o‘zining so‘nggi kitobi – “Mahbub ul-qulub” (“Qalblar sevgilisi”) asarini yozishga kirishadi. Mohiyatan u Sa’diy tomonidan “Guliston”da ilk marta qalamga olingan Jomiyning “Bahoriston”ida rivojlantirilgan mavzuni davom ettiradi. Kuchli didaktik yo‘nalishda yozilgan bu

[110] Navoiy qit’alari haqida qarang: Haqqulov I. Kamol et kasbkim. – Toshkent: Fan, 1994.

asar shoirning uzoq umri davomida to‘plangan tajribasini o‘zida mujassam etgan bo‘lishi va davrga baho berishi kerak edi. Kitob maroq bilan o‘qiladi. Unda biz Navoiyning so‘nggi so‘ziga duch kelamiz. Asar yozishga o‘zini qiynagan o‘ylar bilan kirishdi. Biz uning oxirgi yillari og‘ir kechganini, qanday qorong‘i hislar uni qiynaganini bilamiz. Shuningdek, biz ushbu kitob muqaddimasida gapirilgan qadrdon vatanni butunlay tashlab ketmoqchi bo‘lganidan ham xabardormiz. Uning o‘z oldiga qo‘ygan vazifasi – nasrda juda muxtasar tarzda kishilik jamiyatining tuzilishi, kishilararo muloqot asoslari haqidagi masalaga doir fikrlarni bayon qilishdan iborat bo‘lgan. Asar nasri vaznga solingan, qofiya bilan xo‘p ziynatlangan”.

Xulosa qilib aytganda, “Mahbub ul-qulub” Navoiyning, ehtimol, eng murakkab asarlaridan biridir. U adabiyotdan ovunchoq izlaydiganlar uchun yozilmagan. Bu yerda har bir gap qalban aytilgan, o‘ylangan, aql tarozisiga solingan va shuning uchun o‘quvchidan jiddiy, mulohazali munosabatda bo‘lishni talab qiladi. Buning uchun asarda davr shart-sharoitlari bilan izohlanuvchi qandaydir alamli ohang mavjud. Asar haqida keng tasavvurga ega bo‘lish va undan zavqlanish uchun asarning mukammal matni keng kitobxonlar ommasiga taqdim qilingan va yil sayin Navoiyshunos olimlar tomonidan turli darajada tadqiqot ishlari olib borilmoqda.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:


1. Haqqulov I. Kamol et kasbkim. –T.: Fan, 1994.
2. Sarimsoqov B. O‘zbek adabiyotida saj`. – T.: Fan, 1978.
3. Hayitov Sh. “Mahbub ul-qulub”da tasavvufiy jilolar. – T.: Fan, 1996.
4. Rustamov A. Navoiyning badiiy mahorati. – T.: Fan, 1977.
5. Vohidov R., Eshonqulov H. O‘zbek mumtoz adabiyoti tarixi/O‘quv qo‘llanma. – T.: Yangi asr avlodi, 2006.
6. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. – Т.: Фан, 1971.

# “QISSAI FARHOD VA SHIRIN”DA NAZMIY PARCHALAR

**Xurshidabonu Muxitdinova,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti

O‘zbek xalqining ko‘p ming yillik tarixi, boy ilmiy-ma’naviy merosi, adabiyoti va san’ati haqidagi qimmatli ma’lumotlar qo‘lyozma va toshbosma manbalarda o‘z aksini topgan. O‘zbekiston mustaqillikka erishgach, ilmiy-tarixiy va madaniy merosimizni tiklash davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishlaridan biriga aylandi. Mustaqillik xalqimiz mulki bo‘lgan turli qo‘lyozma manbalarni topish, Sharq qo‘lyozmalarini o‘rganish, tadqiq qilish va nashr etish ishlarining keng tus olishiga zamin yaratdi. Natijada yuzlab qo‘lyozma manbalar hozirgi o‘zbek imlosiga tabdil qilinib, chop etildi. Ammo hali dunyo yuzini ko‘rmaganlari, keng ommaga taqdim etilmaganlari ham ancha. Masalan, hozirda qo‘lyozmalar fondida mavjud bo‘lgan “Xamsa” asosida xalq qissalari sifatida ishlangan “Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun”, “Iskandarnoma”, “Bahrom va Dilorom” shular jumlasidandir. “Farhod va Shirin” nomi ostida yaratilgan qissalardan o‘zbek xalqi orasida Umar Boqiy, Mahzun yaratgan asarlar mashhur bo‘lib, asr boshlarida toshbosma matbaalarda ko‘p bora chop etilgan (2). Xalq tomonidan sevib o‘qilgan. Asarning qo‘lyozmalar fondida yana bir “Qissai shahzoda Farhod va Shirin” nomli bir qo‘lyozma nusxasi mavjud (3). Mazkur tizimidagi asarlarni Navoiy dostoniga yaqinlik darajasi bo‘yicha turkumlaydigan bo‘lsak, Mir Maxdum tomonidan yaratilgan “Qissai Farhod va Shirin” aynan nasriy bayon. Umar Boqiy nasriy bayoni Navoiy dostoni syujetida, biroq erkin, ijodiy ishlangan nasriy bayondir. Mahzun qissasi va unga yaqin syujetdagi qo‘lyozma nusxasi esa nisbatan erkin, mustaqil ijod etilgan qissalar hisoblanadi.

Ular sirasidan “Farhod va Shirin” dostonining yana bir xalq qissasi varianti Mahzun qalamiga mansub bo‘lib, kitobning bitta qo‘lyozma va bitta toshbosma nusxasi mavjud. O‘zbek adabiyotida Mahzun haqida ma’lumotlar yetarli emas. Uning Qo‘qon adabiy muhitida yashagani, shoir sifatida she’rlar ijod qilgani Po‘lotjon Domulla Qayumovning “Tazkirai Qayyumiy” asarida aytib o‘tilgan, ijodidan parchalar berilgan. Biroq bir qancha Mahzun ismli shoirlar yashab o‘tgani haqida ham ma’lumotlar mavjud.

“Farhod va Shirin” dostonining qo‘lyozma manbasi xalq qissalari bilan birgalikda berilgan. Kitob kulrang jild bilan muqovalangan, jami 386 bet. “Hikoyati Xisrav podshoh”, “Qissai Sanuvbar”, “Qissai Yusuf Ahmad” qissalari bilan birgalikda berilgan. “Qissai Farhod va Shirin” kitobda 1-145 betlarda joylashgan. Kitobning dastlabki sahifalari yirtilgan shekilli, qissaning dastlabki qismlari yo‘q. Asar matni Farhodning tog‘ qazish ishlari va Shirin uni ko‘rgani kelganidan boshlangan. Asar matni toshbosma nusxaga qiyoslanganda, ayrim o‘zgarishlar borligi ko‘zga tashlanadi. Demak, kotib ko‘chirish jarayonida o‘zining kiritmalarini kiritib o‘tgan, qayta ishlov bergan. Natijada, yangi variant paydo

bo‘lgan. Shuningdek, qo‘lyozmada voqealar sodda uslubda bayon etilgan, Navoiy va Mahzun ijodidan ham unumli foydalanilgan.

Mahzun qissasi xalq orasida juda mashhur bo‘lgan, biroq qo‘lyozmalar orasida asar matni deyarli uchramaydi. Birgina toshbosma nusxasi mavjud. Endi toshbosma nusxa va qo‘lyozma nusxadan xulosa chiqarsak, asar xalq talabiga ko‘ra nashr etilgani sir emas. O‘sha davrda kitob sotuvchilari noshirlar bilan ish olib borib, xaridorgir, ehtiyoj baland bo‘lgan kitoblarni nashr etib borishgan. Nazmdagi asarlar qatorida xalq tez va oson tushunadigan bunday sevgi-muhabbat mavzusidagi nasriy asarlarga talab katta bo‘lgan. Kitobning birgina toshbosma nusxasi mavjud, Umar Boqiy “Farhod va Shirin”ining ko‘plab nusxalari bor. Sababi bu kitob Xislat, Sidqiy Xondayliqiy va boshqa noshirlar tomonidan ko‘p bora nashr etilgan, ko‘plab nusxalari saqlanadi.

Mahzun qissasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik institutida Hamid Sulaymon fondida 683-inventar raqam ostida saqlanadi. Hajmi 15-25 sm, 118 sahifadan iborat. Kitob qog‘ozi har o‘n varaq qizil, o‘n varaq sarg‘ish rangda. Kitob haqida ma’lumot beruvchi titul varaq yirtilgan. Saqlanib qolgan qismidan aniqlanishicha, kitob hijriy 1325, melodiy 1907-yili Toshkent shahrida G‘ulomiya matbaasida nashr etilgan.

Qissa an’anaviy hamd va na’t bilan boshlanib, shahzoda Farhodning ta’rifi bilan davom etadi. Voqealar rivoji nasrda berilgan bo‘lsa, qahramonlarning ta’rif-u tavsifi, o‘y-xayollari, kechinmalari esa asosan, nazmda ifodalangan. Nasr orasida nazmning berib borilishi asarga lirik kayfiyat berib, asar tilining shirador bo‘lishini ta’minlagan. Matnda tashbeh, tamsil, talmeh, o‘xshatish, ritorik so‘roq gaplar va boshqa shu kabi badiiy-tasviriy vositalar keng qo‘llangan. Asar tili juda xalqchil va ravon, oddiy ibora va maqollardan ham foydalanilgan. Ijodkor nasrda ham, nazmda ham sa’jdan, tashbeh-u tanosub san’atlarini qo‘llab boradi. Jumladan, quyidagi o‘rinda Farhodning iztirobli holatini tasvirlash uchun bir qancha vositalardan foydalanadi, natijada matn saj`ga yaqin jumalar shaklida bayon etiladi: “… *go‘yoki baloyig‘a giriftor bo‘ldi va savdoyi Shirin boshig‘a tushti, aql-u hushidin adoshti. Alifdek qomati kamondek egildi va qizil guldek yuzi za’farondek bo‘ldi. Dil jonig‘a o‘t tushti, ohudek ko‘zlari nargisdek suzildi. Toqati toq bo‘ldi. Sargashtalik jafosig‘a tushti. G‘ariblik rohig‘a tushar, ohu fig‘oni haddin oshdi…”* Bu yerda shahzoda Farhodning Shirinni suratini ko‘rgach, unga ishqi tushib, dard-u g‘ami oshgani tasviri juda go‘zal o‘xshatishlar bilan berilgan. Qisqa va aniq ta’riflar Farhodning ichki va tashqi holatini kitobxon tasavvurida jonli ifoda etishga xizmat qiladi.

Yoki *“…Ul vaqtda shoh Mehinbonuni yonida bir singli bor erdi, andoq nozanin sarvi ravon va oromijon, siym badan va nozik andom, sunbul soch va shahlo chashm, payvasta abro‘ va la’li lab, g‘uncha dahan va dur dandon, shirin suxan va …, tovus xirom, xush raftor erdi…”* Bu misralarda malika Shirinning husn-u jamoli ta’rifi keltirilgan. Bu kabi ta’riflar xalq og‘zaki ijodiga xos bo‘lib, xalq qissalari, xalq dostonlarida keng qo‘llanadi. Parisifat ta’riflarda asosiy qahramon mislsiz darajada ta’rif etiladiki, bunday sohibjamol uchun qahramonlar

har qancha jabr cheksa arziydi. O‘z o‘rnida bu ta’rif qissa tilining shirador, badiiy-tasviriy vositalarga boy bo‘lishiga xizmat qiladi.

Ma’lumki, xalq nasrida qahramonlar nutqi nazm orqali ochib izhor etiladi, bu o‘z navbatida lirik qahramonning ruhiyatini ochish, o‘y-kechinmalarini, iztiroblarini ifodalash imkoniyatini beradi. Qahramonlarning his-tuyg‘ularini, emotsiyalarini ifodalashda esa ko‘proq g‘azal, muxammas janrlariga murojaat qilgan. Masalan,

*Voy boshimg‘a tushubdur yuz tuman **savdoyi i**shq,*
*Voh netay qo‘ymas mani o‘lturgani **g‘avg‘oyi** ishq.*
*Jonima qasd ayladi bo‘ldumki **rasvoyi** ishq,*
*Boshima soldi javri bu dam falak paydoyi ishq.*
*Bag‘rimni sadpora qildi yuz bu zamon **bodayi** ishq.*
*Axtarib chiqsam toparmanmu o‘shal **mohporani***
*Toj zarrin boshida taxt uzra ul **ozodani**,*
*Kim o‘shal shirin takallum ko‘zlari **xunxorani**.*
*Mahliqolar ichrakim dilbari **jononani***
*Boshima soldi qilich, qildi mani **afgor** ishq.*

a-a-a-a-a, b-b-b-b-a …, tarzida qofiyalangan ushbu muxammasda oshiq Farhodning Shirin dardida yonayotgani, uning huzuriga oshiqayotgani, vaslidan umidvorligi ifodalangan.

Shuningdek, g‘azallarda qo‘llangan musajja’ usuli ham ohangdorlik va ta’sirchanlikni oshirib, o‘quvchining diqqatini tortadi:

*“… Ki bir mahvashni dardidin bu yerlarda bo‘lub **hayron**,*
*Maningdek yo‘qtur **sargardon**, tarahhum aylagil yo Rab.*
*Manam shahzoda **xon erdi**m, ilmda **mo‘tabar erdim,***
*Muningdek **joylara keldim**, tarahhum aylagil yo Rab.*
*Bilursan ushbu **holimni**, berar bo‘lsang murodimni,*
*Oquzib ko‘zda **yoshimni**, tarahhum aylagil yo Rab.*
*Ko‘rub husni **jamolini**, yeturub ko‘kka **ohimni**,*
*Tilab haqdin **murodimni**, tarahhum aylagil yo Rab.*
*Bu joyda qolmadi **toqat**, yurakda qolmadi **holat**,*
*Toparman deb qilub **g‘ayrat**, tarahhum aylagil yo Rab…”*

Qissada turli janrlar va badiiy san’atlardan keng foydalanilgani ijodkorning mahoratidan, nozik ta’b va did egasi ekanligidan dalolat beradi. G‘azal Farhod tilidan aytilgan bo‘lib, shahzodaning hasrat-nolalaridan iborat.

Umuman olganda, asardagi she’riy parchalarni janr jihatidan ajratib chiqish lozim. Ularning hammasi ham Mahzun qalamiga tegishli emasligini Abdurauf Fitrat ta’kidlab o‘tgan. Asar syujeti, Mahzun tomonidan qo‘shilgan badiiy to‘qimalarning manbai, Navoiy asaridan uzoqlashib ketgani, Alisher Navoiy bilan birgalikda Nizomiy Ganjaviy, Xisrav Dehlaviy dostonlarining ham ta’siri borligini aytib o‘tadi. Garchi Mahzun asl manbadan uzoqlashgan bo‘lsa ham, bu holat xalq orasida shunga yaqin syujetlar bo‘lganini ko‘rsatadi. Demak, xalq qissalari yozma adabiyotdan ham, xalq og‘zaki ijodidan ham teng oziqlangan.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:


1. Фитрат А. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2000. –208 б.
2. Маҳзун. Қиссаи шаҳзода Фарҳод ва Ширин. Тошбосма. – Тошкент: Ғуломия матбааси, 1905. ЎзР ФА ШИ Ҳамид Сулаймон фонди. Инв № 683. –118 б.
3. Фарҳод ва Ширин (қиссалар билан бирга). Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ Ҳамид Сулаймон фонди. Инв № 2822/I. – Б 1-151.

# “NAZM UL-JAVOHIR” ASARIDA SO‘Z TALQINI

**Madinabonu Pardayeva,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti

Adabiyot – so‘z san’ati. So’z haqida Allohning lafzi – Qur’oni karimda, hadislarda juda ta’sirli jumlalar keltirilgan. Aniqki, Allohni tanigan mutafakkir shoirimiz A. Navoiy ham o‘z asarlarida “so‘z “ga alohida e’tibor berib maxsus boblar ajratganlar. Ijodkor o‘zining deyarli barcha asarlarida so‘z xususida qimmatli fikrlarni bayon etadi. Xususan,shoir “Nazm ul-javohir”asarida so‘zning qudrati,uning ulug‘ligi, insoniyat uchun ulug’ bir ne’mat ekanligi kabi bir qator masalalar yuzasidan mulohazalar yuritadi. Navoiyning e’tiroficha, insonni butun maxluqotdan ajratib turguvchi, uni barcha ofarin va maqtovga sazovor qilguvchi bu – nutq va so‘z. Ushbu fikrlar “Qur’oni karim”dagi “biz odam bolalarini siyladik” va “insonni go‘zal tuzilish bilan yaratdik” kabi oyati karimalar bilan dalillab bayon qilinadi: “Haq subhonahu va taolokim, insonni soyiri maxluqotdin mumtoz va majmui ofarinishg‘a sarvar va sarafroz qildikim: “Valaqod karamno bani odama” karimasi andin muxbirdurur, “Va laqod xolaqnal-insona fi ahsani taqvimi”anga mush’ir. Munga jihat sharafi nutq va maqol erdi va mujibi lutfi kalomi farxunda maol”[111]. Navoiy asarda o‘z fikrlarining ta’sirchanligi va yanada ishonarli bo‘lishini ta’minlash maqsadida so‘zni dur-u gavharlarga o‘xshatadi. Shu o‘rinda aytish mumkinki, so‘zni aynan dur-u javohirga o‘xshatib ta’riflash ko‘proq Navoiy ijodiga xos bo‘lib,biz ushbu fikrlarning to‘g‘riligiga “Hayrat ul-abror” dostonining “So‘z ta’rifida”bobida guvoh bo‘lamiz:

*Borcha ko‘ngul durji aro javhar ul,*
*Borcha og‘iz huqqasida gavhar ul.*
*Gar xud erur xanjari po‘lod til,*
*Suftidog‘iinjulari so‘zni bil.*
*Til bu chamanning varaqi lolasi,*
*So‘z duraridin bo‘lubon jolasi*

Ko‘rinadiki, Navoiy bu o‘rinda so‘zga badiiy jihatdan yondashmoqda. Biroq muallif “Nazm ul-javohir” asarida so‘zga falsafiy jihatdan yondashadi va talmeh vositasida insonni hayvondan ajratib turguvchi eng asosiy omil so‘z ekanligini ko‘rsatadi: “Har oyina bu javhari jonbaxsh bashar xilqati konidin va bu luluiravonbaxsh inson vujudi ummonidin zohir bo‘lmasa erdi-Iso bila markabi arosida ne tafovud va solih bila noqasi o‘rtasida ne mug‘oyarat bo‘lg‘ay erdi” . Demak, inson so‘z durlari bilan ziynatlanmas ekan, Iso payg‘ambar bilan ulovi orasida va solih payg‘ambar bilan tuyasi o‘rtasida qanday farq qoladi? (Garchi ular payg‘ambar bo‘lsalar ham). Shundan so‘ng Navoiy yuqoridagi fikrlarning

[111] Алишер Навоий. Назм ул-жавоҳир/Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик.15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – Б.124-125.

poetik ta’sirini oshirish va ularning davomiyligini ta’minlash, qolaversa, umumlashma fikrni bayon etish maqsadida quyidagi ruboiyni keltiradi:

*So‘zdurki nishon berur o‘lukka jondin,*
*So‘zdurki berur jong‘a xabar jonondin,*
*Insonni so‘z ayladi judo hayvondin,*
*Bilkim, guhare sharifroq yo‘q ondin.*

Shu o‘rinda professor Hamidulla Boltaboyevning quyidagi so‘zlarini ta’kidlash o‘rinli bo‘ladi: “Alisher Navoiy estetikasining dasturiga aylangan “Insonning guhari shariflig‘i”, ya’ni yaralmish zotlar ichida mukarram va ulug‘ligi so‘z bilan (“So‘z ayladiki, insonni judo hayvondin...”) deyilishining asosi shundaki, so‘z bilan ziynatlangan go‘zal va mukammal tarzda yaratilgan inson o‘zining eng go‘zal so‘zini, eng samimiy va tabiiy tuyg‘ularini Yaratganga bag‘ishlaydi, unga hamd-u munojotlar aytadi,Xoliq bilan yuzma-yuz muloqotdagina (Hadisi sharifga ko‘ra “Namoz – mo‘minning me’roji”) yuzaga chiqarishi tabiiy bir holdir” [112]. Demak, insonlar va hayvonlar o‘rtasidagi tafovut so‘z sababidan ekan, biroq so‘z va so‘z o‘rtasida ham cheksiz tafovut va farq mavjudki, hazrat Navoiy ushbu fikrni “insonlar aqllariga yarasha gapiradilar” oyati karimasi bilan izohlaydi va so‘zning ham o‘z tadrijiy martabasi borligi xususida qimmatli fikrlarni bayon qiladi: “Bu so‘zkim, soyiri hayvonot bilan inson orasida dag‘I tafovut aning sababidindur. Turfa bukim, aning orasidag‘a tavofut behaddu farq beadad durki, “Kalamu an-nosu ala qadri uqulihim” andin xabar berur. Ma’lum bo‘ldikim, so‘zga marotib bor va har martabada hunar ma’yib va ul marotib ijmoli yuzidin idrok va diqqatoyinlari va uqul xurdabinlari qoshida uch qism birla munqasimdurur”[113]. Shu o‘rinda aytish joizki,hazrat Navoiy “Hayrat ul-abror” dostonida so‘zni ikki: nasriy va nazmiy qismlarga ajratadi va bu taqsimlash ko‘proq poetik jihatdan amalga oshiriladi:

*Nazm anga gulshanda ochilmog‘lig‘i,*
*Nasr qaro yerga sochilmog‘lig‘i.*
*Bo‘lmasa e’joz maqomida nazm,*
*Bo‘lmas edi tengri kalomida nazm*[114].

Navoiy nazmning nasrdan ustunroq ekanini ko‘rsatish bilan birga “Qur’oni karim”da ham nazm borligini ta’kidlamoqda. “Nazm ul-javohir” asarida esa u “Hayrat ul-abror” dostonidan farqli o‘laroq, so‘zni martabasi jihatidan uch qismga bo‘lib tasniflaydi.Falsafiy jihatdan yondashilgan bu tasnif quyidagilar:

1) a’lo darajadagi so‘zlar;
2) avsat (o‘rta) darajadagi so‘zlar;
3) adno (quyi) darajadagi so‘zlar.

O‘z navbatida shoir a’lo martabadagi so‘zlarni ham uch guruhga ajratadi va birinchi guruhga Alloh so‘zlarini kiritadi: “A’lo bobida ko‘pdurur va so‘z yo‘q deganning ham so‘zi xo‘bdur. Ul kundin avvalini maliki qadim kalomida va so‘zi ta’rifida o‘z rasulidin xaloyiqqa payg‘omidurkim vahiy

[112] Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси. –Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.10.
[113] O‘sha manba. –B.125.
[114] Navoiy Alisher. Hayrat ul-abror. Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2006. –B.47.

kotiblari lavhan vahyosor o‘z qalami mo‘jiz nigori bilan: “Faatu bisuratin min mislihi”[115] salosi urub durlar. Va balog‘at bobida yak qalamliq sadosin sipehr munshisidin oshurb durlar”[116]. A’lo darajadagi so‘zlarning ikkinchi guruhiga payg‘ambar so‘zlarini kiritadi. Navoiy uchinchi guruhga Hazrat Ali so‘zlarini kiritar ekan,uni valiylar shakaristonining shirin zabonli to‘tisi deya ta’riflaydi va hikmatlarini karomat dengizining la’llariga o‘xshatib, ana o‘shalallarni saxovatli va kuchli qo‘llari bilan zamonasi ahli boshiga sochganligini, ya’ni “Nasr ul-laoliy”ni(sochma durlar) bitganini aytadi. Shu o‘rinda aytish kerakki, Navoiy hazrat Ali hikmatlarini ta’riflar ekan,ana shu hikmatlarning zamon ahliga tarqalishida bevosita ishtirok etgan qalamni ham ko‘zdan qochirmaydi. Ya’ni Navoiy hazrat Ali qalamini o‘z qilichidan nishona deydi va uning tezligini dulduliga o‘xshatadi: “Mundin so‘ngra hidoyat gulistonining bulbuli xushilhoni va valoyat shakaristonining to‘tiyi shirin zaboni, karomat sarpanjasi bila balog‘at Xaybari eshikin ochqon va karam zo‘rdasti bila karomat bahri laolisin zamona ahli boshig‘a sochqon: ikki zabonliq kilki zulfiqoridin nishona va ul kilki zabonlari sur’atda duldulidek ravona bu barguzidaning nazmi gavhar nishoni va nasri lu’lufishonidur. Andin so‘ngra mashoyix va avliyo (“Raziyollohu anhu”) so‘zi bo‘la olur”[117].Navoiy so‘z darajasining avsat (o‘rta) qatlamiga chiroyli va balig‘ so‘zlovchi kishilar,ya’ni ijod ahlining so‘zlarini kiritadi: “Va avsat so‘z jamoati fusahoyi balog‘atshior va bulag‘oyi fasohatdisor iborati farhunda ishoratlaridurkim, zohir yuzidin sanoye’ oyin va badoye tazyin voqe’ bo‘lubdur “alo qadri marotibihim” (martabalariga loyiq qildi). Muallif uchinchi, ya’ni so‘z darajasining quyi martabasiga avom so‘zini kiritib, uni ham ikki darajada tasniflaydi: 1. Ma’noli so‘zlovchilar so‘zi; 2. Ma’nosiz so‘zlovchilar so‘zi: “Va adno so‘z xayli avom takallumi, balki soyir un-nos tarannumidurkim,ba’zining alfozidin kishiga ma’ni ma’lumbo‘lur va ba’zidin bo‘lmas”[118].Navoiy so‘z martabasini darajalarga bo‘lib tasniflar ekan, uning naqadar mushkul va nozik ish ekanidan ajablanadi va shundan so‘ng fikriy umumiylikni ta’minlovchi va uning ta’sirchanligini oshiruvchiru boiyni keltiradi:

*Rifa’t aro favqi arshi a’zam so‘z emish,*
*Jonbaxsh dami Masihi Maryam so‘z emish,*
*Ma’ni durri anda barcha mudg‘am so‘z emish,*
*Ulkim, anga ma’ni o‘lmag‘ay ham so‘z emish.*[119]

Ko‘rinadiki,keltirilgan ruboiyning birinchi misrasida so‘z buyuklikda arshi a’loga, ikkinchi misrasida esa jonbaxshlikda Iso masihga tenglashtirilmoqda. Xuddi shu fikrga yaqin fikrni biz “Hayrat ul-abror” dostonida ham uchratamiz:

*Tirguzu bo‘lganni kalomi fasih,*

[115] Shunga o‘xshash surani keltirishlari (ga).
[116] O‘sha manb. – B.125-126.
[117] O‘sha manba. – B.126.
[118] Алишер Навоий.Назм ул-жавоҳир.Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик.15-жилд. –Тошкент: Фан, 1999. – B.124-125.
[119] O‘sha manba. – B.126.

*O‘ziga jonbaxsh laqab deb Masih.*[120]

Ushbu fikrlardan so‘ng Navoiy so‘z bog‘ini ajab gulistonga o‘xshatadi. Bog‘ning xushbo‘y va go‘zal gullari bo‘lsa-da, biroq zararli tikonlari va foydasiz xas-u xoshoklari ham borki, so‘z gulshani ham xuddi shunday: uning go‘zal va foydalilari bo‘lgani kabi xas-u xoshok va tikan misol foydasiz va zararlilari ham bor. Biroq bulbul tikonga emas, gulga qo‘nadi, zog‘ esa tikonga.

*Lekin bu bahor jilva og‘oz qilur,*
*Bo‘ston arogulsho‘xlari noz qilur,*
*Gar zog‘ tikan aro vatansoz qilur,*
*Bulbul bori gul bargiga parvoz qilur*[121].

Asarni tahlil qilish jarayonida shunga amin bo‘lamizki, Navoiy ushbu ruboiyni bejiz keltirmaydi, chunki u o‘z tab’ini bulbulga mengzaydi. Hamda uning so‘z gulistonini vatan tutganini, tutganda ham xas-u xoshok misol so‘zlarni emas, balki eng go‘zal va ma’noli so‘zlarni tanlaganini ta’kidlaydi. Bundan ko‘rinadiki, Navoiy hazrat Ali hikmatlarini nafaqat dur-u javohirlarga, balki bog‘ning eng nafis va go‘zal gullariga o‘xshatayotgani ma’lum bo‘ladi.Navoiy so‘z qudrati bilan bog‘liq fikrlarni yakunlab, asar yozilishi sabablarini bayon qilishga kirishar ekan,ushbu fikrlarimizning to‘g‘riligiga iqror bo‘lamiz: “Lojaramkim, ko‘prak avqotim Kalomulloh ishtig‘oli va aning tafosiri qiylu qoli bila o‘tar erdi, to ahodis daryosig‘a g‘avs qilur erdim va andin garonmoya gavharlar ilikka kivurur erdim, to Hazratiamir so‘zlari ravzalari tomoshosig‘a qadam qo‘yar erdim va har ravzada “Va hur’atnika misol sul-lu’lu al-maknuna” visollaridan bahra topar erdim: bataxsis “Nasr ul-laoliy” kim, ul Hazratning valoyat daryosidin chiqqon samin la’lulardir va karomati ummonidin hosil bo‘lg‘on garonmoya injular”

A.Navoiyning so’z qo’llash mahorati har qanday o’qiguvchini tafakkur qilishga undaydi. Shuningdek , Navoiyni anglash baxti bugungi ilmiy izlanuvchi yoshlarga ham nasib etishini niyat qilib so‘zimizni yakunlaymiz.

[120] Navoiy Alisher. Hayrat ul-abror.-Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2006. –45-b.
[121] O‘sha manba. – B.125.

# ZARURIY EHTIYOJ!

**Abdurashidova Noila Damin qizi,**
Abdulla Qodiriy nomli Jizzax davlat
pedagogika instituti "O‘zbek tili va
adabiyoti" fakulteti II kurs magistranti

“Til – millatning ruhidir”. Bu jumlalar barchamiz uchun juda tanish bo‘lib ulgurgan. Ammo uning mohiyatini hamma ham chuqur his etavermaydi. Biror xalqning tilini o‘rganish o‘sha xalqning ruhiyatiga kirib borish uchun yo‘l ochadi. To‘g’ri, bu insonning tafakkurini oshiradi, ilm xazinasini boyitadi, ammo bular milliy tilni unutish, o‘z vatanida yashasada xalq tilida suhbatlasha olmaslik evaziga bo‘lmasligi kerak. Rus bosqini davrida ayni shu holat kuzatildi. Chor Rossiyasining yurtimizga bosqini davrida Skobelov nomli bir generali aytgan ekan: “Biror millatni yo‘qotish uchun uni qirg’in qilish shart emas.

Uning tilini, madaniyatini yo‘qotsang bu xalq o‘z-o‘zidan yo‘q bo‘lib ketadi.”

Rus tilining xalqimiz orasida keng yoyilishi natijasida rus ruhiyati, rus madaniyati yoyila boshladi. Hayriyatki, 1989-yil 21-oktabrda o‘zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi natijasida o‘z tilimizni saqlab qola oldik.

Yozuv – ajdodlar va avlodlarni bir-biri bilan bog’lovchi, bilim va tajribalarni ulashuvchi eng ajoyib kashfiyot. Millatning millat bo‘lib shakllanishida, rivojlanishida va hamda milliyligini saqlab qolishda til va yozuvning ahamiyati nihoyatda kattadir. Zeroki ular o‘zlarida ulkan ma’naviy va madaniy xazinani saqlaydi.

Allohga shukrki, tilimizni jar og’zidan qutqarib qoldik, ammo yozuvimizchi?!

Necha – necha asrlar xalqimiz foydalangan, qanchadan qancha ilmiy, badiiy, falsafiy asarlar yaratilgan eski o‘zbek yozuvi bugun unutildi. Bizlar boy xazinaga ega bo‘lgan tariximizning bu qismidan uzilib qoldik. Bularning barchasi yaqin yuz yil ichida sodir bo‘ldi. Yuz yil avval ota-bobolarimiz bu tilda yozilgan kitoblarni bemalol, hech bir qiyinchiliksiz mutolaa qilar edilar. Ammo hozir biz ularni soha muta[assislari lotin yozuvida ko‘chirib berishsagina o‘qiy olamiz. Achinarlisi, juda ko‘pchilik holatlarda hatto oliygohlarning “O‘zbek tili va adabiyoti ” fakulteti talabalari ham tabdilga ehtiyoj sezadilar. Bu holat biz tilimizni ham qisman yo‘qotganimizni anglatadi (hozirgi kunda ingliz va rus tillarining ham so‘zlashuv nutqimizda juda ko‘p qo‘llanilishi bizlarni tashvishga solishi kerak ).

“O‘zbekistonimizning kitob fondlarida 100 mingdan ziyod qo‘lyozma asarlar saqlanmoqda. Afsuski bu nodir kitoblar hali to‘liq o‘rganilmagan, ular olimlar va o‘z o‘quvchilarini kutib turibdi. Ushbu noyob asarlar bugungi davr o‘rtaga qo‘yayotgan juda ko‘p dolzarb muammolarga jabov topish mumkin. Lekin biz ana shunday noyob meros vorislari, shunday boylik egalari bo‘la turib , ularni har tomonlama o‘qish – o‘rganish haqimiz? avvalo unib – o‘sib

kelayotgan yoshlarimizga, jahon hamjamiyatiga yetkazish bo‘yicha yetarli ish qilmaganimizni ham ochiq tan olish kerak ”[122] degan edilar Prezidentimiz Sh.Mirziyoyev. Darhaqiqat, bu borada hali qilinishi kerak bo‘lgan vazifalar talaygina.

Magistrlik ishim taqozosidan Xiva xonlari sulolasiga mansub bo‘lgan, sermahsul ijodkorlardan biri Sayyid Homid to‘ra ibn Sayyid Muhammadxon Komyob (1862-1926/30) asarlari yuzasidan qilingan ishlarni qidirdim. Ammo, afsuski, tadqiqot ishlari juda kam. Ijodkorning ilmiy biografiyasi yaratilgan, asarlarining matniy tadqiqi amalga oshirilgan .

Taniqli Xiva xoni bo‘lgan Muhammad Rahimxon Feruzning inisi Komyob haqida kam sonli soha mutaxassislarigina xabardor. Vaholanki, uning tarixiy asarlari va estaliklaridan Vatanimizning diplomatiya, fan, ta’lim, madaniyat, adabiyot kabi sohalari tarixiga doir qimmatli ma’lumotlar o‘rin olgan. Afsuslanarlisi, bunday ijodkorlarning ko‘lami anchayin katta.

Komyob devonini nashrga tayyorlagan, “Komyob hayoti va ijodiy merosi manbalari tadqiqi” monografiyasini e’lon qilingan, bu ijodkorning ijodini o‘rganish bo‘yicha salmoqli ishlarni amalga oshirgan ustozim filologiya fanlari nomzodi, dotsent Jamoliddin Jo‘rayev bu xususda shunday yozadi: “XIX asr va XX yuz yillik boshlari Xorazm adabiy muhitining Munis, Ogahiy, Bayoniy, Avaz O‘tar singari namoyondalari ijodini tadqiq etish yuzasidan adabiyotshunoslikda muayyan yutuqlarga erishilgan bo‘lsa-da, ular bilan zamondosh Asad, Oqil, Sa’diy, Komyob, Murodiy, Sultoniy, Farrux, Sodiq kabi xon oilasidan yetishib chiqqan ijodkorlar asarlarining qo‘lyozmalari hanuzgacha o‘rganilmagan”[123].

2010-yilda “Matnshunoslik davr talablari darajasidami”[124] mavzusida yetuk adabiyotshunos olimlar: professor Suyima G’aniyeva, filologiya fanlari doktorlari Nurboy Jabborov, Nusratullo Jumaxo‘ja, Shodmon Nafasov, filologiya fanlari nomzodlari Qodirjon Ergash, Rashid Zohidov va Qo‘ldosh Pardayevlarning davra suhbati bo‘lib o‘tgan edi. Unda matnshunoslikdagi yutuqlar va kamchiliklar yuzasidan bir qancha fikrlar ilgari surildi, yechimlar izlandi. Mazkur davra suhbatida filologiya fanlari doktori Nusratullo Jumaxo‘ja quyidagi fikrlarni bayon qildi: “Meningcha birinchi navbatda, matnshunoslikning markaziy tashkiliy masalalari to‘g’risida muhokama yuritib, qat’iy bir to‘xtamga kelib olish zarur. Bular – maxsus matnshunoslik hay’tini tuzish, matnshunoslik jarayonlariga yagona andoziy mexanizm sifatida xizmat qiladigan matn imlosi qoidalarini tuzish, matnlarni takrorlaydigan va chop etadigan mutaxassislar barmoq bilan sanarli darajada oz. Agar ular sarhisob qilinadigan bo‘lsa, bir ikki kishidan nariga o‘tishi ham qiyin. Chunki qolganlari sezilarli darajada faol emas. Ehtimol, bu mavjud matnshunoslarga e’tibor va rag’bat kamligidandir. Aksariyat mumtoz matn nashrlarida sohaning qilni qirq yoradigan zahmatkash mutaxassislaridan foydalanmaslik, aksincha ularni chetlab o‘tishga intilish

[122] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati va Qonunchilik palatasiga Murojaatnomasi //Xalq so‘zi. – Toshkent, 2017-yil 23- dekabr.

[123] Jo‘rayev J. Komyob hayoti va ijodiy merosi manbalari tadqiqi // Mumtoz so‘z. – Toshkent, 2019. – B. 3.

[124] O‘zbekiston adabiyoti va san‘ati jurnali.- 2010. – B.5.

achinarlidir. Matnshunoslik amaliyotiga mana shunday yondashuv oqibatida bugungacha bironta adibimizning merosini matn sifati va saviyasi jihatidan mukammal darajada chop etilgan, deya olmaymiz ”.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, matnshunoslik taraqqiyoti nafaqat badiiy asarlar, balki ilmiy soha taraqqiyoti uchun ham zarurdir. Shu nuqtaiy nazardan bu masalani bugungi kunning dolzarb vazifalari qatoriga kiritish lozimdir. Masalaning yechimi sifatida quyidagilarni keltirish mumkin:

-soha mutaxassislarining ko‘payishini rag’batlantirish;

-ularning erkin faoliyati uchun barcha sharoitlarni yaratib berish.

Zeroki, qo‘lyozma asarlarning ilmiy-tanqidiy matnini tayyorlash, ularni tadbil qilish boy milliy merosimizni o‘zlashtirish yo‘lidagi zaruriy ehtiyojdir!

# AHMAD YASSAVIY IJODIDA NAFS TALQINI

**Almardonova Aziza,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti

Qur’oni karim va Hadisi sharif kabi muqaddas manbalardan oziqlangan mumtoz adabiyotimiz tarixida shunday insonlar o‘tganki, ularning butun hayoti va ijodi barchaga o‘rnak bo‘larlidir. Ana shunday allomalarimizdan biri Ahmad Yassaviydir. Ahmad Yassaviyning “Devoni hikmat” asari katta ma’rifiy ahamiyatga ega bo‘lib, insonni tarbiyalash uchun she’rning kuchidan foydalanadi. Har bir hikmatlarida tarbiyaga doir ibratli fikrlar, g‘oyalar ilgari suriladi, she’rlari bilan tarbiyaviy ta’sir ko‘rsatadi. Yassaviy asarida nafs va uning tarbiyasiga ko‘proq to‘xtalgan. Buning sababi: Tasavvuf ahli inson tabiatidagi salbiy kuchlarni umumiy nom bilan “Nafs” yoki “Nafsi ammora” deb atadilar va unga qarshi urush e’lon qildilar. Mol-dunyo to‘plash, nafs ehtiyojiga qarab yurish, hirs-u havas qat’iy qoralandi, insonni (insoniyatni ham) noqislik va falokatlardan qutqarishning birdan bir to‘g‘ri yo‘li nafsni o‘ldirib, qanoat bilan halol yashash, ruh-irodani chiniqtira borib, insonga insoniylikni, ya’ni ilohiylikni tantana ettirish zarur, deb targ‘ib qilinadi. Nafsni yomonligini anglash odamning o‘zini, demakki ilohiylik va ezgulikni anglashdir.

Bahouddin Naqshband o‘zining bir hikmatida: “Nafsi xudro ba badiy Shinoxtan-xudshinoxtan ast” (“o‘z nafsingni yomonligini tanish – o‘zligingni tanishdir”) degan edi. Ahmad Yassaviy ham nafsni yengishga kirishar ekan, bu tushunchani o‘z hikmatlarida keng qo‘llaydi. Uning qanday yomonliklarga qodir ekanligini asari orqali tushuntirib beradi. “Devoni hikmat” tarkibidagi she’rlarda nafsga bog‘liq to‘rtliklar talaygina. Quyida ularni birma-bir sharhlashga harakat qilamiz.

Hikmatlarning umumiy ko‘rinishiga e’tibor bersak, Yassaviyning biografiyasini yodga soladi. Yetti yoshida o‘z nafsini o‘ldirib lomakonga o‘tgan shoir, o‘n uch yoshida nafs boshig‘a yuz ming balolarni solganini ta’kidlaydi. O‘ttiz uch yoshida esa soqiylik qilganini e’tirof etadi:

*O‘ttiz uchda soqiy bo‘lib may ulashdim,*
*Jomi sharob qo‘lg‘a olib to‘ya ichdim.*
*Lashkar tuzib shayton birla ko‘p urishdim,*
*Bihamdulloh, ikki nafsim o‘ldi do‘stlar (1).*

Oriflik yo‘liga o‘tgan alloma soqiy bo‘lib may ulashganini, ilohiy maydan o‘zi ham ichib, sarxush bo‘lganidan lashkar tuzib, shayton bilan urishganligini aytadi. Aslida esa, o‘z nafsoniy istaklarini yengib, shaytonning ham aldovlariga uchmagan insonning ikki nafsi ham o‘lishini ma’lum qiladi. Ikki nafsini ham mag‘lub qila olgan insongina ilohiy ishqdan sarmast bo‘lib yurishini ta’kidlaydi.

Qirq yetti yoshda nafsini yengani bois, ilohiy ishq mayini Allohning qo‘lidan olganligini, ellik yoshda esa nafs uchun itdek xor bo‘lib yurganligini, ellik sakkiz yoshda esa “yorning” jamoliga yetish qiyinligini sezgan shoir Yaratganga

murojaat qilib, “diydoringni ko‘rarmanmu?” deydi. Oltmish uch yoshda Yassaviy “nafsini tepib”, jononini izlab topganligini aytib o‘tadi. Albatta Yassaviy tilidan aytilgan bu fikrlar majoziy, adib o‘zi timsolida minglab odamlarga ishora qiladi.

Turkistonning ulug‘ avliyosi Ahmad Yassaviy nafsni insoniylik dushmani, iymon dushmani deb qoralaydi, chunonchi :

*Nafsim meni yo‘ldin urib xor ayladi,*
*Telmurturib xaloyiqqa zor ayladi.*
*Zikr aytdirmay shayton birla yor ayladi,*
*Hozir san deb nafs boshini yanchdim mano.*

Hikmatlardagi to‘rtliklarni alohida olib o‘qiganimizda, she’rlar bir-biriga bog‘liq bo‘lmaganday tuyiladi. Ammo ularni izchillik bilan ko‘rib chiqsangiz, biri ikkinchisining mantiqiy davomi sifatida gavdalanadi. Yuqoridagi misralar fikrimizning isbotidir. Shoirning boshiga nafs qanday balolarni solganini guvohi bo‘ldik. To‘rtinchi misrada esa Alloh uchun nafs boshini yanchganini ta’kidlaydi.

Yassaviyning ta’kidlashicha, o‘z nafsini yenga olmagan kishi Haqning ishqiga loyiq emasdir va unday kishilarda ishqning nishoni ham bo‘lmaydi:

*Ishq bog‘ini mehnat tortib ko‘kartmasang,*
*Xorlik tortib shum nafsingni o‘ldirmasang,*
*Alloh debon ichga nurni to‘ldirmasang,*
*Valloh-billoh senda ishqni nishoni yo‘q.*

Yuqoridagi to‘rtlikdan xulosa qiladigan bo‘lsak, ko‘nglida ishqni nishoni bo‘lgan har qanday inson yengil-yelpi hayotni emas. Balki mashaqqatlar chekib, o‘z nafsining shaytoniy istaklariga qarshi chiqib, Haq diydorini orzu qilib yashaydi. Shu boisdan Mansur Halloj vasiyatida: “Nafs seni tobe etguncha, sen uni tobe et”, deydi. Nafs bizni emas, biz nafsimizni boshqarishimiz kerak.

Ahmad Yassaviy nafsni adabiyotga olib kirib, insonning ichida yashovchi mavjudotdek tasvirlaydi. Shu sababdan nafsni boshini yanchganini, uning ustidan g‘alaba qozonganini e’tirof etadi. Yana bir she’rida esa:

*Qul Xoja Ahmad nafs tog‘idin chiqib oshti,*
*Yurak-bag‘ri jo‘sh urubon qaynab toshti.*
*Bihamdullo,yo‘lin topib yovuqlashdi,*
*Ich qonidin o‘z-o‘ziga kabob etti.*

Nafsni yengish oson emasligini anglagan shoir uni tog‘ deb tasavvur qiladi. O‘sha ulkan tog‘dan oshib o‘tish uchun harakat qiladi. Va maqsadiga erishib, ulkan nafs tog‘ini zabt etadi. Bu dushmanni yengish uchun nimalar qilish kerakligi haqida Yassaviy shunday deydi:

*Zohid bo‘lma, obid bo‘lma, oshiq bo‘lg‘il,*
*Mehnat tortib ishq yo‘lida sodiq bo‘lg‘il.*
*Nafsni tepib dargohig‘a loyiq bo‘lg‘il,*
*Ishqsizlarni ham joni yo‘q, imoni yo‘q.*

Asar tarkibidagi keyingi she’rlarda alloma nafsni tirik mavjudotga o‘xshatishga harakat qiladi. Bu holatni boshqa ijodkorlarda ham uchratamiz. Biroq “Devoni hikmat” dastlabki tasavvufiy asarlardan biri bo‘lgani uchun, mumtoz adabiyotga nafsni va uni boshqa narsalarga qiyoslab ko‘rsatishni Ahmad Yassaviy

kuchaytirgan deyishimiz mumkin. Shoir uchun Nafs – shayton, dushman, it, karkas qush. Bu yaratiqlarning ichida Inson eng mukammalidir. Shu bois ham Allohning ishqi yo‘lida har qanday kishi mashaqqatli sinovlarga dosh bera oladi.

*Dunyo mening degonlar, jahon molin olg‘onlar,*
*Karkas qushdek bo‘lubon ul haromg‘a botmishlar.*

Yuqoridagi ikki misrada nafsni karkas qush sifatida tasvirlaganini ko‘ramiz. Kitobxonda savol tug‘ilishi mumkin, nega aynan karkas qushi? Bilamizki, bu qushlar o‘laksaxo‘r qushlar bo‘lib, faqat go‘sht bilan oziqlanadi. Ahmad Yassaviy dunyo moliga berilib ketganlarni karkas qushdek haromga botib qoladi, deydi. Nafsini yenga olmaganlarni aynan shunday qiyoslaydi. Yana bir she‘rida esa nafsni “yobon qush”ga o‘xshatadi:

*Nafsing seni boqib tursang nelar demas,*
*Zori qilsang Alloh sari buyun sunmas.*
*Qo‘lg‘a olsang yobon qushdek qo‘lg‘a qo‘nmas,*
*Qo‘lg‘a olib tun uyqusin qilg‘il bedor.*

Yassaviy insonning ko‘ngli nimalarni tusamasligiga e’tibor qaratib, nafsni asiriga aylangan kishilar uni hech qachon yenga olmasligini aytadi. Va yobon qush kabi qo‘lga qo‘nmas, ya’ni to‘g‘ri yo‘lni yo‘qotib qo‘yishiga urg‘u beradi. Shu bois ham nafs domiga tushib qolgan kishilarning ahvolini keyingi she’rida davom ettiradi:

*Nafs yo‘lig‘a kirgan kishi rasvo bo‘lur,*
*Yo‘ldin ozib,toyib,to‘zib gumroh bo‘lur,*
*Yotsa, qo‘psa shayton bila hamroh bo‘lur,*
*Nafsni tebkil,nafsni tebkil, ey badkirdor*

Nafs shunday kuchli yovki, Ahmad Yassaviy ta’biri bilan aytganda, “nafsdan ulug‘ balo bo‘lmas”. Ana shu baloni yengish uchun inson avvalo o‘ziga qarshi chiqa olishi kerak. Sababi nafs tug‘ilganimizdan buyon biz bilan birga botinimizda yashaydi. Shu botindan chiqarib, uni halok qilish har bir shaxsning eng katta yutug‘idir.

*Qul Xoja Ahmad, nafsdin mudom suvo bo‘lg‘il,*
*Kuyib-pishib dardi birlan ado bo‘lg‘il.*
*Kecha-kunduz tinmay yig‘lab gado bo‘lg‘il,*
*Dardin tortsang Xoja sendin rizo erur.*

Tasavvuf yo‘liga kirgan kishilar doimo toat-ibodat qilib mahzunlikda yashaydi. Ana o‘sha mahzunlik ular uchun ulkan baxt hisoblanadi. Sababi nafsini mag‘lub qilib, kecha-kunduz ibodatda bo‘lib, Allohning vaslini tilagan va unga erishgan inson ularning nazdida dunyodagi eng baxtiyor insondir. Aslida ham shunday bo‘lishi kerak. O‘shandagina har bir kishi o‘z ichki menini topa oladi.

Xulosa qilib aytganda, nafs tushunchasining mumtoz adabiyotga ko‘chishi insonlarning ma’naviyatini tarbiyalashda eng katta yordamchi bo‘ldi. Ahmad Yassaviy bu xayrli ishni yanada ta’sirliroq satrlarda ifoda etishga hissa qo‘shgan adiblarimizdan biridir. Shu sababdan bo‘lsa kerak O‘zbekiston xalq shoiri Abdulla Oripov: “*Nafs ila dunyoga dil bergan fosiqlar siz bu kun, Yassaviy xok poyidin aylab oling tummorlar”,* deya e’tirof etadi. Chunki ulug‘ allomamizning hayoti va

ijodi barcha uchun o‘rnak bo‘larlidir. Bu kabi barchaga ma’naviy ozuqa bo‘ladigan asarlar mumtoz adabiyotimizda talaygina. Ularni hozirgi yosh avlodga yetkazib berish biz adabiyotshunoslarning oldida turgan eng dolzarb masaladir.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:


1. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат,1991. –Б.60.
2. Alisher Navoiy. Mukammal asarlar to‘plami. XX jildlik. XVII jild. Nasoyim ul-muhabbat. –T.: Fan, 2001.
3. Komilov N.Tasavvuf. 2-kitob. – T.: O‘zbekiston, 2000.
4. Xajiyeva M. Xoja Ahmad Yassaviy ta’limotida tasavvuf. –U., 2015.
5. Internet ma’lumotlari: https://library.ziyonet.uz https://kh-davron.uz

# “HAYRAT UL-ABROR” DOSTONIDA ADOLAT VASFI

**Maxmuda Yuldasheva,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti
mdjabborova86@mail.ru

“Hayrat ul-abror” janr xususiyati va asar qismlarining tuzilishi jihatidan “Xamsa”ning boshqa dostonlaridan tubdan farq qiladi. Alisher Navoiy bu asarida falsafiy, ijtimoiy-siyosiy va axloqiy-ta’limiy qarashlarini ifodalash, kishilarga ta’lim va o‘git berishni o‘z oldiga maqsad qilib qo‘ygan.

Shoir o‘z ustozlari bilan ijodiy musobaqaga kirishib, avvalo, ularning dostonlari, hamda dostonlarning mazmuniga aloqador tarixni juda puxta o‘rganib, buning samarasi sifatida o‘z asarlarini yaratdi. Bu dostonlar shunchaki, bir badiiy to‘qimalar bo‘lmay, ularda shoir o‘z xalqi va insoniyat taqdiriga aloqador voqea – hodisalarga munosabatini bildiradi.

“Hayrat ul-abror” dostonida avvalgi xamsanavislik an’analariga to‘la rioya etilgan bo‘lsa-da, to‘la ma’noda yangi zamonga moslangan, yangi davr ruhini o‘ziga singdirgan, yangi qahramonlar, yoki avvalgi qahramonlar xarakteridagi yangi qirralarni ochishga harakat qilingani bilan ajralib turadi. Dostondagi Hotam Toy, Nizomiy Ganjaviy, Amir Xusrav Dehlaviy, Ibrohim Adham, Robiyayi Adaviya, Xoja Muhammad Porso, Xoja Abu Nasr, Abdurahmon Jomiy hamda shohlardan Jamshid, Faridun, Hurmuz, Zahhok, Hushang, Xusrav, Iskandar Zulqarnayn, Anushirvon, Xorazmshoh, Yazdajurd, Bahrom qatorida Amir Temur, Mirzo Ulug‘bek, Sulton Husayn Mirzo, Chingizxon, Boyazid, shahzoda Badiuzzamon Mirzo va boshqalarning siymolari qalamga olingani turkiy xamsanavislikda ajoyib hodisa, yangilik edi.

*Qani jahon dovari Chingizxon?*
*Qani jahon xoni Temur Ko‘ragon?* [Navoiy, 1989:190].

Mazmuni:

Muallifning fikricha, bu dunyo – foniy, Navoiy dunyoning o`tkinchiligini, hech kimga, hatto dunyo hokimi – Chingizxonga ham, jahon xoni sifatida tanilgan – Temur Ko`ragonga ham vafo qilmaganligini ta’kidlagan.

“Hayrat ul-abror”da hayot, voqelik shoirning oddiy hikoya bayoni bilan emas, balki uning fikr-mulohazalari, his-tuyg‘usi va ta’rif-tavsifi orqali yoritiladi. Shu ma’noda “Hayrat ul-abror” lirik-tavsifiy dostondir.

“Hayrat ul-abror” ilmning manfaati, sevgi, vafo, adolat, saxovat, to‘g‘rilik, til, shoirning og‘ir ish sharoiti, zolim podshohlar, riyokor shayxlar va boshqalar haqida g‘oyat ibratli va ta’sirli maqolatlar hamda hikoyalarga boy.

Alisher Navoiy o‘zining “Hayrat ul-abror” dostonida bir qator fikr-mulohazalari qatorida adolat g‘oyasi, adolatga boshlovchi misralarni ham keltirib o‘tadi:

*Adl ayog‘in tutki, bo‘lub shod ichay,*
*Odil davronni qilib yod ichay.* [Navoiy, 1989:77].

Mazmuni:

Ushbu baytda “ayog`” so`zi qadah ma’nosida kelgan. Bu misralar orqali Navoiy hukmdorlarga adolatli bo`lish kerakligini, har bir millat vakili podshohlarni yod etganda odil kishi sifatida yod etishi lozimligi, adolatli shoh boshqargan yurtning xalqi farovon va baxtli hayot kechirishini uqtirmoqchi bo`ladi.

“Hayrat ul-abror” dostonida adolat tushunchasi adl, haq, haqiqat, rostlik so‘zlari vositasida ifodalanadi.

Dostonda “Adl” so‘ziga Navoiy mohirona ta’rif beradi:

*Adlki uch harf ila maqrun erur,*
*Har biriga o‘zgacha mazmun erur:*
*“Ayn”i aning mehre erur tobnok,*
*Zulm qaro shomini qilmoqqa pok,*
*“Dol”i dag‘i davlatu din tojidur,*
*Din bila davlat eli muhtojidur,*
*Hurg‘a gisu quyig‘i “lom”i bil,*
*Izzu sharaf qushlarining domi bil.* [Navoiy, 1989:244-245].

Mazmuni:

“Adl” so‘zi uch harf bilan yoziladi. Lekin uning har bittasi o‘zgacha mazmunga ega. Uning “ayn”i yondiruvchi quyosh bo‘lib, zulmning qora shomini pok qiladi. “Dol”i esa davlat va dinning toji b`olib, din va davlat ahllari doim unga muhtojdirlar. Oxiridagi “lom”ini hurlarning sochi deb bil, izzat va sharaf qushlariga esa uni tuzoq deb bil.

Shoir haqsizlik va jaholatga, xudbinlik va maishatparastlikka, xusumat va adovatga qarshi hamla qiladi, zolim podsholarni, xudbin amaldorlarni, riyokor shayxlarni, munofiq qozi va muftilarni achchiq tanqid ostiga olib, el-yurt, faqir-fuqaroning ahvoliga achinadi, ularning farovon va baxtiyor bo‘lishini istaydi. Navoiy bu orzu-istakga kishilarning xulq-atvorini tarbiyalash va adolatli podsho bo‘libgina erishish mumkin, deb hisoblaydi.

Navoiy zolim va johil podsholarni, amiru amaldorlarni qoralaydi. Mamlakat va xalqning taqdirini ularning faoliyati va xatti-harakati oqibatiga bog‘laydi:

*Shohki ish adl ila bunyod etar,*
*Adl buzuq mulkni obod etar.* [Navoiy, 1989:244].

Mazmuni:

Bu o`rinda shoir agar har bir hukmdor davlat ishini adolat bilan yurgizsa, xalqiga adolatli bo`lsa, qo`l ostidagi g`am bilan ezilgan xalqining kayfiyati o`zgarib, adolat uning vayrona mamlakatini ham obod qilib yuboradigan kuchga egaligi haqida aytib o`tadi.

Navoiy o‘z misralariga insonning adolatli bo‘lishining tag zaminida o‘zligini bilish, har amalga insoniylik bilan yondashishi, o‘z umri va o‘zgalar hayotiga rahna solmaslik, ya’ni adolatsizlik qilmaslik g‘oyalarini singdirgan.

Bu misralarda biz nazarda tutayotgan adolat g‘oyasida umumiylik bor. Ya’ni imon. Imoni bor inson, albatta, adolatli ham bo‘ladi. Navoiyning barcha asarlarida

keng o‘rin ajratilgan shohlar, podsholar, hokimlar – bir so‘z bilan aytganda yurt rahbarlarining adolatli bo‘lishligi masalasi “Hayrat ul-abror” dostonida ham o‘z aksini topadi.

“Hayrat ul-abror” dostonida yurt rahbarlarini adolatga chorlovlar ko‘proq, ularga bu martaba Yaratgan tomonidan adolatli bo‘lishi uchun berilganligi ko‘p eslatiladi va yurtni adolat bilan obod etish lozimligi kabi qarashlarga keng o‘rin ajratilgan.

Dostondagi bir qancha misralarni ko‘zdan kechirganimizda, adolat bor joyda yuksaklik bo‘lishi, farovon hayotning birlamchi talabi adolat ekanligi va adolatga eng avvalo, yurt rahbarlari e’tibor berishi kerakligi ta’kidlanadi.

Navoiy agar podsho adolatli va saxovatli bo‘lsa, mamlakat obod bo‘lib, xalq osoyishta yashaydi, deb ishonardi, binobarin, u:

*Adl ila olam yuzin obod qil,*
*Xulq ila olam elini shod qil, [Navoiy, 1989:237].*

deya podshohlarga xitob qiladi.

Mazmuni:

Ushbu o`rinda Navoiy podshohlarga qarata, Adolat bilan mamlakatingni obod qil, xalqing yuzini baxt nurlari bilan yoritgin, yaxshi xulqing bilan dunyodagi odamlarni shod qil, demoqchi bo`lgan.

Yurt rahbarining adolatli bo‘lish to‘g‘risidagi fikrlari Navoiy ijodida an’anaga aylangan Shoh G‘oziy timsolida berilishi bu dostonda ham uchraydi. Shoh G‘oziy nomi yaxshi sifatlar, adolatli shoh timsolida qo‘llangan.

*Tuzdi buzuqlarni imorat bila,*
*Zulmni daf` etti adolat bila... [Navoiy,1989:94].*

Mazmuni:

Bu baytda mutafakkir soir Shoh G`oziy taxtga chiqqandan so`ng buzuq vayronalarni tuzatgani, yangi imoratlar qurdirgani, xalqni ezib, qiynab kelayotgan zulmni yo`q qilib, mamlakatda adolatni o`rnatganini tasvirlamoqda.

Navoiyning aytishicha, podsho va uning amir-amaldorlari ikki turli: “yaxshi” (odil, orif) va “yomon” (zolim, johil) bo‘lishi mumkin. Odil va orif podsholarni, amir-amaldorlarni maqtagan, to‘g‘rirog‘i ana shunday kishilarni orzu qilgan.

*Kofiri odil ani obod etib,*
*Mo‘mini zolim ani barbod etib*. [Navoiy,1989:244].

Mazmuni:

Tarixdan ma`lumki, ayrim podshohlar musulmon bo`lmasa-da, odillik bilan yurtini boshqargan, ko`plab vayronalarni obod etgan. Xalqini rozi qilgan.

Lekin shunday musulmon hukmdorlar borki, obod yerlarni vayron qiladi, xalqini g`amu kulfatda qoldiradi.

Navoiyning “Hayrat ul-abror” dostonidagi adolat to‘g‘risidagi fikrlari qanchalik dolzarb, ahamiyatli, o‘z vaqtida, o‘z joyida keskin bo‘lsada, hayotda uchrashi mumkin bo‘lgan har bir jihatlariga adolat mezoni bilan mushohada yuritsada, adolatsizlikning kelib chiqish sabablariga to‘xtalsa-da, bartaraf etish mumkin bo‘lgan fikrlarini bayon etmaydi. Xulosa chiqarishni har kimning o‘ziga

qoldiradi. Shu nuqtayi nazardan aytishimiz mumkinki, Navoiy dunyoqarashida nafaqat adolatsizlikning yechimi, balki insonlarda uchraydigan barcha nuqson va illatlarning yechimi o‘zlikni anglashlik bilan beriladi.

*Kim yurmak ip uza kom ayladi,*
*Adli chu tuz bo‘ldi xirom ayladi.* [Navoiy,1989:244].

Mazmuni:

Bu misralar orqali shoir sirot ko`prigiga ishora qilmoqda. Qaysiki, hukmdor xalqiga adolatli bo`lib, barchaga barobar to`g`ri adl ko`rsatsa, u Allohning marhamatiga sazovor bo`lishi mumkinligi haqida yozadi.

Bu tarafdan Navoiy haqlidir. Adolatsizlik, zolim, maishatparast shoh tanqidi mavzusi Navoiy davri uchun qanchalik dolzarb, qanchalik ijtimoiy – siyosiy ahamiyatga molik bo‘lsa, odil, insofli hukmdor g‘oyasi tashviqi ham shunchalik aktual, zamonaviy va ahamiyatli edi [Matyoqub Qo‘shjonov, 1973:35].

*Shahki, erur adl ila davron anga,*
*Bo‘ldi sirot o‘tmagi oson anga.* [Navoiy,1989:244].

Mazmuni:

Bu misralarda Navoiyning fikri o`quvchiga ochiq-oydin oshkor qilinadi. Ya`ni, shoh qo`li ostidagi xalqiga adolatli bo`lsa, u dunyoda sirot ko`prigidan o`tishi oson bo`ladi.

Navoiy zolim va johil podsholar zulmu jaholat yo‘lidan qaytishlari va odil bo‘lishlari mumkin, deb o‘ylaydi.

Navoiy mamlakatning siyosiy hokimiyatini mustahkamlash, xo‘jaligi va madaniyatini taraqqiy ettirish uchun o‘z hukmronligining dastlabki yillarida katta ishlar qilgan Husayn Boyqaroni aysh-ishrat va saroy fitnalari girdobidan olib chiqishga intilar va uning faoliyatiga katta umidlar bilan qarar edi. Navoiy shu orzu- istak bilan “Hayrat ul-abror”da Husayn Boyqaroni madh etibgina qolmay, balki, “Shoh G‘oziy” hikoyasida uning ideallashtirilgan obrazini ham yaratadi.

*Koming uchun tuz bo‘lu adl ayla ish,*
*O‘qda agar adl yo‘q, etmas ravish.* [Navoiy,1989:244].

Mazmuni:

Bu o`rinda Navoiy podshohlarga tarixda yaxshi hukmdor sifatida nom qoldirish uchun adolat bilan ish tutishi lozimligini; e`tibor bering, agar o`q ham to`g`ri bo`lmasa edi, u uzoqqa ucha olmas edi, degan fikrni berib o`tgan.

Shu o‘rinda barchamizga yaxshi tanish bo‘lgan dostondagi ushbu hikoyani yana bir bor eslab o‘tishni joiz, deb o‘ylaymiz. Hikoyada aytilishicha, Shoh G‘oziy taxtga chiqib:

*Adl eshigin elga kushod ayladi,*
*Taxt uza o‘ltirdiyu dod ayladi,* [Navoiy,1989:94].

Mazmuni:

O`zi shoh G`oziy asli zotida loyiq bo`lgani uchun Xudo unga oxiri hukmdorlikni berdi. U taxtga chiqqani hamono o`z xalqiga adolat eshigini ochdi, adolat ko`rsata boshladi.

Kunlarning birida bir beva kampir “sen mening o‘g‘limni jangda o‘ldirib yubording, senda qon haqqim bor”, deb shoh G‘oziy oldiga arzga keladi. Shoh

bilan kampir qozi oldiga boradilar. Qozi “kampir qonga qon olmoqchi bo‘lsa, podshoni o‘ldirishi yo bo‘lmasa shoh uni rozi qilishi kerak”, deb hukm chiqaradi. Shoh bo‘yniga sirtmoq solib, kampirning qo‘liga qilich beradi, oyog‘i ostiga tanga to‘kadi va:

*Dedi: “Qasos aylasang, olingda bosh,*
*Siymni ol, gar g‘arazingdur maosh.*
*Men edim ul amrda beixtiyor,*
*Har ne sen etsang manga ne ixtiyor”.* [Navoiy,1989:96].

Mazmuni:

Qasos olaman desang, mana, boshim; maqsading tirikchilikka pul olish bo‘lsa, mana, pul. O‘g‘lingni o‘ldirish haqida buyruq berganimda, boshqa ilojim qolmagan edi. Mana, nima qilsang qil, ixtiyor senda!

*Tig‘ni ul adl ila insofi tund,*
*Zoli xazin tishlaridek qildi kund.* [ Navoiy,1989:96].

Mazmuni:

Shohning adolat va zo‘r insof ko‘rsatishi tig‘ni g‘amgin kampirning tishlaridek o‘tmaslashtirdi. Ya`ni, adolat tuyg`usi qasos zahrini osonlik bilan so`ndira oldi.

Kampir shohning odilligini ko‘rib xursand bo‘ladi, uning qonidan kechib, oltin-kumushni olib, “Zoli-zar” (“Tilla kampir”) deb nom chiqaradi.

Navoiy Husayn Boyqaroning va boshqa podsholarning shunday bo‘lishini orzu qilar edi. Hikoyadagi qozi ham, podsho obrazi kabi ideallashtirilgan obrazdir.

Shunday qilib, Navoiyning ijtimoiy – siyosiy qarashlari tarixiy cheklangan, xiyla ziddiyatli bo‘lsa ham, xalqparvarlikka asoslangan hamda amaliy maqsadlarni ko‘zlanganligi bilan ahamiyatlidir. Demak, Alisher Navoiy “Hayrat ul-abror”da boshqa asarlaridagi kabi adolat va xalqparvarlik g‘oyalarining izchil targ‘ibotchisi sifatida qayta-qayta ko‘rinadi, podshohlarga jasorat va dadillik bilan adolatni tashviq etadi, zulm va adolatsizlikning qanchalar nafratga sazovor bo‘lajagini aniq, ravshan namoyish qiladi.

Shu bilan birga u har bir shoh xalq ahvolini ko‘ngliga yaqin olishini, uning mashaqqatidan ogoh bo‘lib, unga hamdard bo‘lishi lozimligini uqtiradi.

*Zoli falakdin necha ko‘rsang alam,*
*Shah chu qilur adl, Navoiy, ne G‘am.* [Navoiy,1989:96].

Mazmuni:

Bu ajoyib misralar orqali Navoiy hayot tashvishlari, turmush qiyinchiliklari senga qancha g`am-alam ko`rsatsa ham, shohing adolatli, elparvar bo`lsa, hech ham g`am chekishning keragi yo`q, deya uqtirmoqchi.

Alisher Navoiy ijodi o‘z zamonasidan boshlab o‘rganila boshlandi va o‘tgan V asr davomida o‘z qiymatini yo‘qotmay kelmoqda. Buning sababi esa Navoiy ijodining betakrorligi, serjiloligi va misralardagi so‘zlar shunchaki bir-biriga hamohang, qofiyadosh bo‘libgina qolmay, o‘z o‘quvchisining aql tarozisiga qarab turlicha ma’no aks ettirishidadir.

Alisher Navoiy kabi jahon ahli tan olgan so‘z daholarining ongi, shuuri, zakovatida hayotdagi har bir narsa, hodisa o‘ziga xos tarzda aks-sado beradi.

Badiiyatning betakror namunalari bois biz ana shu voqeliklarning asl mohiyatini shoir qalami va ijodkorning tiyrak nigohi vositasida qaytadan kashf qilamiz, mavjud borliqning butun ranginligini hamda jilvalarini qalbimizga jo etamiz.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:


1. Alisher Navoiy. Hayrat ul-abror. – Toshkent: Adabiyot va san’at, 1989.
2. V.Rahmonov, A.Rustamov Navoiyning badiiy mahorati. – Toshkent: Adabiyot va san’at, 1979.
3. M. Qo‘shjonov. Ijod saboqlari (Adabiy o‘ylar). – Toshkent: Yosh gvardiya, 1973.

# “ҲАДОЙИҚ УС-СЕҲР” АСАРИНИНГ ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Қодирова Зуҳра Обидхон қизи,**
Тошкент давлат шарқшунослик
университети “Матншунослик ва
адабий манбашунослик” йўналиши
2-босқич таянч докторанти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ–2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида «Матншунослик, адабий манбашунослик, тилшунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳаларида миллий-маданий меросимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпгина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратиш» асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган[125].

Бу вазифа минг йиллик тарихга эга бўлган мумтоз адабиётимиз манбаларини ўрганиш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Зеро, бадиият масаласи ҳамиша шеър аҳлининг диққат марказида бўлиб келган. У ёки бу ижодкор салоҳияти ҳақида сўз борганда, унинг нималарни тасвирлагани билан биргаликда уни қандай тасвирлаганига ҳам эътибор қаратилган. Уларда қайси жанр, қандай вазн ҳамда қофиялар иштирок этгани, шунингдек, адабий асарларда шеърий санъатлардан фойдаланиш маҳорати ҳамма асрларда бадиий санъаткорликнинг асосий қирраларидан бири сифатида баҳоланган.

Ўрта асрларда Хоразмда илм-фан ва маданият ғоят тараққий этди. Маданий ҳаётнинг бундай ривожида маҳаллий олиму адиблар, шоирлар билан бир қаторда турли сабабларга кўра узоқ эллардан, хорижий юртлардан Хоразмга келиб яшаб, ижод қилган адиб ва шоирларнинг ҳам ҳиссаси ва ўрни катта бўлган. Айниқса бу ҳол XI–XIII асрларда – Хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даври тарихан алоҳида ажралиб туради. Андалусиялик олим ва сайёҳ Абу Ҳамид ал-Ғарнотий (1080–1169), Ибн Анийн номи билан танилган шомлик машҳур шоир Шарофуддин Муҳаммад ибн Наср (1144–1232), 1153 йилда Хоразмга келган Ал-Қозий Ёқуб ибн ал-Жандий, машҳур олим ва котиблардан саналган, Хуросоннинг Наса шаҳридан келган Муҳаммад ибн ал-Ҳусайнлар шулар жумласидандир. Лекин ўша даврда Хоразмга келиб бу ерда яшаб ижод қилганлар ичида балхлик шоир ва адиб, машҳур котиб Рашидиддин Ватвот алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий бўлиб, у Рашидиддин Ватвот номи билан машҳурдир.

[125]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // «Халқ сўзи» газетаси. – Тошкент, 2017 йил 24 май.

Илми бадеъга доир дастлабки асарлар араб олимлари томонидан яратилган. Наср ибн Ҳасаннинг “Маҳосин ул-калом”, Ибн ал-Муътазнинг (863–908) “Китоб ул-бадеъ”, Қуддама ибн Жаъфарнинг (888–948) “Нақд уш-шеър” номли асарлари ана шулар жумласидандир.

Илми бадеъга доир дастлабки форсий асар XI асрда юзага келди. У Муҳаммад бинни Умар Родуёний қаламига мансуб бўлиб, “Таржимон ул-балоға” деб аталади. XI–XII асрларда Аҳмад ибн Муҳаммад Маншури Самарқандий талаввун санъати ҳақида (буни Хуршидий “Канз ул-ғароиб” деб атаган), Абдумуҳаммад ибн Муҳаммад Рашидиддин Самарқандий (“Зийнатнома”) ва бошқа ижодкорлар шу илмга доир рисолалар ёзганлар. Бироқ XI–XII асрларда яратилган илми бадеъга доир асарлар орасида энг мукаммали Рашидиддин Ватвот номи билан машҳур бўлган хоразмлик шоир ва олим Рашидиддин Муҳаммад ибн Абдужалил ал-Умарий котибнинг “Ҳадойиқ у-с-сеҳр фи дақойиқ у-ш-шеър” номли асаридир.

Рашидиддин Ватвот Хоразм заминида ўз даврининг етук ёзувчиси, машҳур олими ва котиби бўлишига қарамасдан унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида мумтоз адабиётшунослигимизда батафсил маълумот берувчи махсус монография ёзилмаган.

Адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тафсилотларни аниқлашда Муҳаммад Авфий Бухорийнинг “Лубоб ул-албоб”, Ёқут Хамавийнинг “Мўжам ал-удабо”, Ҳамидуллоҳ Мустафо Қазвинийнинг “Танланган тарих”и, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкирот уш-шуаро”, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон”, Хожи Ҳалифанинг “Кашф уз-зунун” асарлари биринчи даражали манбалар ҳисобланади. Кейинги ўриндаги манбаларга Аббос Иқбол Аштиёнийнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр”[126] асари танқидий матни муқаддимаси, Рашидиддин Ватвотнинг форс шеърлари “Девони”[127]ни нашр қилдирган Саид Нафисийнинг тадқиқот иши, Қосим Тўйсирконийнинг Ватвотга тегишли араб тилида ёзилган “Мактублар” асари устида олиб борган тадқиқот ишининг муқаддима қисми киради. Аниқроғи, улар Рашидиддин Ватвотнинг таржимаи ҳоли устида баҳс мунозарага сабаб бўлувчи фикрлар билдиришган.

“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да Рашидиддин, [тахаллуслари (Ватвот – кўршапалак, учар сичқон, адибнинг жуссаси кичиклигига ишора); асл исми Муҳаммад бин Абдужалол ал-Умарий] (1087, Балх – 1177 ёки 1183, Хоразм) – шоир, адабиётшунос олим, Балхнинг “Низомия” мадрасасида таълим олгани, кейинчалик Хоразмга келиб, Хоразмшоҳ Отсиз (1127-1156) саройида ижод қилгани, “Саъд-ал-мулк” (“Мамлакат бахти”) фахрий унвонига сазовор бўлгани, шеърият назариясига оид “Ҳадойиқ у-с-сеҳр фи дақойиқ у-ш-шеър” (“Шеърий нозикликлардан сеҳр боғлари”) асари 1156 йилгача Хоразмда ёзилгани, унда тажнис, сажъ, зулқофиятайн, мақлуби мустави, савол-жавоб каби шеърий санъатлар ҳақида сўз юритилгани, асар

[126] Рашидиддин Ватвот. Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър / Рашидиддин Ватвот: кириш ва шарҳ билан Аббос Иқбол Аштиёний. – Теҳрон: Суруш, 1374. – Б. 470.

[127] Рашидиддин Ватвот. Девон / Рашидиддин Ватвот: Саид Нафисийнинг тузатишлари ва кириш сўзлари билан. – Теҳрон: Шоҳи Обод, 1920. – Б. 784.

кейинги давр шоир ва адабиёт олимларига қўлланма сифатида хизмат қилгани, адабиётшунос Шарофиддин Ромий (XIV аср) бу асарга “Ҳадойиқ ал-ҳақойиқ” (“Ҳақиқат боғлари”) номли шарҳ ёзгани, Шамс Қайс Розий, Атауллоҳ Хусайний шеърий санъатлар ҳақидаги асарларида унга мурожаат қилгани, Бобур ҳам “Мухтасар” рисоласида Ватвотни тилга олгани айтилган[128].

Рашидиддин Ватвот ўз даврида адабиёт аҳли орасида муносиб ўрин эгаллаган. У кўплаб шоирлар, ёзувчилар, олимлар ва уламолар билан ёзишмалар ўрнатган. Улар орасида Имом Ҳасан Каттан Марвозий, Жоруллоҳ Замахшарий, Анвар Абивардий, Муиззий, Санои Ғазнавий, Сузаний Самарқандий, Хоқон Широний, Адиб Собир Термизий, Мухтор ва Саид Хасаний Даштавийлар бор. Таниқли ёзувчилар билан ёзишмалар унга “Муншоъат” тўпламини, яъни тарихий ва адабий аҳамиятга эга бўлган мактублар тўпламини тузишга имкон берди.

Ватвот даврига қадар бўлган форс адабиёти тарихида панегирик ғазаллар кам учрайди. Ушбу анъана Ватвот даврида тарқалишни бошлади, сўнгра XVI–XVII асрларда Ҳиндистоннинг форс тилидаги адабиётида ривожланди.

Буларнинг барчаси Ватвот шеъриятининг форс тилида ҳам, араб тилида ҳам ихлосмандлари ва адабиётшунослар томонидан юқори баҳоланишига сабаб бўлди.

“Ҳадойиқ у-с-сеҳр” буюк олим томонидан битилган юксак савиядаги асар бўлиб, ундан кейин илми бадеъ билан машғул бўлган барча муаллифлар ана шу асардан фойдаланганлар. Рашидиддин Ватвот асари ҳозирги кунга қадар ўзининг илмий-адабий қимматини йўқотган эмас.

“Ҳадойиқ у-с-сеҳр” асарини адиблар, ёзувчилар, олим ва шоирлар ўрганган ҳамда ўз асарларини ёзишда ундан манба сифатида фойдаланганлар. Асар кейинги давр шоир ва адабиёт олимларига қўлланма сифатида хизмат қилган. Адабиётшунос Шарофиддин Ромий бу асарга “Ҳадойиқ ал-ҳақойиқ” (“Ҳақиқат боғлари”) номли шарҳ ёзган. Шамс Қайс Розий, Атоуллоҳ Хусайний шеърий санъатлар ҳақидаги асарларида унга мурожаат қилганлар.

Асар илми бадеънинг форс тилидаги илк намуналаридан бири бўлиб, унга Ҳасан исмли шоир “Баҳр у-с-санойеъ” (XIV аср), Шарофиддин Ҳасан бинни Муҳаммад Рамий Табризий (XIV аср) “Ҳадойиқ ул-ҳақойиқ”, Мирзо Абулқосим Фарҳанг (XIX–XX аср) томонидан “Шарҳи Ҳадойиқ у-с-сеҳр” номли шарҳлар ёзилган. Рисолада муаллифга қадар бу соҳада асарлар ёзган Абул Хасан Наср ибн Ҳасан ал-Марғинонийнинг (ваф.1055) “Маҳосину-л-калом” (“Нутқ гўзалликлари”) ва Муҳаммад бинни Умар ар-Родуёнийнинг “Таржимону-л-балоға” (1088–1114) анъаналари давом эттирилган.

[128]ЎзМЭ, А-Ҳ ҳарфлари. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2001-2006. – Б. 65.

Олимнинг мазкур асари XII асрнинг форсийзабон шоирлари учунгина эмас, туркийзабон адиблари учун ҳам муҳим поэтик манба бўлиб хизмат қилган. Бироқ бу ёдгорлик ҳанузгача ўзбек адабиётшунослигида алоҳида ва яхлит ҳолда тадқиқ этилмаган. Унинг адабий ва тарихий, шунингдек, назарий аҳамияти поэтика назарияси анъаналаридаги ўрни, яъни назарий ва методологик жиҳатлари ўрганилмаган.

Шуниси аниқки, форс тилидаги шеърият бўйича ёзилган деярли ҳар бир асар озми-кўпми Ватвот асаридан таъсирланиб ёзилган. Шеър назариётчилари ундан шеърий тасвир, шунингдек, изоҳловчи матн сифатида фойдаланишса-да, аммо, бу боғлиқлик доим ҳам Ватвотдан тўғридан-тўғри кўчирма келтириш орқали амалга оширилмаган. “Ҳадойиқ у-с-сеҳр” асари Шарқ хусусан, Эрон ва Турон дейиладиган ҳудудларнинг барчасида шоир ва олимларнинг асосий иш китоби вазифасини адо этиб келмоқда. Ватвотнинг рисоласи яратилишидан то ҳозирга қадар форс ва туркий мумтоз шеъриятини тушуниш ҳамда баҳолаш учун асос ва мезон вазифасини адо этган.

“Ҳадойиқ у-с-сеҳр” асари бир неча бор нашр этилган (Эрон ва Ҳиндистонда 6 марта чоп этилган). Ёдгорликнинг танқидий матнини Аббос Иқбол Аштиёний 1929 йилда амалга оширган. Ушбу нашрнинг асоси сифатида 668 ҳижрий (1271–1272 милодий) йили санаси билан белгиланган Париж миллий кутубхонасидаги қўлёзма хизмат қилган.

Ундан ташқари ушбу асарнинг Туркия кутубхоналарида 7 та қўлёзма нусхалари мавжуд. “Ҳадойиқ у-с-сеҳр фи дақойиқ у-ш-шеър” Ватвотнинг поэтика бўйича асосий асари бўлиб, унда ижодкорнинг машҳур асарлари манбалари айтиб ўтилган.

**Нусхалари:**

**Кўпрулу кутубхонаси № 1613.** Бир томони кўчган, муқоваси сомон рангда, ҳажми 70 варақдан иборат тўплам ичида. Асар 26 b – 70 a бетлардан жой олган. Ҳар бир саҳифага 17 қатордан матн жойлаштирилган, баъзи матнлар атрофида ёзувлар бор.

*Нусха кўчирилган сана:*

و قد وقع الفراغ يوم الجمعة عشرين محرم سنة ست و ثمانين و ستماية ...

*Асар қуйидагича бошланган:*

الحمد الله على ما افاض علينا من نعمه المترعة الحياض.

**Кўпрулу кутубхонаси № 1392.** Муқоваси тери билан қопланган, ҳажми 204 варақли тўпламда, асар 145 a – 200 a бетлардан жой олган. Ҳар бир саҳифага 14 қатордан матн жойлаштирилган, қисман яшхи сақланган нусха.

*Нусха кўчирилган сана:*

و قد وقع الفراغ فى اواخر شهر ربيع الاخر سنة اثنتين و تسعين وستهاية كاتبه سيد شمس...

**Истанбул университети кутубхонаси № F 414.** Муқоваси тўқ қизил рангли тери билан қопланган, ҳажми 55 варақли тўплам ичида. Ҳар бир саҳифага 15 қатордан матн жойлаштирилган, асар чиройли ва текис кўчирилган, нусха қисман яхши сақланган. Сўз боши қалин қалам билан қизил сиёхда ёзилган. Баъзи бетлар қорайиб қолган.

*Нусха кўчирилган сана мавжуд эмас*. VIII/XIV аср.

**Ҳалит Эфенди кутубхонаси № 407.** Қўлёзма таъмир кўрган, муқоваси яшил бўздан бўлган жилд ичида, ҳажми 82 варақ, ҳар бир саҳифага 17 қатордан матн жойлаштирилган.

*Нусха кўчирилган сана:*

تم الكتاب فى منتصف رمضان سنه سبعين و سبعما.

**Лоло Исмоил кутубхонаси № 407.** Таъмир кўрган муқоваси тери билан қопланган жилд ичида, ҳажми 22 варақ, ҳар бир саҳифага 18 қатордан матн жойлаштирилган. Баъзи матнлар ёнида сўзлар бор.

*Нусха кўчирилган сана:*

تم الكتاب حرره تيركين حاجى بن ملک شاه الرومى فى تاحية اماسية فى تاريخ رجب سنة ٨٤٤

**Лоло Исмоил кутубхонаси № 718/10.** Қўлёзма ҳажми 216 варақ, асар 191 b – 215 a бетлардан жой олган, ҳар бир саҳифага 31 қатордан матн жойлаштирилган. Сўз бошлари қизил сиёҳда.

**Истанбул университети кутубхонаси № F 819/1.** Муқоваси янги тери билан қопланган жилд ичида, асар 1 b – 27 b бетлардан жой олган, ҳар бир саҳифага 19 қатордан матн жойлаштирилган, ёзуви насталиқда, 1 b – 2 a бетлар зангори зарҳал, қўпол қизил жадвал ичида, сарлавҳа 1 b бетда жойлашган.

*Нусха кўчирилган сана:*

و قد وقع الفراغ فى يوم الاثنين تسع شهر رمضان سنه سبع وستين و تسعماية

Мазкур асар эллик беш бобдан иборат. Унда олтмиш иккита санъатга таъриф ва мисоллар келтирилган. Асар форс тилида ёзилган бўлса-да, муаллиф санъатларни изоҳлашда араб ва форс тилларидаги мисоллардан фойдаланган. Биринчи навбатда Қуръони каримдан, ҳадиси шарифлардан сўнгра араб ва форс шоирлари ва ўзининг ижодидан мисоллар келтирган. Ватвот ҳар бир санъатни ифодалашда камида беш ёки олтита мисолдан фойдаланган.

Рашидиддин Ватвот ўзидан кейин турли характердаги жуда кўп асарлар қолдирган бўлиб, уларнинг катта қисми бизнинг даврмизгача етиб келган. Унинг йигирма битта асари мавжуд, бироқ уларнинг иккитасининг фақат номи сақланиб қолган. Ватвотнинг барча китоблари ҳам нашр этилмаган, унинг кўпгина мероси ҳали-ҳануз ўз тадқиқотини кутмоқда.

“Ҳадойиқ у-с-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър”. Ватвотнинг поэтика бўйича асосий асари бўлиб, унда унинг машҳур асарларининг барча манбалари айтиб ўтилган.

Умуман олганда, Ватвот ижодиёти адабий амалиёт ва назарий фаолиятнинг бирлаштирувчиси сифатида характерланади. Адабиёт соҳасида Ватвот, энг аввало, шоир, чунончи, икки тилли шоир сифатида маълум бўлади. Унинг шеърлари XI–XII асрларда Эронда фаол ривожланаётган йўналиш – сарой панегирик (мадҳия) шеъриятига кирган бўлиб, унинг муҳим жиҳатлари шундан иборатки, асар услубий жиҳатдан мураккаблаштирилган, поэтик санъатлар мазмунан бойитилган бўлиб, бунда Ватвот шоир сифатида назарияни муваффақиятли тўлдирган.

Аждодларимиз томонидан яратилган бу каби асарлар сонини санаб адоғига етолмаймиз. Ҳар бир асарни ўрганиш ва тадқиқ қилиш давомида ҳам адабиётимиз ҳам тарихимиз ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлишимиз мумкин. Ҳозирда олдимизда турган вазифалардан бири бу соҳага кўпроқ ёшларни қизиқтириш ва аждодлар меросини ўрганиш ва илмий муомалага киритишдан иборатдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Ҳадойиқ у-с-сеҳр” асарининг яратилиши буюк воқеа бўлди. Шунинг учун кейинги даврларда ҳам унга қизиқиш ва эътибор сусайгани йўқ. Жаҳон шарқшуносларининг адабиёт тарихи, мумтоз поэтика, алоҳида жанрлар ва шеърий санъатлар ҳақидаги мавзу ва муаммоларни ҳал қилишда унга мурожаати мунтазам давом этиб келмоқда. Шундай буюк асарнинг ўзбек тилига таржимаси эса ҳалигача амалга оширилган эмас. Қолаверса, асардаги назарий масалалар талқини билан ўзбек ижодкорлари бевосита танишадиган бўлса уларнинг бадиий ижодларига кучли ижобий таъсир бўлиши мумкин.

Асар асосан араб ёзувида оммалашган. Шунинг учун ҳам уларнинг илк тадқиқотчилари мусулмон олами билан алоқадорлиги тасодиф эмас. Унинг мукаммал илмий таржимасини амалга ошириш шарқшунос олимларимиз зиммасидаги энг муҳим вазифалар қаторида турибди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:


1. ЎзМЭ, А-Ҳ ҳарфлари. – Тошкент:«Ўзбекистон миллий энцикло-педияси» Давлат илмий нашриёти,2001-2006. – Б. 65.
2. Рашидиддин Ватвот. Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър/ Рашидиддин Ватвот: кириш ва шарҳ билан Аббос Иқбол Аштиёний. – Теҳрон: Суруш, 1374. – Б. 470.
3. Рашидиддин Ватвот. Девон / Рашидиддин Ватвот: Саид Нафисийнинг тузатишлари ва кириш сўзлари билан. – Теҳрон: Шоҳи Обод, 1920. – Б. 784.
4. Муҳаммад Авфий Бухорий. Лубоб ул-албоб / Муҳаммад Авфий Бухорий. – Теҳрон, 1922. – Б. 80.
5. Муставфий Ҳамидуллоҳ Қазвиний. Тарихи гузида / Муставфий Ҳамидуллоҳ Қазвиний. – Теҳрон, 1384. – Б. 594.
6. Ёқут ал-Ҳамавий. Мужам ал-удабо / Ёқут ал-Ҳамавий: Эҳсон Аббос таҳрир қилган. – Бейрут: Исломий давлат, 1993. – Б. 560.
7. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро / Давлатшоҳ Самарқандий. – Теҳрон, 1920. – Б. 69.
8. Маликушшуаро Баҳорий. Стилистика / Маликушшуаро Баҳорий. – Теҳрон: Сипеҳр, 1349. – Б. 465.
9. Баддиъуззамон Фурозонфар. Сухан ва Суханварон / Баддиъуззамон Фурозонфар. – Теҳрон, 1393. – Б. 322.
10. Мирзо Муҳаммадали Мударрис. Райҳонат ул-адаб / Мирзо Муҳаммадали Мударрис. – Теҳрон: Шафақ, 1318. – Б. 310.

# MAVLONO LUTFIY SHE’RIYATIDA TALMEH SAN’ATI

**Mino Karvoniy,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti

Mavlono Lutfiy orif va mutafakkir o‘zbek shoiridir. U o‘z zamonining “malik ul-kalomi”. Lutfiy turkiy tilda yaratgan she’rlari orqali mashhurlikka yetishib, shoirlik iqtidori, mahoratiga ko‘pchilikni iqror eta olgan. Shoir ijodida badiiy tasvir vositalarining miqdorini aniqlash, shoir lirikasida qo‘llanilgan vaznlar sonini hisoblab chiqish, uning badiiy san’atlardan foydalanganligini aniqlab mohiyat bilan uyg‘unlikda shakl-mazmun mutanosibligiga xizmat qilgan jihatlarni ko‘rsatishni vazifa sifatida belgiladik. Bu Lutfiy ijodida talmeh san’atining qo‘llanilishi masalasini yoritish uchun dolzarblik kasb etadi. Talmeh mumtoz she’riyatda keng qo‘llangan badiiy san’at turi hisoblanadi. “Talmeh” arabcha so‘z bo‘lib, lug‘atda ishora qilish, biror narsa tomonga yengil nazar tashlash, ko‘z uchi bilan qarash ma’nosini anglatadi. Shoir o‘z she’rlarida bu san’atni qo‘llaganda Qur’on hikoyatlari, payg‘ambarlar hayoti, tarixiy mashhur shaxsiyat, hamda biror muhim va shuhratli asarga ishora qilish orqali o‘z fikrini muxtasar hikoya qiladi (Zehni, 1992: 92–94).

Boshqa ta’rif bilan aytganda – talmeh, (“nazar solmoq”) she’r yoki nasrda mashhur tarixiy voqea, afsona, adabiy asarlar yoki maqollarga ishora qilmoq san’atidir. Shoirlar muhabbat mavzusidagi asarlarida ko‘pincha Sharq she’riyatida keng tarqalgan “Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun”, “Vomiq va Uzro”, “Tohir va Zuhro” kabi qissalar, dostonlarning qahramonlari nomiga ishora qiladilar. O‘quvchi u yoki bu nomga ishorani ko‘rar ekan, uning ko‘z oldiga o‘sha qissa, doston, afsona mazmuni, uning qahramonlari hayoti, sevgisi, kurashi, fojiali taqdiri jonlanib, shoir demoqchi bo‘lgan g‘oyani, fikrni, tuyg‘uni yorqinroq tasavvur qiladi, chuqurroq anglab yetadi. Zero bu jarayonda o‘quvchi o‘zi mutolaa qilayotgan asar qahramoni hayoti, tuyg‘ulari, ma’naviy qiyofasini o‘sha mashhur qissa, afsona qahramoni bilan qiyoslaydi. Mavlono Lutfiyning –

*Husn naslidin seningdek oy paydo bo‘lmadi,*
*Moh Kanone dag‘i ush muncha zebo bo‘lmadi.*

Baytida, “Moh Kanone”ga ishorani ko‘rar ekan, darhol ko‘z oldiga mashhur “Yusuf va Zulayxo” dostoni, undagi Yusuf qiyofasini keltiradi, ma’lumki, Yusuf jahondagi bor go‘zallikning o‘ndan to‘qqizini o‘zida mujassamlantirgan inson. O‘quvchi endi Lutfiy tasvirlagan mahbubani Yusuf bilan qiyoslab, uning yusufdan ham go‘zalligi haqidagi tasavvurga ega bo‘ladi (Hiji Ahmadov, 1999: 41–42).

Mavlono Lutfiy g‘azallarida ham Qur’on oyatlariga ishora qilingan talmeh san’ati ko‘p uchraydi:

*Ey “Qullilro‘h” oyatini la’li tasvir aylagan,*
*Iso infosin takallum birla ta’bir aylagan*(Lutfiy, 1399:349).

“Qullulro‘h” Qur’oni Karimning quyidagi oyatiga ishoradir: “Vayas alinaka anninro‘hi qulilro‘h min amri rabi va ma utitum minal ilmi illo qullillo‘h (Ilo saro surasi, 85-oyat, “sendan ruh haqida so‘raydilar, sen ularga: “Ruh Parvardigorimning buyrug‘idadir, u haqidagi bilim boshqaga berilmagan”, deb ayt.

*Yuz fotihani yuzinga har subh o‘qurman,*

*Chun “Laylatul qadr” oyatini zulfinga har shom*(Lutfiy, 1399:263).

(Fotiha – alhamt, va alqadr – “inno anzalno fi laylatur qadr” suralariga ishoradir).

*Lutfiyning tirguz Maseh anfosidek bir dam bila,*

*Ey , labing shaninda nozil oyati yo hayal e’zom*(Lutfiy, 1399:259).

misrasida “Yo hayyal e’zom” so‘z birikmasi Qur’ondagi quyidagi oyatga ishoradir: “Va zaraba lano masalan va nasiya halqahu qola man yuhil e’zom vahiya ramim” (“bizga misol keltirib o‘z yaratilishini unutdi va bu chirigan suyaklarni kim yangidan tiriltira oladi, dedi) – Yosin surasi 78-oyat.)

Umuman olganda, Lutfiy ijodida Qur’on oyatlariga murojaat talmeh san’ati orqali keng ifoda etilganligini ko‘rish mumkin. Bu haqda keyingi maqolalarimizda yanada kengroq, batafsil to‘xtalamiz.

Sharq adabiyotida “Layli va Majnun” ishqi dostoni juda mashhur ishq dostonidir. Lutfiyning ko‘plab g`azallarida bu obrazlarga murojaat qilinadi:

*Intizori yo‘li ustida qo‘yub ketdi ko‘ring,*

*Bizni ul Layli sifatliq misli Majnun ayladi*(Lutfiy, 1399:465).

Lutfiyning yuqoridagi misralarida talmeh san’ati ifodalangan misollar oshiq va mashuqa obrazini Layli, Majnundan tashqari, Farhod va Shirin obrazlari orqali ham ifodalagan.

Quyidagi baytda shoir oshiqlikda o‘zini Farhod, Vomiq va Majnunga tashbeh aytish, hamda Vomiqning mashuqasi Uzro nomini keltirish bilan mo‘jaz talmeh paydo qilgan:

*Farhod birla Vomiq va Majnun ko‘ray desang,*

*Burqani ol yuzingdin va bu mubtaloni ko‘r(Lutfiy, 1399:158).*

Lutfiy devonidagi bosh mavzu ishq va asosiy maqsad oshiqning hasbu holini tasvirlashdan iborat bo‘lsada, shoir deyarli har bir she’rida mavzuga yangicha yondashib betakror obrazlar, mohiyatiga mos poetik obrazlar yaratadi, topdi. Lutfiy ijodida talmeh san’ati orqali haqiqiy san’at namunasi yaratilgan. Mavlono Lutfiy she’riyatida bu badiiy san’at namunasi alohida ahamiyat kasb etadi.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:


1. Atoiy, Shayxzoda. Devon, hozirlagan: Kozim Go‘ktegin, Anqara: Turk dil qurumi yoyinlari, 2019.
2. Hoji Ahmadov, Ayn. Mumtoz adabiyot malohati. –Toshkent: “Sharq” nashriyoti matbaa konserni bosh tahririyati, 1999.
3. Zehni, To‘raqul. San’ati suxan/Nashri duvum. –Dushanba: “Maorif”, 1992.

4. Rozi, Shamsiddin Muhammad Binni Qays. Al muajjim fi maoyir ashoril ajm, batashi ustod Muhammad Binni Abdulvahob Qazviniy, Bahimmat Muhammad Ramazoniy sohibi muassasai xovar. – Tehron: matbaai majlis, 1314-hij.-sham.

5. Lutfiy, Mavlono Hiraviy. Devon, nashirga tayyorlovchi va kirish /So‘z muallifi: Puhanvol duktur Said Muhammad Olim Labib. – Kobul: Shirkati bastabandii Habibulloh Habib, 1399.

6. Humoyi, Jalolladin/Fununu balog‘at sanaoti adabiy. – Tehron, 1389.

# ME’MORLIK, TASVIRIY SAN’AT VA IJODDA HUSNIXATNING O‘RNI

**Nargiza Shirinova,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti

Xattotlik (arab.-husnixat yozuvchi), kalligrafiya-yozuv(xat) san’ati, kitob ko‘chirish hamda me’moriy inshootlar, badiiy buyumlarni, kitoblarni yaratish kasbi. O‘zbek xalqi uzoq asrlik tarixida yaratib qoldirgan merosida xattotlik san’ati alohida o‘rin egallaydi. Arab istilosidan so‘ng O‘rta Osiyo xalqlari tomonidan islom dinining qabul qilinishi munosabati bilan arab yozuvi ham kirib keladi.

O‘rta asrlarda har qanday asar qo‘lda ko‘chirilib kitob qilingan. Nafis kitob ko‘chirish katta hunar va san’at hisoblangan. Bu hunar egalari tarixda xattot nomi bilan mashhur bo‘lganlar. Xattotlarning ko‘chirgan kitoblari kishilarni hayajonga solib ularni zavqlantirgan. Shuning uchun ham xattotlik bilan nom chiqargan shaxslar oddiy kishilar emas, balki o‘sha davrning ilm-ma’rifat va yirik madaniyat arboblari hisoblangan. Qo‘lda ko‘chirilgan har bir asar san’at mo‘jizasi kabi nodir asar hisoblangan.

Musulmon Sharqi deb atalgan va arab yozuvini qabul qilgan mamlakatlarda husnixat turli taraqqiyot bosqichlarini o‘tib, o‘zining ma’no tashuvchilik vazifasi bilan bir qatorda, kishiga badiiy zavq beruvchi yuksak saviyadagi san’at asariga aylangan. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyayev 2021-yil 29-yanvar kuni Toshkent Islom sivilizatsiyasi markaziga tashrifi chog‘ida xattotlik sohasini rivojlantirish borasida o‘z fikrlarini bildirdi.“Bizda xattotlik maktabi yo‘q. Bu maktablar, afsuski, yo‘q bo‘lib ketyapti. O‘zbekistondagi yagona xattotlardan biri Habibullo aka. Hozir bir qator mamlakatlarda xattotlik juda rivojlangan. Masalan Turkiyada. Shuning uchun xattotlar maktabini yaratishimiz kerak. Xattotlik yaxshi yo‘nalish. Undagi har bir belgi va nuqtaning o‘z ma’nosi bor. Agar bu maktabni yaratmasak ancha orqada qolib ketamiz. Odamlar aytishi mumkin, bu qayerda kerak bo‘ladi, deb. Kerak bo‘ladi. Katta-katta ilmiy maktablar qurilyapti, til, tillarga bo‘lgan munosabatimiz o‘zgaryapti, demak, kerak bo‘ladi” - dedi prezident. Bu e’tibor xattotlikning yurtimizda o‘z o‘rni borligiga bir misol deyish mumkin.

Avvallari husnixat o‘rgatish eski maktabda harflarning nusxaga qarab, alifbo tartibida katta-katta qilib yozish «sarxat» deb atalib, ba’zan sarxat yozish bir-ikki yilga cho‘zilgan. Sarxat yozishga o‘rgatilgandan so‘ng «murakkabot», ya’ni harflarni bir-biriga qo‘yib yozib o‘rgatilgan. Murakkabotdan keyin «muqattaot» mashqi, ya’ni bayt va ruboiylar ko‘chirib yozish o‘rgatilgan. Eski maktabda muqattaotga juda ko‘p vaqt sarf qilingan. Bolalar duoyi salomni yozishni bilsalar, ularning xat-savodi chiqqan hisoblangan.[129] Arab yozuvining turli uslublarida namoyon bo‘lgani husnixat san’ati naqsh sifatida me’morchilik, o‘ymakorlik, kiyim-kechak, uy-jihoz bezaklari va badiiy ijodda tasvir vositasi sifatida keng qo‘llangan.

Xattotlik (husnixat) asosan 3 xil yo‘nalishda keng qo‘llanilgan. Bular quyidagilar:

1. Me`morchilik.

[129]Amirqulova Z. Husnixat metodikasining rivojlanish tarixi. – Toshkent: O‘qituvchi, 1997. – B.16.

2. Tasviriy san’at.
3. Badiiy ijod.

XIV–XV asr me’morchiligida imoratlarni o‘ziga xos yangi ma’lum maqsadga qaratilgan yechimlar asosida qurish bilan birga, ularni bezashda ham yangi usullar qo‘llaniladi. Binolarning peshtoqlari va xonalarning ichki devorlari qabartma rango-rang parchinlar, oq yoki zangori rang ustiga zarhal berilgan islimiy naqshlar, ba’zan esa epigrafik yozuvlar bilan pardozlanadi. Xuroson va Movarounnahrda XV va XVI asrlarda me’morchilik san’ati keng taraqqiy etgan.

Temur va Temuriylar davrida bunyod qilingan Samarqand, Hirot, Balx, Mozori Sharif, Xiva, Buxoro va boshqa shaharlardagi madrasa, masjid, maktab, xonaqoh va turli xil jamoat binolari, saroylar, ulug‘ zotlar maqbaralarning naqshini tashkil qilgan asosiy badiiy omillardan biri husnixat san’atidir. Agar biz Buxoro, Samarqand va Hirot shaharlaridagi o‘rta asr binolariga ko‘z tashlar ekanmiz, ulkan binolarning gumbazlari, peshtoqlari va binoning ichki bezaklarida husnixat asosiy o‘rinlardan birini ishg‘ol etganini ko‘ramiz. Kishi ko‘zini qamashtiruvchi koshinlar orasiga yozilgan turli o‘lchov, rang-barang bo‘yoqlardagi yozuvlar o‘zining rang, chiziq va shakliy mutanosibligi, jozibadorligi bilan kishini maftun qiladi.

Agar Yevropa xalqlarida tabiat manzaralari va jamiyat hodisalarini aks ettiruvchi katta polotnodagi rasmlar taraqqiy etgan bo‘lsa, bu xildagi monumental san’atdan biri O‘rta Osiyoda husnixat bilan ziynatlangan Sharq arxitekturasi—me’morchilik san’ati tashkil etgan. O‘rta Osiyoning klassik arxitektura yodgorliklari hisoblangan Samarqanddagi Registon, Shohizinda, Bibixonim madrasasi, Go‘ri Amir va Buxoro, Xiva binolarida naqsh sifatida kufiy, suls, riqo’, rayhoniy va nasx yozuvlari ishlatilgan. XIX va XX asrning boshlariga kelganda, O‘rta Osiyo me’morchilik san’atida ko‘proq nasta’liq xati qo‘llangan.Husnixatning san’at namunasi sifatida keng qo‘llangan sohasi yog’och, tosh va metalga ishlatilgan o‘ymakorliklardir. O‘rta Osiyodagi juda ko‘p saroy, madrasa, maqbara, masjid, darboza va ustunlarga diniy va dunyoviy mazmunda turli oyatlar, tarixlar va she’riy parchalar yozilganini ko‘rish mumkin. Go‘ri Amir darbozasi, Xivadagi tosh hovli ustunlariga yozilgan she’rlar, qabr toshlari ustiga o‘yilgan lavhalar, o‘rta asr qilich, qalqonlaridagi turli xil matnlar, uy-ro‘zg‘or asboblari, choydish, qumg‘on, barkash, lagan va tovoqlardagi yozuvlar fikrimizning ravshan dalili bo‘la oladi.



(Xivadagi tosh hovli)

(Go‘ri Amir darvozasi)

Husnixat san’ati naqsh sifatida Sharq mamlakatlari, shu jumladan, O‘rta Osiyoda gilam va matolar bezagida ham muhim o‘rin tutgan. So‘zlar bilan bezatilgan gilam, choyshab, dorpech, palak, libos, ro‘mol, belbog‘ va shunga o‘xshash uy jihozi va kiyim-kechaklarni juda ko‘p uchratish mumkin. O‘zbek xalqi uzoq asrlik tarixida yaratib qoldirgan merosida xattotlik san’ati alohida o‘rin egallaydi.

Arab harflari grafik shakllarining har biri mustaqil husnga ega bulib, ma’lum estetik joziba kasb etgani uchun badiiy adabiyotda ham tasviriy vosita sifatida keng qo‘llangan. Fors-tojik va turkiy tilda ijod etgan O‘rta Osiyo shoirlari arab harflaridan badiiy priyom vositasi sifatida foydalanganlar. Lirik qahramonning qomati “alif”ga o‘xshatilgan. Hijrondagi oshiqning bukilgan qaddi “dol”ga, mahbubaning zulfi “jim” harfiga, qosh-ko‘zi “nun”, tishlarini esa “sin” harflariga o‘xshatish tez-tez uchrab turadi. Arab harflarining grafik shakllaridan badiiy priyom sifatida foydalanish Hofiz Sheroziy, Lutfiy, Atoiy, Sakkokiy, Jomiy, Navoiy va Bobur asarlarida katta o‘rin olgan. Bu ajoyib poetik ijod an’analari so‘nggi asrlarda Mashrab, Munis, Ogahiy, Muqimiy va Furqat ijodida ham davom etgan.[130]

Bu sohada biz to‘plagan materiallar tasnifi arab harflaridan badiiy ijodda foydalanishning to‘rt xil usuli mavjud ekanini aniqlashga imkon berdi:

1. Shoirlar arab harflari shaklidan lirik qahramonning tashqi qiyofasi — suratini tasvirlash uchun foydalanganlar.

Misol:

*Tushganim Majnun bila Farhod ayog‘iga ko‘rib,*
*Goh tanimni “nun” (ن) qilib, gohi qaddim “dol”(د) aylamish.*

*(Navoiy)*

Ёки:

“Alif” (ا) dek qading yodida g‘am chekib,
Qadim hay’at aro “nun” (ن ) bo‘ldilo.

(Munis Xorazmiy)

2. Lirik qahramonning ichki dunyosi — surati so‘z o‘yini shaklida ifodalanadi.

Misol:

*Ko‘nglimga dard kelgali xam bo‘ldi qomatim,*
*Qadim magarki “dard” ayoqidog‘i “dol” (د) dur.*

*(Bobur)*

Mushkin qoshingni hay’ati ul chashmi jallod ustina,
Qasdim uchun “nas”(نص) kelturur “nun” (ن) eltibon “sod”(ص) ustina.

(Ogahiy)

3. Qahramonlarning ahvol — ruhiyasi biror so‘zning barcha harflariga yangi so‘zlar orqali ma’no berish usuli bilan ifodalanadi.

Misol:

[130] Murodov A. O‘rta Osiyo xattotlik san’ati tarixidan. – Toshkent: Fan, 1971. – B.91.

*“Jon”im ( جان) dagi “jim” (ج) ikki doming‘a fido,*
*Andin so‘ng “alif ”(ا) toza niholingg‘a fido.*
*“Nun” (ن) i dog‘i anbarin hilolingg‘a fido,*
*Qolgan ikki nuqta ( • •) ikki xolingg‘a fido .*

(Navoiy)

4. Xat uslublari nomlaridan ham badiiy ifoda sifatida foydalaniladi.
Misol:

Havoi hoki poying sharhini tahqiq edan mardum,
G‘ubor (غبار) ila bayozi didai xunbora yozmishlar,
Gulistoni sari quying sifatin bob-bob, ey gul,
Xati rayhon ( ریخان) ila jadval chekub gulzora yozmishlar.
Bog‘ lavhaini xazon bargi zarafshon aylar,
Ob ul lavhda mashqi xatti rayhon (ریخان ) aylar.

(Fuzuliy)

Xulosa qilib aytganda, O‘rta Osiyo xalqlarining badiiy ijodi va estetik tarbiyasida husnixatning o‘rni nihoyatda katta bo‘lgan, madaniy hayot va san’at tarixida eng muhim o‘rinlardan birini ishg‘ol etgan. O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti qo‘lyozmalar fondida mavjud minglab kitoblar va kitobat san’ati, husnixat to‘g‘risidagi qator risolalarda berilgan ma’lumotlardan husnixat san’ati O‘rta Osiyo xalqlarining ma’naviy madaniyat tarixida yetakchi rol o‘ynagan san’atlardan bo‘lgan degan xulosa chiqarish mumkin. Husnixatdan badiiy ijod, san’at va me’morchilikda unumli foydalanilganiga guvohi bo‘ldik. Hozirgi kunda ham husnixatdan shunday o‘rinlarda foydalanish davom etmoqda. Bundan husnixatning o‘rni hanuzgacha yuqori darajada ekanini bilishimiz mumkin.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Murodov A. O‘rta Osiyo xattotlik san’ati tarixidan. – Toshkent: Fan, 1971.
2. Amirqulova Z. Husnixat metodikasining rivojlanish tarixi. – Toshkent: O‘qituvchi.1997. – Б.16.

# ALISHER NAVOIY IJODIDA HIKMAT

**Munisa Sadat,**
Alisher Navoiy nomidagi
ToshDO‘TAU magistranti

Hikmatli so‘zlar, pand-nasihatlar hayot yo‘lida, jamiyatda insonlarni to‘g‘rilikka, ezgu ishlarga yo‘llash, yovuzliklardan xabardor etish va unga nafrat qilish maqsadida olim va dono kishilar, aqlu zakovat va irfon arboblari, mutafakkir va bilimdon insonlar, shoir va yozuvchilar tomonidan har doim bayon etilib va yozilib kelingan. O‘zbek xalqi va butun turk dunyosi, qolaversa, ilg‘or insoniyatning faxri bo‘lgan orif va mutafakkir, shoir va yetuk olim amir Nizomiddin Alisher Navoiy ham, boshqa ulug‘ shoirlar kabi, o‘zining serqirra badiiy ijodi va ilmiy asarlarida hayotiy tajribadan kelib chiqib, ko‘plab hikmatli so‘zlar va qimmatli aforizmlar yozib qoldirgan.

Ma’lumki, Alisher Navoiy zullisonayn shoir bo‘lib, u ikki til – chig‘atoy turkchasi va fors tilida ijod qilgan. Uning pand-nasihat va hikmatli so‘zlarini ikkala tilda yozilagan asarlarida ham uchratish mumkin. Biroq biz Navoiy ijodidagi hikmatli so‘zlarini o‘rganish uchun ulug‘ bobokalonimizning turkiy asarlarini asos qilib oldik. Alisher Navoiy asarlari ko‘p sonli va keng ko‘lamli bo‘lib, ularning hammasini qisqa muddat ichida ko‘rib chiqishning iloji yo‘q. Shuning uchun ham shoirning, asosan, “Mahbub ul-qulub” va “Xamsa”sining ba’zi masnaviylarini o‘rganib chiqdik. Boshqa tomondan qaraganda, ulug‘ shoir to‘g‘rilik, saxovat, vafodorlik, do‘stlik, mehnatsevarlik, himmat, qanoat, hayo, yaxshilik kabi insonning xulq-atvori, hayoti hamda jamiyat tizimining turli sohalariga tegishli mavzularida o‘z hikmatli so‘zlarini nazm va nasrda bayon etgan. Shunga ko‘ra, ushbu yozuvda shoirning o‘git va hikmatli so‘zlarini mavzu jihatdan tasniflab taqdim etishni lozim topdik.

**Yaxshilik qilish haqidagi hikmatlar.** Navoiy hayotda boshqalarga naf’ yetkazish va yordam berish, insonlarni mushkullarini yengillashtirishni katta insoniy fazilat deb biladi. Va bu ishi bilan inson boshqalarga emas, ko‘proq o‘ziga foyda yetkazishini ta’kidlaydi. Chunki birovga qilingan yaxshilik bir kun kelib, albatta, unga qaytadi:

*Yaxshiliq va yomonliqni kim qildi, kim jazo ko‘rmadi, saloh va fasod tuxmini kim ekdi kim o‘rmadi.*

*Yaxshilik tuxmini sochqilkim, budur dehqong‘a so‘z,*
*Har nekim ekding bugun, yorin hamon tut oni ko‘z.*

Ёки:

*Naf’ tegurmakka shaor aylading,*
*O‘zingga ul naf’ni yor aylading.*

Shoirga ko‘ra, har bir inson o‘zining qadri va holicha yaxshilik qilishiga intilishi lozim, agar birovga ish bilan foyda yetkazish qo‘lidan kelmasa, yaxshi so‘z bilan ham uning ko‘nglini ko‘tarishi yaxshilikdir:

*Xayr muyassar emas har el bila,*
*Naf' tegurmak ham o'lur til bila.*

Ёки:

*So'z bila naf' o'lmasa el peshasi,*
*Yaxshi kerak ko'nglida andishasi.*

Aksincha, birovga foyda yetkazish o'rniga, unga zarar berish, yomon ishlardan biri bo'lib, hayotda bu ham javobsiz qolmaydi. Ya'ni birovga zarar yetkazgan kishi o'ziga zarar bergan bo'ladi. Bu ma'noni shoir go'zal tashbehlar bilan bayon etadi:

*Ulki zarar shevasini tavr etar,*
*Elga demakim, o'ziga javr etar.*

Ёки:

*Ulki ushotur bosibon shishani*
*Qilmas ayoq zahmidin andishani.*

Agar birovning qo'lidan yaxshilik kelmasa, birovga foyda yetkaza olmasa, bori yomonlik ham qilmasligi, zarar ham yetkazmasligi lozim:

*Har kishikim, topsa davron ichra johu e'tibor,*
*Kim oning zotida bedodu sitam bo'lg'ay qiliq.*
*Yaxshilig' gar qilmasa, bori yomonlik qilmasa,*
*Kim yomonlig' qilmasa, qilg'ancha bordir yaxshilig'.*

Navoiyga ko'ra, yomonlik va yovuzlik, insonlarga zarar yetkazish, sifla va pastkash kimsalarning xislati hisoblanadi:

*Sifla nishonasi sharoratdurur,*
*Shu'laga biltab haroratdurur.*

**Tarbiyaga doir hikmatlar.** Ma'lumki, adabiyot asarlari o'zining badiiy xususiyati bilan bir zamonda tarbiyaviy xususiyatga ham egadir. Ya'ni insonlar adabiy asarlarni o'qib, unda bayon etilgan ezgu fikrlar va tasvirlangan ijobiy qahramonlarning misolida tarbiyalanadilar va hayot yo'lida o'zlariga eng ma'qul va to'g'ri ravishni tanlashga imkon topadilar. Biroq, shoirning fikricha, har kimni ham tarbiyat qilib bo'lmaydi. Faqatgina tarbiyatga qobil kishilarni tarbiyalash mumkin, ammo tarbiya ko'rish qobiliyati bo'lmagan kishilarni tarbiyalashga urunish – bu vaqtni behuda zoye' etmak va foydasiz mehnat chekishdan boshqa narsa emas. Navoiydan eshitaylik:

*Hobilg'a tarbiyat qilmoq zulmdir, noqobilg'a tarbiyat hayf. Ani adam tarbiyat bila zoe' qilma va munga tarbiyatingni zoe' qilma*. Qit'a:

*Hobilg'a tarbiyat erur ul navkim, guhar*
*Tushsa najosat ichra qilg'ay kimsa oni pok.*
*Gar it uzumiga kishi may birla bersa sut,*
*Bu tarbiyat bila qila olg'aymu oni tok?*

Yana noqobil kishiga tarbiyatning ta'sirsizligi ushbu qit'ada ham go'zal bayon etilgan:

*Nokasu nojins avlodin kishi bo'lsin debon,*
*Chekma mehnatkim, latif o'lmas kasofat olami.*

*Chun xutuk birla kuchukka necha qilsang tarbiyat,*
*It bo‘lur, dag‘i eshak, bo‘lmaslar aslo odamiy.*

**Ish va mehnatsevarlikka doir o‘gitlar.** Ish va zahmatkashlik inson uchun eng asosiy va hayotiy xususiyat hisoblanadi. Olimlarga ko‘ra, inson boshqa mavjudotlardan farqli o‘laroq, rivojlanib, bugungi darajaga erishgan bo‘lsa, uning eng muhim omili ham mehnatkashlikdir. Inson ish faoliyati natijasida jismoniy jihatdan hamda ma’naviy jihatdan rivojlanadi, takomillashadi, madaniyatlarni yaratish va o‘ziga osuda hayot qurish shartlarini ijod etishga qodir bo‘ladi. Bu muhim masala ulug‘ shoirimiz nazaridan yashirin qolmagan, albatta. Quyidagilar Navoiyning ish va mehnat ahamiyati haqida bayon etgan durdona hikmatli so‘zlaridan:

*Mehnat aro har kimki, tahammul yo‘q anga,*
*Tarviyijga mutlaqo taxayyul yo‘q anga.*

Ёки:

*Ishidin anga hosil o‘lmas firoq,*
*Yemay ko‘p uzun kecha dudi chiroq.*

Yuqoridagi baytlarda, ranj va mehnatning foydasi, inson uchun ranjsiz rohat yo‘qligi, dengizga kirmasdan gavhar qo‘lga kiritilmasligi urg‘ulangan.

Pand va hikmat badiiy asarlar tarkibida muhim o‘rin egallaydi, barcha shoir va yozuvchilar o‘z asarlarida bilvosita yo bevosita o‘quvchiga inson hayotining turli sohalariga oid o‘git berishga harakat qiladilar. Biroq ushbu pandu nasihatlar va hikmatlar ixcham va serma’no so‘z va iboralar, jumlalar, misra va baytlarda o‘z ifodasini topadi.

Amir Nizomiddin Alisher Navoiy orif va mutafakkir, shoir va davlat arbobi sifatida katta hayotiy tajribaga ega bo‘lib, o‘z tajriba va bilimlarini o‘quvchilari bilan o‘rtoqlashadi. Va har mavzudagi bilimini go‘zal shoirona bayt va misralar, san’atkorona nasriy jumlalarda bayon qiladi. Mazkur muammolarga o‘quvchilar e’tiborini jalb etadi. Kitobxonlar Navoiy asarlarini o‘qib, undan badiiy lazzatlanish bilan bir zamonda, shoirning mutafakkirona pand va hikmatlaridan va nasihatlaridan keng miqyosda foydalanishlari mumkin. Chunki uning “Xazoyin ul-maoniy” kulliyotini tashkil etgan devonlari, “Xamsa”sini tashkil etgan besh bebaho masnaviysi, shuningdek, irfoni vahdat ul-vujud tushunchasini tasvirlovchi “Lison ut-tayr” manzum dostoni, axloqiy-tarbiyaviy asari bo‘lmish “Mahbub ul-qulub” va boshqa manzum va mansur asarlarida pandu hikmat to‘la ko‘plab baytlar, jumlalar uchraydi va ular tezda zehnga o‘rnashib qoladigan kuchli ta’sirga ega. Ixcham ibora va jumlalar, hikmatli so‘zlar va aforizmlar tarzida bayon etilgan. Bular buyuk shoirning barcha hayotiy sohalarida insonlarga yo‘l ko‘rsatish, yaxshi-yomonni tanib olishga yo‘llovchi sifatida yordam qilishga qaratilgan qimmatli fikr va hikmatlardir.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Dehxudo Ali Akbar. Amsol va hukm. 4 jild. 6-nashr. Tehron, “Sipehr” nashriyoti, 1363 h.

2. Hotamov N., Sarimsoqov B. Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o‘zbekcha ihzoli lug‘ati. – T.: “O‘qituvchi”, 1983.
3. Navoiy, Mir Alisher. Mahbub ul-qulub. Leningrad, Moskva Til va adabiyot instituti. 1984.
4. Navoiy, Alisher Hikmatli so‘zlar. – T.: O‘zSSR kompartiyasi markaziy komiteti nashriyoti, 1985.
5. Navoiy, Alisher. Hikmatlar. – T.: “O‘qituvchi”, 1985. To‘plovchi, so‘zboshi va ihzolar muallifi E.Ochilov.
6. Yozir Hamdi. Haq Dini, Qur’on tili ismli tafsirini musavvedalari Istanbul, “Tibyoziy Mahdud”, 1935.
**7.** Atish Furufach Sulaymon. Qur’oni kerimin yuse meali. Istambul, “Hayot yoyinlari”, 2017.

**М У Н Д А Р И Ж А :**

*Содиқов Қосимжон Позилжонович*. Илк ўрта асрларда
Марказий Осиёдаги тил вазияти .....3
*Исломов Заҳид Маҳмудович*. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг қадим
луғатшунослик тарихидаги ўрни .....10
*Зоҳидов Рашид Фозилович*. “Саботул ожизин” шарҳлари тадқиқи .....17
*Абдулла Ўразбоев Дурдибаевич*. “Ўзбек мумтоз адиблари
электрон луғатини яратиш” – давр талаби .....25
*Пардаев Қўлдош Узоқович*. Муқимий дастхатида ёзилган манбалар таҳлили .....30
*Абдулхайров Манзар Хусанович*. Бобур лирикасига бир назар .....36
*Амонов Шермуҳаммад Нормуротович*. Табибий достонлари ҳақида .....39
*Шукурова Зилола Юсуфовна*. «Қисаси Рабғузий»нинг
нодир қўлёзмаси ва тошбосма нусхалари қиёси ва таҳлили .....42
*Қораев Шерхон Пўлатхонович*. Алишер Навоий асарлари
риндлар адабий мажлислари манбаси сифатида .....46
*Xurramova Zebiniso Safarboyevna*. “Samariya”da yashab qolgan
Abdulmo‘min Sattoriy .....51
*Атаев Азамат Пўлатович*. VIII – XIII асрлар Хоразм адабий муҳити
манбашунослиги (“Муқаддамату-л-адаб”нинг айрим қўлёзма
нусхалари мисолида) .....54
*Кобилова Зебохон Бакировна, Суғдиёна Эргашева*. Амирий ва Фазлий .....57
*To’xtamurodov Furqat Safarmurodovich*. Muhsiniy she’riyatida matn tahriri .....61
*Бабаназаров Ихтиёр Мадиримович*. “Атвоқ уз-заҳаб...”дан илҳом олган
“атвоқ” ва “заҳаб”лар (Асар таржималари мисолида) .....66
*Мансуров Собир Ҳамроевич*. “Гулшани дилафгор”асаридаги шеърлар талқини .....71
*Saidjanova Zebo Komilovna*. An’anaviy poetik obrazlar jilosi .....75
*Махамедова Гулрух Абдуқаҳҳор қизи*. Алишер Навоий
“Арбаъин”идаги бир ҳадис шарҳи .....85
*Zafar Mahmudov*. Qo‘lyozmalar fondida saqlanayotgan
“Devoni hikmat” asarlarida Yassaviya maktabi shoirlari .....91
*Жаҳонгир Турдиев*. Туркий “Меърожнома”даги лексик бирликлар таснифи .....98
*Аъзам Қамбаров*. “Бадойеъ ас-санойеъ фи тартиб аш-шароиъ” асарининг
қўлёзма ва нашрлари .....102
*Dilorom Fayziyeva*. Xoja Orif Revgariyning “Orifnoma” asarining o‘rganilish tarixi .....106
*Mustafo Yunusxo‘Jayev*. Jaloliddin Rumiyning
“Ma’naviy masnaviy” asarining yaratilishi, lisoniy tuzilishi .....109
*Ҳасан Қодиров*. Қадимий қўлёзмалар номини ҳужжатлаштириш
тартиби ва қоидалари .....113
*Fayzullajon Abdulxamidov*. Alisher Navoiy asarlarida iqtibos san’ati .....115
*Tura Tosh Muhammad Zarif*. “Mahbub ul-qulub” da matn talqini
muammolarining o‘rganilishi .....118
*Xurshidabonu Muxitdinova*. “Qissai Farhod va Shirin”da nazmiy parchalar .....122
*Madinabonu Pardayeva*. “Nazm ul-javohir” asarida so‘z talqini .....126
*Abdurashidova Noila Damin qizi*. Zaruriy ehtiyoj! .....130
*Almardonova Aziza*. Ahmad Yassaviy ijodida nafs talqini .....133
*Maxmuda Yuldasheva*. “Hayrat ul-abror” dostonida adolat vasfi .....137

*Қодирова Зуҳра Обидхон қизи*. “Ҳадойиқ ус-сеҳр” асарининг
Шарқ мумтоз адабиётида тутган ўрни .....143
*Mino Karvoniy*. Mavlono Lutfiy she’riyatida talmeh san’ati .....149
*Nargiza Shirinova*. Me’morlik, tasviriy san’at va ijodda husnixatning o‘rni .....152
*Munisa Sadat*. Alisher Navoiy ijodida hikmat .....156